

RASULOV RAVSHANXO'JA

*UMUMIY
TILSHUNOSLIK*



FF 41000018111

TOSHKENT

81.633.1

R 24


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

RASULOV RAVSHANXO'JA


UMUMIY TILSHUNOSLIK

Respublika oliy o'quv yurtlari o'zbek filologiyasi fakulteti
bakalavrlari uchun darslik

5111200 - o'zbek tili va adabiyoti



Y-7832/9



8306

TOSHKENT - 2013



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛОВ РАВШАНХЎЖА

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК

*Республика олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультети
бакалаврлари учун дарслик*

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти

5111400 – Хорижий тил ва адабиёти

ТОШКЕНТ–2013

Дарсликда умумий тилшунослик фани, жаҳон тилшунослиги тарихининг асосий босқичлари, етакчи йўналишлари, мактаблари, таълимотлари ва тилшунос алломалар ҳақида маълумот берилади.

Ишда тилшуносликнинг илмий-назарий ва фалсафий муаммолари: тил ва нутқ, тил ва нутқ бирликлари, субстанция ва форма, система ва структура, семиотика, тилнинг икки жиҳати, синтагматика ва парадигматика, типология каби муҳим ва мураккаб масалалари ҳамда тилшуносликнинг қатор диахрон ва синхрон тадқиқот методлари ҳақида фикр юритилади.

Дарслик тилшуносларга, республика олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетларининг бакалаврларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ҳамид Неъматов - филология фанлари
доктори, профессор

Тақризчи: Саодат Муҳамедова - филология фанлари
доктори

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан дарслик сифатида тавсия этилган.**

Мухаррирдан

Тилшунослик бўйича республика олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар ичида «Умумий тилшунослик» ўқув фани дарслик ва қўлланмалар билан таъминланганлик жиҳатидан энг камбағал десак, хато бўлмайди. Кейинги 25 йилдан ортиқ вақт давомида бу йўналишда ҳеч нарса эълон қилинмаган. Шунга кўра Р.Расуловнинг ушбу дарслигига талаб ва эҳтиёж жуда катта.

Дарсликнинг кириш бўлимида муаллиф умумий тилшунослик ўқув фани қизиқтирадиган масалаларни жуда тўғри санаб ўтади ва режалаштирган дарслигининг уч қисмдан иборат эканлигини айтиб, бунинг сабабларини очиб беради.

Дарсликнинг биринчи қисми тилшунослик тарихи масалаларига бағишланиб, ўз ичига олти бобни олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дарслик ўзбек толиби илмларига мўлжаллаб ёзилган. Шу боис унда тилшунослик фани ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд аз Замахшарий, Алишер Навоий, Мирзо Меҳдихон каби шарқ алломаларининг лингвистик мерос ва талқинлари таҳлилига катта эътибор берилган. Бу эса мазкур дарсликнинг қиммат ва аҳамиятини кескин оширувчи омилдир.

Муосир ўзбек тилшунослигида замонавий таҳлил усулла-рининг шаклланиши, ривожланиши ва оммаланиши совет линг-вистикасида Иван Мешчанинов, Лев Шчерба, Евгений Поливанов, Виктор Виноградовларнинг таълимотлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли дарсликнинг бешинчи бобида худди шу тилшуносларнинг лингвистик қарашларини атрофлича шарҳлайди.

Дарсликнинг олтинчи бобида ўзбек тилшунослиги тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшган ўндан ортиқ тилшунос олимнинг илмий фаолияти ва лингвистик қарашлари муфассал ёритилади. Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш керакки, бунда ҳам муаллиф персоналия усулидан бориб тўғри йўл танлаган.

Дарсликнинг навбатдаги иккинчи қисми тилшуносликнинг назарий масалаларига бағишланган бўлиб, у ўн бир бобдан ташкил топади. Бунда жуда асосли ва тушунарли шаклу мазмунда шарҳланганидек, бамисоли тил (лисон) айна бир замонда ҳам ижтимоий, умумий ҳамда хусусий (шахсий, индивидуал) моҳиятли эканлигидай, фан ҳам ижтимоий ва шахсий каби зиддиятли мазмун – моҳиятга эгадир. Академик Сергей Вавиловнинг ўз чиқишларидан бирида: «Фан – бу олим деб аталувчи айрим шахсларнинг ўз қизиқишларини жамият(давлат) маблағи ҳисобидан қондиришларидир» - деб ҳазиломуз айтган гапида катта ҳикмат ва ҳақиқат яширинган. Камолотга етган олимнинг эҳтиёжи шу даражага кўтарилдики, бу шахсий эҳтиёж, ижтимоий зарурат жамият ривожини шартлари билан уйғунлашади – шахс ва жамият тавҳиди юзага келади. Ўтган аср фанида Дмитрий Менделеев, Альберт Эйнштейн, Энрико Ферми, Игорь Курчатов, Сергей Королев, ўзбек олимлари Ҳабиб Абдуллаев, Собир Юнусов, Иброҳим Мўминов, Абдурауф Фитрат, Аюб Ғуломов кабиларнинг фаолияти бунинг ёрқин намунасидир. Бундай олимлар жамият эҳтиёжларини ўз эҳтиёжлари деб билади ва уни

қондиришга интилади. Ушбу дарслик ҳам мана шундай ижтимоий эҳтиёж туйғусининг шахсий қизиқиш, илмий дунёқарашини умумлаштириш шаклида воқеланиш кўринишларидан биридир. Тилшунослигимизда дунёқараш, фаннинг маълум тараққиёт босқичини умумлаштиришга улкан эҳтиёж мавжудлигидан эса, жумладан, академик Азим Ҳожиевнинг лисоний бирликлар табиати ҳақидаги мақолалари силсиласи, профессор Шавкат Раҳматуллаевнинг «Ҳозирги адабий ўзбек тили» дарслиги далолат бериб турибди. Равшанхўжа Расуловнинг ушбу дарслиги ҳам шу турдаги умумлаштириш маҳсулидир. Унда муаллиф ўз лингвистик дунёқарашини, узоқ йиллар давомида тадқиқ этиб келаётган манбаи – тил табиатини тушуниши ва талқин қилишини умумбашарий илмий кадриятлар заминида китобхонга етказишга интилади. Шу хусусияти билан бу дарслик алоҳида аҳамиятлидир – унда шахсий қизиқишлари ижтимоий эҳтиёж билан тавҳидлашган олимнинг тил ва тилшунослик моҳиятига қарашлари ўз ифодасини топган. Шунинг учун бу иш ҳам олдин санаб ўтилганлар билан бир қаторда туриб, ўзбек тилшунослигининг я н г и с и ф а т б о с - қ и ч и г а кўтарилаётганлигидан, мана шу сифат босқичи бўсаға ва пиллапоялари шаклланаётганлигидан далолат беради. Дарсликда таҳлил ва талқин учун танланган муаммо ва тушунчалар мана шундай зинапоя барпо қилиш учун зарур бўлган қурилиш материалларидир – улар жуда оқилона ва пухта ўйлаб танланган. Уларнинг барчаси битта етакчи омилга – тил тадқиқи жараёнида диалектикадан онглилик ва изчиллик билан амалий фойдаланиш, ўз тадқиқоти, ҳукмлари, хулосаю тавсияларида – провард оқибатида фанда (тилшуносликда, ўзбек тилшунослигида) – мустақилликни, ҳукмларнинг ўзи ўргана-ётган манба табиатига, яъни (ўзбек тили қурилишига) мувофиқ-лигини таъминлашга, фанни пайравликдан, онгсизона эргашиш-дан халос қилишга, тилшунослик фанини миллий истиқлол олдимишга қўйган буюк вазифа – ижодий тафаккур соҳибини етиштириш, унда миллий ғурур ва миллий мафқурани шакллантиришга хизмат қилдиришга қаратилган савоб, бу кун талабларидан келиб чиқадиган ишлардир. Албатта, муаллиф-нинг барча талқинларини тўла-тўқис қабул қилиш, уларга кўр-кўрона эргашиш, уларни айнан такрорлаш мумкин эмас ва бундай ёндашишни муаллиф тарғиб ва ташвиқ этаётган диалектик методологиянинг ўзи ҳам, тадқиқ манбаи бўлган тилнинг серқирралиги ва зиддиятлиги ҳам рад этади. Лекин бундай масалаларнинг қўйилишининг ўзи фанимиз учун инқилобий бурилиш, маънавий-методологик мустақиллик нишонларидир.

Сиёсий мустақилликдан кейин иқтисодий мустақилликка, ундан кейин маънавий мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш эса барчамиз – Ватанимиз, жамиятимиз, онгимиз, таълимимиз олидида турган энг муҳим вазифадир.

Дарсликнинг навбатдаги учинчи қисми тилшунослик методлари ҳақида бўлиб, у ўз ичига икки бобни олади. Бу қисм ва унда кўтарилган масалаларнинг ўзига хос мустақил аҳамияти шундаки, мазкур ўзига хослик ишнинг ҳар қандай фанда, жумладан, тилшуносликда, алоҳида мавқега эга

бўлган илмий тадқиқот методлари масаласига бағишланганлиги билан боғлиқдир. Юнон олими Архимеднинг: “Таянч нуктани беринг, мен ричаг билан Ерни кўтараман” деган гапи бежиз эмас: ҳар бир тадқиқотчи учун методология, дунёқараш таянч нукта бўлса, унинг “ричаг”и тадқиқ методлари, ўрганиш манбаининг айрим-айрим қирраларини тавсифлаш усул, йўл ва воситаларидир. Онгли, пухта ўзлаштирилган ва уқилган тадқиқ методи билан қуролланмаган олимни иш қуролларига эга бўлмаган ва нима қилиши кераклигини билмаган “уста-ҳунарманд”га қиёслаш мумкин. Ҳеч бир илмий изланиш тадқиқ методисиз амалга оширилмайди, лекин, афсуски, уқилган, имкониятлари нима билан чекланганлиги тадқиқотчининг онгига бориб етган метод асосида яқунланган илмий изланиш маҳсули фанда ҳар қадамда учрамайди. Жуда кўп илмий ишлар уқилмаган пайравлик, эргашиш, олдинги тадқиқотлар “намуна”лари асосида бажарилади. Р.Расуловнинг бу дарслиги метод ва маълум метод асосида тилнинг айрим-айрим қирраларини тавсиф этиш тушунчасини таълим олувчи онгига сингдиришга қаратилган. Муҳими шундаки, муаллиф тилни ва унинг айрим бирликларини, бўғинларини т у р л и методлар билан ўрганиш турли хил хулосаларга олиб келиши – бир метод асосида олинган хулоса шу birlikни бошқа усул билан ўрганиш натижасида чиқарилган ҳукмга зид бўлган ҳолда ҳам ўрганилаётган нарса моҳияти тавсифини тўлдириши, бир ҳодисага хилма-хил таърифлар бериш зиддият эмас, балки манбанинг турли қирраларини очиш ва унинг маъзига чуқурроқ кириш эканлигини ёшлар онгига сингдиришга интилади.

Хулоса шуки, Р.Расуловнинг ушбу дарслиги истиқлол даври-даги дастлабки (биринчи) оригинал тадқиқот бўлиб, талабалардек келажак бунёдкорларига мўлжаллаб ёзилганлиги билан, долзарб масала ечими сари мустаҳкам бир қадам эканлиги билан муҳим-дир, уни қутлаш, ҳимоя этиш ҳамда ривожлантириш зарурдир.

Дарслик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўп фикрлик, талқин эркинлигини оммалаштиришдек улкан вазифани амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бугунги Ўзбекистонимизнинг миллий-маданий ва илмий-маънавий тарққиётига муносиб бир ҳисса бўлиб қўшилишига аминман, унинг нашри ва оммалаштирилишини кечиктириб бўлмайдиган иш деб биламан.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
филология фанлари доктори, профессор
Ҳамид Неъматов. Бухорои шариф, 2009 йил

Сўзбоши

*Маорифимиз фидойиси Расулхўжа
отамизнинг ва Матлубахон онамизнинг
порлоқ хотираларига бағишлайман.*

«Умумий тилшунослик» фани тилшунослик фанлари сирасида энг мураккаб ва кенг қамровли илмий-назарий, фалсафий фан сифатида ажралиб туради. Ушбу фаннинг мураккаблиги, кенг қамровли ва фалсафий фан эканлиги бевосита ўрганиладиган ўта жиддий муаммолар билан, фикр юритиладиган долзарб масалалар билан, лисоний ҳодисаларнинг (фактларнинг) моҳияти билан, уларга қайси нуқтаи назардан ёндашиш билан, уларни чуқур таҳлил қилиш ва улардан объектив илмий хулосалар чиқариш билан белгиланади.

«Умумий тилшунослик» фанининг фаоллик кўрсатиш чегараси «чексиз» бўлиб, айти фан ўз кузатишларини жаҳон тилшунослиги тарихидан - етакчи мактаблар ва йўналишлардан бошлаб, ҳозирги тилшуносликнинг энг муҳим ва мураккаб назарий муаммоларини, ғояларини, шунингдек, лисоний тадқиқот методларини ўрганиш билан – нафақат тилшуносликнинг, балки барча фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қиладиган диалектик фалсафа ҳамда тарих, психология, мантиқ каби фанларга ҳам бевосита алоқадор бўлган масалаларни қамраб олиши билан яқунлайди.

Айтилганларнинг исботи сифатида «Умумий тилшунослик» фани ўрганадиган асосий муаммолар қаторига қуйидагиларни киритамиз:

1. Тил ва жамият (миллат).
2. Тил ва тарих.
3. Тил ва тафаккур.
4. Тил ва тараққиёт.
5. Тил ва маънавият.
6. Тил ва дин.
7. Тил ва нутқ.
8. Тил(нутқ) бирлиги ва маъно (мазмун).
9. Тил ва ёзув.
- 10.Тил семиотик объект сифатида.
- 11.Тил система ва структура сифатида.
- 12.Тилда субстанция ва форма.

13. Тилни тадқиқ қилиш методлари ва бошқалар.

«Умумий тилшунослик» фани талабаларга нима учун керак?

«Умумий тилшунослик» фани, даставвал, талабаларни назарий жиҳатдан тайёрлаш учун, уларни шу йўналишда пухта, «хушёр» қилиш учун зарур. Назарий масалалар билан мукамал қуролланган талабаларгина (нафақат талабалар) том маънодаги филолог - тилшунос сифатида шаклланади. Шунингдек, улар тил ҳодисалари таҳлилидан илмий хулосалар, ғоялар чиқара олади, ҳодисалар моҳиятига алоҳида эътибор беради, назария билан амалиётни диалектик муносабатда олади. Тил ва нутқни, уларнинг бирликларини чуқур ўрганиш жараёнида диалектик фалсафанинг қатор қонунлари ҳамда умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, шакл ва мазмуни каби қатор категориялари нуқтаи назаридан, шуларга асосланган ҳолда, фикр юритади, кузатишлар олиб боради.

«Умумий тилшунослик» фани талабаларнинг умумлингвистик тайёргарлигини, назарий ва амалий билим даражасини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, тилшунослик тарихидан атрофлича хабардор қилади. Янги назария ва фактик материаллар билан таништиради, мустақил, ижодий фикр-мулоҳаза юритишга, изчилликка ўргатади, назарий савиясини юксалтиради, уларни илмий - лисоний тадқиқотнинг методо-логияси, методикаси ва методлари билан қуроллантиради.

«Умумий тилшунослик» фани ҳақида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, ушбу фан бўйича рус ҳамда ўзбек тилшунослигида яратилган ишларга ижодий ёндашган ва улардан фойдаланган ҳолда дарсликда қуйидаги долзарб масалаларга қуйидаги тартибда тўхталдик, фикр юритдик.

Булар:

1. Тилшунослик тарихи.
2. Тилшуносликнинг назарий масалалари.
3. Тилшуносликнинг тадқиқот методлари.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ТИЛШУНОСЛИК ТАРИХИ

1. ҚАДИМГИ АСРЛАР ТИЛШУНОСЛИГИ

Тилшунослик алоҳида, мустақил фан сифатида XIX асрнинг биринчи чорагида (1816 йилда) фанлар оламига кириб келди. Шак-шубҳасиз, тилшунослик ҳам бошқа қатор фанлар каби тадқиқотлар, тажрибалар, изланишлар, ғоялар, кузатишлар натижаси, «маҳсули» сифатида ўзининг алоҳида ўрганиш объектига ва текшириш методига эга бўлди.

Қатъий айтиш мумкинки, жаҳон тилшунослиги фани ҳам шу кунги тараққиёт босқичига етиб келгунча узоқ тарихий тараққиёт даврини, «ўсиш» даврини босиб ўтди. У турли мактаблар, оқимлар, таълимотлар таъсирида бўлди, олимлар томонидан лисоний ҳодисалар ҳақида айтилган фикрлар қарама қаршилигига, тил ҳодисалари ҳақида яратилган жуда кўплаб манбаларга «гувоҳ бўлди», шаклланди. Аниғи, тилшунослик фани ҳам жаҳон фанлари системасида ўзига хос ва ўзига мос доимий мустаҳкам ўрин эгаллади.

Тилшунослик фанининг қадимги энг муҳим манбалари, таълимотлари, мактаблари илк бор қадимги Ҳиндистон, Юнонистон, Рим ва Хитой мамлакатларида майдонга келди.

Ўрта ва янги асрларда эса тил ҳақидаги фан Европада, Арабистонда ва Ўрта Осиёда тараққий қилди.

ҚАДИМГИ ҲИНД ТИЛШУНОСЛИГИ

Қадимги Ҳиндистон жаҳон тилшунослиги тарихида тилшунослик фанининг бешиги, маркази сифатида тан олинади ва умум томонидан эътироф этилади. Бу – мутлақ ҳақиқат. Чунки тил масалаларига бўлган қизиқиш, тилга оид ҳодисалар билан жиддий ва пухта шуғулланиш илк бор Ҳиндистонда – ҳинд олимлари, филологлари томонидан бошлаб берилди. Айни жараённинг бошланиши даставвал соф амалий аҳамиятга эга бўлди. Аниқроғи, 15 аср илгари ёзилган қадимги ҳинд адабий тили ёзувида -

санскритда яратилган қадимги ҳиндларнинг диний мадҳиялари – Ведалар¹ тили даврлар ўтиши билан мамлакат аҳолисининг сўзлашув тилидан (пракритдан) фарқланиб қола бошлади. Бошқача айтганда, қадимги ёзма ёдгорликлар тили (ёзма нутқ) билан сўзлашув тили (жонли нутқ) орасида ажралиш, номослик, «зиддият» юзага келди. Ушбу зиддиятни, фарқланишни йўқотиш учун ҳинд олимлари қадимий ёзма ёдгорликлар тилини ўрганишга, тадқиқ қилишга, уларни оммавийлаштиришга жиддий киришдилар. Улар қадимги Ҳиндистонда алоҳида эътиборга, ҳурматга сазовор бўлган Ведалардаги маъноси тушунарли бўлмаган сўзларни аниқлаб, уларнинг маъносини изоҳладилар, шарҳладилар. Ведалар тилига оид махсус изоҳли луғатлар туздилар, матнни фонетик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилдилар. Хуллас, Ведалар тилидаги сўз ва жумлалар маъносини, уларнинг аниқ талаффузини, шаклини сақлаб қолишга бўлган қатъий интилиш қадимги Ҳиндистонда тилшуносликнинг юзага келишига асосий сабаб бўлди.

Ҳиндлар қадимий даврнинг энг буюк фонетикачилари ва грамматикачилари сифатида танилганлар. Улар фонетика соҳасида юнонлардан ҳам олдин унли ва ундош товушларни фарқлаганлар, портловчи ва сирғалувчи, жарангли ва жарангсиз товушларни, товуш бирикмаларини, бўғин, урғу, интонация, чўзиқлик ва қисқалик каби фонетик ҳодисаларни, жараёнларни билганлар. Шулар юзасидан мукамал маълумотлар қолдирганлар. Қадимги ҳинд тилшунослигида фонема ҳақида ҳам муайян тушунчалар бўлган.

Қадимги ҳиндлар сўзларнинг фақат маъно томонидагина эмас, балки товуш томонида ҳам ўзгаришлар бўлишини билганлар. Шунга кўра улар сўзларнинг товуш жиҳатига алоҳида эътибор берганлар. Товуш ҳақида, товушларнинг ўзгариши ҳақида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Шунингдек, қадимги ҳиндлар товушларнинг физиологик – артикуляцион хусусиятлари, бошқа товушлар билан алмашилиши, бир товушнинг бошқа товуш таъсири билан ўзгариши (комбинатор ўзгариш) каби ҳодисаларни аниқлашга ҳам эътибор берганлар. Улар товушларнинг артикуляцион – физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тасниф қилганлар. Шу асосда, юқорида айтилганидек, товушларни унли ва ундошларга ажратганлар, нутқ аъзоларининг яқинлашуvidан унлилар, бир-бирларига таъсирдан, яъни тегишидан ундошлар ҳосил бўлишини қайд этганлар.

¹ Ведалар-ўн китобдан иборат бўлган диний мадҳиялар-гимнлар, диний кўшиқлар ва афсоналар тўплами. Буларнинг ичида энг қадимийси ва энг муҳими Ригведа (мадҳиялар тўплами) ҳисобланади.

Агар юнон филологлари товуш алмашинуви масаласига умуман аҳамият бермаган бўлсалар, ҳинд тилшунослари бу жараёнга алоҳида эътибор берганлар, тадқиқот олиб борганлар, айтилиши жараёнининг ўзига хосликларини аниқлаб берганлар. Қиёсланг: санскрит тилига оид сўзларда, масалан, *vidma* – сўзи «биз биламиз» маъносини берса, *veda* «мен биламан» тушунча-сини, *vaidyas* – сўзи эса «олим», «илмли» маъносини беришини кўрсатиб берганлар. Қайд этилган маъно (тушунча) ўзгаришлари эса *i – e - ai* унли товушларнинг алмашинуви натижаси эканлиги ҳақида ишонарли, асосли фикрларни баён қилганлар.

Қадимги ҳинд тилшунослари грамматика – морфология соҳасида ҳам анча ишларни амалга оширдилар. Улар бу йўналишда ҳам грек тилшуносларидан анча илгарилаб кетдилар. Аниқроғи, ҳинд тилшуноси Гуру морфологиянинг уч бўлимдан ташкил топишини аниқ кўрсатиб беради ва унга қуйидагиларни киритади: 1. Сўзлар таснифи (сўз туркумлари). 2. Сўз ясалиши. 3. Сўз ўзгариши.

Ҳиндлар тўртта сўз туркумини фарқлаганлар: от, феъл, олд кўмакчи ва юклама.

Ҳиндларда от предмет ифодаловчи, феъл эса ҳаракат, ҳолат ифодаловчи сўз сифатида берилади. Олд кўмакчилар эса отларнинг, асосан, феълларнинг маъносини белгилайди. Юкламалар эса маъноларига кўра 1) боғловчи ва 2) қиёсловчи каби турларга ажратилади. Олмош ва равишлар эса от ва феъл туркумларига қўшиб юборилган, алоҳида ажратилмаган.

Юнонлардан фарқли ҳолда ҳиндлар сўз туркумларини гап бўлақларидан фарқлаганлар, яъни улар билан қориштирамаганлар, адаштирамаганлар. Шунга кўра ҳиндлар, юқорида айтилганидек, отларни предмет, феълларни ҳаракат ифодаловчи сўз сифатида «баҳолаганлар».

Қадимги ҳиндлар сўзларни таҳлил қилиш, таркибини ўрганиш жараёнида уларни қуйидаги бўлақларга ажратганлар: 1) ўзак, 2) суффикс, 3) кўшимча (турловчи кўшимча). Шунинг-дек, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи морфемалар фарқланган.

Европа олимлари ҳинд тилшуносларининг ишлари билан яқиндан танишиб, сўзлардан ўзак, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи морфемаларни ажратишга «киришганлар».

Ҳиндлар отларда етти та келишиқни қайд этганлар: 1) бош келишиқ, 2) қаратқич келишиги, 3) жўналиш келишиги, 4) тушум келишиги, 5) қурол келишиги, 6) чиқиш (аблатив) келишиги, 7) ўрин келишиги.

Ҳинд тилшунослари қўшма сўзларнинг ўттизга яқин турини фарқлаганлар. Улар қўшма сўзларнинг тузилишида компонентлар орасидаги муносабатларга эътибор берганлар. Масалан: от+от//феъл; сифат// сифатдош //равиш+от// сифат//феъл; сон+от ва бошқалар.

Ҳинд грамматикачилари феъл туркумининг морфологик категорияларини мукамал ишлаган эдилар. Улар феълнинг уч замонга бирлашадиган етти хил замон формасини: ҳозирги замон, ўтган замоннинг тугалланган, тугалланмаган, узоқ ўтган замон турларини, келаси замон, одатдаги келаси замон ва жуда кам қўлланиладиган шарт феъли шаклини ажратганлар.

Ҳиндлар қадимги даврлардаёқ феълнинг тўртта майлини – аниқлик, истак, буйруқ ва шарт майлларини билганлар.

Феълнинг аниқ, ўрта ва мажҳуллик нисбатлари ажратилиб, ҳар бири алоҳида таърифланган, тавсифланган.

Ҳиндлар санскрит тилида феълнинг учта шахс ва учта сон: бирлик, жуфтлик ва кўпликларга кўра тусланишини кўрсатганлар.

Ҳинд тилшунослари фикр ифодалаш бирлиги бўлган гапнинг муҳимлигини инкор қилмаган бўлсаларда, синтаксис масалалари билан махсус шуғулланмаганлар. Улар синтаксисда сўзларнинг бирикиш тартиби, келишик, замон ва майл формаларининг бирикиши каби масалаларни ўрганиш билан чегараланганлар. Сўз фикр ифодалаш имкониятига эга эмас, яъни сўз гапдан ташқари мавжуд эмас деб, гапни тилнинг асосий бирлиги ҳисоблаганлар.

Хуллас, қадимги ҳиндлар фонетика ва морфологияга нисбатан синтаксис масалаларида анча бўш бўлганлар.

Панини грамматикаси

Қадимги ҳиндларнинг энг машҳур тилшуноси Панинидир. У бизнинг эра-мизгача бўлган IV асрда яшаб ижод этди. Панини ўзигача бўлган давр тилшуносларининг қўлга киритган ютуқларини умумлаштириб, улардан фойдаланган ҳолда классик санскритнинг (қадимги ҳинд адабий тилининг) энг машҳур грамматикасини яратди. Унинг ушбу асари «Аштадхьян» номи билан аталади. Панини грамматикаси тўрт мингга яқин (3996 та) қисқа ва лўнда шеърий усулда ёзилган, осонлик билан эсда қоладиган қоида(сутр)ларни ўз ичига олади.

Панини грамматикаси соф эмпирик ва тасвирий характерга эга бўлиб, унда санскрит (қисман Веда) тилининг фонетикасига, морфологиясига, сўз ясалиши ва синтаксисига оид фикрлар жамланган.

Ушбу тадқиқот тили - ундаги қоидалар ниҳоятда ихчам ва қисқа бўлганлиги, асар тили ўзига хос терминологияга эгаллиги сабабли Панини тадқиқоти узоқ вақтгача европалик олимларга тушунарли бўлмади. Биринчи бўлиб асар мазмунини, ундаги ғояни рус тилшунос олими Отто Бётлинг изохлаб берди.

Панини ўз давридаёқ тилни система сифатида тушунди, сўз туркумларини фарқлади, сўз таркибини ўрганди, ўзак, қўшим-ча, урғу, интонация ва бошқа ходисалар ҳақида маълумот берди.

Панинининг саккиз бўлимдан иборат классик санскрит масалаларига оид грамматикаси Ҳиндистонда деярли икки минг йил давомида энг асосий ва энг муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди. Эрамизнинг XIII асрларидагина санскритнинг ҳинд олими Вопадаева тузган янги грамматикаси майдонга келди.

Яски (эрамиздан аввалги V аср)

Яски (Яска) Ҳиндистоннинг машҳур тилшуносидир. У сўз ҳамда сўзнинг морфологик таркиби, маъноси, вазифаси ҳақидаги фикрларини ёзиб қолдирган. Яски сўзнинг предметни бевосита акс эттирмаслигини, сўз билан, яъни унинг товуш томони билан предмет ўртасида маънонинг мавжудлигини тўғри таъкидлайди. Сўз маъно туфайли предметни номлаш имкониятига эгаллигини қайд этади.

Тилшунос Ведалар тилини кенг изохлаб, тушунтириб берувчи асар яратди ва бунда ўзигача бўлган тадқиқотчилар ишларини умумлаштиради.

Хуллас, қадимги Ҳиндистоннинг тилшунослик соҳасидаги ютуқлари улкан бўлиб, улар ўз муваффақиятлари билан жаҳон тилшунослиги фанига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таълимотлари, ғоялари юнон ва араб тилшунослигига жиддий таъсир қилди. Ҳинд тилшунослиги Европага XVIII асрнинг ўрталарида етиб келди.

Ўрта Осиёда эса ҳинд тилшуносларининг таълимотлари анча илгари маълум бўлган. Жумладан, буюк бобокалонимиз хоразмлик Абу Райҳон Беруний (X – XI аср) санскритни яхши билган, Ҳиндистонга махсус бағишланган «Ҳиндистон» номли асар ҳам яратган.

Энг муҳими шундаки, ҳинд тилшуносларининг жаҳон тилшунослигига қўшган беқиёс ҳиссаси санскрит билан белгиланади. Тилшунос олимларнинг санскрит билан яқиндан танишуви жаҳон фанида қиёсий – тарихий тилшуносликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тилшунослик қачон фан сифатида ажралиб чиқди?
2. Тилшунослик фанининг энг қадимий таълимотлари ва мактаблари қаерда юзага келди?
3. Ҳиндистонда тил масалалари билан шуғулланишга нима сабаб бўлди?
4. Нима учун ҳиндлар қадимий даврнинг энг буюк фонетикачилари ва грамматикачилари сифатида танилганлар?
5. Ҳиндлар нечта сўз туркумини фарқлаганлар?
6. Қадимги ҳиндларнинг энг машҳур тилшуноси ким ва унинг қандай асари бор?
7. Ўрта Осиёлик буюк алломалардан ким санскритни билган ва қандай асар яратган?

Асосий тушунчалар:

1. Санскрит - қадимги ҳинд адабий тили.
2. Веда - бир нечта китобдан иборат диний тўплам.
3. Фонема - морфема, лексема, сўзларни ҳосил қилувчи, уларнинг товуш ва маъно жиҳатини фарқловчи бирлик.
4. Аштадхьян - шеъринг усулда ёзилган қисқа ва лўнда қоидаларидан иборат грамматика.

Адабиётлар:

1. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
2. В.И.Кодухов. Общее языкознание.- М., 1974.
3. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений.- М.,1979.
4. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.- М., 1968.
5. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.- М., 1975.

ҚАДИМГИ ЮНОН ТИЛШУНОСЛИГИ

Қадимги Юнонистон Европа тилшунослиги фанининг маркази ҳисобланади.

Файласуфлар ва шоирлар ватани бўлган қадимги Юнонистонда тил масалалари даставвал файласуфлар томонидан ўрганилган. Юнон файласуфлари тил масалаларини ўрганиш жараёнида тадқиқот муаммоларини, йўналишларини ҳам белгилаб оладиларки, бу йўналишлар умумий, назарий, лисоний – фалсафий муаммолар сифатида намоён бўлади.

Қадимги Юнонистонда тилшунослик юнон фалсафасининг етакчи қисми сифатида юзага келади ва бу соҳада жуда катта, салмоқли ишлар қилинади.

Қадимги Юнонистонда ҳам қадимги Ҳиндистондагидек матнларни ўрганиш, сўзларни таҳлил қилиш, уларга изоҳ бериш, моҳиятини очиш каби масалалар фонетика, грамматика ва лексика соҳалари билан жиддий шуғулланишга, шу йўналишларда муҳим тадқиқот ишларини олиб боришга сабаб бўлди.

Юнон тилшунослигининг тараққиёти икки даврга бўлинади:

1. Фалсафий давр.
2. Грамматик давр.

1. Тилшуносликнинг фалсафий даври

Юнонистонда тилшуносликнинг фалсафий даври икки аср давом этади. Бунда тилга фалсафанинг бир қисми сифатида қараш, тил ҳодисаларининг моҳиятини фалсафий жиҳатдан очиш ва тушунтириш, тахминлар, хулосалар чиқариш, ғоялар яратиш айни даврнинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган деярли барча фалсафий мактаблар, оқимлар, йўналишлар тил масалалари билан фаол шуғулланганлар. Фикр юритилаётган даврнинг ўта долзарб ва энг муҳим муаммоларидан бири сўз муаммоси, сўзнинг табиий ҳодисами ёки шартли ҳодисами? эканлиги ҳақидаги баҳс, мунозара бўлиб, бу масала атрофида фикрлар қарама-қаршилиги, файласуфларнинг айни масалани ҳал қилишда тарафма - тараф бўлиб, «жангга» киришиши, тадқиқот ишларини олиб бориши қизиқ кетди. Аниқроғи, бу даврнинг асосий, бош масалаларидан бири сўз билан маъно орасидаги, предмет билан унинг номи орасидаги муносабат масаласи эди. Бошқача айтганда, предмет билан унинг номи ўрта-

сида қандай муносабат мавжуд? Сўздаги товуш билан маънонинг боғланиши қандай юз беради? Бу боғланиш табиат томонидан бериладими ёки сўзлашувчилар томонидан келишилган ҳолда юз берадими ёки маълум қонун – кўрсатма билан тайинланадими, муайян урф – одат билан боғланадими ёки одамлар томонидан белгиланадими, яъни бу жараён онгли, ихтиёрий равишда амалга ошириладими ва бошқалар.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида сўз билан предмет орасидаги муносабат масаласини ҳал қилишда Гераклит ва унинг тарафдорлари қуйидаги ғояни илгари сурадилар. Улар ҳар бир ном ўзи англатаётган нарса, предмет билан ажралмас алоқада, боғланишда бўлиб, номларда предметларнинг моҳияти намоён бўлади, «очилади». Аниқроғи, сувда дарахтлар, кўзгуда ўзимиз акс этганидек, ҳар бир ном ўзи ифодалаётган предметнинг табиатини, моҳиятини акс эттиради, деган фикрни илгари сурадилар. Яна ҳам аниғи, предмет билан уларни англатувчи сўзлар орасидаги боғланиш табиат томонидан берилган бўлиб, бу боғланиш табиий, зарурий боғланиш ҳисобланади.

Хулоса шуки, оламда мавжуд бўлган барча нарса – предметларнинг табиат томонидан берилган, ўзига мос ва хос номлари, «тўғри» номлари бор. Сўзлар табиат томонидан яратилган. Табиат ҳар бир предмет учун алоҳида ном белгилаган, ном берган.

Демокрит ва унинг тарафдорлари эса сўз ва предмет муносабати масаласида Гераклит ва унинг тарафдорларига қарши қуйидаги ғояни илгари сурадилар. Улар айтади: нарса, предметларнинг номлари, сўзлар уларнинг табиатига қараб, моҳиятига мувофиқ ҳолда қўйилмайди, балки номлаш жараёни одатга кўра, одамларнинг ўзаро келишувига, улар томонидан белгиланишига кўра амалга ошади. Демак, предметларга номлар табиат томонидан эмас, балки жамият томонидан берилди.

Демокрит ва унинг тарафдорлари ўз ғояларининг тўғрилигини исботлаш учун яна қуйидаги фикрларни ҳам баён қиладилар: 1) кўп сўзлар бир неча маънога эга бўлиб, шунга мувофиқ улар турлича предметларни ифода этади; 2) кўпгина тушунчалар бир қанча номга, атамага эга бўлади; 3) тилнинг табиийлиги ғоясидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда кўпгина предметларнинг бир нечта номга эга бўлиши мумкин эмас; 4) вақт ўтиши билан бир сўз ўрнига бошқаси юзага келади, яъни муайян предмет номи ўзгариб, бошқа номга, атамага эга бўлади; 5) кўпгина тушунчалар сўз ифодасига, номга эга эмас. Демак, - дейди Демокрит ва унинг тарафдорлари, бир вазиятда сўзлар етишмаса, бошқа вазиятда улар ортиқча, кўп, яна бошқа бир ҳолатда сўзлар

қатый эмас, яна бошқа бир вазиятда эса сўзлар камлик қилади. Демокрит фикрича, бундай ҳолат, асосан, одамлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан юзага келади, табиат томонидан эмас.

Шундай қилиб, Демокрит ва унинг тарафдорлари нарса, предмет номлари табиат томонидан, табиий берилган эмас, деган ғояни илгари сурадилар ва айна фикрнинг тўғрилигини тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзлар билан исботлайдилар. Ҳақиқатан, бир-биридан фарқ қиладиган турли нарсаларнинг номлари (сўзлар) қандай қилиб бир хил (омоним: о т, ё ш, қ и р қ, к ў к, с о н, к ў р, т и л, т е р, қ ў й, қ у в) ёки бир нарсанинг қандай қилиб бирдан ортиқ номи (синоним: б о ш, к а л л а; ж а н ж а л, ғ а в ғ о, т ў п а л о н, ғ а л в а, м а ш м а ш а; б ў к м о қ, и в и м о қ; к у л м о қ, и л ж а й м о қ, ж и л м а й м о қ, т и р ж а й м о қ, и ш ш а й м о қ) бўлишини Гераклит тарафдорларининг таълимоти мослик, «тўғрилиқ» таълимоти асосида изоҳлаб бўлмайди. Чунки синонимлар товуш томонидан фарқли бўлади; агар сўзнинг товуш томони предметнинг моҳияти, хусусияти билан бевосита боғланган бўлса, демак, синонимлар турли хил хусусиятни ифодаловчи сўзлар сифатида битта предметни англатишлари мумкин эмас. Қолаверса, табиатдаги ҳамма предметлар ҳам ўз номларига эга эмас.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида энг долзарб муаммо бўлган предмет ва унинг номи орасидаги муносабат масаласи Платоннинг «Кратил» номли асарида ҳам мукамал баён қилинади.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида тил масалалари билан жиддий ва баракали шуғулланган оқимлардан бири стоицизм ҳисобланади. Стоицизм таълимотининг вакиллари бўлган стоиклар: Хрисипп, Кратес ва бошқалар ўз таълимотларида жаҳондаги номувофиқликка ҳамма нарсаларнинг мақсадга мувофиқ бўлишини карама – қарши қўядилар. Шунга кўра улар тилни кишиларнинг руҳида табиат талабига кўра пайдо бўлган дейиш билан бирга сўз предметнинг табиий хусусиятини ифода қилади, деб айтганлар. Стоиклар сўзловчи гапирганида сўз орқали у предметнинг табиати ҳақида қандай таассуротда бўлса, эшитувчида ҳам худди шу хусусиятлар ҳақидаги таассурот туғилади, деб ўйлаганлар. Стоиклар предмет ва унинг номи орасидаги муносабат масаласида Гераклит ва унинг тарафдорлари таълимотини қувватладилар, яъни улар ҳам предмет ва унинг номи (сўз) ўртасида мослик, мувофиқлик мавжуд деб ҳисоблар эдилар.

Айни вақтда стоикларнинг мухолифи бўлган Эпикур ва унинг таълимоти тарафдорлари эса Демокритнинг фикрини қувватлаб, сўзлар ва предметлар

орасидаги алоқа, боғланиш табиий бўлиши мумкин эмас, чунки нарсаларнинг моҳияти билан уларнинг номи орасида қарама-қаршиликлар жуда кўп, деган фикрни илгари сурганлар.

Эпикурчилар предмет билан унинг номи орасидаги алоқа тасодифий, бу алоқани дастлаб тилни ўзаро келишувчилик асосида ижод қилган кишилар яратган, ана шундай тасодифийлик бўлмаганида эди, барча халқлар бир-бирларининг тилларига тушунган бўлар эди, дейишади.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида ўзаро қизғин кураш олиб борган етакчи оқимлардан, йўналишлардан яна бири аналогистлар ва аномалистлар – қарама – қарши ғоядаги файласуфлар гуруҳи эди.

Улар тил ҳодисаларида аналогия мавжудми ёки аномалияси, қонуният мавжудми ёки қонуният йўқми, деган фикр билан курашганиб, тил билан объектив борлиқ, сўз билан предмет орасидаги муносабат масаласини ҳал қилишга киришадилар.

Машҳур юнон грамматикачиси Аристарх бошчилигидаги аналогистлар оқими тилнинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби билан борлиқ орасида мослик, мувофиқлик – ўхшашлик мавжуд, деган ғояни илгари суришади. Улар юнон ва лотин тилларида отнинг уч хил грамматик жинси (род): эркаклар жинси, аёллар жинси ва ҳар икки жинсга ҳам тегишли бўлмаган оралик жинс мавжудлигини айтишади. Шунга кўра улар предметлар эркаклар жинсига, аёллар жинсига ёки оралик жинсга тегишли бўлади, дейишади.

Аномалистлар оқимининг етакчиси стоик Кратес ва унинг тарафдорлари эса ушбу ғояга зид фикрни, зид ғояни илгари суришади. Улар айтади: тилнинг таркиби ва грамматик қурилиши билан борлиқ орасида тўла мослик, ўхшашлик йўқ; биз доим турли тенгсизликка, мослик меъеридан четга чиқишларга дуч келамиз. Масалан, тилдаги уч грамматик жинс атро-фимиздаги нарсаларга реал равишда тўғри келади, деб ҳисоблаш беъманиликдир. Ҳақиқатан ҳам, масалан, рус тилидаги черепаха (тошбақа), белка (олмахон) сўзлари шаклига қараганда грамматик жиҳатдан аёллар жинсига мансуб бўлиши керак эди. Амалда эса ўша ҳайвонларнинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам бир хилда черепаха, белка дейилади. Шунингдек, рус тилидаги дятел (қизиштиштон) сўзи ўз шаклига кўра фақат эркаклар жинсига нисбатан қўлланаверади. Демак, бу ерда тил аномалияси мавжуд бўлиб, шакл билан мазмун орасида мослик йўқдир.

Тилшуносликнинг фалсафий даврида қадимги юнон файласуфлари

Анаксимен, Продик, Протагор, Платон, Аристотеллар тил масалаларига оид асарлар яратганлар ва hozirgi кунда ҳам ўз ахамиятини йўқотмаган асосли фикрларни баён қилганлар.

Анаксимен (бизнинг эрамизгача бўлган 560-502 й). У “Риторика”асари билан стилистика фанининг асосини яратди.

Продик (бизнинг эрамизгача бўлган V аср). Продик синонимика масалаларини ишлаб, унинг ўзига хос хусусиятларини, маъно оттенкаларини, қирраларини фарқлашга ўргатди.

Протагор (бизнинг эрамизгача бўлган 480–410 й). Протагор отларнинг родларини (жинсини), феъл замонларини ва гапларнинг турларини фарқлади. Шунингдек, айна давр файласуфлари от ва феълларни фарқлаб, гапнинг от билан феълнинг боғланишидан ҳосил бўлишини таъкидладилар.

Платон (бизнинг эрамизгача бўлган 427–347 й). Ўз даврининг дастлабки йирик файласуфи Платон этимология фанининг асосчиси сифатида эътироф қилинади. У мантикли нутқда икки турдаги сўзларни: отларни ва феълларни фарқлади. Гапда эга вазифасида келган сўзни от деб, кесим вазифасида келган сўзни феъл деб атади. Феълнинг от ҳақида нима тасдиқланишини англатадиган сўз эканлигини қайд этди.

Аристотель (бизнинг эрамизгача бўлган 348–322 й). Ўз даврининг иккинчи буюк қомусий олими – файласуфи Аристотель тилга оид масалаларни мантиқ билан боғлиқ ҳолда ўрганди ва у биринчи бўлиб грамматикани мантиқдан ажратди.

Аристотель ҳам, Платон каби, от – эгани ва феъл – кесимни тан олди. Бу гуруҳга қўшимча кўмакчи сўзларни – боғловчи-ларни ҳам киритди, яъни сўзларни уч туркумга: от, феъл, боғловчи ҳамда юклама кабиларга бўлди. От ва феълларни мустақил маънога эга сўзлар сифатида, боғловчи, юкламани эса фақат грамматик вазифа бажарувчи сўз сифатида қайд этди.

Аристотель ўз давридаёқ гапни фикр ифодаловчи нутқ бирлиги деб таърифлади. Шунингдек, у келишиқлар, товушлар ҳақида ҳам маълумот берди. Масалан, у фонетикада унли ва ундош товушларни ажратди.

Юқорида айтилганлардан бир мунча фарқли ҳолда тилшуносликнинг фалсафий даврида стоиклар нутқда сўзларни беш гуруҳга: феъл, боғловчи, артикль, атоқли отлар ва турдош отларга ажратдилар. Шунингдек, улар ушбу сўзларнинг барчаси ҳам маънолидир, дейишди. Стоиклар отларда бешта келишиқни фарқладилар: бош келишиқ, қаратқич келишиги, жўналиш келишиги, тушум келишиги ва чақириш (звательный; чиқиш) келишиги.

Стоиклар мазкур даврдаёқ нутқни иккига: ташқи нутққа ва ички нутққа бўлиб ўргандилар. Улар юнон тилида 24 та товуш борлигини айтиб, буларни унли ва ундош товушларга ажратдилар.

Хуллас, тилшуносликнинг фалсафий давридан ҳозирги тилшунослик учун муҳим бўлган икки таълимот қолди:

1. Тилнинг элементлари, birlikлари (сўз ва гап) –ишора, белги.
2. Тил birlikлари маъно, фикр билан шартли боғланган.

2. Тилшуносликнинг грамматик даври

Тилшуносликнинг грамматик даври қадимги юнон тилшунослигида Искандария даври деб юритилади. Миср давлатининг маркази бўлган Искандария македониялик Искандар номи билан боғлиқ эди. У босиб олган Шарқ мамлакатларида юнон тили, маданияти, фалсафасининг таъсири натижасида юнон маданияти Шарқ маданияти билан қўшилиб кетиб, аралаш маданият – эллинизм юзага келади.

Искандария эллинизм маданиятининг йирик марказларидан бири ҳисобланган. Умуман, бизнинг эрамизгача бўлган III асрдан бошлаб, бирорта шаҳар: на Афина, на Рим юксак маданият намунаси ва илмий марказ бўлган Искандария шаҳри билан тенглашолмас, рақобат қилолмас эди.

Хуллас, юнон тилшунослиги, айниқса, эллинизм даврида – юнон - шарқ даврида (бизнинг эрамизгача бўлган 334–31 й) тараққий қилди, ривожланди.

Александрия грамматика мактабининг энг йирик вакиллари Зенодот, Аристарх, Дионисий, Аполлоний Дискол ва бошқалардир.

Зенодот (тахминан бизнинг эрамизгача бўлган 250й). Зенодот 800.000 дан ортиқ қўлёзма манбаларга эга бўлган машҳур Искандария кутубхонасининг биринчи раҳбаридир. У ва бошқа юнон филологлари Гомер, Эсхил, Софокл ва бошқаларнинг асарлари устида фаол тадқиқот ишларини олиб бордилар. Улар ушбу асарларнинг луғат таркиби ва грамматикасига оид шарҳлар устида меҳнат қилдилар. Зенодот артикльни, олмошларни фарқлади.

Аристарх (бизнинг эрамизгача бўлган 215–143 й). Искандария мактабининг энг машҳур ва етакчи олими самофракиялик Аристарх узоқ йиллар давомида Искандария кутубхонасини бошқарди. У ўзининг 40 га яқин шогирдлари билан илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Улар Гомер ижодини мукамал ўрганиб, унинг асарларининг текшириб чиқилган тўлиқ матнини яратишди.

Аристарх сўз туркуми ҳақидаги таълимотни мукаммал ишлаб чиқди ва саккизта сўз туркумини ажратди. Булар: от, феъл, сифатдош, артикль ёки кўрсаткич, олмош, олд кўмакчи, равиш ва боғловчи.

Дионисий (бизнинг эрамизгача бўлган 170–90 й). Аристархнинг шогирди фракиялик Дионисий ўзгача бўлган тадқиқотчиларнинг ишлари ва тажрибаларини ўрганиб, улардан фойдаланиб, римликлар **учун** «Грамматика санъати» номли системалаштирилган дастлабки юнон грамматикасини яратди.

Дионисий таълимотига кўра сўз сўзлашув нутқининг (боғланган нутқнинг) энг кичик бўлаги (қисми)дир. Гап (ёки нутқ) эса сўзларнинг ўзаро муносабатидан, боғланишидан ҳосил бўлиб, тугал фикр ифодалайди.

Дионисий грамматикасида от туркуми ҳақида қуйидаги фикр берилди: от келишик ва сонга кўра ўзгарувчи туркумдир. У сифатларни ҳам отга киритади.

Дионисий феъл ҳақида фикр юритиб, феълнинг келишиксиз сўз туркуми бўлиб, замон, шахс, сон, майл, нисбат, тусланиш ва бошқаларга эга эканлигини айтади. Феълнинг бешта: аниқлик, буйруқ, истак, тобелик ва ноаниқлик майлларини; феълнинг учта: ҳаракат, ўзлик ва ўрта нисбатларини; феълнинг учта: бирлик, жуфтлик ва кўплик сонларини; феълнинг учта: биринчи-нутқни сўзлаган, иккинчи-нутқ йўналтирилган ва учинчи-сўз юритилган (ўзга) шахсларни қайд этади. Грамматик замон эса ҳозирги, ўтган ва келаси замон каби турларга бўлинади. Сифатдошлар эса феъл ва отларга хос бўлган белгиларни бирлаштирадиган категория сифатида талқин қилинади.

Артикль, Дионисий фикрича, турланувчи сўз туркуми бўлиб, у турланган отдан олдин ҳам, кейин ҳам кела олади. Олмош от ўрнида қўлланиладиган сўз бўлиб, маълум шахсларни кўрсатади. Равиш турланмайдиган сўз туркумидир, у феъл ҳақида маълумот беради ва унга бирикади. Боғловчи фикрни маълум тартибда боғлайдиган ва фикрни ифодалашдаги оралиқларни кўрсатадиган сўздир. Олд кўмакчи сўз туркуми бўлиб, барча сўз туркумлари олдидан сўз таркибида ҳам, гап таркибида ҳам келади, яъни у синтаксисда ҳам, сўз ясалишида ҳам қўлланилади.

Аполлоний Дискол (бизнинг эрамизнинг II асри). Аполлоний Дискол бизгача етиб келган юнон тили синтаксисини яратди. У «Синтаксис ҳақида» асарида юнон тили синтаксисига оид маълумотларни берди.

Искандария мактаби вакиллари тилнинг товуш томонига ҳам катта эътибор беришди. Улар товушларни акустик принцип асосида тасвирладилар, товуш ва ҳарфларни айнан бир нарса ҳисоблаб, уларни унли ва ундош

товушларга ажратдилар. Шунга кўра ҳарфларни унли товушлар ва ундош товушлар номи билан тасвирладилар. Унли ҳарфларни (товушларни) ўз ҳолича талаффуз қилинадиган ва ўзини алоҳида эшитиш мумкин бўлган товушлар сифатида, ундош ҳарфларни (товушларни) эса унлилар билангина талаффуз қилинадиган товушлар сифатида қарадилар. Шунингдек, улар бўғин, урғу ҳақида ҳам маълумот беришди.

Тилшуносликнинг грамматик даврида Искандария мактаби вакиллари юнон тилининг фонетикаси, морфологияси ва синтаксиси бўйича жиддий тадқиқот ишларини олиб бордилар ва қатор асарлар яратдилар. Юнон тилшунослигида, айниқса, морфологияга оид масалалар мукамал ишланган бўлиб, унга нисбатан фонетика ва синтаксис масалалари бўш тадқиқ қилинган. Шунингдек, Искандария мактаби вакиллари грамматикани фалсафадан ажратдилар.

Хуллас, қадимда тилшуносликнинг Искандария даври грамматикани му-
стақил фан сифатида яратди.

Қадимги юнон тилшунослиги (грамматикаси) ҳинд тилшунос-
лиги (граммати-
каси) билан бир қаторда ўз даврида араб тилшунослигига (грамматикасига)
таъсир қилди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Юнон тилшунослиги тараққиёти нечта даврга бўлинади?
2. Тилшуносликнинг фалсафий даврининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
3. Гераклит ва Демокрит тарафдорларининг сўз ва предмет муносабати масаласидаги қарашлари қандай?
4. Аналогистлар ва аномалистлар кимлар?
5. Тилшуносликнинг грамматик даврининг ўзига хос жиҳатлари нимадан иборат?
6. Искандария грамматика мактабининг энг йирик вакиллари кимлар ва уларнинг қандай асарларини биласиз?

Асосий тушунчалар:

1. Фалсафий давр - юнон тилшунослигида икки аср давом этган давр. Тил фалсафанинг бир қисми сифатида қаралган ва унга фалсафа нуқтаи назаридан баҳо берилган.
2. Аналогия - ўхшашлик.

3. Аномалия - ноўхшашлик.

4. Грамматик давр - юнон тилшунослигининг Искандария даври. Тил муаммолари кенг ва чуқур ўрганилган давр.

5. Эллинизм - юнон ва Шарқ маданиятлари қўшилиб, аралашиб кетган маданият.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.- М., 1968.
2. С.Усмонов Умумий тилшунослик.- Т.,1972.
3. В.И.Кодухов.Общее языкознание.-М.,1974.
4. Т.А.Амирова.Б.А.Ольховиков,Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.-М.,1975.
5. Н.А.Кондрашов.История лингвистических учений. -М.,1979.

ҚАДИМГИ РИМ ТИЛШУНОСЛИГИ

Қадимги Рим филологларининг тилшунослик фанига қўшган ҳиссаси катта эмас. Рим грамматикаси юнон грамматикасининг шохобчаси сифатида майдонга келди. Искандария мактабида яратилган юнон тили грамматикаси қадимги римликлар томонидан лотин тилига татбиқ қилинди. Юнон тилидаги деярли барча грамматик терминлар лотин тилига ўгирилди.

Юнон тилшунослигидаги аналогия ва аномалия мактабларидаги мунозаралар ҳам Рим тилшунослигида давом эттирилди.

Қадимги Рим тилшунослигининг вакиллари: Юлий Цезарь, Марк Теренций Варрон, Марк Фабий, Квинтилиан, Элия Доната, Веррий Флакк, Присциан ва бошқалардир.

Юлий Цезарь (эрамиздан илгариги 100–44 й). Қадимги Римнинг таниқли давлат арбоби, лашкарбошиси ва нотиғи Юлий Цезарь «Аналогия ҳақида» номли грамматикага оид асар ёзди. У сўз ва предмет муносабати масаласида аналогия² тарафдори сифатида танилди.

Марк Теренций Варрон (эрамиздан илгариги 116–27 й). Марк Варрон 25 китобдан иборат «Лотин тили ҳақида» асарини яратди. Шу кунгача бу асарнинг 6 таси етиб келди. Китобда аналогистлар ва аномалистлар орасидаги назарий тортишув, мунозара мукамал баён қилинади. У ҳам Юлий Цезарь каби аналогия тарафдори эди. Варрон сўз ўзгаришини аналогияга, сўз ясалишини эса аномалияга киритади.

Элия Доната (бизнинг эрамизгача IV асрнинг ўрталари). Элия Доната грамматикага оид кенг қамровли машхур асарини ёзади ва уни «Грамматика санъати» деб номлайди. Ушбу асар тўлиқ ва қисқартирилган вариантларда бизнинг замонамизгача етиб келган.

Веррий Флакк (бизнинг эрамизнинг бошлари). Рим тилшуноси Веррий Флакк лексикология соҳасида ўзигача бўлган тадқиқотларни, тажрибаларни ва фикрларни умумлаштириб, катта ҳажмдаги «Феълнинг маъноси» асарини ёзди.

Присциан (VI аср. бошлари). Рим грамматикачиси Присциан лотин тили бўйича ўз даврининг энг катта тадқиқоти ҳисобланган «Грамматика санъати ҳақида таълимот» китобини яратди.

Қадимги Рим тилшунослигида Доната ва Присцианнинг грамматикага оид яратган асарлари лотин тили грамматикаси қурилишининг мукамал баёни

² Аналогия ҳақида “Қадимги юнон тилшунослиги “ бўлимига қаранг.

сифатида жуда кўп асрлар давомида - ўрта асрлар даври учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, римликлар юнонлардан намуна олиб, уларга тақлид қилиб, лотин тили ҳақида кенг тадқиқот ишларини олиб бордилар. Римликларнинг она тили бўйича грамматикага оид тадқиқотлари, асосан, юнон тилидан таржима қилинган бўлса—да, уларнинг грамматикаларида айрим янгиликлар, янгича қарашлар учраб туради. Жумладан, Рим тилшунослари юнон тилшуносларидан фарқли ҳолда Рим грамматикасига алоҳида стилистикани (услугуносликни) киритдилар. Рим грамматикачилари сўз туркумига ундовларни ҳам киритди. Аммо юнон тилига хос бўлган артикльни чиқариб ташладилар. Чунки лотин тилида артикль йўқ эди. Демак, лотин тили учун ҳам 8 та сўз туркуми хос бўлиб қолди. Рим тилшунослари сон туркумини иккига: туб сон ва тартиб сонга бўлиб ўрганишди. Юлий Цезарь лотин тилига юнон тилида мавжуд бўлмаган аблатив (ажратиш) келишигини киритди ва келишиклар сонини олтига етказди.

Рим филологлари грамматикага оид терминларни ҳам юнон тилидаги терминлар асосида яратдилар. Жумладан, юнон ва рим грамматикасига оид айрим терминлар русча ва ўзбекча таржималари билан қуйидагилар: онома, *nomen*—имя, от; *rema, verbum* — глагол, феъл (қадимги рус тилида нутк); *antonomia, pronomens*-местоимение, олмош; *nomen adjektivum* — имя прилагательное, сифат; *epirrēma, adverbium* — наречие, равиш; *artron, artikulum* — артикль; *prodesis, praepositio*—предлог, олд кўмакчи, олд кўшимча; *syndesmos, conjunctio*—союз, боғловчи; *interjection* — междометие, ундов; *soneenta, vokales* — гласные, унлилар; *symfona, consonantes* — согласные, ундошлар ва бошқалар.

Хуллас, антик давр тилшунослик мактабларининг аҳамияти жаҳон тилшунослиги нуқтаи назаридан юксакдир. Ушбу давр Европа маданиятининг бешиги бўлиб майдонга чиқди. Қадимги юнон ва Рим тилшуносликлари кейинги давр тилшунослигининг тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Искандария тилшунослик мактаблари вакиллари грамматикани мустақил фанга айлантирдилар. Улар жуда катта грамматик «ашё» (материал) тўплаб, от ва феъл туркумларининг асосий категорияларини аниқлаб беришди. Юнон тилшунослари фонетика, морфология, синтаксис ва этимология фанларининг

асосларини яратдилар. Улар сўз ва гап каби муҳим ҳамда мураккаб лисоний бирикларни аниқлаб, изоҳладилар, сўз туркумларини ажратиб бердилар.

Шунингдек, антик (қадимги) давр тилшунослигининг – юнон ва Рим тилшунослик мактабларининг жиддий камчиликлари ҳам бор эди. Бу давр тилшунослиги таълимотида тилга тарихий ёндашиш принципи йўқ эди, яъни ушбу давр тилшунослиги, ҳинд тилшунослиги каби, тилнинг тарихий тараққиётини тушунмас эди. Улар юнон ва Рим тилларидан бошқа тилларни тадқиқ қилмадилар, яъни бир тил (юнон ёки Рим тиллари) доирасида қолдилар, бошқа барча тилларни эса ёввойи, кўпол тил деб ҳисобладилар. Шунингдек, улар кўпгина грамматик категорияларни мантиқ категориялари билан қориштирдилар.

Айтилганларга қарамасдан, Европа грамматик таълимоти деярли XIX асргача қадимги юнон ва Рим филологларининг таълимотларига асосланиб келди.

Мустаҳкамлаш учун саволар:

1. Рим тилшунослиги қайси тилшунослик мактабига эргашди?
2. Рим тилшунослигида кимларнинг грамматикаси мукамал деб ҳисобланди?
3. Рим грамматикасига, юнон грамматикасидан фарқли, қандай янгиликлар киритилди?
4. Юнон ва Рим тилшунослик мактабларининг жиддий камчилиги нимадан иборат эди?

Асосий тушунчалар:

1. Грамматика - тилшунослик маъносида.
2. Термин - фанга оид сўз бўлиб, илмийлик белгисига эга.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.-М.,1968.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик .-Т.,1972.
3. В.И.Кодухов.Общее языкознание.-М., 1974.

4. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков,Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.- М.,1975.
5. Н.АКондрашов.История лингвистических учений.- М.,1979.

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИ

Қадимги Хитой тилшунослигида ёзма манбалар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бизнинг кунларимизгача етиб келган Хитой ёзувининг энг қадимий ёзма ёдгорликлари эрамизгача бўлган XIII-XI асрларга бориб тақалади. Ушбу ёзма ёдгорликлар ҳайвон (қўй) суяклари ва тошбақа қалқонлари бўлиб, уларда фол очиш жараёни ҳақида маълумот берилади. Бу қадимги «манбалар» Хитой тилшунослиги тарихида ва тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Фикр юритилган даврлардаёқ Хитой иероглифи муайян сўз сифатида, сўзни англаувчи, ифодаловчи сифатида хизмат қилган, яъни Хитой иероглифи логограмма ҳисобланган.

Хитой маданий тараққиётига ҳинд маданиятининг таъсири натижасида, яъни Хитойга Ҳиндистондан буддизмнинг кириб келиши сабабли - ҳинд тилшунослигининг таъсири билан Хитой тилшунослари она тилларининг фонетик - просодемик ҳодисаси - интонациянинг тўртта турини, кўринишини ишлаб чиқдилар.

Хитой тилшунослари томонидан, айниқса, хань даврида (бизнинг эрамизгача бўлган 206 й – бизнинг эрамизнинг 220 й) лексикология, лексикография, иероглифика, фонетика, грамматика ва диалектология масалаларига катта эътибор берилган.

Ушбу даврнинг энг буюк тилшуноси Сюй Шень «Элементлар ва мураккаб белгилар ҳақида» асари билан ёзув назариясининг асосларини яратди. Бу манба Хитой тилшунослигида шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Хитой тилшунослиги, айниқса, XVII – XIX асрларда кенг қулоқ ёйди. Бу даврларда тарихий фонетика, этимология ва синтаксисга (синтагмага) оид фактлар устида иш олиб борилди. Шунингдек, танқидий матншунослик тараққий қилди.

Хитой тилшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшган ота бола Ван Нянь – Сунь (1744–1832) ва Ван Инь-Чжи (1766–1834) Хитой грамматикасининг асосчилари сифатида тан олинади.

Хитой тилшунослари сўз масаласида мустақил сўзларни ва ёрдамчи сўзларни фарқлаганлар. Мустақил сўзларни от, сифат ва феъл туркумига ажратганлар.

Янги давр тилшунослигининг йирик вакили тадқиқотчи Чжан Бинь-Линь (1869–1936) бўлиб, у Хитой тилининг меъёрий ва тарихий фонетикаси, диа-

лектологияси масалаларини ишлаб чикди. Шунингдек, у фонетик ёзув лойиҳасини ҳам тузди.

Умуман олганда, Хитой тилшунослигининг асосий йўналиши, айниқса, ўрта асрларда фонетика (ёки фонология) ҳисобланган. Хитой ёзуви-идеографик ёзув бўлиб, ҳар бир белги сўзга ёки ўзакка мувофиқ келади. Фонетик жиҳатдан эса ҳар бир белги бўғинга тўғри келади. Аслида амалий жиҳатдан барча ўзаклар бир бўғинлидир.

XVII–XVIII асрларда Хитойда тарихий фонетика катта муваффақиятларга эришди. Агар Хитойда тасвирий фонетика поэтика билан боғланган бўлса, тарихий фонетика қадимги матнларни шарҳлашда юзага келган айрим масалаларга жавоб бериш билан шуғулланди.

Хитой тили тарихий фонетикасининг яратилиши Хитой классик тилшунослигининг қўлга киритган муҳим ютуғи ҳисобланади. Бу жаҳон тилшунослиги фанида дастлабки йўналиш сифатида бутунлай тарихийлик принципига асосланган бўлиб, ўз олдига бевосита кузатишда берилмаган тилнинг ўтмиш «шакли», ҳолати билан боғлиқ ҳодисаларни, фактларни тиклаш мақсадини қўяди. Айни жараённинг методларидан ва қўлга киритган натижаларидан, ютуқларидан ҳозирги кунларда ҳам фойдаланилмоқда.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1.Хитой ёзуви - ёзма ёдгорликлари қайси асрларга тегишли ва улар нималардан иборат?
- 2.Хитой иероглифи нимани англатади?
- 3.Хитой тилшунослигининг асосий йўналиши қайси соҳа билан белгиланади?

Асосий тушунчалар:

- 1.Иероглиф - сўз, логограмма.
- 2.Тарихий фонетика - фонетик ҳодисаларни тарихий аспектда ўрганиш.

Адабиётлар:

- 1.Я.В.Лоя. История лингвистических учений.- М.,1968..
2. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по исто-

рии лингвистики.- М., 1973.

3.История лингвистических учений.Средневековый Восток.-М., 1981.

II. ЎРТА АСРЛАР ТИЛШУНОСЛИГИ

Ўрта асрлар V асрдан (476 йилдан) бошлаб, XV асргача (1492 йилгача) бўлган даврларни ўз ичига олади. Ушбу давр деярли барча фанлар тараққиётида, шу жумладан, Европа тилшунослигида ҳам турғунлик даври деб эътироф қилинади. Аниқроғи, айна давр тилшунослик тараққиётида на фактик материаллар тўплашда, на мукамал назариялар, ғоялар яратишда – тилшунослик фанининг илгарилашида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ғарбий Европада мазкур даврдаги тарихий шароит, католик черковининг реакцион тазийқи илм – фаннинг ўсишига, ривожига жиддий тўсқинлик қилди. Шунга қарамасдан ўрта асрларда шу давргача ёзувга эга бўлмаган бир қатор халқларда, масалан, гот, арман, ирланд, қадимги инглиз, славян ва бошқаларда ёзув - ёзув системаси пайдо бўлди.

Ўрта аср Европасининг ягона, асосий ўрганиладиган, тадқиқ қилинадиган тили лотин тили ҳисобланди. Лотин тилида давлат ҳужжатлари тузилар, илмий ва бадиий асарлар ёзилар, католик черковидаги диний жараёнлар амалга оширилар эди. Бу тил билим олишнинг ҳам калити ҳисобланарди. Лотин тили мантиқий фикрлаш манабаи деб ҳам тушуниларди. Лотин тили грамматикасининг қоидалари ва тушунчалари барча тиллар учун умумий ҳисобланиб, янги тиллар грамматикасига кўчирилар эди. Натижада, ҳар бир бошқа тилнинг ўзига хослиги йўқолар эди. Аммо бу даврда ушбу тилда гаплашилмас-нутқий фаоллик юритилмас эди, яъни у «ўлик» тилга айланган эди. Шунинг учун лотин тилининг талаффузи эмас, харфлари, сўзларнинг ёзилиши муҳим эди. Лотин тили, асосан, Доната ва Присциан грамматикаси асосида ўрганилар эди.

Европада ўрта асрларнинг охирикларидида – XI–XII асрларда фалсафий-лисоний баҳс-мунозара авж олиб кетди. Бу мунозара реализм ва номинализм таълимотлари номини олди.

Рухоний Ансельм (1033–1109) бошчилигидаги реализм таълимотига кўра фақат умумий тушунчаларгина (масалан, дарахт тушунчаси, ҳаракат тушунчаси ва б.) реал мавжуд. Ушбу тушунчаларга мувофиқ келувчи предмет ва ҳодисалар эса уларнинг кучсиз нусхаси, холос. Яна ҳам аниғи, объектив дунё умумий тушунчалардангина иборат. Айна тушунчаларда қайд этилган, ифодаланган предмет ва ҳодисалар эса ўша тушунчаларнинг юзаки нусхаси (копияси) дир.

Росцеллин (1050–1110) бошчилигидаги номинализм таълимоти эса, ҳақиқатга тўла мувофиқ, реал тарзда фақат ўзига хос хусусиятларга, белгиларга эга бўлган нарса, предмет, ҳодисаларгина мавжуд, деган ғояни илгари суради.

Бизнинг тафаккуримиз орқали ушбу предмет ва ҳодисалардан чиқарилувчи умумий тушунчалар эса, дейишади бу таълимот вакиллари, реал, аниқ мавжуд бўлмайди. Улар инсон тафаккурининг маҳсули ҳисобланади, фикрлаш фаолияти туфайли ҳосил бўлади, юзага келади.

Пьер Абеляр (1079–1142) бошчилигидаги концептуалистлар (мўътадил номиналистлар) ҳам мутлақо тўғри ҳолда реал тарзда фақат алоҳида нарсалар мавжуд, улар умумий тушунчаларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилади, дейишади.

Концептуалистлар умумий тушунчалар алоҳида мавжуд бўлмайди, балки реал мавжуд нарса – предметлардан ҳосил қилиниб, нарса, предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиради, дейди. Ушбу фикр ҳозирда ҳам тилшунослик фанида тан олинган. Чунки бу ғоя объектив ҳақиқатга тўла мувофиқ келади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўрта асрлар қайси даврларни ўз ичига олади ва нима учун бу давр турғунлик даври деб юритилади?
2. Нима учун лотин тили ўрта асрлар Европасининг асосий тили ҳисобланади.

Асосий тушунчалар:

1. Ўрта асрлар - V асрдан XV асргача бўлган давр.
2. Лотин тили – фақат ёзув тили (“ўлик” тил).

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. -М., 1968.
2. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений. - М., 1979.
3. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
4. В.И.Кодухов. Общее языкознание. -М., 1974.

АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ

VII–VIII асрларда Аравия худудида ва араблар томонидан босиб олинган қатор мамлакатларда – Олд Осиё, Шимолий Америка ҳамда Пиреней ярим оролида – жаҳон миқёсидаги мамлакат – Араб халифалиги ташкил топди.

Араб халифалиги ислом динига асосланган кўп миллатли давлат бўлиб, халифатда иш юритиш воситаси ва фан тили араб тили ҳисобланган.

Араб халифалигида тилшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Ҳиндистондаги каби, амалий эҳтиёжлар билан боғланади, яъни бу даврда эски ёдгорликлар ва Қуръон тили билан жонли араб тили (шевалари) орасида катта фарқланиш юзага келади.

Бир томондан мусулмон дунёсининг муқаддас диний китоби бўлган Қуръонни тушунарли қилиш, ундаги сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз қилиш, иккинчи томондан, классик араб тилини шевалар таъсиридан сақлаш мақсадида араб олимлари тил масалалари билан жиддий шуғулланишга киришдилар.

Араб тилшунослиги ўз тараққиёти даврида ҳинд ва юнон тилшунослиги ютуқларига, ўз анъаналарига танқидий ва ижобий ёндашган. Араблар ўз тилларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ундан фойдаланганлар.

VII–VIII аср араб тилшунослигининг дастлабки марказлари Ироқнинг Басра ва Куфа шаҳарлари ҳисобланган. Басра ва Куфа шаҳарларида иккита лисоний мактаб ташкил топган бўлиб, улар ўртасида тилшуносликнинг кўпгина масалалари юзасидан «фикрлар жанги», қизгин баҳслар, мунозаралар олиб борилган. Ушбу лисоний мунозаралар тилшунослик фанининг маркази Араб халифалигининг пойтахти бўлган Боғдод шаҳрига кўчирилганидан сўнг тўхтаган.

Араб тилшунослигининг асосчиларидан бири Басра грамматика мактабининг вакили Халил ал-Фароҳидий (тахминан 718–791 й) араб тилининг илк (дастлабки) луғатини яратди. У луғатни «Китобул айн» («Айн ҳарфи китоби») деб номлаб, унда грамматикага оид муҳим фикрларни баён этди. Шунингдек, олим «Китобул авомил» («Бошқарувчилар китоби») номли асарни ҳам ёзди. Аммо бу асарлар бизгача етиб келмаган.

Халил ал-Фароҳидийнинг шогирди, машҳур араб тилшуноси, келиб чиқишига кўра форс басралик Амир бин Усмон Сибавайхий (733 йилда вафот этган) ўзининг салмоқли «Ал-китоб» асарини яратди. Муаллиф ушбу

асарда ўзигача бўлган барча тадқиқотчиларнинг таълимотларини, фикрларини, қарашларини умумлаштиради. У араб тили грамматикасининг тугал ва мукамал кўринишини тақдим этади. Ушбу асар ҳар иккала: Басра ва Куфа мактаби вакиллари томонидан бир хилда юқори баҳоланган ва қадрланган.

Келиб чиқишига кўра юнон Абу-Абайда (770–837) ноёб сўз ва ибора, ифодаларнинг кенг қамровли луғатини тузади.

Боғдодлик ҳинд Сағани (1181–1252) 20 томлик луғат яратади ва уни «Тўлқинлар тошқини» деб номлайди.

Мисрлик ибн Мансур (1232–1311) катта ҳажмдаги салмоқли луғат тузиб, уни «Араб тили» деб атади.

Шерозлик форс Ферузободий (1329–1414) 60 томлик луғат тузган ва уни «Қомус» (океан) деб номлаган. Бундан кейин яратилган кўплаб луғатлар ҳам «Қомус» номи билан аталадиган бўлган.

Юқорида қайд этилган фикрлардан, келтирилган асарлардан маълум бўлдики, араб тилшунослари лексикографияга алоҳида, жиддий аҳамият берганлар. Шунинг учун араб тилшунослигида лексикографик тадқиқотлар муҳим ўринни эгаллайди. Араб лексикографлари айрим предметларни англатадиган синонимлар луғатини, масалан, қилични англатадиган 500 та сўз ва иборадан, арслонни англатадиган 500 та, тусни ифода этадиган 400 та сўз ва иборадан ташкил топган кўплаб турли мавзудаги луғатларни тузганлар. Демак, араб тилшунослари лексикография соҳасида жуда катта ютуқларга эришганлар.

Хуллас, араб лексикографиясида луғатлар мазмунига кўра олти гуруҳга бўлинади: 1. Тўлиқ изоҳли луғатлар. 2. Предмет луғатлари (масалан, ҳайвонлар билан боғлиқ луғатлар ва б). 3. Синонимлар луғати. 4. Ноёб сўзлар луғати. 5. Ўзлашган сўзлар луғати. 6. Таржима луғатлари.

Араб лексикографияси Шарқ – Эрон, Туркия, қисман ҳинд халқларига ҳам, Европа халқларига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Араб тилшунослари, юнон тилшуносларидан фарқли, фонетика масалаларига ғоят сезгирлик билан муносабатда бўлганлар. Улар товуш ва ҳарфни, юнонлардан фарқли, қатъиян фарқлаганлар. Шунингдек, ҳарф термини билан фақат ёрдамчи сўз ва аффиксларнигина эмас, балки нутқ товушини, алома термини билан эса товушнинг ёзувдаги кўринишини, яъни ҳарфни ифодаланганлар.

Араблар унли ва ундош товушларни фарқлаб, ундошни моҳият, унлини эса ўткинчи деб таърифлаганлар ва араб сўзларида (ўзакларида) ундош то-

вушларнинг асосийлигини, етакчилигини таъкидлаганлар. Қиёсланг: китоб, котиб, кутуб. Шунга кўра улар уч ундошли ўзакларни алоҳида ажратганлар.

Араб тилида ўзак 3 (баъзан 4) ундошдан иборат бўлиб, сўз ва сўз формаларини ясаш пайтида бу ундошлар орасидаги унли товушлар ўзгартирилади (китоб, котиб, кутуб). Сўзнинг бундай тузилиши флексия (эгилиш) ҳақидаги таълимотни яратишга олиб келди. Шунга кўра араб - яхудий филологиясида ўзак, сўз ясовчи элементлар тушунчаси билан бирга флексия ҳақидаги тушунча ҳам пайдо бўлди.

Араблар, хиндлар каби, товушларни акустик ва физиологик белгиларига кўра фарқлаганлар. Нутқ аъзолари сифатида оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи ва бўғиз ҳисобланган. Нутқ товушларини ҳосил қилишда бўғиз, тил, танглай, милк, тиш, лаб хизмат қилиши таъкидланган.

Араб тилшунослигида синтаксис масалалари, ҳинд ва юнонлардагидек, грамматиканинг энг бўш бўлими ҳисобланган. Шунга қарамасдан арабларда синтаксиснинг текшириш объекти сифатида гап, гапнинг структур-семантик таҳлили кузатилади. Улар гапнинг камида икки сўздан - икки отдан ёки от ва феълдан иборат бўлишини, бу сўзлар ўртасидаги субъект - предикат муносабатининг ўрганилишини тўғри таъкидлайдилар. Гапларнинг тузилишига кўра отли, феълли ва ҳолли турларга бўлинишини қайд этдилар. Отли гапларнинг от сўздан бошланишини (масалан, Зайд турибди), феълли гапларнинг эса феъл сўздан (масалан, турган Зайд) бошланишини айтадилар.

Отли гапнинг эгаси *muftado* (мубтадо), кесим эса *haber* (хабар) деб номланади. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари сифатида 1) тўлдирувчи, 2) ҳол ва 3) изоҳловчилар кўрсатилади.

Сўзлар ўртасидаги синтактик муносабатга хизмат қилувчилар сифатида мослашув, бошқарув ва битишув олинади. Отли гапларда эга кесим билан мослашади.

Араб тилшунослари морфологияда, Аристотель каби, учта сўз туркумини-исмун (от), феълун (феъл) ва ҳарфун (юклама, ёрдамчи сўзлар ва аффиксларни) ажратадилар. Отни кенг маънода олиб, унинг таркибига от, сифат, олмошларни ҳам киритадилар.

Отларни атоқли ва турдош отларга, турдош отларни эса аниқ ва мавҳум отларга ажратадилар. Отларнинг сон, эгалик, келишик категориялари анча мукамал тасвирланади. Отларнинг келишик категориялари сифатида тушум келишиги (-ни), жўналиш келишиги (-га, -ка, -ға), ўрин ва пайт келишиги (-да), чиқиш келишиги (-дан) ва биргалик келишиги (била) қайд этилади. Қа-

ратқич келишиги алоҳида изофа ҳодисаси сифатида тушунтирилади. Бош келишик ҳақида сўз юритилмайди.

Араб грамматикасининг морфология қисми Сибавайхий асарида пухта ишлаб чиқилган. Аниқроғи, у морфологияга оид қуйидаги масалаларни тадқиқ қилади: 1. Сўз туркуми. 2. Ўзакнинг тузилиши. 3. От ва унинг таснифи. 4. Феъл ва унинг шакллари ва бошқалар.

Араб тилшуносларининг тадқиқотларида феъл марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Сибавайхий ўз ишларида феълнинг қатор грамматик категориялари: ўтимлилик, ўтимсизлик, нисбат, шахс, сон ва бошқаларни қайд этади. Феълларни тузилишига кўра туб ва ясама феълларга ажратади.

Арабларда сонлар бирликлар, ўнликлар, юзликлар ва мингликларга бўлинади. Олмошларнинг кишилик ва ўзлик олмоши каби турлари қайд этилади, уларнинг (масалан, кишилик олмошларининг уч шахси: ман, сан, ўз, биз, сиз, улар) каби ички турлари ҳам берилади.

Араб тилшуносларининг асосий тадқиқот объектларидан бири сифатида луғатлар кузатилади. Араб лексикологлари сўзларни турли нуқтаи назардан ўрганадилар. Бу ҳолда улар сўзларнинг тузилишини, маъносини, келиб чиқишини, қўлланиш даражасини ҳисобга оладилар, шунга кўра сўзларга баҳо берадилар.

Араблар сўзларнинг бир маъноли ва кўп маъноли бўлишини айтадилар. Улар сўзларнинг кўп маънолилиги айна бир сўзнинг турли жойларда турли предмет ва ҳодисаларни англатишидан ҳосил бўлишини, яъни шунинг натижаси эканлигини таъкидлайдилар. Сўзларнинг тўғри ва кўчма маъноларга эга бўлишини айтиб, кўчма маъно ҳосил бўлишининг ўн икки усулини ишлаб чиқадиладар.

Араб лексикологиясида синоним ва антоним сўзларга алоҳида эътибор берилади ва тадқиқотларда кенг ўрин ажратилади.

Араб тилшунослари, асосий эътиборни ўз она тилларига қаратишдан ташқари, форс, мўғул ва туркий тил масалалари билан ҳам шуғулланганлар.

Туркий тил масалалари бўйича тилшунос Асируддин Абу ҳайён ал – Андалусий (1256–1344) қатор асарлар яратди. Маълумотларга қараганда бу асарларнинг ўндан ортиғи бизгача етиб келган. Масалан, 1. «Китобул афъол филлисоний туркия» («Турк тилидан иш китоби»). 2. «Китоб захвул мулк финнаҳвит туркия» («Турк синтаксиси соҳасидан ёрқин китоб»). 3. «Аддуратул мудитъа фил луғатит туркия» («Турк тили тарихи») 4. «Китоб ал идроки лисонул атрок» («Турклар тилини тушуниш китоби»).

«Турклар тилини тушуниш» китоби 1312 йилда араб тилида ёзилган бўлиб, кириш, луғат ва грамматика бўлимларидан ташкил топган. Муаллиф асарнинг кириш қисмида тил системасининг тузилиш элементлари – ташкил қилувчилари сифатида луғат таркибини, морфология ва синтаксисни кўрса-тадилар, яъни у алоҳида олинган сўзларнинг маъноларини, сўзларнинг турланиши ва тусланишининг қоидаларини ҳамда сўз бирикмаларини қайд этади.

Асарнинг луғат қисмида туркий сўзлар араб алфавити тартибида жойлаштирилган бўлиб, унда 3000 га яқин сўз мавжуд.

Асарнинг морфология қисмида сўз туркумлари ҳақида фикр юритилади. Бунда от, феъл ва ҳарф (ёрдамчи сўзлар ва аффикслар) алоҳида қайд этилади. Туркий тилларнинг сўз яшаш, сўз ўзгартириш ва форма яшаш категориялари ҳақида маълумот берилади. Асарда синтаксиснинг сўз бирикмаси таълимотига тўхтаб ўтилади.

Туркий тилга бағишланган муаллифи номаълум «Ат - туҳфатуз закияту филлуғатит туркия» («Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа») асари ҳам бўлиб, у XIV асрга оид деб тахмин қилинади. Араб тилида ёзилган бу манба профессор С.Муталлибов таржимасида ўзбек тилида 1968 йилда Тошкентда нашр қилинган. 1978 йилда эса асар академик Э.Фозилов ва М.Т.Зияевлар томонидан рус тилига ўгирилиб, «Изысканный дар тюркскому языку» номи остида (академик А.Н.Кононов муҳаррирлигида) Тошкентда чоп этилди.

Асарда қипчоқ шеvasининг луғат таркиби ва грамматик қурилиши тасвирланади. Тадқиқот уч бўлимдан: 1. Қисқача кириш. 2. Луғат ва 3. Грамматикадан ташкил топган. Манбанинг кириш қисмида тил ва жамият масаласига эътибор қаратилиб, тилнинг жамиятдаги вазифаси, ўрни, унинг тафаккур билан боғлиқлиги ҳақида фикрлар берилади.

Муаллиф: «Инсон ҳайвондан фақат тушуниш ва тил (сўзлаш, бизнингчанутқ Р.Р) билангина фарқ қилади», - дейди. Демак, фикрлаш ва тил (нутқ) қобилияти фақат инсонгагина хос эканлиги таъкидланади. Бинобарин, инсон ана шу қобилиятига кўра ўзгалар билан, жамият аъзолари билан алоқага киришади, ўзаро ақлий, лисоний муносабатда бўлади.

Ишнинг кириш қисмида, шунингдек, графика – ёзув билан боғлиқ айрим масалалар ҳамда баъзи товушлар ҳақида, товушларнинг физиологик – талаффуз хусусиятлари ҳамда талаффуз вақтида тушиб қолиш хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Масалан, д: ичир (асли ичдир); б: агар (асли

арабча абгар); р: била (асли бирла, бирлан); қ: сичан (сичқан), ташари (ташқари), башар (башқар); к: ичари (ичқари); нг: ализ (алингиз).³

Асарнинг луғат бўлимида уч мингта туркий сўз қайд этилади. Улар араб тилига таржима қилинади, маъноларига алоҳида эътибор берилади.

Манбанинг грамматикага оид бўлимида муаллиф, асосан, морфологияга катта эътибор беради. Ишда туркий тил грамматикаси араб тили грамматикасига қиёсланади. Аниқроғи, араб тили грамматикаси асосида туркий тил грамматикаси таҳлил қилинади.

Асарда туркий тилдаги сўзлар араб тили грамматикаси асосида уч туркумга от (исмун), феъл (феълун) ва ёрдамчи сўзлар (ҳарфун)га ажратилади. Сифат, сон ва олмошлар араб тили анъанасига мувофиқ от туркуми таркибига киритилади. От маъно жиҳатдан атоқли, турдош, жамловчи ва кичрайтиш отларига ажратилади. Отларнинг грамматик категориялари: сон, эгалик ва келишик категориялари ҳақида етарли даражада маълумот берилади. Отларнинг сон жиҳатдан бирлик ва кўпликка эга эканлигига эътибор қаратилади. Қиёсланг: ат-атлар; эпчи-эпчилар (аёл-аёллар).

Отларда эгалик шакллари бирлик ва кўplik кўринишига, тузилишига эга эканлиги айтилади. Қиёсланг: б а ш и м, к ў з и м – б а ш и м и з, к ў з и м и з; б а ш и н г, к ў з и н г – б а ш и н г и з, к ў з и н г и з; б а ш и, к ў з и – б а ш л а р и, к ў з л а р и.⁴

Асарда бешта келишик категорияси қайд этилади. Булар: 1. Тушум келишиги. 2. Жўналиш келишиги (-ға, -га, -қа,-ка,-а, уст). 3. Ўрин-пайт келишиги (-да). 4. Чиқиш келишиги (-тан,-дан). 5. Биргалик келишиги (била).

Асарда сифат ҳақида маълумот берилади ҳамда белгининг энг ортиқлигини ифодаловчи шакллар: -роқ, -рак аффикслари келтирилади.

Олмошларнинг - кишилик олмошларининг уч шахси: ман, сан, ўз; биз, сиз, ўзлар - қайд этилади.

Асарда сон туркумининг тўртта даражаси келтирилади. Булар: бирликлар: бир, икки, уч, беш...; ўнликлар: ўн, йигирма, қирқ, элли...; юзликлар: юз, икки юз, уч юз, тўрт юз...; мингликлар: икки минг, уч минг, тўрт минг... ва бошқалар.

Муаллиф «Ат - туҳфа» асарида феъл (феълун) туркумига атропофлича тўхталади. Феъл туркумининг қатор грамматик категориялари: замон, майл, бўлишли-бўлишсизлик, шахс, ўтимлилик, нисбатлар ҳақида фикр юритади. Ишда феъл-

³ А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т.,2002, 61-бет.

⁴ А.Нурмонов. Ўша асар, 63-бет.

нинг анча мураккаб бўлган нисбат категорияси - унинг мажхуллик, биргалик, орттирма ва ўзлик нисбатлари ҳақида маълумот берилади. Манбада феълнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замон категориялари ҳам атрофлича ёритилади.

«Ат - тухфа» да ҳарфун - ёрдамчи сўзлар масаласига ҳам эътибор берилади. Туркий тилда д а ғ и, т а қ и, й ў қ с а, й ў қ, йа, а м м о каби сўзлар боғловчи бўлиб келиши айтилади. Юкламалар ҳақида фикр юритилган бўлимда фақат таъкид юкламаларигина эмас, балки, умуман маънони кучайтириш усуллари ҳақи-да фикр берилади. Қиёсланг: бий-бий (бек-бек); ал-ал; ук-ук.⁵

Туркий тилда ундовларнинг учта эканлиги айтилади. Булар: эй, абав, абу. Масалан: А кичи! Эй одам!.

«Ат - тухфа» асарида грамматикага – синтаксисга оид маълумотлар ҳам берилган бўлиб, унинг асосини гап ҳақидаги фикрлар ташкил қилади. Гаплар отли ва феълли гапларга ажратилади. Гапнинг зарурий, таркибий қисмлари сифатида эга (мубтадо) ва кесим (хабар берилади). Муаллиф: Бий уйдадир, гапини синтактик жиҳатдан мутлақо тўғри эга (бий) ва кесим (уйдадир) каби бўлақларга ажратади.

Ишда, асосан, сўроқ гаплар ҳақида фикр юритилади. Сўроқ гапларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳосил бўлиши, сўроқ воситалари ҳақида фикрлар берилади. Масалан, Б и й л а р к е л д и- л а р м и? Н а д а н к у л а р с а н? Н е ч а а қ ч а д и р? ва бошқалар.

Хуллас, араб тилшунослиги, умуман, жаҳон тилшунослиги тарихида ёрқин из қолдирган бўлиб, Европага ҳинд тилшунослигига нисбатан анча олдин маълум бўлган.

XIII асрнинг ўрталарида (1258) Араб халифалигининг пойтахти бўлган Боғдод мўғуллар томонидан босиб олинади. Натижада, халифалик ўз ичида алоҳида давлатларга бўлиниб кетади. Шу билан араб маданиятининг классик даври ўзининг ниҳоясига етади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Араб тилшунослигининг пайдо бўлишига нима сабаб бўлди?
2. Араб тилшунослигининг дастлабки марказлари қаер?
3. Амир бин Усмон Сибавайхий ким?
4. Араб лексикографиясида луғатлар мазмунан нечта гуруҳга бўлинади?

⁵ А.Нурмонов. Ўша асар, 68-бет

5. Араб тилида ўзак нечта ундошдан иборат бўлади ва у нима деб аталади?

6. Араб тилшунослигида нечта сўз туркуми фарқланади?

7. “Ат-тухфатул закияту филлуғатит туркия” қандай асар?

Асосий тушунчалар:

1. Куръон – мусулмон оламининг муқаддас диний китоби.

2. Ҳалил ал Фароҳидий – араб тилшунослигининг асосчиларидан бири, араб тили илк луғатининг муаллифи.

3. Ундош товуш – моҳият.

4. Унли товуш – ўткинчи.

5. Мубтадо – эга.

6. Хабар – кесим.

7. Исмун – от.

8. Феълун – феъл.

9. Ҳарфун – ёрдамчи сўзлар.

10. “Ат тухфатул закияту филлуғатит туркия” – туркий тил қипчоқ шеvasининг луғат таркиби ва грамматик қурилишига оид бўлиб, араб тилида ёзилган. Муаллифи номаълум асар (XIV аср).

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. -М., 1968.

2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.

3. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.- М., 1975.

4. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений. -М., 1979.

5. История лингвистических учений. Средневековый Восток.- М., 1981.

6. А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т., 2002.

ЎРТА ОСИЁДА ТИЛШУНОСЛИК.

Ўрта Осиёлик машхур алломаларнинг жаҳон маданияти, маърифати-илм-фанига қўшган ҳиссаси улкандир. Жаҳон тан олган буюк алломалар: Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Алишер Навоий, Мирзо Меҳдихон ва бошқаларнинг тилшунослик фани тараққиётидаги хизматлари каттадир.

Абу Наср Форобий

Қомусий олим Абу Наср Форобий (873–930) яратган асарлар ичида «Фанлар таснифи» (ёки «Фанлар таснифи ҳақидаги сўз») китоби тилшунослик масалаларига бағишланганлиги билан ажралиб туради. Буюк аллома тилшуносликнинг фонетика, морфология, синтаксис, орфография, орфоэпия ва стилистика каби бўлимлари ҳақида дастлабки тушунчаларни берган.⁶

Форобий фонетика ҳақида фикр юритар экан, нутқ товушлари, товушларнинг ундош ва унли турлари, ундош товушларнинг пайдо бўлиши, ўрни, унли товушлар ва уларнинг хусусиятлари, сўзга қўшимчалар қўшганда юз берадиган товуш ўзгаришлари, сўзнинг фонетик меъёри ҳақида фикр юритади.

У лексика юзасидан маълумот берар экан, лексик бирлик бўлган сўз масаласига, сўз маъноларининг таснифи масаласига тўхталади, яъни сўз маъносининг икки турини: содда ва мураккаб бўлишини кўрсатади. Содда маъноли сўзларга: о д а м, ҳ а й в о н, г у л, о в қ а т, о с м о н каби аташ вазифасини бажарувчи алоҳида сўзларни киритса, мураккаб маъноли сўзларга: нарса ва унинг белгисини билдирувчи: Б у о д а м – б и л и м л и, б у - г у л – ў с и м л и к каби ифодаларни киритади.

Форобий морфология масаласида сўзларни араб тилшунослигига асосланган ҳолда от, феъл ва ҳарфларга ажратади. Отларни иккига: атоқли ва турдош отларга бўлади. Аникроғи, содда маъноли сўзларни иккига ажратади: 1) атоқли отлар: З а й д, А м р; 2) турдош отлар: о д а м, ҳ а й в о н, о т ва бошқалар. Отларга сон категорияси (бирлик, иккилик, кўплик), феълларга замон (ўтган, ҳозирги, келаси замон) категорияси хослигини таъкидлайди.

⁶ Абу Наср Форобий ва Абу Райҳон Берунийнинг тилшуносликка оид фикрларини беришда А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” асаридан фойдаландик.

У синтаксис масаласида сўз бирикмаси ҳақида, нутқнинг қисмларга бўлиниши, сўзларнинг қандай бирикиш қоидалари ва ҳукм билдириши, сўзларнинг қўшилиш турлари ҳақида фикр юритади.

Форобий орфография масаласида сўзларнинг ёзилиш қоидалари юзасидан ҳам дастлабки маълумотларни беради.

Форобий шеърят – шеър ҳақида фикр юритар экан, шеърнинг ёзилиш ўлчовлари, яъни шеърнинг ёзилишидаги тўлиқ ва нотўлиқ ўлчовлар, қайси ўлчов ёқимли ва чиройли эканлиги, умуман, шеър товуш ва бўғинлардан ташкил топиши ҳақида фикр баён қилади.

Форобий улуғ файласуф олим сифатида умумийлик ва хусусийлик диалектикаси нуқтаи назаридан тилга, лисоний ҳодисаларга ҳам муурожаат қилади.

У от, феъл ва юклама каби сўз туркумларининг араб тилида ҳам, юнон тилида ҳам мавжудлигини айтиб, буни умумийлик сифатида талқин қилади. Айтилган араб тилшунослари ушбу сўз туркумларини шу тил ҳодисалари, бирликлари асосида таҳлил қилсалар, юнон тилшунослари эса қайд этилган морфологик категорияларни ўз она тили материаллари асосида ўрганишларини таъкидлайдики, бу жараён хусусийлик сифатида намоён бўлади. Бинобарин, диалектик фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик категорияси тилнинг муайян тушунчалари орқали ўзининг исботини, тасдиғини топади.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний

Ўрта аср Европасида Алиборона номи билан машҳур бўлган қомусий аллома хоразмлик Абу Райҳон ал-Беруний (937–1048), маълумотларга қараганда, 150 дан ортиқ асар яратган. Ушбу асарлар математика, фонетика, кимё, астрономия, жўғрофия, тиббиёт, адабиёт, мусиқа, риёзиёт ва тилшунослик каби қатор соҳаларга оид бўлиб, жаҳон илм-фанининг дурдоналари сифатида қадрланади.

Абу Райҳон Берунийнинг лисоний қарашлари «Сайдана» номли асарида берилган. Аниқи, ушбу асар доривор ўсимликлар, ҳайвонлар ва маъданлар тавсифига бағишланган бўлиб, унда доривор моддаларнинг бир неча тиллардаги номлари келтирилади. Буюк аллома ушбу асарда доривор моддаларнинг бир неча тилларда қандай номланишинигина баён қилиб қолмасдан, балки ушбу моддаларнинг ҳар бир тилдаги маҳаллий, яъни ҳар бир шевадаги номланишини ҳам алоҳида кўрсатиб беради. Демак, муаллиф предмет ва унинг номи

муносабати масаласига алоҳида аҳамият берадики, айна масала қадимги тилшунослик давридан то шу кунгача ҳам тил ҳақидаги фаннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Беруний шеърят масалалари билан ҳам шуғулланади, асарлар яратади, ўзи ҳам шеър ижод қилади. У «Сайдана» асарида қатор шоирларнинг шеърятидан намуналар келтиради.

Беруний асардаги 29 боб ва 1116 мақолада доривор моддаларнинг номига изоҳ беради, ҳар бир боб бир ҳарфга бағишланади. У асарда 4500 дан ортик арабча, юнонча, сурияча, форсча, хоразмийча, сўғдча, туркча ва бошқа тиллардан ўсимлик, ҳайвон, дориворлар номларини тўплайди ва изоҳлайди. Демак, «Сайдана» асари айна вақтда доривор моддалар номларининг изоҳли луғати сифатида ҳам қадрланади. Муаллиф асарда доривор моддалар номини араб алифбоси тартибида жойлаштиради. Бир ҳарф билан бошланувчи бир неча сўз бўлса, улар шу ҳарф бобида ички алфавит асосида берилади. Мазкур луғат ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам этимологик, ҳам диалектологик луғат сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Абу Али ибн Сино

Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган ва Шарқда улуғлаб, «Шайхурраис» номи билан аталган ватандошимиз Абу Али ибн Сино (980–1037) турли соҳаларда, шу жумладан, тилшунослик бобида ҳам бир қанча асарлар яратди.

Қомусий аллома Ибн Сино: 1) «Китоби ал милҳ фин-наҳв» («Ўткирлик синтаксисда эканлиги китоби»); 2) «Китоб лисонул араб» («Араб тили китоби»); 3) «Асбоби худут ал хуруф» («Товушларнинг чегараланиш сабаблари») каби тилшуносликка оид қатор асарлар қолдирди. Шу кунгача «Асбоби худут ал хуруф» асарининг тўртта нашри: Қоҳира (2), Тифлис ва Тошкент нашрлари маълум. Асарнинг Тошкент нашрини тайёрлашда профессор А.Маҳмудов ва профессор Қ.Маҳмудовларнинг хизматлари катта бўлди.

Ушбу асар кириш ва олти бобдан ташкил топган. Манбада товушнинг ҳамда нутқ товушларининг пайдо бўлиш сабаблари, бўғиз ва тилнинг анатомияси, айрим араб товушларининг пайдо бўлишидаги ўзига хосликлари, ушбу товушларга ўхшаш нутқ товушлари ҳамда товушларнинг нутқий бўлмаган ҳаракатларда эшитилиши кабилар ҳақида фикр юритилади.

Ибн Сино товушнинг ҳосил бўлишида ҳавонинг тўлқинсимон ҳаракати сабаб эканлигини тўғри кўрсатади. Аниқроғи, артикуляция ўрнидан ҳавонинг сиқилиб чиқиши натижасида нутқ товушлари юзага келади. У физикавий товушлар билан нутқ товушларини бир-биридан фарқлайди. Физикавий товушларни «савт», нутқ товушларини эса «ҳарф» сўзлари-терминлари билан номлайди. Физикавий товушнинг ҳам, нутқ товушининг ҳам ҳавонинг тўлқинсимон ҳаракати сабабли ҳосил бўлиши таъкидланади. Демак, бу товушларнинг юзага келишида ҳавонинг тўлқинсимон ҳаракатланиши умумийлик ҳисобланади. Айти вақтда бу умумийликнинг хусусийлиги шундаки, савтлардан – физикавий товушлардан фарқли ҳолда ҳарфларнинг – нутқ товушларининг ҳосил бўлишида муайян нутқ аъзолари иштирок қилади. Демак, нутқ товушлари нутқ аъзолари орқали, бевосита уларнинг иштирокида юзага келади.

Ибн Сино ҳарфларни – нутқ товушларини унли ва ундош товушларга ажратади. Унлилар миқдорини учта, ундошлар миқдорини эса йигирма саккизта деб белгилайди. Ундошлар ҳақида мукаммал маълумот беради. Умуман, Ибн Синонинг фонетика соҳасида яратган ишларини, баён қилган фикрларини, айтиқса, унинг товушларни унли ва ундош товушларга ажратишини жаҳон тилшунослиги тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси сифатида баҳолаш лозим.⁷

Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад Кошғарий

Маҳмуд Кошғарий Ўрта Осиёда XI асрда яшаб ижод этган буюк алломадир. У туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси ва лексикологиясига асос солди, фонетикаси бўйича қимматли маълумотлар қолдирди.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилшуносликнинг энцикло-педияси ҳисобланган машҳур «Девону луғатит турк» («Туркий сўзлар девони») асарини яратди. Шунингдек, шу кунгача топилмаган «Жавоҳирун - нахв фи луғотит турк» («Туркий тиллар синтаксисининг жавоҳирлари») номли асарни ҳам ёзган.

Араб тилидан К.Броккельман томонидан немис тилига таржима қилиниб, 1928 йилда Лейпцигда, Босим Аталай томонидан турк тилига таржима қилиниб, 1939 йилда Анқарада нашр қилинган «Девону луғатит турк» асари

⁷ Қар:А.Нурмонов. Ўша асар, 21-23 бетлар.

профессор С. Муталлибов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, 1960-1963 йилларда Тошкентда нашрдан чиқади.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони» академик А.Н. Кононов, профессор Ҳ.Неъматов, профессор Ф. Абдуллаев, профессор С.Усмонов, профессор А.Кондрашов, профессор А.Нурмонов ва бошқаларнинг тахминича 1072–1078; 1078–1083; 1071– 1073; 1073–1074; 1076–1077 йилларда ёзилган. Хулоса битта, асар XI асрнинг иккинчи ярмида тилшунослик майдонига кириб келган.

Тилни кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида, жамият ҳаётини акс эттирувчи кўзгу сифатида тушунган Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур «Девон»ида айнан бир даврга оид бўлган турлича туркий тиллар ҳодисаларини, фактларини синхрон – қиёсий метод асосида солиштиради, таққослайди. Чунки ўша даврда айнан мана шу метод араб тилшунослигида жуда кенг тарқалган бўлиб, бу араб тилининг кўп шеваги тил эканлиги хусусиятидан келиб чиқади.⁸

«Девону луғатит турк» асарида туркий тилшунослик тарихида биринчи мартаба туркий тил ва диалектларнинг таснифи ҳам берилади.⁹

Хуллас, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девон»и билан синхрон - қиёсий тилшуносликка асос солди, айна тилшуносликнинг буюк вакили сифатида танилди.

Маҳмуд Кошғарий синхрон - қиёсий метод билан қуролланган ҳолда туркий қабилаларни кезиб, асосий диққат-эътиборини уларнинг тилларидаги умумий ва фарқли хусусиятларга қаратади. Шунингдек, у туркий қабилаларнинг жойлашиш ўрни ҳақида ҳам қимматли, асосли жўғрофий маълумотлар берадики, бу «Девон»даги фактларнинг, фикрларнинг, қарашларнинг объективлигини таъминлайди. Айтилганлар «Девон»нинг жуда катта меҳнат эвазига яратилганлигидан хабар беради.

Тилшуносликнинг барча сатҳлари бўйича қиёсий тадқиқот ишларини олиб борган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и муқаддима ва луғат қисмларидан ташкил топади.

«Девон»нинг кириш қисмида асарнинг тузилиши ҳақида, шунингдек, Шимолий Хитойдан тортиб, бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона,

⁸ А.Н.Кононов, Х.Г.Нигматов. Махмуд Кашгарский о тюркских языках. История лингвистических учений. Средневековый восток.-Л.,1981, 135-бет.

⁹ Қар:Ҳ.Неъматов.XI асрдаги туркий тилларнинг Маҳмуд Кошғарий томонидан қилинган таснифи. Ўзбек тили ва адабиёти.ж.4. 1969, 51-55-бетлар.

Бухорогача тарқалган катта худуддаги уруғлар, қабилалар ва уларнинг тиллари ҳақида, бу тилларнинг фонетик ва грамматик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади.

«Девон»нинг асосий луғат қисмида эса 7,5 мингга яқин туркий сўз араб тилига таржима қилиниб, изоҳланади, уларнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари ҳақида муҳим фикрлар баён қилинади.

Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар – сўзлар фонетикаси – товушлар ҳақида фикр юритар экан, товушларни ҳарфлардан катъий фарқлайди, товушларнинг физиологик ва акустик хусусиятлари ҳақида фикр юритади. У араб ёзуви системасидаги ҳарфларнинг туркий тиллардаги мавжуд товушларни ифодалаш учун етарли эмаслигини айтиб, араб ёзувига янги белгилар киритади. Аниқроғи, араб ёзувидаги 18 ҳарфни – шу ҳарфлардан еттитаси устига махсус қўшимча белги қўйиш орқали 25 тага етказди. Натижада, 25 та товуш ўзининг ёзма – ҳарф шаклига, ифодасига эга бўлади.

Аллома ундош товушлар ҳақида гапириб, ундошларнинг содда ва мураккаб бўлиши, жарангли ва жарангсизлиги, қаттиқ ва юмшоқлиги, ундошларнинг кетма-кет келиши: к а т т а, о п п о қ (геминация) каби масалаларга тўхталади. Шунингдек, у сингармонизм, товуш тушиши, алмашиниши, ассимиляция, метатеза, редукция каби бевосита товушлар билан боғлиқ фонетик жараёнлар ҳақида ҳам фикр юритади.

Маҳмуд Кошғарий тил ва нутқнинг асосий бирлиги бўлган сўз масаласига лексиколог, семасиолог, лексикограф сифатида тўхталар экан, бунда у асосий диққат-эътиборни тилшуносликнинг энг муҳим ва энг мураккаб масалаларидан бири бўлган сўз маъносига, сўзнинг кўп маънолилигига, сўз маъносининг кўчишига, сўз маъносининг изоҳи каби ўта жиддий масалаларга қаратади, яъни олим «Девон»да сўзнинг муайян маъно англатишдек энг муҳим хусусиятидан келиб чиқиб, сўз маъноси билан бевосита боғлиқ бўлган омонимия, синонимия ва антонимия ҳодисалари ҳақида, сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ бўлган метафора, метонимия, синекдоха, функциядошлик каби маънонинг кўчиш усуллари ҳақида, сўз маъносининг кенгайиши ва торайиши ҳақида фикр юритади, туркий тиллардан қатор мисоллар келтиради, фикрини исботлайди. Масалан, «Девон»да ўт сўзи омоним сифатида қайд этилади ва қуйидаги омонимик маъноларда қўлланилиши айтилади. Қиёсланг: ўт-дори (у д о р и т о м д и р д и); ўт-ўсимлик (қ ў й ў т н и е б т у г а т д и).¹⁰ Эрик-эрийдиган, эрувчан (масалан,

¹⁰Девону луғатит турк. 2-том.- Т.,1961, 382-бет.

ёғ ва бошқа эрийдиган нарса); эрик-чаққон, йўрға (масалан, чаққон, ғайратли одам, йўрға от).¹¹

Махмуд Кошғарий антоним сўзларга ҳам тўхталиб, чивгин (тўқ тутувчи, семиртирувчи, кучли, масалан, овқат) сўзининг маъно зиди – антоними сифатида кэвгин (тўқ тутмайдиган, кучсиз, масалан, овқат, ош) сўзини келтиради¹², яъни сўзларнинг бири «кучли» (кўп қувватли) маъносини берса, иккинчиси «кучсиз» (кам қувватли) маъносини англатади.

Муаллиф «Девон»да синонимик муносабатдаги сўзлар сифатида қуйидагиларни қайд этади: ишлар, урағут, ўхшағу (хотин киши маъносида); ўпди, ичди (ичмоқ маъносида); илишди, асишди (осмоқ маъносида).¹³

Махмуд Кошғарий метафора-ўхшашлик асосида маъно кўчишига туғмоқ феълини келтиради, яъни ушбу сўз фақат инсонга нисбатан эмас, балки қўлланиш вақти жиҳатдан анча кейин, ташқи ўхшашлик асосида, ҳайвонга нисбатан ҳам ишлатилиши ҳақида маълумот беради.

У маъно кўчишининг метонимия усулига тўхталиб, б у л у т, о с м о н ва о ғ и л сўзларини келтиради. Бунда булут, осмон сўзлари ёмғир маъносида қўлланса, оғил сўзи гўнг, қий маъносида ишлатилишини айтади.

Аллома маънонинг кенгайишига т у ғ м о қ сўзини келтириб, бу сўз фақат одамларга нисбатан эмас, балки кейинчалик ҳайвонга нисбатан ҳам қўлланганлигини айтади. Бундан сўзнинг қўлланиш қамрови, муайян предмет билан боғланиши, уни англатиш фаоллигининг кенгайганлиги маълум бўлади.

Сўз маъносининг торайиши сифатида эса с о б о н сўзини келтириб, айна сўзнинг қўшга нисбатан ҳам, омочга нисбатан ҳам - ҳар иккала бошқа-бошқа предметларга нисбатан ишлатилгани, сўнг эса фақат омочни англатиш учун қўлланишини тушунтиради.

«Девон»даги морфологияга оид тадқиқотларга келганда, асарда сўзлар, ўша давр араб тилшунослиги анъаналарига кўра, уч туркумга ажратилади, яъни булар от, феъл ва ёрдамчи сўзлар. Сўз туркумларидан, айниқса, феъл билан боғлиқ қатор масалалар атрофлича ўрганилади. Бунда у феъл ясалиши, феъл нисбатлари, феъл майллари, феъл замонлари масаласига алоҳида эътибор беради¹⁴, қимматли маълумотлар келтиради.

¹¹ Девону луғатит турк.1-том, 100-бет.

¹² Ўша асар. 1-том, 415-бет.

¹³ Ўша асар 1-том, 140-,157-,166-,176-,177-,198-бетлар.

¹⁴ Қар.А.Нурмонов. Ўша асар, 46-50 бетлар

Хуллас, Маҳмуд Кошғарий ўз даврининг улкан тилшуноси сифатида жаҳон тилшунослиги тарихида ёрқин из қолдирган буюк алломадир.

Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз – Замахшарий

Мусулмон шарқида «Устод ул-араб ва-л ажам» (Араблар ва ғайри араблар устози), «Фахру Хваразм» (Хоразм фахри) каби шарафли номлар билан машҳур бўлган ўрта осиелик алломалардан яна бири Маҳмуд аз – Замахшарийдир (1075–1143).

Маҳмуд аз–Замахшарий Хоразмнинг Замахшар қишлоғида дунёга келди. Унинг ёшлик йиллари илму фан ва маданият тараққий қилган даврга тўғри келди. Замахшарийлар оиласи диндор, хурматга сазовор зиёли оилалардан эди. Шунга кўра у дастлабки билимини Замахшарда ўз ота-онасидан олади, хат-саводли бўлади. Маҳмуд ўз билимини ошириш, илм-фан бобида мукамал бўлиш мақсадида Хоразмга (Урганчга, сўнгра эса Бухорога) йўл олади. Ушбу шаҳарлардаги мадрасаларда ўзининг маънавий-маърифий савиясини оширади. Билимини янада чуқурлаштириш мақсадида Исфажон, Боғдод, Макка, Марв, Нишопур, Шом, Ҳижоз ва Ироқ каби илм-фан, маданият тараққий қилган шаҳарларда бўлади, етук алломалардан, олиму фозиллардан илм-фан сирларини ўрганади, тинимсиз меҳнат қилади, доимий изланишда бўлади. Натижада, Маҳмуд аз–Замахшарий ўз замонасининг буюк алломасига, илм-фан ҳомийсига, донғи кетган машҳур кишисига айланади.

Буюк аллома авлодлар учун улкан бой илмий мерос қолдирди. У тилшунослик, луғатшунослик, жўғрофия, адабиёт, аруз, тафсир, ҳадис, фикҳ ва қироат илмига оид 50 дан ортиқ асар яратди, кўплаб шеърлар ёзди.

Машҳур тарихчи Ибн ал-Қифтий Маҳмуд Замахшарий ҳақида «Худо раҳмат қилғур аз - Замахшарий илму адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга мисол (намуна) бўладиган аллома эди», деса, Миср тарихчиси ибн Тағриберди эса Маҳмуд Замахшарий «шайх, буюк аллома, ўз даврининг яғонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган», дейди.

Буюк имом Замахшарий тилшунослик бобида ҳам қатор асарлар яратдики, бу асарлар дунё тилшунослиги фанида алоҳида қадрланади.

Маҳмуд аз – Замахшарийнинг тилшуносликка оид асарлари қуйидагилар:

1. «Ал – муфассал фи санъат ил-ийроб» («Флексия санъати ҳақида муфассал китоб»).

2. «Ал – муҳожат бил - масоил ан - нахвия ав ал- аҳажий ан – нахвия»

(«Грамматик масалаларга оид жумбоқлар»).

3. «Ал–унмузаж фи-н-наҳви» («Грамматик намуналар ҳақида»).

4. «Самийм ул-арабия» («Араб тилининг негизи»).

5. «Ал–муфрад ва-л-муаллиф фи-н-наҳви» («Грамматикада бирлик ва кўплик»).

6. «Ал–муфрад ва-л мураккаб фи-л-арабия» («Араб тилида бирлик ва кўплик»).

7. «Ал–амалий фи-н-наҳви» («Грамматик қоидаларда орфография»).

8. «Дийвон ут-тамоийл» («Ассимиляция ҳақида девон»)¹⁵

Араб тили грамматикасига оид асарлар ичида Замахшарийнинг бир ярим йил давомида Маккада яратган «Ал - муфассал» (1121) китоби алоҳида ўрин тутди. Айти асар араб тилининг морфологияси ва синтаксисига оид тадқиқот бўлиб, у мусулмон оламида машҳур бўлган ва юксак баҳоланган.

Замахшарийнинг «Ал-Муфассал» асарида грамматикага оид масалалар сўз туркумлари-от, феъл ва юкламалар орқали ўрганилган. Асарнинг ҳар бир бўлимида морфология ва синтаксис масалалари кўриб чиқилган. Асар фонетика бўлими билан якунланади.

Ушбу асарнинг бир қўлёзмаси Тошкентда, ЎзФАнинг Шарқшунослик институтида сақланади.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» («Адабиёт муқаддимаси» 1137) йирик асари ҳам бўлиб, аллома бу асарда ўз давридаги араб тилининг истеъмолда бўлган қатор сўз ва ибораларини жамлашга ҳаракат қилган, уларнинг этимологияси ҳақида қимматли маълумотлар берган. Замахшарийнинг «Муқаддимат ул - адаб» асари беш бўлимдан иборат бўлиб, унда сўзлар исм (от), феъл, боғловчи, от ўзгаришлари (отларнинг турланиши) ва феъл ўзгаришларига (феълларнинг тусланишига) бўлинади ва ҳар бир бўлим ҳақида алоҳида фикр юритилади.

Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари форс, чигатой (ўзбек), мўғул, турк кейинчалик эса француз, немис ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ушбу асарнинг қўёзмалари ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Аллома «Алфоик фи ғариб ил-ҳадис» («Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлаштириш») луғатини ҳам яратади. У асарда сўз масаласига, аниқроғи, маъносини тушуниш, англаш мураккаб, қийин бўлган сўзларга тўхталади. Айти сўз маъноларини шарҳлайди, тушунтиради, уларнинг ўзлашиши учун

¹⁵ А.Нурмонов. Ўша асар, 53-бет.

йўл очади.

Замахшарийнинг «Асос ул-балоға» («Чечанлик асослари») асари ҳам бўлиб, ушбу манба, асосан, луғатшуносликка оиддир. Китобда араб тилининг мукаммалиги ҳақида, сўз, сўзларнинг маъно хусусиятлари, сўзларнинг кўчма маънода қўлланиши, кўчма маъноларнинг пайдо бўлиш сабаблари, шунингдек, нутқнинг асосий бирлиги сифатида фақат сўз эмас, балки фразеологик бирликлар ҳам олинди, улардан нутқ фаолиятида фойдаланиш усуллари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Аллома умрининг охирироқ йилларида Макка шаҳрида “Ал-Кашшоф” асарини яратади. Ушбу асар Қуръони Карим тафсирига бағишланганлиги билан алоҳида қадрланади. Асарда Қуръондаги матнларга-тушунилиши қийин бўлган сўз ва жумлаларга мукаммал изоҳ берилди, улар шарҳланади, тушунтирилади. Маҳмуд Замахшарий бутун ислом маънавияти ва маданиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган «Навобий ул-калим» («Нозик иборалар») асарини ҳам яратди. Манбада, асосан, ҳикматлар-афоризмлар қайд этилган бўлиб, улар ғоявий ва бадиий жиҳатдан мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ушбу асар матнлари инсонни имон-эътиқодга, покликка, эзгуликка, илимли бўлишга, яхшиликка, ҳалолликка-маънавият ва маърифатга даъват қилади, маънавий дурдоналарни қадрлашга чақиради.

Намуналар:

1. Қуёш нури беркитилмайди.
ҳақиқат шаъми сўнмайди.
2. Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч... тафаккур ва идрок билан иш тут.
3. Ҳалол ва покиза киши доимо ҳаловату тинчликдадир.
4. Бировга ёмонлигу хиёнат қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.
5. Инсонни бойлик, пул-дунё, амал эмас, балки илм улуғлайди.
6. Кўпинча тил билан етказилган жароҳат, қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.
7. Ловиллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одам-лардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамлар сўндирарлар.
8. Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.
9. Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар.
10. Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла!
11. Ёки илимли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни

тинглаб эшитадиган бўл...¹⁶ ва бошқалар.

Алишер Навоий

Ўрта Осиёнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги буюк мутафаккири, алломаси, шеърят султони, ўзбек адабий тилининг ҳомийси ва тарғиботчиси Алишер Навоий (1441–1501) ҳазратлари тилшунослик тарихида ҳам ёрқин из қолдирган улкан сиймолардан биридир.

Алишер Навоийнинг лисоний қарашлари, асосан, «Муҳокамат ул-луғатайн» (1499) асарида ўз ифодасини топган.

Икки тил - ўзбек ва форс тилларининг қиёсий (солиштира) таҳлилига бағишланган ушбу асарда Алишер Навоий турли тил оилаларига мансуб бўлган тилларнинг умумий ва фарқли томонлари, белги-хусусиятларига тўхталади, уларни таҳлил қилади, муҳим маълумотлар беради. Аниқроғи, тилларни муҳокама қилиш орқали ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатларига, адабий-бадиий ижодда – асарлар яратишда ўзбек тилининг ҳам устувор, улуғвор тил эканлигини, шунга кўра форс тили билан бемалол рақобат қила олишини, ҳатто айрим ўринларда, тасвирийлик имкониятлари нуқтаи назаридан эса ундан илгари кета олишини баён қилади, асослайди.¹⁷

У мазкур асарида тилларнинг келиб чиқиши, тил ва тафаккур орасидаги муносабат, сўз маъноси, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари, сўз ясалиши, морфологик категориялар, фонетикага оид-товуш билан боғлиқ қатор ҳодисалар ҳақида чуқур фикр юритади, бундай ҳодисаларни атрофлича таҳлил қилади.

Навоий тил ва тафаккур муносабати ҳақида гапирар экан, уларнинг ўзаро зарурий боғлиқлигини, яъни тафаккурнинг воқелиги, ҳаётийлиги тил (нутқ) орқали эканлиги, тил тафаккурнинг моддийлашиши, юзага чиқиши учун хизмат қилишини ва ушбу диалектик жараён инсонга хослигини алоҳида таъкидлайди. Қиёсланг: (Чун алфоз ва маскур махлуқотдин мурод маънидир)¹⁸

Навоий асарда фонетик система ҳақида фикр юритар экан, айти системанинг қурилиш аъзолари бўлган товушлар ҳақида, товушларнинг

¹⁶ Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар.-Т.,1992

2. Қар.Д.М.Насилов. Лингвистические взгляды Алишер Наваи. В к н. История лингвистических учений. Средневековый восток. -Л., 1981, 148-бет.

¹⁸ Алишер Навоий. Танланган асарлар, 3 –том,-Т.,1998, 175-бет.

артикуляцион хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради, ўзбек тили товушларининг қўлланилишидаги ўзига хосликларини алоҳида қайд этади.

Ушбу фонетик ўзига хосликлар ҳақида профессор С.Усмонов ва профессор А.Нурмоновлар тадқиқотларида бир қатор маълумотларни келтирадilar.

Масалан, товуш ва ҳарф муносабати ҳақида фикр юритилар экан, улар бир-бирига ҳамма вақт ҳам мос келмаслиги, бир ҳарф билан бир неча товушни англатиш мумкинлиги айтилади. Аниғи, Навоий эски ўзбек адабий тилининг унлилар системасига тўхталиб, \bar{o} - \bar{o} , y - \bar{y} оппозицияси асосида мисоллар келтиради. Қиёсланг: $\bar{o}t$ (олов), $\bar{o}t$ (ҳаракат); tur (тузоқ), $t\bar{u}r$ (уйнинг тўри); ut (ютмоқ), $\bar{u}t$ (каллани ўтга тутиб, тўқини куйдириш). Шунингдек, биргина $\bar{e}y$ (ع) ҳарфи билан учта товуш: и, чўзиқ и ва э товушлари ифодаланиши қайд этилади.

Қофия масаласида ўзбек ва форс тиллари қиёсланар экан, бунда ўзбек тили имкониятларининг кенглиги, бу жиҳатдан ўзбек тили форс тилидан устун эканлиги баён қилинади. Аниғи аро сўзини $s a r o$, $d a r o$ билан ҳам, $b o d a$ билан ҳам, $\varepsilon r u r$ сўзини эса хур, дур билан ҳам, $f u r u r$, $s u r u r$ сўзлари билан ҳам қофия қилиш мумкинлигини, форс тилида эса бундай имконият йўқ эканлигини таъкидлайди.¹⁹

Хуллас, Алишер Навоий товушни, ҳозирги тилшунослик нуқтаи назаридан баҳолашда, фонема сифатида олиб, унинг энг муҳим хусусияти бўлган маъно фарқлаш қобилиятига эга эканлигини баён қилади.

Навоий ўз ижодида сўз масаласига алоҳида урғу беради. У сўз ҳақида фикр юритар экан, даставвал, мутлақо мақсадга мувофиқ, сўзнинг маъно қувватига катта эътибор қаратади. Чунки Навоий ғояларининг энг биринчи ва энг қудратли пойдевори, моддий асоси сўз эканлиги – сўзнинг маъно жиҳати эканлиги аниқдир.

Навоий сўзни маъно, тушунча ташувчи, инсон ғояларини, руҳий дунёсини ифода этувчи, шунга кўра ўзгаларга таъсир қилувчи кучли восита сифатида тушунади ва шундай тушунтиради. У она тилининг лексик бойлиги ҳақида ўткир тилшунос сифатида қимматли фикрлар, маълумотлар келтиради, семантик-функционал жиҳатдан форсий тилдан устун турувчи қатор лисоний birlikларни бирма-бир санайди, уларни маъно жиҳатдан таҳлил қилади, сўзларнинг-февълларнинг нозик маъно фарқларини, «қирраларини» қайд

¹⁹ Қар: С.Усмонов. Умумий тилшунослик.-Т., 1972, 54-бет. А.Нурмонов. Ўша асар, 87-бет.

этади. Туркий тилнинг сўз қўллаш бобида ҳам ўзига хосликларга, устунликларга эгаллигини асослайди, шеърий-байтлар орқали ишонч ҳосил қилади.

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида эски ўзбек тилининг имкониятларини, бойлигини кўрсатиш мақсадида шу тилнинг ўзига хос бўлган қуйидаги феълларни келтиради. Булар: қ у в о р м о қ, қ у р у қ ш а м о қ, у ш а р м о қ, ж и й ж а й м о қ, ў н г д а й м о қ, ч е к р и м а қ, д у м с а й - м о қ, у м у н м о қ, у с а н м о қ, и г и р м о қ, э г а р м о қ, у х р а н м а қ, т о р и қ - м о қ, а л д а м о қ, а р ғ а д а м о қ, и ш а н м а қ, и г л а н м а қ, а й л а н м о қ, э р и к м а қ, и г - р а н м а қ, о в у н м о қ, қ и с т а м о қ, қ и й н а м о қ, қ ў з ғ а л - м о қ, с о в р и л м о қ, ч а й қ а л м о қ, д е в д а ш и м о қ, қ и й м а н м о қ, қ и з ғ а н м о қ, н и к а м а қ, с а й л а н м о қ, т а н л а м о қ, қ и м и р д а м о қ, с е р п м а қ, с и р м а м а қ, г а н о р г а м а қ, с и ғ р и қ м о қ, с и ғ и н м о қ, қ и л и м о қ, ё л и н м о қ, м у н г л а н м о қ, и н д а м а қ, т е р г а м а қ, т е в р а м а қ, қ и н ғ а й м о қ, ш и ғ а л д а м о қ, с и н г р а - м о қ, я ш қ а м о қ, и с қ а р м о қ, к ў н г р а н м а қ, с у х - р а н м о қ, с и й п а м о қ, қ о р а л а м о қ, с у р к а н м о қ, к у й м а н м о қ, и н г р а м о қ, т у ш а л м о қ, м у н ғ а й - м о қ, т а н ч и қ а м о қ, қ у р у қ с а м о қ, б у ш у р ғ а н м о қ, б ў х с а м о қ, к и р к и н м а қ, с у к а д а м а қ, б ў с м о қ, б у р - м а қ, т у р м а қ, т а м ш и м о қ, қ а ҳ а м о қ, с и п қ о р м о қ, ч и ч а р к а м а қ, ж у р к а н м а қ, ў р т а н м а қ, с и з г у р - м о қ, г у р п а ш л а м а қ, ч и п р у т м а қ, ж и р ғ а м о қ, б и ч и м о қ, қ и к з а н м о қ, с и н г у р м а қ, у н д а л а т м а қ, к у м у р м а қ, б и к и р м а қ, к ў н г у р д а м а қ, к и н а р к а - м а қ, к е з а р м а қ, д ў п т у л м о қ, ч и д а м о қ, т у з м а қ, қ а з ғ а н м о қ, қ и ч и ғ л а м о қ, г а н г и р а м а қ, я д а м а қ, қ а д а м о қ, ч и қ а м о қ, к ў н д у р м а қ, с ў н д у р м а қ, с у қ л а т м о қ²⁰ ва бошқалар.

Навоий қайд этилган феълларни семантик жиҳатдан таҳлил қилади, дифференциал-семантик метод асосида уларнинг маъно умумийликларига, фарқли белгиларига, маъно нозикликларига эътибор беради, мисоллар билан асослайди. Омонимик ва синонимик муносабатдаги сўзларни аниқлайди, полисемантик сўзларнинг мавжудлигини қайд этади.²¹ Масалан, омоним сўз сифатида о т, т у з, к ў к каби сўзларни келтириб, от сўзининг ном-исм маъносида, ҳайвон маъносида ва ҳаракат маъносида қўлланишини

²⁰ А.Нурмонов. Ўша асар, 88-бет.

²¹ Қар:С.Усмонов. Ўша асар.53-бет. А.Нурмонов. Ўша асар, 90-бет.

таъкидлайди²². Айтилганлар Навоийнинг сўз масаласига ўта жиддий эътибор берганидан, ўз даврининг буюк сўзшунос-лексиколог олими ҳам бўлганидан дарак беради.

Навоий мазкур асарда морфология масаласига ҳам тўхталади, сўз ясашига оид айрим фикрларни қайд этади.

Профессор С.Усмонов ва профессор А.Нурмоновларнинг хабар беришича, ушбу ишда сўз ясовчи аффикслар сифатида қуйидагилар келтирилади:

- чи: кушчи, холвочи, кийикчи, қўйчи;
- вул: баковул, қаровул, ясовул, жиғовул;
- л: ясол, кабол, тунқол, севарғол²³ ва бошқалар.

Маълум бўлдики, аффикслар асарда сўз ясовчи воситалар сифатида сўз таркибида қўлланиб, янги сўз яшаш, асосан, от яшаш-шахс отини ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Алишер Навоий морфологияга оид фикрларни баён қилар экан, асосий, етакчи сўз туркуми сифатида, мақсадга тўла мувофиқ, феълларга мурожаат қилади. Феъл бирликларнинг маъно жиҳатдан, шакл ва қўлланиши жиҳатдан эски ўзбек адабий тилининг ўзигагина хос, яъни форсийда учрамайдиган хусусиятларини, зукко тилшунос сифатида, пухта таҳлил қилади. Аниқроғи, у феълларнинг нисбат билан боғлиқ томонларига алоҳида эътибор берар экан, феълнинг ўзлик, орттирма ва биргалик нисбатларини, равишдош шаклини, кўмакчи феъл ёрдамида тузилган мураккаб феълларни қайд этади²⁴.

Навоий феълнинг орттирма нисбат шакли ҳақида фикр юритар экан, айтиш нисбат тушунчаси -т қўшимчаси орқали ҳосил бўлишини айтади, қатор мисоллар келтиради. Қиёсланг: ю г у р т, я ш у р т, ч и қ а р т²⁵ ва бошқалар.

Мирзо Меҳдихон

Алишер Навоийнинг дунёвий аҳамиятга эга бўлган улкан илмий ва адабий меросини ўрганиш-лисоний йўналишда у яратган асарларни таҳлил қилиш-сўзларга, сўз маъноларига эътибор бериш, уларни изоҳлаш, маънавий қамровини, матндаги қувватини очиб бериш, ўзга тилларга таржима қилиш

²² А.Нурмонов. Ўша асар, 90-бет.

²³ Қар: С.Усмонов. Ўша асар.54-бет, А.Нурмонов. Ўша асар, 91-бет.

²⁴ Қар:С.Усмонов. Ўша асар 53-бет. Д.М.Насилов. Ўша асар, 152-бет.

²⁵ Қар: А.Нурмонов. Ўша асар, 93-бет.

кабилар, XV асрдан бошлаб, филологик тадқиқотларнинг - лексикографик ишларнинг асосий мақсади, вазифаси бўлиб қолди. Шунга кўра, айниқса, ушбу даврдан бошлаб, кўплаб луғатлар яратила бошландики, бу луғатлар ичида Эрон шоҳи Нодир шоҳнинг котиби, сарой тарихчиси астрободлик Низомиддин Муҳаммад Ҳоди ал Ҳусайни ас Сафавийнинг – Мирзо Меҳдихоннинг (XVIII) «Санглох» (1760) луғати ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги, пухталиги, катта салмоққа эгаллиги билан етакчилик қилади. Бошқача айтганда, «Санглох» жуда катта ҳажмдаги манба бўлиб, у 6181 та луғат мақолани ўз ичига олади. Луғат мақолаларнинг бош сўзлари ҳамма сўз туркумларидан ташкил топган. Феъллар инфинитив формада, қолган ҳамма сўз туркумлари бирлик сон ва бош келишида келади. Сўзлар ҳаракатларсиз бўлсада, аммо уларнинг тўғри ўқилиши учун фонетик қайдлар бериб борилади. Қисқача айтганда, луғат мақолаларнинг кенглиги, сўз формаларини луғат мақола ичида қайд этилиши ва уларнинг маъноларини мумкин қадар тўла ва мисоллар билан бериш жиҳатидан «Санглох» Навоий асарларига тузилган бошқа луғатлардан беқиёс даражада устун туради²⁶.

Ушбу асарнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, айтилувчи луғатга «Мабони ул – луғат, яъни сарфи ва наҳви луғати чиғатой» номли эски ўзбек тилининг грамматикасига оид тадқиқот ҳам киритилган.

Маълум бўлдики, Мирзо Меҳдихоннинг «Санглох» асарида ҳам лексикологияга, лексикографияга ва грамматикага оид масалалар юзасидан кенг фикр юритилади. Асарнинг луғат қисми, асосан Навоий асарларидаги, шунингдек, Лутфий, Бобур, Ҳусайн Мирзо, Саййид Ҳасан, Бухорий ва бошқалар ижодидаги тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳига, уларнинг форс тилига таржима қилинишига қаратилгандир²⁷.

Асарга кўшимча киритилган «Мабони ул - луғат» икки қисмдан: муқаддима ва тарсиф (грамматика) дан иборат.

«Муқаддима»да асарнинг ёзилиш сабаблари берилади. Ишнинг тарсиф-грамматикаси эса олти бўлимни ўз ичига олади. Ушбу бўлимларда феъл - феълнинг турли нисбат шакллари келиши, феъл замонлари, феълнинг функционал шакллари (сифатдош, равишдош), феъл майллари, феълларнинг

²⁶ Б.Ҳасанов. Жавоҳир хазиналари. -Т., 1989, 36-,38-, 45-бетлар.

²⁷ Қар:С.Усмонов. Ўша асар, 55-бет.Б.Ҳасанов. Ўша асар, 38-бет.

ясалиши, аффикслар олиши, олмошлар, уларнинг турлари, кўшимчалар, кўмакчи феъллар, сўзлар имлоси ва бошқалар ҳақида фикр юритилади.²⁸

Мирзо Меҳдихон ўзбек тилининг морфологиясига тўхталар экан, у бешта келишик шаклини қайд этади. Булар: 1. Қаратқич келишиги (-нинг). 2. Тушум келишиги (-ни, -н). 3. Жўналиш келишиги (-ка, -га, -ға). 4. Чиқиш келишиги (-дан). 5. Ўрин-пайт келишиги (-да).

Меҳдихон, шунингдек, эгалик кўшимчалари, сонлар-уларнинг турлари: тартиб (-нчи, – инчи), жамловчи (-ов, -овла, -лон) –биров, икков, учовла, уччовлон, тақсим сонлар (-ар, -ин) - юзар, бирин ҳақида, олмошлар-кишилиқ (ман, сан, биз, сиз), кўрсатиш: (бу, ул, шул, ўшал, мун, анлар, алар), кўмакчилар (учун, ила, илан, билан, бирла, бирлан) ҳамда фонетик ҳодисалар (элизия-бўюн-бўйни, оғиз-оғзи) ҳақида маълумот беради.

Мирзо Меҳдихон, юқорида айтилганларга кўра, асарини ўзбек тилининг биринчи илмий грамматикаси деб атайди.²⁹

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Абу Наср Форобий ким ва унинг қайси асарида лисоний муаммолар тадқиқ қилинади?
2. Абу Райҳон Беруний ким ва унинг лисоний қарашлари қайси асарда акс этган?
3. Абу Али Ибн Сино ким ва унинг қайси асарида товуш ҳақида фикр юритилади?
4. Маҳмуд Кошғарий ким ва унинг “Девону луғатит турк” асари нимага бағишланган?
5. Маҳмуд Замахшарий ким ва унинг тилшуносликка оид қандай асарларини биласиз?
6. Алишер Навоий “Муҳокамат ул - луғатайн” асарида қайси тилларга қиёсий баҳо беради?
7. Мирзо Меҳдихон ким ва унинг лексикографияга оид қандай асари мавжуд?

Асосий тушунчалар:

²⁸ Э.Умаров. Грамматика староузбекского языка. «Мабони ул-луғат» Мирзы Меҳдихана. АКД,Т. 1967,6-8 бетлар. Қар: А.Нурмонов. Ўша асар, 106-107 бетлар.

²⁹ Қар:С.Усмонов. Ўша асар. 55-бет.

1. “Фанлар таснифи” – тилшуносликка оид асар.
2. “Сайдана” – доривор моддаларнинг номларига оид асар.
3. “Асбоби худут ал хуруф” – нутқ товушлари ҳақидаги асар.
4. “Девону луғатит турк” – туркий тилларга тегишли тўққиз мингга яқин сўзнинг лисоний хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи асар.
5. “Ал-муфассал” – араб тилининг, асосан, грамматикасига оид асар.
6. “Муҳокамат ул-луғатайн” – ўзбек ва форс тилларининг қиёсий тадқиқига бағишланган асар.
7. “Санглох” – XVIII асрда, асосан, Навоий асарларидаги тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳига бағишланган машҳур луғат.

Адабиётлар:

1. Девону луғатит турк I, II, III. -Т., 1960–1963.
2. Э.Умаров. Грамматика староузбекского языка. Мабани ул-луғат Мирзы Мехдихана. АКД.- Т., 1967.
3. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.- М., 1968.
4. Ҳ.Неъматов. XI асрдаги туркий тилларнинг Маҳмуд Кошғарий томонидан қилинган таснифи. Ўзбек тили ва адабиёти. ж. 1969. №4.
5. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
6. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений.-М., 1979.
7. А.Н.Кононов, Х.Г.Нигматов. Махмуд Кашгарский о тюркских языках, История лингвистических учений, Средневековый Восток.- Л., 1980. 130 -142 бетлар.
8. Д.М.Насилов. Лингвистические взгляды Алишера Наваи. История лингвистических учений. Средневековый восток. -Л., 1981.
9. История лингвистических учений. Средневековый восток.-Л., 1981.
10. Б. Ҳасанов. Жавоҳир ҳазиналари. -Тошкент 1989.
11. Маҳмуд аз Замахшарий. Нозик иборалар.- Т., 1992.
12. Ҳ.Ҳомидов. Қирқ беш аллома ҳикояти. -Т., 1995.
13. А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи.- Т., 2002.

III. ЕВРОПАДА УЙҒОНИШ ДАВРИДАГИ ТИЛШУНОСЛИК

Уйғониш даври тилшунослиги XV–XVIII асрларни ўз ичига олади. Уйғониш даврининг бошланиши билан черковнинг обрў-эътибори сусайиб, антик даврга бўлган эътибор, қизиқиш, уни қадрлаш кучая борди. Аниғи, уйғониш даврининг вакиллари, зиёлилари юнон ва римликларнинг бой миллий маданиятига мурожаат қила бошлашди.

Уйғониш даври капитализмнинг феодализм устидан бўлган ғалабаси билан якунланди. Шунга кўра ушбу даврда инсоний-лик ғоялари, миллий ўзини англаш, санъат ва адабиётга бўлган қизиқиш, фанга бўлган жиддий қараш, эътибор кучайди, ўсди.

Янги аср Европада Колумб, Магеллан, Галилей, Коперник, Декарт, Ньютон, Лейбниц, Ломоносов каби дастлабки кашфиётчиларни ва улкан олимларни юзага чиқаради.

Уйғониш даврида, даставвал, дунё тиллари ҳақидаги маълумотлар анча кўпайди. Тилшунослик фанининг кейинги тараққиёти учун муҳим ва зарур бўлган лисоний материал-ларни, фактларни тўплаш, йиғиш жараёни амалга оширилди.

Капитализмга ўтиш, унинг ривожини, миллатлар ва миллий тилларнинг юзага келиши, миллий ифтихор кабилар қатор тилларнинг грамматикасини тузишга, яратишга ундади. Айни даврда арман, форс, венгер, япон, корейс, испан, нидерланд, француз, инглиз, поляк, чех, немис, украин ва бошқа тилларнинг грамматикаси ҳамда лексикасига оид асарлар яратилди.

Ушбу даврда лисоний материалларни тўплаб, йиғиб бориш, уларнинг моҳиятини тушуниш, мазмунини англаш билан биргаликда олиб борилдики, натижада, тил ҳақида эътиборли фикрлар ўртага ташланди. Жумладан, файласуф Бекон тилдан бошқа алоқа воситаси мавжуд деса, файласуф Локк товуш билан тушунча ўртасида табиий боғланиш йўқ, деган асосли фикрни таъкидлади. Файласуф Лейбниц мантикий-математик асосга қурилган халқаро тил яратиш масаласини кўтарди.

Европа олимларининг юнон ва римликларнинг бой маданий ва маърифий меросини эгаллашлари жуда катта меҳнат натижасида ва лотин тилига оид қатор асарларнинг-матнларнинг нашр қилиниши ҳамда уларни шарҳлаш натижасида мумкин бўлди.

Антик (ёки классик филология) даврининг адабий асарларини нашр қилиш ва уларга лисоний шарҳлар ёзишда, айниқса, қуйидаги олимларнинг

хизматлари, меҳнатлари катта бўлди. Булар: Жюль Цезарь Скалигер (1484–1558), Роберт Стефанус (1503–1559), унинг ўғли Генрих Стефанус (1528–1598), Герхардт Иоганн Фоссий, Шарль Дюканж, Иоганн Рейхлин, Иоганн Меланхтон ва бошқалар.

Ж.Скалигер «Лотин тили асослари ҳақида» (1540) асарини яратган бўлса, Р. Стефанус «Лотин тили хазинаси» (1553) тадқиқотини эълон қилади. Г.Стефанус эса юнон тилига бағшлаб, «Грек тили хазинаси» асарини чоп эттирди.

Айни вақтда Шарқ тилларини, айниқса, семит тилларини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди, семит филологияси майдонга келди, яъни қадимги яҳудий, арабий, араб, эфиопия тиллари тадқиқ қилинди. Қатор асарлар яратилди. И.Рейхлин қадимги яҳудий тили грамматикасини (1506) яратиб, унда биринчи бўлиб, «аффикс» терминини қўллади ва бу термин XVI–XVIII асрларда фаол ишлатила бошланди. П.де Алкам араб тили грамматикасига оид асарларини (1506) эълон қилди. Яков Холиус ва Эрленийлар араб тили тадқиқи билан шуғулланган бўлсалар, Иов Лудольф эфиопия тили юзасидан иш олиб борди.

Айниқса, XVI асрда қатор тилларнинг – немис (1527), француз (1531), инглиз (1538), венгер (1539), чех (1567), поляк (1568), славян (1596) ва бошқа тилларнинг грамматикасига оид асарлар майдонга келди.

1696 йилда Англияда (Оксфорд) Генрих Вильгельм Лудольфнинг лотин тилида тузилган «Рус грамматикаси» асари яратилди. Биринчилардан бўлиб италян (1612) ва француз (1694) тили луғатлари чоп этилди.

Агар ўрта аср ва уйғониш даврида классик филологиянинг ғоялари тараққий эттирилган бўлса, XVII ва, айниқса, XVIII аср тилшунослигида тубдан ўзгариш бўлиб, янги типдаги грамматика, луғатлар-кўп томли катта луғатлар майдонга келди.

Ана шундай луғатлардан бири рус сайёҳи академик Пётр Симон Палласнинг «Барча тиллар ва шеваларнинг (лаҳжаларнинг) қиёсий луғати» асаридир. 272 тилга оид тўрт тилли бу луғат Петербургда 1786-1791 йилларда нашр қилинган бўлиб, унда русча сўзларнинг 272 тилга қилинган таржимаси берилади ва қиёсланади. Бу луғат қиёсий-таржима луғат сифатида эълон қилинади. Мазкур луғатга Осиё, Европа, Африка ва Америка тиллари киритилади, ушбу тилларга оид материаллар берилади.

Яна бир катта луғат испаниялик Лоренцо Герваснинг «Маълум халқлар тилларининг каталоги» (Мадрид 1800-1804) асаридир. Ушбу луғат 307 тилга оид лексик ва грамматик маълумотларни бериши билан ажралиб туради.

Лексикографик тадқиқотлар йўналишида маълум бўлган ишлардан бири немис олимлари И.К.Аделунг ва И.С.Фатерларнинг «Митридат ёки умумий тилшунослик» луғатидир. Ушбу луғат 500 та тилни қамраб олиши, улар ҳақида маълумотлар бериши билан эътиборга лойиқ бўлган.

Хуллас, кўплаб тилларни ўз ичига олган қатор луғатларнинг нашр қилинишига, улардаги маълумотларнинг тўлиқ ва мукамал эмаслигига қарамай, бундай ишлар тилларни таққослаб, қиёсий ўрганишга - қиёсий – тарихий тилшуносликка замин яратди.

Пор-Рояль грамматикаси (умумий рационал грамматика)

Ўрта асрлардаёқ (XVI–XVII) лисоний ҳодисаларнинг тўғрилиги мантиқий мезонлар асосида аниқлана бошланди. Бу эса, ўз-ўзидан, тилнинг мантиққа бўйсундирилишига ва барча тиллар учун умумий қонунлар мавжудлигини тан олишга мажбур қиларди. Бошқача айтганда, ушбу асрларда латин тилини ўрганиш мантиқий тафаккур қонун ва қоидаларини билиш деб ҳам тушунилди. Тил ҳодисалари мантиқ асосида изоҳланди. Мантиқ грамматикадан устун қўйилди. Бу даврда барча тилларнинг ягона, битта мантиқий асоси – битта грамматика бўлиши керак, деган таълимот яратилди. Натижада, мантиқий грамматика яратиш ғояси майдонга келди.

Мантиқий грамматика яратиш таълимотининг энг муҳим ғоявий асоси бўлиб, маърифат асрининг (XVII-XVIII) етакчи фалсафий йўналиши бўлган рационализм³⁰ майдонга чиқди, яъни ақл – идрок асосида иш кўриш. Рационализм тилшуносликка ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Шунга кўра ҳар қандай тилларнинг грамматик категорияларини мантиқий категорияларнинг намоён бўлиши, юзага чиқиши сифатида тушуниш кучайди. Натижада, рационализм таълимотининг талаблари асосида умумий (рационал, фалсафий ёки мантиқий) грамматика яратиш ғояси амалга оширила бошланди.

1660 йилда Париж атрофидаги Пор-Рояль монастирининг роҳиб олимлари мантиқшунос Антон Арно ва тилшунос Клод Ланслолар илк бор «Умумий

³⁰Рационал (изм)- тафаккурни, абстракт фикрлашни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган ва уларни тажрибадан ажратиб қуядиган идеалистик оқим.

рационал грамматика» асарини француз тилида яратиб, Парижда нашр қилдилар.

Пор-Рояль грамматикаси қадимги юнон, қадимги яхудий, лотин ва француз тиллари материаллари асосида яратилди. Аммо у қиёсий ёки чоғиштирма грамматика эмас, балки мантиқий-типологик грамматика ҳисобланади. Ушбу грамматика ўз олдига «барча тилларга хос умумий принципларни ва уларда учрайдиган фарқларнинг сабабларини»³¹ аниқлаш вазифасини қўяди.

Пор-Рояль грамматикасида биринчи бор грамматика билан мантиқ ўрта-сидаги алоқа, боғланиш назарий жаҳатдан асослаб берилди. Агар тил тафаккурни ифода этса, демак, тил категориялари тафаккур категорияларининг намоён бўлишидир. Бинобарин, тилни ўрганувчи грамматика мантиққа асосланиши лозим. Грамматика рационал, мантиқли бўлиши керак. Мантиқ барча учун ягона, битта экан, бинобарин, грамматика ҳам умумий ва универсал бўлиши лозим. Ягона грамматика алоҳида тилнинг грамматикаси бўлиши мумкин эмас, у фақат умумий бўлиши мумкин, деган ғоялар, кўрсатмалар илгари сурилди.

Пор-Рояль грамматикаси икки қисмдан - фонетика ва грамматикадан иборат бўлиб, олти бобдан ташкил топган биринчи қисмда товуш ва ҳарф, урғу ва бўғинга ажратиш кабилар ҳақида маълумотлар берилади. Грамматиканинг йигирма тўрт бобдан иборат иккинчи қисмининг йигирма уч бобида эса морфология масалалари - от, сифат, олмош, феъл, сифатдош, равиш, боғловчи, ундов – уларга хос хусусиятлар, категориялар; фақат охириги йигирма тўртинчи бобида эса синтаксис масалалари – сўз бирикмаси ва гап кабилар ҳақида фикр юритилади.

Мантиқий грамматика ёхуд грамматикадаги мантиқий йўналиш сўзсиз фикр (маъно), фикрсиз (маъносиз) сўз йўқлиги тушунчасидан келиб чиқиб, грамматик ва мантиқий категорияларни – сўз билан тушунчани - уларни айнан бир нарса деб билади. Албатта, мантиқий категориялар билан грамматик категорияларнинг ўзаро мувофиқ келиши, тенг бўлиши мавжуд ҳодиса. У шубҳа уйғотмайди. Аммо бу мантиқнинг барча категориялари тилда тўғридан – тўғри ўз аксини топиши шарт дегани эмас (масалан, тушунчанинг сўз маъносига, ҳукм ва хулосанинг эса турли типдаги гапларга мос бўлиши, мувофиқ бўлиши кабилар). Француз тилшуноси Ш.Балли тўғри айтганидек,

³¹ Қар:Я.В. Лоя.История лингвистических учений. -М., 1968., 33-бет
Н.А.Кондрашов, История лингвистических учений.-М., 1979.,26-бет. В.И.Кодухов. Общее языкознание. - М., 1974, 15-бет.

«тил орқали ифодаланган ҳар бир фикр мантиқий, психологик ва лисоний жиҳатдан аниқланади», баҳоланади. Ушбу фанларнинг ҳар бири гапни ўз нуқтаи назаридан ўрганadi. Бу – аксиома. Аристотель тўғри қайд этганидек, «ҳар бир нутқ (гап-Р.Р.) фикр ифодалайди, аммо ҳамма нутқ ҳам ўзида ҳукми ташимайди».

Тил ва тафаккур ўзаро боғлиқ, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, жиҳатларга эга.

Ҳар бир тилда мантиқий тушунчаларни акс эттирмайдиган, ифодаламайдиган, аммо ҳис - ҳаяжон, хоҳиш – истак – майл ифодаловчи сўзлар бўладики, бундай сўзлар мантиқ томонидан «тан олинмайди».

Ҳар қандай тилда бир таркибли гаплар, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари, сўроқ ва ундов гаплар мавжудки, бундай гаплар мантиқий тушунчаларга зид келади.

Мантиқий грамматика грамматик категорияларни мантиқий категориялар билан тенг ҳолда олиб, уларни айнан бир нарса сифатида қарайди ва лисоний ҳодисаларни мантиқ ва мантиқий категория терминлари орқали тасвирлашни ўз вазифаси деб билади.

Тафаккурнинг умумлисоний шакл ва қонуниятларини текширувчи, ўрганувчи мантиқ фани инсон онгининг ҳиссий ва иродавий томонлари билан ҳам, лисоний ифодаларнинг шакллари билан ҳам қизикмайди, бу жиҳатларга эътибор бермайди. Мантиқий грамматикада тил ҳодисаларига тарихий ёндашиш ҳам мутлақо мавжуд эмас.

Мантиқий ҳукмда ҳамма вақт иккита бўлак - субъект ва предикат мавжуд бўлади. Лисоний бирлик бўлган гапда эса битта (келди), иккита (бола ухлади), учта ва ундан ортиқ (2 0 10 й и л б а р к а м о л а в л о д й и л и д и р) бўлак бўлиши мумкин.

Ҳукм умуминсоний характерга эга, гап эса ҳамма вақт миллий шаклда намоён бўлади.

Хуллас, мантиқий (ёки фалсафий, рационал) грамматика айна бир мазмуннинг турли тилларда турли воситалар билан ифодаланишини ҳисобга олмайди. Шунингдек, ушбу грамматика ифода воситаларининг қонун ва категориялари ҳар хил бўлиши мумкинлигини тушунмайди. Мантиқий грамматика тилга ўзгармайдиган, бир хилда турувчи ҳодиса сифатида қараб, айна грамматика ҳар доим мантиқ қодаларига бир хилда мос келади, деб ҳисоблайдики, бунда ғайри тарихийлик мавжуддир.

Айтилган камчиликларга қарамасдан Пор-Рояль грамматикаси ўз даври учун ижобий аҳамиятга эга бўлди, яъни асар шу типдаги қатор грамматикаларнинг яратилиши учун асос бўлди, хизмат қилди.

Ўз даврида катта шухратга эга бўлган фалсафий - мантиқий грамматика ўзига яратилган грамматикалар каби илмий грамматикага бўлган грамматика сифатида баҳоланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Европада Уйғониш даври қайси асрларни ўз ичига олади?
2. Уйғониш даврида қайси тиллар тадқиқ қилинди, қайси соҳалар бўйича ишлар яратилди?
3. “Умумий рационал грамматика” (ёки Пор-Рояль грамматикаси) нима учун мантиқий грамматика деб юритилади?

Асосий тушунчалар:

1. Пор-Рояль грамматикаси – мантиқни грамматикадан устун қўйувчи, грамматика мантиққа асосланиши лозим деган фикрни илгари сурувчи грамматика.
2. Мантиқий грамматика – лисоний ҳодисаларни, бирликларни мантиқ асосида – мантиқ категориялари нуктаи назарида ўрганувчи грамматика.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. -М., 1968.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
3. В.И.Кодухов. Общее языкознание.- Т., 1974.
4. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.-М.,1975.
5. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений.- М., 1979.

РУС ТИЛШУНОСЛИГИ

Жаҳон тилшунослиги тараққиётида рус тилшунослиги муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Рус тилшунослари жуда кўплаб дунё тилларини пухта ўрганганлиги билан, лисоний ҳодисаларни чуқур таҳлил қилганликлари, тилшуносликнинг илмий-назарий муаммоларига алоҳида жиддий эътибор берганликлари, янги таълимотлар, назариялар «ишлаб чиққанликлари», янги фаразларни ўртага ташлаганликлари билан ажралиб туради. Аниқроғи, рус тилшунослари томонидан рус, славян, ҳинд, эрон, фин-угор, туркий, мўғул, хитой ва бошқа қатор тиллар ўрганилди, улар юзасидан салмоқли, мукамал асарлар яратилди.

XVI асрнинг охирларида (1596) Лаврентий Зизанийнинг славян грамматикасига оид асари нашр қилинди. 1619 йилда Мелетий Смотрицкийнинг славян-рус грамматикаси нашрдан чиқди.

XVIII асрнинг охирида (1787) Россия фанлар академияси Симон Палласнинг ўз даври учун буюк ҳисобланган «Барча тиллар ва шеваларнинг қиёсий луғати» номли тадқиқотини чоп эттирди. Бу асарнинг яратилишига Европа, Осиё ва Африка қитъаларининг 262 та тили асос бўлиб хизмат қилди.

Россияда XIX асрнинг биринчи ярмида мўғул тили билан Яков Шмидт, фин-угор тиллари билан М.А.Кастрен, хитой тили билан Бичурин, ҳинд тили билан Г.В.Лебедев каби олимлар шуғулландилар.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида эса рус шарқшунослик мактабининг ташкилотчилари ва буюк вакиллари В.Р.Розен, В.В.Бартольд, кадимги Шарқ мамлакатлари ва миср тиллари бўйича энг йирик мутахассис Б.А.Тураев, семит тиллари бўйича П.К.Коковцов, туркий тиллар бўйича Н.И.Ильминский, Н.И.Ашмарин, В.В.Радлов, П.Мелиоранский, мўғул тили бўйича О.М.Ковалевский, Б.Я.Владимирцов, араб тили бўйича В.Ф.Гиргас, И.Ю.Крачковский, Ф.Е.Корш, ҳинд тили бўйича К.А.Коссович, И.П.Минаев, эрон тиллари бўйича В.Ф.Миллер, К.Г.Залеман, В.А.Жуковский, хитой тили бўйича В.П.Васильев, П.Кафаров, В.М.Алексеев, сурия тили бўйича М.Никольский ва бошқа таниқли олимлар иш олиб бордилар.

Рус тилшунослиги фани жаҳон тилшунослиги ютуқлари қаторига рус академик Отто Бётлинг ва немис Рудольф Ротлар томонидан яратилган 7 томдан иборат санскрит луғатини тузганлиги билан жуда катта улуш қўшди.

1870 йилда Петербург университетида тилшунослик бўйича биринчи бўлиб, И.А. Бодуэн де Куртенэ, 1885 йилда Харьков университетида И.В.Нетушил, 1895 йилда Қозон университетида В.А.Богородицкийлар маърузалар ўқидилар.

Россиянинг энг буюк тилшунослари бўлган М.В.Ломоносов, А.А.Потебня, И.А.Бодуэн де Куртенэлар тилшунослик соҳасида Европа олимларидан анча илгарилаб кетган эдилар.

Михаил Васильевич Ломоносов

Буюк қомусий олим М.В.Ломоносов (1711–1765) ўз асарлари, грамматикага, нотикликка ва услубшуносликка оид тадқиқотлари билан рус тилшунослигининг мустаҳкам пойдеворини қуриб берди. У 1755 йилда рус тилининг биринчи грамматикасини – «Россия грамматикаси» асарини рус тилида эълон қилди, яъни М.В. Ломоносовгача рус тили бўйича эълон қилинган ишлар айна тилда яратилмаган эди.

М.В.Ломоносовнинг жонли рус тили (сўзлашув нутқи) асосида яратилган грамматикаси жуда катта шухратга эга бўлди. Аниқроғи, ушбу асар рус тилшунослиги тараққиётида алоҳида муҳим ўринни эгаллади.

М.В.Ломоносов грамматикаси тасвирий – меъёрий - услубий грамматика бўлиб, рус тилининг дастлабки илмий (академик) грамматикаси ҳисобланади. Бу грамматика фақат норматив грамматика бўлиб қолмасдан, айна вақтда, у рус тили ҳақида умумий, яхлит маълумот, тушунча берувчи грамматика ҳамдир.

М.В.Ломоносов грамматика ҳақида шундай дейди, «Грамматикасиз нотиклик маъносиз («ўтмас»), шеърият тўмтоқ, фалсафа асоссиз, тарих ёқимсиз, ҳуқуқ ишончсиздир».³²

М.В.Ломоносовнинг «Россия грамматикаси» асари олти бўлимдан (насихатдан) иборат. Булар қуйидагилар: 1. Сўз ҳақида. 2. Орфоэпия ва орфография ҳақида. 3. Ном (от) ҳақида. 4. Феъл ҳақида. 5. Кўмакчи (ёрдамчи) сўзлар ҳақида. 6. Синтаксис ҳақида.

М.В.Ломоносов сўз ҳақида фикр юритар экан, унинг инсонларга ўз тушунчаларини ифодалаш учун, ўзгаларга хабар етказиш учун хизмат қилишини тўғри таъкидлайди. Ҳақиқатан сўз маъно англатиши билан, нарса, пред-

³² М.В.Ломоносов Сочинения. М., 1987

мет, воқеа – ҳодисалар ҳақида хабар, тушунча бериши билан ижтимоий аҳамиятга, «қувватга» эга бўлади.

У сўз туркумлари муаммосига тўхталиб, уларни саккизта деб белгилайди, яъни: от, олмош, феъл, сифатдош, равиш, предлог, боғловчи, ундов. Ушбу сўз туркумларининг нутқда қандай вазифани бажаришини ҳам изоҳлайди. Масалан, ном (от) нарса-предметларни ифодалаш учун, олмош номлашни қисқартириш учун, феъл эса ҳаракат – ҳолатни англатиш учун, боғловчи тушунчаларимизнинг ўзаро боғлиқлигини, алоқадорлигини кўрсатиш учун хизмат қилишини айтади.

Умуман олганда, М.В.Ломоносов грамматик системасининг марказида сўз туркумлари ҳақидаги таълимот ётади. Сўз туркумлари мантикий-функционал асосда, юқорида кўрганимиздек, асосан, икки гуруҳга: мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзларга ажратилади. Мустақил сўзлар-от, феъл, сифат ва сонлар бўлиб, улар объектив борлиқни акс эттиради. Ёрдамчи сўзлар эса тил бирликларининг тежамкорлик принципига мувофиқ нутқий такрорни қисқартиради, такрордан қутқаради. Демак, ёрдамчи сўзлар, асосан, мустақил сўзларни боғлаш ёки уларни қисқартириш учун хизмат қилади.

М.В.Ломоносов рус илмий терминологиясининг бойишига, мукамаллашишига катта ҳисса қўшди. У рус тили асосида тушунарли, аниқ, она тили луғат таркибига асосланган илмий терминологияни ишлаб чиқдики, бунга оид терминларнинг аксарияти ҳозирда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Масалан, п р е д л о ж н ы й п а д е ж , з е м н а я о с ь , к и с л о т а , м а г н и т - н а я с т р е л к а , з а к о н д в и ж е н и я , м а я т н и к , ч е р - т ё ж , о п ы т , н а б л ю д е н и е , с е в е р н о е с и я н и е , ч а с т и ц ы , я в л е н и е ва бошқалар.

М.В.Ломоносов ўзининг «Риторикага оид қисқача қўлланма» (1748) аса-рида гап назарияси ҳақида атрофлича маълумот беради. Шу билан рус син-таксисининг асосини яратади.

У «Россия тилидаги черков китобларининг нафи ҳақида» аса-рида уч стиль (услуг) ҳақидаги назарияни ривожлантирди. Олим рус адабий тилидаги сўзларнинг маъноси, қўлланиши, фаоллик даражаси, қандай ўринларда ишлатилиши, эмоционал-экспрессив хусусиятлари кабиларни ўрганиб, мазкур тилдаги уч асосий услубни - юқори, ўрта ва қуйи услубларни ажратади.

Юқори услуб – славян – рус сўзларидан тузилиб, бунда қаҳрамонлик қасидалари, прозаик нутқлар тузилади.

Ўрта услуб – рус тилида қўлланадиган сўзлардан тузилиб, унда сахна асарлари, мактублар, ҳажвий асарлар ёзилади.

Қуйи услуб – черков – славян тилида мутлақо учрамайдиган русча сўзлардан иборат бўлиб, у орқали комедия, эпиграммалар, ашулалар ва прозада эса мактублар ҳамда иш қоғозлари ёзилади.

Хуллас, М.В.Ломоносов ўз тадқиқотларида фонетика, сўз ясаши, морфология ва синтаксис соҳаларига оид рус тили материалларини кузатиш ва умумлаштиришга асосланган эмпирик методга қатъий амал қилади.

Жонли рус тилига асосланган М.В.Ломоносов грамматикаси жуда катта шон – шуҳратга эга бўлиб, А.Востоковнинг «Рус грамматикаси» асаригача бўлган даврда – деярли 80 йил рус тилининг асосий, етакчи грамматикаси вазифасини ўтади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. М. В. Ломоносов ким, унинг “Рус грамматикаси” асари қандай грамматика?
2. М. В. Ломоносов грамматика ҳақида нима дейди?
3. М. В. Ломоносов рус тилидаги қандай услубларни фарқлади?

Асосий тушунчалар:

1. Россия грамматикаси – рус тилининг биринчи илмий грамматикаси бўлиб, унда сўз, орфоэпия, орфография, от, феъл, кўмакчи ва синтаксис масалалари ҳақида маълумот берилади.

2. Уч услуб (стиль) ҳақидаги назария – юқори, ўрта ва қуйи услублар ҳамда уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳақидаги фикрлар.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.- М., 1968.
2. В.В.Виноградов. История русских лингвистических учений.- М., 1978.
3. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений.- М., 1979.

IV. КОМПАРАТИВИСТИКА (қиёсий – тарихий тилшунослик)

XVIII асргача тил ўзгармас ҳодиса деб ҳисобланган. Айнан мана шу асрдан бошлаб, тилга бундай қараш ўзгарди, яъни XVIII асрнинг диққатга сазовор энг катта хизмати шундаки, у тилга ўзгарувчи, ривожланувчи ҳодиса сифатида баҳо берди. Аниқроғи, ушбу даврда Шарль де Брос, Жан-Жак Руссо, Монбоддо, Адам Смит, Пристли, Гердер ва бошқалар тилларнинг тарихий тараққиёти ғоясини қўллаб, уни ривожлантирдилар.

XIX асрнинг бошларига келиб, тилшуносликка алоҳида фан сифатида қараш ғояси қатъий тус олди, яъни XIX асрнинг биринчи чорагида тилшуносликда фактларни йиғиш, уларга эътибор бериш ғоясидан қиёсий-тарихий ғояга-нуқтаи назарга бурилиш, ўтиш юз берди. Албатта, XIX асрнинг бошларига келиб, нуқтаи назарларнинг ўзгаришига лисоний кузатишлар, бу кузатишлардан келиб чиққан муайян жиддий фикрлар сабаб бўлди. Аниқроғи, XIX асрдан анча олдин айрим тиллар ўртасида ўхшашлик борлиги аниқлансада, аммо узоқ вақтлар давомида ушбу ўхшашликнинг сабаблари илмий жиҳатдан ёритиб берилмади, олимлар ўхшашлик сабабларини тушунтириб бера олмади. XIX асрнинг бошларига келиб, турли мамлакатлардаги айрим тилшунослар деярли бир вақтда бир қанча тиллар ўртасидаги систематик ўхшашликни фақатгина уларнинг қариндошлиги билан - бир умумий қадимий боботилдан келиб чиққанлиги билан, кейинчалик эса ҳар бири алоҳида, мустақил ривожланганлиги билангина тушунтириш мумкин, деган хулосага келишди. Шунингдек, тиллар ўртасида ўхшашлик мавжудлиги ғоясининг майдонга келишида фанга тарихий ёндашиш юзага келганлиги - тил ҳодисалари тарихийлик жиҳатидан изоҳлана бошланганлиги билан, тилшуносликка романтизм ғояларининг таъсири, яъни жонли тилларнинг ўтмишини ўрганишга ундаш ғояси билан ҳамда санскрит (қадимги ҳинд адабий тили)³³ билан яқиндан танишиш кабилар тиллар ўртасидаги ўхшашликни уларнинг қариндош-лигига кўра изоҳлаш мумкинлигига олиб келди. Масалан, Бенгалияда хизмат қилган инглиз шарқшуноси ва ҳуқуқшуноси Вильям Джонс (1746–1794) санскрит

³³ XVI асрда итальян савдогар сайёҳи Флиппо Соссети Ҳиндистонда 5 йил (1583-1588) яшаши натижасида ҳинд тили билан итальян тили ўртасида ўхшашлик борлигини аниқлайди ва санскритдан намуна сифатида келтирилган бир қанча сўзлар билан фикрини исботлайди.

тилини юнон ва лотин тилларига қиёслаб, улар ўртасида яқинлик, қариндошлик борлиги ҳақидаги фикрларни, маълумотларни қатъий айтди.

Немис олими Фридрих Шлегель (1772–1829) эса ўзининг машҳур «Ҳиндларнинг тили ва донолиги» асарида санскрит тилининг нафақат луғат таркибида, балки грамматик муносабатида ҳам лотин, грек, герман ва форс тилларига қариндош эканлигини, уларнинг келиб чиқишига кўра умумий асосга эгалигини қайд этади.

Демак, тилларни қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, уларга тарихийлик жиҳатидан ёндашиш кабилар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг майдонга келишига, тилшунос-ликнинг алоҳида, мустақил фан сифатида қатъий тан олинишига замин яратди.

Ушбу жараёнда қиёсий-тарихий методнинг яратилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, қиёслаш тилларни ўрганишда усул, восита сифатида, тилларга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиш эса тадқиқотнинг принципи (бош ғояси, мақсади) сифатида намоён бўлди.

Таъкидлаш шарт, қиёсий-тарихий методнинг очилишигина тилшуносликнинг фан сифатида тан олинишига, бошқа фанлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашига олиб келди. Чунки мана шу методгина тил ҳақидаги фанга чинакам, ҳақиқий илмийлик ғоясини берди, илмийлик руҳини киритди.

Қиёсий-тарихий методнинг яратилиши билан тилшунослик ҳам тарихий, ҳам илмий-назарий жиҳатдан мустаҳкам асосга эга бўлди.

Эслатиш жоизки, Маҳмуд Кошғарий, Вильям Джонс, Фридрих Шлегель каби олимларнинг ҳам қиёсий-тарихий методнинг яратилишидаги хизматларини инкор қилиб бўлмайди. Улар қиёсий-тарихий методнинг очилишига жиддий, чинакам яқинлашишди. Аммо қиёсий-тарихий методнинг яратилишида Франс Бопп, Расмус Раск, Якоб Гримм, Александр Востоковларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлиб, улар ижодкор (новатор) тилшунослар сифатида майдонга чиқди.

Қиёсий-тарихий метод илмий-текшириш усулларининг муайян системаси бўлиб, ўз олдига қариндош тилларни қиёслаш орқали ўрганиб, у ёки бу тилнинг тарихини, ундаги ўзгаришларни, лисоний ҳодисаларнинг моҳиятини, унинг тараққиётидаги қонуниятларни кўрсатиб бериш, тушунтириш вазифасини қўяди.

Ҳинд-Европа тилларини қиёсий-тарихий ўрганиш жараёни тўрт даврни ўз ичига олади:

1. Қиёсий-тарихий методнинг яратилишидан то ёш грамматикачиларгача бўлган давр (XIX асрнинг биринчи чораги-1870 й).
2. Ёш грамматикачилар даври (1870-1890 й).
3. Ёш грамматикачилар давридан то Ф. де Соссюрнинг «Умумий тилшунослик курси» асари ва хет ёзма ёдгорликларини ўқиб, мазмун-ғоясини аниқлашгача бўлган давр (XIX асрнинг охири ва XX асрнинг икки ўн йиллиги).
4. Ф. де Соссюр ғояларидан бизнинг давримизгача бўлган давр.

X X X

Биринчи давр, айтилганидек, қиёсий-тарихий методнинг очилишидан бошлаб, ёш грамматикачиларгача бўлган даврни, яъни тахминан 1816–1870 йилларни ўз ичига олади.

Ушбу даврнинг етакчи, бош йўналиши қиёсий-тарихий методнинг яратилиши ва умумий тилшунослик фанининг асосланиши бўлди.

Биринчи давр иккига:

1. Ф. Бопп – В.Гумбольдт
2. А.Шлейхер – Г. Штейнталь босқичларига бўлинади.

Биринчи босқич **(Ф.Бопп – В.Гумбольдт босқичи)**

Ф.Бопп – В.Гумбольдт босқичи XIX асрнинг иккинчи ўн йиллигининг ўрталаридан тўртинчи ўн йилликнинг охирларигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Ушбу давр қиёсий-тарихий методнинг яратилиши ва умумий тилшунослик фанининг асосланиши билан характерланади.

Қиёсий-тарихий методнинг асосчилари Ф.Бопп, Р.Раск, Я.Гримм ҳамда А.Востоковлардир.

Франс Бопп

Франс Бопп (1791–1867) буюк немис тилшуноси - санскрит мутахассиси, Берлин университети профессори. У 1816 йилда «Санскрит тилининг тусланиш системаси ва уни грек, лотин, форс ва герман тилларидаги тусланиш системасига қиёслаш» асарини ёзди.

Ф.Бопп қайд этилган тилларда мавжуд грамматик шаклларни - тусланиш формаларини қиёслаш асосида ушбу тиллар ўртасидаги умумийликни, ўхшашликни очиб берди. У қиёслаш методи билан қиёсланаётган тилларнинг дастлабки ҳолатини, кўринишини тиклаш мумкин, деган фикрни илгари сурди. Шунга кўра 1816 йил тўлиқ маънода қиёсий-тарихий тилшуносликнинг туғилиш-яратилиш йили деб эътироф этилади.

Ф.Боппнинг кашфиёти, янгилиги нимада? Юқорида айтилганидек, кўпгина олимлар - В.Джонс, Фр.Шлегель кабилар Ҳинд-Европа тиллари бир боботилдан келиб чиққан, қариндош тиллар оиласини ташкил қилади, деган фикрни айтишган.

Ф.Боппнинг хизмати шундаки, у қариндош тилларнинг материаллари асосида системага асосланган, система характеридаги умумий назарияни қуриб берди. У феълларнинг қўшимчаларини қиёслаб, ҳайратланарли даражага келди, яъни, маълум бўлдики, Ҳинд-Европа тилларида нафақат алоҳида ўхшаш ҳодисалар мавжуд, балки ушбу тилларда ўзаро ўхшашликнинг, ўзаро мувофиқликнинг бутун бир системаси-грамматик системалар-нинг умумийлиги, ўхшашлиги мавжудлиги аниқланди. Ф.Бопп учун тиллар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик фақат восита эди, холос. Мақсад эса бошқа, яъни қиёсланаётган тиллардаги грамматик шаклларнинг энг қадимий, дастлабки кўринишини-шаклини очиб бериш жараёнида бир тилга хос ҳодисани бошқа тил фактлари ёрдамида ёритиш, тушунтириш эди. Аниғи, муайян тилга оид шаклларни (сўз

формаларини) бошқа тилдаги шакллар (сўз формалари) орқали тушунтириш, изохлаш эди. Ушбу нуктаи назар Ф.Бопп тадқиқотларининг янгилигидир. У шу билан қиёсий-тарихий методнинг асосини яратди.

Ф.Бопп 1833–1852 йилларда уч томдан иборат бўлган «Санскрит, зенд, арман, грек, лотин, литва, эски славян, гот ва немис тилларининг қиёсий грамматикаси» номли асосий асарини эълон қилди. Бу асарда санскрит тилига асосланган ҳолда айрим грамматик формаларнинг тараққиётини ва уларнинг дастлабки манбаларини аниқлаш мумкин, деган фикрни илгари сурди.

Ф.Бопп ўз таълимоти, асарлари билан ўша даврда маълум бўлган барча Ҳинд-Европа тилларининг қариндошлигини исботлаб беришга эришди. Унинг изланишларидан ҳали у даврда очилмаган, номаълум бўлган хет, тохар каби тилларгина четда қолди. Ф.Бопп тилшуносликка Ҳинд-Европа тиллари деган терминни ҳам олиб кирди.

У ўз тадқиқотларида, асосан, морфология билан шуғулланди, фонетика, синтаксис-гап шакллари, қўлланиши, гап тузилиши каби масалаларга эътибор бермади.

Ф.Бопп тилларнинг қариндошлиги масаласида ҳам жиддий хатоларга йўл қўйди, яъни у кичик Полинезия ва жанубий Кавказ тилларини ҳам асоссиз равишда Ҳинд-Европа тилларига киритди.

Расмус Раск

Ф.Бопп билан деярли бир вақтда, аммо унга мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда Ҳинд-Европа тилларининг қиёсий-тарихий тадқиқи билан даниялик буюк тилшунос проф. Расмус Христиан Раск (1787 – 1832) ҳам шуғулланди.

Р.Раск 1811 йилда «Исланд тили бўйича қўлланма» номли биринчи ишини эълон қилди. Ушбу тадқиқотидаёқ Ф.Боппдан ҳам олдин грамматик кўрсаткичларни, айниқса, кўшимчаларни қиёслашнинг муҳимлигини айтиб ўтди. Айни вақтда у, Ф. Бопп ғояларини тўлдирган ҳолда, лексик қиёслашга ҳам катта аҳамият берди ва бу жараёнда даставвал энг зарурий тушунчалар, ҳодисалар ва предметлар билан боғланган лексиканинг ҳисобга олинишини тўғри таъкидлади.

1818 йилда Р.Раскнинг «Қадимги шимол тили соҳасидаги тадқиқот ёки исланд тилининг келиб чиқиши» номли асосий асари эълон қилинди. У тадқиқотда герман, литва, славян, лотин ва грек тилларининг қариндошлигини исботлаб берди.

Ушбу асарнинг 2-қисми «Фракий тили ҳақида» номи билан 1822 йилда нашрдан чиқди. Ишда исланд тилининг ўрнини белгилаган ҳолда унинг гот тиллари гуруҳига ва фракий (грек ва лотин) тилларига бўлган муносабатини ўрганди.

Р.Раск асарларида сўзларнинг ўз маъноларини ўзгартириши мумкинлигига эътибор беради. Шунингдек, туб ва ўзлашган сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини қайд этади, лисоний ҳодисаларни тадқиқ қилишда сўзни мукамал морфологик таҳлил қилиш лозимлигини тавсия қилади.

У болтиқ тиллари славян тиллари билан маълум боғлиқликка эга бўлса-да, аммо айни тиллар Ҳинд-Европа тилларининг мустақил шаҳобчаси, тармоғи ҳисобланади, деган ҳаққоний фикрни биринчи бўлиб илгари суради.

Р.Раск, Ф.Боппдан фарқли, Ҳинд-Европа тилларини бошқа тил оилалари (масалан, кавказ-яфетик тиллари ва Индонезия тиллари) билан қориштирмайди. Шунингдек, у ўз тадқиқотларида санскрит тилига мурожаат қилмайди.

Хуллас, Р.Раск тилшунослик тарихида қиёсий-тарихий методнинг ва германистика фанининг асосчиларидан бири сифатида фахрли ўринни эгаллайди.

Якоб Гримм

Машҳур немис тилшуноси Якоб Гримм (1785–1863) қиёсий-тарихий метод ёрдами билан герман тилларини тадқиқ қилди. Я.Гриммнинг тўрт томдан иборат «Немис грамматикаси» асари тилшунослик тарихида муҳим ўрин тутади. У ушбу салмоқли асарида немис тили тарихий грамматикасини бошқа барча герман тиллари билан қиёслаган ҳолда беради.

Асар биринчи томининг биринчи нашри 1819 йилда, мазкур томнинг бутунлай, тубдан ўзгарган иккинчи нашри 1822 йилда чоп этилади. Мазкур томдан герман тилларининг тарихий фонетикаси ҳамда герман тилларидаги ундошларнинг силжиши, «кўчиш» қонуни ўрин олган, яъни Я.Гримм (Р.Раск, Я.Бредсдорфлар каби) ундошларнинг силжишини исботлаб беради. Масалан, Ҳинд-Европа тилларига оид b, q, g – герман тилларида p, t, k га; ҳинд-европача p, f, k – германча f, q, h га силжиган, кўчган, ўтган.

Ушбу жараён фонетик қонунларнинг тан олинган дастлабки, биринчи намунаси эди. «Немис грамматикаси» асарининг барча томлари 1837 йилда якунланди.

Я.Гриммнинг «Немис тили тарихи» асари эса 1848 йилда эълон қилинади. У жамият тарихини ўрганишда тилнинг асосий, энг муҳим манба эканлигини айтади ва тилни у ёки бу халқнинг маданий-тарихий тараққиётининг маҳсули деб ҳисоблайди. Шунга кўра Я.Гримм «Бизнинг тилимиз бизнинг тарихимиздир» деган ғояни илгари суради. Ҳақиқатан ҳам – шундай. Я.Гримм ушбу асарида «Халқлар ҳақида суяқлар, қуроллар ва мазорларга қараганда жонлироқ гувоҳ бор. Бу тилдир», дейди.

Я.Гримм «Немис луғати» асарида (биринчи томи 1854 йилда, охириги томи 1960 йилда эълон қилинди) немис шоири Лютердан тортиб, Гётегача бўлган немис тили лексикасини қамраб олишга, кўрсатиб беришга ҳаракат қилди.

Александр Христофорович Востоков

Таниқли рус тилшунос олими, академик (1841) А.Востоков (1781–1864) туғма соқов бўлиб, Санкт-Петербургдаги Румянцев музейи кутубхонасига бошчилик қилган.

А.Востоков славян тили материаллари асосида тадқиқот ишларини олиб боради. У, айтилганидек, қиёсий-тарихий методнинг асосчиларидан бири ҳисобланади.

Олим «Славян тили ҳақида мулоҳазалар» (1820), «Рус грамматикаси» (1831), «Вилоят буюк рус тили тажрибаси» (1852), «Черков славян тили луғати» (1858–1861) каби қатор эътиборга лойиқ ишларни яратди.

А.Востоков тадқиқотлари янги бой фактик материалларга асосланган бўлиб, славян тилининг тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шунингдек, қиёсий-тарихий методнинг қатъий қарор топишига ҳам имкон яратди.

А.Востоковнинг 1820 йилда эълон қилган «Славян тили ҳақида мулоҳазалар» мақоласи унга катта шухрат келтирди. Олим бу асарида славян филологиясига оид масалаларга тўхталиб, Ҳинд-Европа тилларининг славян тиллари оиласига мансуб рус тилининг эски славян, поляк ва серб тилларига бўлган муносабатини аниқлайди, изоҳлайди.

А.Востоковнинг қайд этилган мақоласи тарихий фонетика соҳасидаги дастлабки иш ҳисобланади.

А.Востоков 1842 йилда «Румянцев музейидаги рус ва славян қўлёзмаларининг тасвири» номли кўп йиллик меҳнатининг натижасини эълон қилади. Ушбу тадқиқотида эски славян тилининг шохобчалари бўлган болгар, серб, рус ва жанубий рус (украин) тилларини изчиллик билан фарқлайди. Бу эса

амалиётда эски славян тилининг тараққиёти ва ундаги ўзгаришларни даврлаштиришга, яъни қадимги (IX-XIV), ўрта (XV-XVI) ва янги даврларга бўлишга имкон беради.

А.Востоков славян тилларига тарихийлик нуқтаи назардан ёндашишни илк бор бошлаб берган олимдир. У тарихий принципга амал қилган ҳолда эски славян тилидаги бурун унлиларини аниқлайди, айрим ҳарфларнинг талаффузини белгилайди, сўз туркумларининг (масалан, сифат, равишдошларнинг) пайдо бўлиш вақти билан боғлиқ айрим фикрларни баён қилади.

Хуллас, Россияда қиёсий-тарихий тадқиқотлар, славян тиллари оиласига мансуб тилларни ўрганиш, айти тилларни қиёсий-тарихий метод асосида тадқиқ қилиш, уларни даврлаштириш кабилар даставвал академик А.Х.Востоков номи билан боғлиқдир.

Ҳинд-Европа тилларини қиёсий-тарихий ўрганишнинг биринчи даври, айтилганидек, қиёсий-тарихий методнинг ярати-лиши ва умумий тилшунослик фанининг асосланиши бўлди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қайси асрдан бошлаб, тилга қандай ҳодиса сифатида ёндашилди?
2. Қайси асрдан бошлаб, қайси тиллар ўртасида ўхшашлик борлиги ва унинг сабаблари айтилди?
3. Ҳинд-Европа тилларини қиёсий-тарихий ўрганиш қайси даврларни ўз ичига олади?
4. Биринчи даврнинг муҳим хусусияти нимада?
5. Қиёсий-тарихий методнинг асосчилари кимлар?

Асосий тушунчалар:

1. Компаративистика – қиёсий-тарихий тилшунослик.
2. Ўзаро ўхшаш тиллар – қариндош тиллар, тарихан бир умумий қадимий боботилдан келиб чиққан, кейинчалик мустақил ривожланган тиллар (масалан, санскрит, лотин, грек, арман ва форс тиллари).
3. Қиёсий-тарихий метод – тилларни тарихийлик принципи асосида ўзаро қиёслаб ўрганувчи, уларга хос умумий ва фарқли жиҳатларни аниқловчи, шу йўл билан уларнинг қариндошлигини исботловчи усул.

Адабиётлар:

1. Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. -М.,1956.
2. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.- М., 1968.
3. С.Усмонов. Умумий тилшунослик.- Т., 1972.
4. В.И.Кодухов. Общее языкознание. -М., 1974.
5. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.- М., 1975
6. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений.- М.,1979.

Вильгельм Фон Гумбольдт ва умумий тилшунослик

Германиянинг энг буюк олимларидан бири бўлган В.Гумбольдт (1767–1835) ҳар томонлама билим соҳиби эди. У тилшунослик, адабиёт назарияси, фалсафа, давлат ҳуқуқи, сиёсат ва дипломатик фаолият билан шуғулланади, Берлин университетининг асосчиси ҳамда давлат арбоби ҳисобланади.

В.Гумбольдтнинг тил билими ниҳоятда кенг бўлиб, улкан олим нафақат Ҳинд-Европа тилларини билар, балки дунёнинг бошқа тиллари –баск тилидан тортиб, Американинг кичик Полинезия ва маҳаллий аҳолисининг (индеецларнинг) тиллари ҳақида ҳам чуқур билимга, маълумотга эга эди.

В.Гумбольдт асарлари, ғоялари, концепциялари билан умумий назарий тилшуносликка асос солди. Буюк олим тилшуносликнинг, идеалистик руҳда бўлсада, қатор энг муҳим ва мураккаб муаммоларини ҳал қилиб берди, таълимотлар яратди. Шу туфайли у жаҳон тилшунослигининг кейинги тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди.

Қиёсий-тарихий методнинг асосчиларидан бири бўлган Ф.Бопп уни ҳурмат билан тилга олса, Г.Штейнталь, А.Шлейхер, К.Фослер, А.Потт, Г.Курциус, А.Потебня, И.А Бодуэн де Куртенэ каби таниқли ва машҳур тилшунослар ўзларини унинг шогирди деб ҳисоблаганлар.

Агар Ф.Бопп умумий, назарий ғоялардан, қарашлардан четлашиб, асосан, фактлар йиғиш, уларни қиёслаш, улар орасидаги муносабатларни, боғлиқликларни аниқлаш билан шуғулланган бўлса, В.Гумбольдт назарий, фалсафий ғоялар билан, тилнинг илмий назариясини яратиш билан машғул бўлди. Аниқроғи, В.Гумбольдтнинг тилшуносликдаги аҳамиятини, ўрнини

И.Кант ва Гегелларнинг жаҳон фалсафаси тараққиётига кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин.

В.Гумбольдтнинг умумий тилшунослигини тил фалсафаси деб айтиш мумкинки, бу фалсафа энг олий лисоний умумлашмаларни ва узок даврларда ҳам тилшунослик ривожига жиддий таъсир кўрсатадиган хулосаларни қамраб олади.

В.Гумбольдт тил фалсафасини тиклаб, унинг обрў-эътиборини кўтарди ва айни фалсафага бутунлай янги йўналиш бердики, бу йўналиш қиёсий-тарихий метод билан зич боғланган ҳолда, унинг асосида юзага келди. Аниқроғи, В.Гумбольдтгача бўлган назариялар бўш, мустаҳкам асосга эга бўлмаган, шунчаки, юзаки назариялар эди. В.Гумбольдт эса тилнинг илмий назариясини, тил фалсафасини тил ҳодисаларига қиёсий-тарихий методни қўллаш асосида қурди, яратди. Натижада унинг таълимоти, лисоний қарашлари тилшунослик фанининг тараққиётига узок йиллар давомида самарали хизмат қилди.

В.Гумбольдт 1820 йилда Берлин академиясида «Тиллар тараққиётининг турли даврларида уларни қиёсий-тарихий ўрганиш ҳақида» деган мавзуда маъруза қилади. Ушбу мавзудаги маъруза унинг тилга оид дастлабки тадқиқоти бўлиб, муаллиф унда тил ҳақида алоҳида, мустақил фан яратиш зарурлиги ғоясини ўртага ташлайди ва уни асослаб беради.

Шунингдек, олим маърузасида қариндош ва қариндош бўлмаган тилларнинг типологик қиёсий грамматикасини яратиш тарафдори бўлиб чиқади. У ўзигача бўлган, яъни ҳар бир тилнинг ўзига хослигини, мустақиллигини тан олмайдиган, барча дунё тилларини тайёр мантиқий жадвалларга мажбуран киритишга интилувчи дедуктив умумий грамматикани – Пор Рояль грамматикасини инкор қилади. В.Гумбольдт турли тиллардаги айнан бир тушунчани - фикрни ифода этишнинг, етказишнинг турлича усулларини аниқлашга интилади.

В.Гумбольдт ҳаётининг охириги йилларида ўзининг энг муҳим уч томли «Ява оролидаги кави тили ҳақида» номли салмоқли асари устида иш олиб боради. Бу асар унинг вафотидан сўнг акаси А.Гумбольдт томонидан 1836–1840 йилларда нашр қилинди.

В.Гумбольдтнинг қайд этилган тадқиқотларининг бевосита назария билан боғлиқ кириш қисми ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Ишнинг кириш қисми «Инсон тили тузилишининг ҳар хиллиги ва унинг инсон наслининг маънавий тараққиётига таъсири» деб номланиб, турли тилларга – 1859 йилда эса рус тилига таржима қилинади.

В.Гумбольдт айнан мана шу асарида, айниқса, унинг кириш қисмида ўзининг тилга бўлган назарий – фалсафий қарашларини мукамал баён этади.

У тадқиқотларида тилга алоқа воситаси сифатида, предметларни англаш вазифасини бажарувчи сифатида баҳо беради. Айни вақтда олим тилнинг мураккаб ўзаро қарама - қарши хусусиятлардан иборат кўп жиҳатли ҳодиса эканлигини қайд этади.

В.Гумбольдт тилни мукамал ўрганишда, унга хос белги-хусусиятларни, бошқа ҳодисалар билан алоқасини, ўзига хослигини аниқлаш ва очишда антиномия методини, яъни ўзаро зид, қарама-қарши қўйиш усулини қўллайди. У ушбу усул орқали тилга хос хусусиятларни, унинг энг муҳим жиҳатларини бирма-бир баён этади. Шунингдек, тил назарияси ҳақидаги мукамал таълимотларни, ғояларни яратадики, бу таълимот ва ғоялар назарий тилшуносликнинг тараққиётида янги-янги қарашларни очишда хизмат қилди. Тил ва тилга ёндаш ҳодисаларнинг, тил билан бевосита алоқадор, боғлиқ жараёнларнинг ўзаро диалектик муносабатда эканлиги маълум бўлди.

Хуллас, В.Гумбольдтнинг тилни ўрганиш жараёнида белгилаган, қайд этган антиномияси – тил ҳодисаларига диалектик зидлик асосида ёндашиши жаҳон тилшунослиги - лисоний тафаккур тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди³⁴.

В.Гумбольдт ўз асарларида тилнинг сўз ва грамматик қоидалардан иборатлигини, тил бирлиги бўлган сўзнинг эса тушунчани ифодаладиган белги, рамз эканлигини тўғри қайд этади.

У ҳар бир халқнинг тилида ўша халқнинг тарихи, маданияти ва, умуман, унинг бутун руҳий дунёси намоён бўлишини таъкидлайди.

В.Гумбольдт лисоний таълимотининг энг муҳим нуқтала-ридан бири тил шакли (формаси) ҳақидаги таълимот ёки, бош-қача айтганда, тилнинг ички тузилиши ҳақидаги назариядир.

В.Гумбольдт таълимотига кўра тил формадир (шаклдир). У тил формасининг бир қанча хусусиятларга эга эканлигини айтади. Шулардан бири тил формасининг нутқ товушларидан ташкил топишидир, яъни нутқ товушлари

³⁴ В.Гумбольдтнинг тил антиномияси ҳақидаги фикрлари “Тилнинг таърифлари” бўлимида тўлиқ баён қилинади.

тилнинг формасини ҳосил қилишидир. Яна бири тил формасининг система сифатида намоён бўлишидир, яъни ҳар бир тил элементи, бирлиги бошқа элементга кўра мавжуддир, у билан ўзаро боғлиқдир, алоқадордир. Шунингдек, тил формаси икки жиҳатнинг, икки томоннинг: моддий ва руҳий, ташқи ва ички томонларнинг бирлигидан, боғлиқлигидан иборатдир.

Тилнинг ташқи формаси тилнинг материяси, ашёсидир, унинг товуш системасидир. Айтилганидек, нутқ товушлари тилнинг шаклидир.

Нутқ товушлари муайян маъно ифодаловчи тил birlik-ларини ҳосил қилишда қўлланадиган, ишлатиладиган шаклдир.

Тилнинг ички формаси тил структураларининг ташкил қилиниш, фикрни тилда объективлаштириш усулидир, халқ руҳининг ифодасидир. В.Гумбольдт тилнинг ички формаси ҳақидаги таълимотида ички формани халқнинг руҳи билан боғлайди, яъни ички форма халқ руҳининг қандайлигини кўрсатади ҳамда сўз орқали ифодаланадиган маънодир.

В.Гумбольдт фикрича, халқнинг тили унинг руҳидир ва халқ руҳи унинг тилидир.

В.Гумбольдтнинг ички форма ҳақидаги таълимотининг хатоси шунда эдики, у тилнинг ички формасини (шаклини) фақат миллий руҳ билан, халқ руҳи билан ва мутлақ ғоя билан боғлайди, яъни у тилларнинг миллийлик хусусиятини алоҳида тилларнинг аниқ тарихий тараққиётига боғлиқ шарт – шароитлар билан, халқ тарихи билан, тилни яратувчи, уни ўзида ташувчи, ундан фойдаланувчилар билан боғлиқ ҳолда тушунтирмайди. Балки тилнинг ички формасини тилларнинг миллийлик хусусиятини мавжуд бўлмаган, етарли даражада аниқланмаган, ўрганилмаган руҳий ибтидонинг намоён бўлиши билан тушунтиради. Аниқроғи, В. Гумбольдт немис файласуфи И.Кант каби онгни, руҳни алоҳида мавжуд бўлган ибтидо деб билади ва уни объектив мавжуд бўлган моддий табиатга боғлиқ бўлмаган ҳодиса деб изоҳлайди. Шу таълимотдан келиб чиқиб, у тилни руҳнинг бутун мажмуидан иборат деб, таърифлайди ва тил руҳга хос бўлган қонунлар асосида ривожланади деб, билади. Унинг фикрича, тилда халқнинг маънавий қиёфасини акс эттирадиган маълум бир дунёқараш ифодаланади. Бошқа тилни ўрганиш билан гўё дунёқараш ҳам ўзгаради. Шу фикр асосида В. Гумбольдт тилнинг «ички формаси» ҳақидаги таълимотини яратади. «Ички форма», унинг фикрича, бир томондан, халқнинг руҳи қандайлигини кўрсатса, иккинчи томондан, сўз ясалиши, шаклланиши жараёнида ифодаланадиган маънодир.

В. Гумбольдт нутқ товушларини тил формаси деб, сўзнинг нутқда қўллангандаги қиёфасини сўзнинг грамматик формаси деб, таърифлайди. Унинг бу фикрлари ҳамда «ички форма» ҳақидаги таълимоти, айти таълимотнинг идеалистик жиҳатлари олиб ташланса, ушбу фикрлар умумтилшуносликда ҳозир ҳам диққатга сазовордир.

Айтиш мумкинки, XIX аср тилшунослик тафаккури, тараққиёти В.Гумбольдтнинг лисоний назариялари асосида тараққий қилди. Унинг кўпгина лингвистик ғоялари XIX ва XX аср тилшунослигининг ривожига жиддий таъсир қилди.

Хуллас, Ф.Бопп, Р.Раск, Я.Гримм, А.Востоковлар қиёсий–тарихий тилшунослик ва бу тилшуносликнинг илмий–тадқиқот усули бўлган қиёсий-тарихий методга асос солган бўлсалар, В.Гумбольдт умумий назарий тилшунослик фанига, унинг мустақиллигига, тил фалсафасига асос солди.

X X X

Ҳинд–Европа тилшунослигининг XIX ва XX асрнинг бошларидаги тараққиёт даврида Вильгельм Фон Гумбольдт ғояларининг таъсири натижасида умум тилшуносликда муайян таълимотлар, йўналишлар майдонга келди. Бу таълимотлар жаҳон тилшунослигида натурализм (А.Шлейхер таълимоти) ва психологизм (Г.Штейнталь таълимоти) ва бошқа номлар остида намоён бўлди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Вильгельм Фон Гумбольдт ким? ва у қандай тилшуносликка асос солди?
2. Вильгельм Фон Гумбольдтнинг тил ҳақидаги назарий-фалсафий қарашлари қайси асарида баён этилади?
3. Вильгельм Фон Гумбольдтнинг тил шакли (тил шаклдир) таълимотининг асосий ғояси нимадан иборат?

Асосий тушунчалар:

1. Вильгельм Фон Гумбольдт – умумий назарий тилшуносликка – тил фалсафасига асос солган олим.
2. Тил формаси – тилни форма деб талқин қилувчи, тилнинг формаси нутқ товушларидан ташкил топишини қайд этувчи таълимот.
3. Ички форма – халқ руҳи билан боғланиб, халқ руҳининг қандайлигини акс эттирадиган ҳамда сўз орқали ифодаланадиган маънодир.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.- М., 1968.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
3. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений. -М., 1973.
4. В.И.Кодухов. Общее языкознание. -М., 1974.
5. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.- М., 1975
6. Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизов. Умумий тилшунослик.- Т., 1979.

Иккинчи босқич **(А.Шлейхер – Г.Штейенталь босқичи)**

Тилшунослик тараққиётидаги биринчи даврнинг иккинчи босқичи Август Шлейхер ва Гейман Штейенталь номлари ва уларнинг таълимотлари билан боғланиб, айна босқич XIX асрнинг тахминан 50–60 йилларини ўз ичига олади.

Август Шлейхер **Натурализм**

Умумий назарий тилшуносликнинг – тил фалсафасининг асосчиси бўлган В. Гумбольдт томонидан тилнинг система сифатида талқин қилиниши, тилнинг организм, органик бир бу-тунлик сифатида берилиши А. Шлейхер, Ф. де Соссюр, И. Бодуэн де Куртенэ каби тилшуносларнинг таълимотларига таъсир қилди, уларнинг лисоний ғояларида кузатилди.

XIX асрнинг ўрталарида Европа тилшунослигида натурализм³⁵ оқими пайдо бўлди. Ушбу оқимнинг машхур вакили немис олими Август Шлейхер (1821–1863) эди.

А.Шлейхер тилшуносликдан ташқари ботаника ва фалсафа каби фанларни ҳам ўрганди. У дастлаб Бонн, сўнгра Прага, Иен университетларининг доценти ва профессори сифатида маърузалар ўқиди, 1858 йилда Россия фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлди.

А.Шлейхер Ҳинд-Европа тилларининг умумий масалалари билан шуғулланди, Литва тилини ўрганиб, жонли нутқ бўйича тадқиқотлар олиб борди, халқ оғзаки ижодига оид материаллар тўплади. У, шунингдек, қиёсий – тарихий ва типологик йўналишда герман, славян, болтиқ тиллари билан ҳам шуғулланди. А.Шлейхер тилларни қиёсий ўрганишда товушларнинг қонуний ўзгаришларига эътибор беришни талаб қилди. У фонетикани фонология деб атади ва сўзда товуш, шакл ҳамда функцияни фарқлади.

Олим айна вақтда умумназарий фикрларни ҳам илгари сурадики, бу фикрлар тилшунослар томонидан эътибор билан қабул қилинди. Ушбу фикрлар товуш қонуни, аналогия, тилнинг систем характерга эгалиги, сўзнинг шакли ва вазифаси ҳақидаги ғоялар билан боғланади. А.Шлейхернинг мазкур назарий қарашлари «Немис тили» (1860) асарида баён қилинади.

³⁵ Натурализм – лотинча *natura* “табиат” дегани

А.Шлейхер Ҳинд - Европа тилларининг битта боботилдан келиб чиққанлиги ғоясини илгари сурди. У Ҳинд – Европа тилларининг тараққиётини «шажара дарахти» жадвали орқали тушунтирди, яъни унинг фикрича, қачонлардир Ҳинд – Европа боботили мавжуд бўлган, унинг тарқалиб кетишидан ҳозирги Ҳинд – Европа тиллари келиб чиққандир.

А.Шлейхернинг энг машҳур асари «Ҳинд – Герман тиллари қиёсий грамматикасининг компендиуми»дир (1861). Бу асар ўтган ярим аср давомида Ҳинд – Европа тилларини қиёсий ўрганишнинг якуни сифатида майдонга келди ва 15 йил ичида тўрт марта нашр қилинди.

Компендиумда³⁶ А.Шлейхер Ҳинд – Европа тилини (боботилни) қайта тиклаб, унинг ҳар бир шохобчаси қандай ривожланишини кўрсатмоқчи бўлди.

Умумий тилшуносликда А.Шлейхер даставвал натуралистик оқимнинг йўлбошчиси, ташкилотчиси сифатида тан олинади. Унинг натуралистик фалсафаси «Дарвин назарияси ва тил ҳақидаги фан» (1863) ҳамда «Инсоннинг табиий тарихи учун тилнинг аҳамияти ҳақида» (1865) каби асарларида ўз ифодасини топган.

А.Шлейхер натурализмнинг - натуралистик фалсафасининг моҳияти унинг тилни жонли, табиий организм сифатида тушу-нишида кўринади. У тилни жонли организмлар категориясига киритади. Аниқроғи, А.Шлейхер тилнинг ҳаёти бошқа барча жонли организмлар - ўсимликлар, ҳайвонлар ҳаётидан жиддий фарқ қилмайди. Тиллар ҳам улар каби ўсиб ривожланадиган етук даврга, сўнгра эса ўсишнинг энг юқори даражасига етган нуқтасидан борган сари узоқлашиб, қарийдиган даврига эга бўлади, дейди.³⁷

А.Шлейхернинг тилга натуралистик қараши – биологизми, айниқса, Ч.Дарвиннинг «Турларнинг пайдо бўлиши ва табиий танлаш» (1859) номли энг муҳим асарининг эълон қилиниши билан яна ҳам кучайди. «Тиллар, - дейди Шлейхер, - инсоннинг хоҳишидан ташқари пайдо бўлган, ўсган ва маълум қонунлар асосида ривожланадиган табиий организмдир. Улар ўз навбатида қарийди ва ўлади». «Тиллар товуш материясидан ташкил топган табиий организмлардир... тилларнинг ўсиши маълум қонуниятлар асосида юз беради».³⁸

³⁶ Компендиум – лотинча қисқартириш дегани. У ёки бу фанга оид муҳим, асосий қоидаларни, тушунчаларни ихчам, лўнда баён этиш.

³⁷ Қар: Хрестоматия по истории языкознания XIX и XX веков.- М.,1956. 96-бет.

³⁸ Ўша асар, 95-бет.

Таъкидлаш лозимки, тилга нисбатан «жонли организм» бирикмасининг қўлланиши аслида Шлейхергача ҳам мавжуд бўлган. Масалан, XVIII аср мутафаккирлари, айниқса, В.Гум-больдт тилни тўхтовсиз ўзгариб боровчи система сифатида ёки жонли организм сифатида тушунтиради. Аммо олим бу ўринда тилга нисбатан организм тушунчасини биологик маънода эмас, балки фалсафий маънода қўллайди, яъни тил ўлик механизм, алоҳида тил белгиларининг механик бирлашуви эмас, балки доимо ривожланадиган, ўзаро боғлиқликда бўлган системадир.

А.Шлейхер организм терминини тилга боғлиқ ҳолда тўғри маънода – биологик маънода талқин қилади ва шу ўринда хатога йўл қўяди. У тилнинг ижтимоий аҳамиятига етарли эътибор бермайди. Ҳақиқатда эса проф. С.Усмонов айтганидек, «Тиллар туғилмайди, балки уруғ тилидан қабила тилига, қабила тилидан элат (халқ) тилига, ундан эса миллат тилига томон тараққий эта боради. Бу тарихий жараёнда айрим уруғ, қабила ва элат тиллари бошқа тилларга аралашиб, сингиб кетиши ҳам мумкин. Бундай тилларни ўлик тиллар деб аташади. Аммо ўлик тил организм каби бутунлай ўлмайди, унинг элементлари бошқа тилда маълум даражада сақланиб қолади».³⁹ Бошқача айтганда, тиллар ҳам пайдо бўлади, тараққий қилади ва баъзан «ўлади». Аммо бу «ўлим» биологик эмас, балки ижтимоий – тарихий характерга эга. Тил «ўлади», қачонки шу тилда сўзлашувчи жамият, халқ йўқ бўлиб кетса.

Ўз даврида қатор тилшунос олимлар: Мадвиг (1842), Макс Мюллер (1861), А.А. Потебня (1862), И. Бодуэн де Куртенэ (1871) тилни жонли организм деб аталишига, тилни биологик маънодаги организм билан тенглаштирилишига қатъий қарши чиқадилар ва шундай фикрларни қатъий танқид остига оладилар. Жумладан, «Тил организм эмас» (Бодуэн), «Тилни организм деб аташ, демак, у ҳақда ҳеч нарса демасликдир» (Потебня). «Организм мустақил яшайди, сўз (тил – Р.Р.) эса фақат инсон билан боғлиқ ҳолда унинг нутқ аъзоси орқали яшайди» (Потебня) ва бошқалар.

Демак, тил – табиий организм эмас, балки у ижтимоий ҳодиса. Тиллар шу тиллардан фойдаланувчи жамият билан, халқ билан бирга пайдо бўлади ва тараққий қилади. Тил йўқ бўлиши, «ўлиши», алоқа қуроли сифатида қўлланмаслиги мумкин, агар шу тилнинг эгаси бўлган жамият, халқ йўқ бўлса ёки бошқа тилга ўтса, бошқа тилни алоқа қуроли сифатида қабул қилса. Бинобарин, у - тил алоқа қуроли сифатида ўз вазифасидан бутунлай «озод бўлади».

³⁹ С.Усмонов. Ўша асар, 68-бет

А.Шлейхер таълимотида натурализмдан ташқари яна тилнинг «ҳаёти» ва тараққиётидаги икки давр ҳақидаги муваффақиятсиз, асоссиз фаразлар, ғоялар ҳам бўлган. Аниқроғи, А.Шлейхер тил ҳаётида икки даврни ажратади: 1) тараққиёт даври (тарихгача бўлган давр) ва 2) инқироз даври (тарихий давр), яъни, у тилнинг «ҳаётини», тараққиётини 1) тилларнинг ривожланиш даври ва 2) тилларнинг инқироз даври каби икки асосий даврга бўлади.

Тиллар тараққиётига, уларнинг «ҳаётига» бундай қараш аслида натурализм таълимотидан келиб чиқади. Қолаверса, у В.Гумбольдт каби тилларнинг тараққиётини инсон руҳи, психикаси билан боғлайди: «Тарих ва тил... – бу инсон руҳи-нинг бирдан-бир алмаштириб турадиган фаолиятидир», дейди.

Хуллас, А.Шлейхернинг тилнинг икки даври ҳақидаги таълимоти, яъни тилнинг тараққиёти унинг инқирози, таназзулидир, деган ғояси қатор тилшунослар томонидан танқид остига олинди.

А.Шлейхер, унинг айрим хато ғояларига қарамасдан, ўз даврининг буюк тилшуноси эди. Унинг умумий ва қиёсий – тарихий тилшунослик тараққиётидаги, тилшунослик тарихидаги хизматлари ниҳоятда каттадир.

А.Шлейхернинг лисоний таълимоти, асосан, ҳаққоний, материалистик эди. У ўзининг «Қиёсий – лисоний тадқиқотлар» ва «Немис тили» асарларида тил ва тафаккурни диалектик муносабатда олиб, тилни «талаффуз қилинган товушлар орқали фикр ифодалаш» деб таърифлайди. «Тил бу фикрнинг товуш орқали ифодаланишидир», дейди. Айни фикрлардан тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги, «бир бутунлиги», ажралмас муносабатда эканлиги, шунингдек, товушнинг моддий ходиса сифатида тил ва нутқнинг материали, моддий асоси, моддий «қуввати» эканлиги каби фикрлар, хулосалар келиб чиқадики, бу ўз даври учун юкасақ, илғор ғоялар эди.

А.Шлейхернинг ўз таълимотида тилни жонли организмга тенглаштириши аслида тилни ўз тузилишига (структурасига) эга бўлган объект – система сифатида тушунишга, шундай фикр-нинг қарор топишига имкон беради, тилни система ва структура деб тушунишга хизмат қилади. Шунингдек, Ҳинд – Европа тил-ларининг шажара дарахти схемасининг яратилиши ҳамда тилларнинг морфологик таснифининг ишлаб чиқилиши ҳам Шлей-хер номи билан, унинг лисоний таълимоти билан боғланади.

Хуллас, А.Шлейхер таълимотида, айтилганидек, хато ғояларнинг, қарашларнинг мавжудлигига қарамай у ва унинг издошлари – натурализм йўналиши, натурализм мактаби тилга табиий – материалистик қарашни,

таълимотни олиб кирди ва тилшуносликда тил ўз тузилишига (структурасига) эга бўлган қисмлардан иборат бир бутун объектдир – системадир, деган ғоянинг қатъий қарор топишига, тасдиқланишига хизмат қилди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Август Шлейхер ким? ва у қайси таълимотга асос солди?
2. Натурализм таълимотининг асосий ғояси нимадан иборат?
3. А. Шлейхер организм терминини қандай маънода қўллади?
4. А. Шлейхер тил тараққиётида қайси даврларни ажратди, бу даврлар асослими?

Асосий тушунчалар:

1. Август Шлейхер – тилшуносликда натурализм ғоясининг асосчиси ва қиёсий-тарихий тилшуносликда хизматлари жуда катта бўлган олим.
2. Компендиум – Ҳинд-Европа тилларининг тараққиёти қиёсий ўрганилиб, уларнинг қадимий бир боботилдан келиб чиққанлиги ғоясини асослашга қаратилган асар.
3. Натурализм – тилни жонли, табиий организм сифатида – биологик маънода талқин қилувчи таълимот.
4. Шажара дарахти – Ҳинд-Европа тилларининг тараққиёти, ривожланиши дарахт кўринишида, шаклида берилган чизма (расм).

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. -М., 1968.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
3. В.И.Кодухов. Общее языкознание. -М., 1974.
4. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.- М., 1975.
5. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений. -М., 1979.

Гейман Штейнталь **Психологизм**

Фалсафий тилшуносликнинг асосчиси бўлган Вильгельм Гумбольдт томонидан тилнинг алоҳида шахсларнинг руҳий ҳаёти ва тафаккурига муносабати жиҳатидан ўрганилиши Гейман Штейнталь, А.Потебня, И.Бодуэн де Куртенэ каби тилшуносларнинг таълимотларида – умуман тилшуносликдаги психологик йўналишда давом эттирилади. Тилшуносликдаги психологик оқимнинг – психологизмнинг энг йирик вакили, асосчиси немис назарийчи тилшунос олими Берлин университети профессори Г.Штейнтальдир (1823 – 1899). У умумий тилшунослик соҳасида ўзини Гумбольдтнинг шогирди, унинг ғояларини давом эттирувчи деб ҳисоблайди. Психоло-гизм соҳасида эса у Иоганн Герберт (1776 – 1841) таълимо-тининг – ассоциатив психологиянинг давомчиси эди. Айни таълимотга кўра нарса - ҳодисалар инсон психикасида ўзаро боғлиқ ҳолда бир – бирларини эслатадилар, эсга туширадилар.

Тилшуносликдаги психологизм оқими натурализмни қаттиқ танқид остига олди. Психологизм натурализмдан фарқли унга зид ҳолда тилни худонинг ёки одам руҳининг акси, кўриниши, ифодаси деб талқин қилди. Шунга кўра тил соф психик, руҳий ҳодиса сифатида баён қилинди. Психологистлар тилнинг тараққиётини алоҳида шахсларнинг тафаккуридаги, руҳиятидаги тараққиёт билан боғлиқ деб ҳисобладилар.

Демак, тилдаги ҳодисаларнинг асосида ижтимоий ҳодисалар, ижтимоий тараққиёт–жамият тараққиёти эмас, балки индивидуал фаолият, индивидуал тараққиёт, инсон психикаси, унинг фикрий фаолияти ётади, улар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ана шундай ғоялар, қарашлар билан қуролланган психологизм вакиллари, жумладан, Г.Штейнталь таълимо-тидаги энг муҳим ғоя нутқнинг индивидуал акти инсоннинг фаолиятидан, ижтимоий жараёндан ажралганлигидир.

Г.Штейнтальнинг лисоний қарашлари, таълимоти унинг куйидаги қатор ишларида баён қилинади. Булар «Тилларнинг таснифи тил ғоясининг тараққиёти сифатида» (1850), «Тилнинг пайдо бўлиши» (1851), «Грамматика, мантиқ ва психология» (1855), «Тил қурилишининг энг муҳим типлари хараakterистикаси» (1860), «Психология ва тилшуносликка кириш» (1871), «Гумбольдтнинг тилшуносликка оид асарлари ва Гегель фалсафаси» (1848), «Фалсафа, тарих, психология ва уларнинг ўзаро муносабати» (1863) ва бошқалар.

Тилшуносликдаги психологик оқим вакиллари тилни индивидуал психика

фаолиятининг махсус механизми, алоҳида инсон онгидаги тасаввурларнинг механизми сифатида ёки халқ психологиясининг специфик намоён бўлиши сифатида талқин қилишларини талаб қиладилар. Мазкур ғоянинг дастлабкиси индивидуал психологизм билан боғланиб, бунда алоҳида индивид ва унинг психикаси асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу ғоянинг кейингиси эса ижтимоий психологизм билан боғланади. Ижтимоий психологизмнинг диққат марказида халқ, жамият, миллат туради.

Хуллас, тилшуносликдаги психологик йўналиш натуралистик йўналиш таълимотига қаршилик кўрсатувчи оқим сифатида, қиёсий – тарихий тилшуносликнинг психологик йўналиши сифатида юзага келди ва тилшуносликдаги лисоний биологизмни четлаштирди.

Г.Штейнталь индивидуал психологизм вакили сифатида майдонга чиқди. Г.Штейнталь лингвистик таълимотининг психологик асоси бўлиб, И.Гербертнинг ассоциатив психологияси ҳисобланади. Ассоциатив психология инсон онгининг барча фаолиятини тасаввурлар муносабатига, психик ассоциациялар, алоқалар механизмига боғлайди, сўзни эса тасаввурлар комплекси билан, ассоциациялар билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Инсоннинг психик фаолияти фикрлаш жараёни сифатида тасаввурлар ассоциациясидир, алоқасидир, боғланишидир.

Психологизм тилни фақат тафаккур қуроли ва фикрни ифодалаш воситаси сифатида белгилайди.

Тил психологик концепциясининг жиддий хатоси тасаввурлар ролининг ошириб юборилиши, тушунчалар ролининг эса пасайтирилиши, камайтирилишидир. Психологизм тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўзига хослигини инкор қилади.

Александр Афанасьевич Потебня

Россияда тилшуносликдаги психологизм оқимининг энг кўзга кўринган йирик вакили рус ва украин филологи А.А.Потебнядир (1835 – 1891).

А.А.Потебня рус, украин ва жаҳон тилшунослиги фанининг буюк вакили бўлиб, славян ва болтиқ тилларининг машхур тадқиқотчиси ҳисобланади. Унинг бутун ҳаёти ва илмий фаолияти Харьков университети билан боғлиқдир.

1856 йилда Харьков университетининг тарих – филология факультетини битирган А.А.Потебня университетда қолди-рилади ва 1860 йилда «Славян халқ поэзиясидаги баъзи белгилар (символлар) ҳақида» мавзуси-

даги магистрлик диссертациясини ёқлайди.

У 1863 йилда ушбу университетнинг доценти унвонига сазовор бўлади. 1856 йилда Москва археология жамиятининг ҳақиқий аъзолигига ўтади, 1875 йилда университет профессори бўлади ва шу йили Россия фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланади.

А.А.Потебня илмий фаолияти давомида тилшуносликнинг умумфалсафий масалалари, умумий тилшунослик, синтаксис, семантика, этимология, фонетика, диалектология, адабиёт назарияси, фольклор, этнография ва бошқа муаммолар билан шуғулланиб, қатор жиддий асарлар яратди.

А.А.Потебнянинг энг муҳим асарлари «Фикр ва тил» (1862) ҳамда IV томдан иборат «Рус грамматикасидан лавҳалар»дир (1874).

А.А.Потебня илмий фаолиятининг дастлабки даврла-риданок кенг камровли тилшунос сифатида кўринди. У биринчилардан бўлиб, А.Шлейхер таълимотига – унинг биологизми ва Ҳинд – Европа тиллари тараққиётининг икки даври (ривожланиш ва инқироз даври) ҳақидаги нотўғри назарияларга қарши чиқди.

А.А.Потебня тилни халқнинг ижоди, маҳсули деб ҳисоблайди. У тил ўзининг объектив қонунларига эгаллигини таъкидлаб, тил ҳодисаларини тил системасининг ўзи орқали, ўзи билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилди. Аниқроғи, А.А.Потебня таълимотидаги бош ғоя тил фактларини, ҳодисаларини системада ва тарихий жараёнда ўрганиш бўлди. У тил ҳодисаларининг изоҳини, сабабини психологиядан эмас, балки тилнинг ўзидан қидирди. Чунки А.А.Потебня учун тил доимий фаолиятдир. Демак, тил доимий фаолият, жараён экан, унда лисоний ҳодисаларнинг, янгиликларнинг, ўзгаришларнинг тўхтовсиз равишда бўлиб туриши табиий, мантиқий бир ҳолдир. Чунки тил эгаси бўлган жамият доимо тараққиётда, ривожланишда, «ўсишда»дир.

А.А.Потебня фикрича, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги умумийлик ҳар икковининг ҳам айнан бир халққа, бир миллатга тегишлилиги билан белгиланади.

У тил ва тафаккур муносабатига тўхталар экан, фикрнинг ҳосил бўлиши ва ўзининг ифодасини топиши, воқеликка айланиши фақат тил ёрдамида, тил материалида юз беришини кўрсатади. Шунингдек, у тилнинг фақат тафаккур – фикрлаш жараёни билангина эмас, балки умуман инсон психикаси билан боғлиқлигини қайд этади.

У тилларни қиёсий – тарихий текшириш билан бевосита шуғулланмаган бўлса-да, аммо айти тадқиқот методини юқори баҳолайди.

А.А.Потебнянинг грамматикадаги мазмун ва шаклнинг ўзаро таъсири ва мураккаб муносабатини очиб бериш билан боғлиқ грамматик таълимоти рус тилшунослиги фанининг қўлга киритган катта ютуғи бўлди.

А.А.Потебня таълимотининг муҳимлиги шундаки, тилдаги форма бу фақат ифодаловчигина эмас, балки ифодаланувчи ҳамдир. Бунда икки турдаги: реал (мустақил – лексик Р.Р) ва формал маънолар назарда тугилади.

А.А.Потебня сўзнинг реал (ёки мустақил) маъносида икки турдаги, икки хил маънони – яқиндаги маънони ва узоқдаги маънони ажратади.

Яқиндаги маъно бу тилга оид бўлиб, изоҳли луғатларда қайд этиладиган маъно. Аниғи, ушбу маъно сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам – барча учун умумий, тушунарли – халқчил бўлган маънодир, реал, объектив маънодир. Шунга кўра ўзаро фикр алмашувчиларда бир-бирини ўзаро тушуниш, англаш жараёни юз беради.

Узоқдаги маъно эса тилга оид бўлмай, балки муайян мутахассисликка тегишли бўлиб, махсус терминологик ва предмет (энциклопедик) луғатда берилади. Аниғи, ушбу маъно индивидуал, «шахсий» бўлиб, хусусийлиги билан – халқчил эмаслиги билан, барча учун бир хилда тушунарли бўлмаслиги – субъективлиги билан ажралиб туради.

Сўз масаласи, тил ва тафаккур муносабати масаласи каби, А.А.Потебня таълимотининг бош ғояси ҳисобланади, унинг асарларида марказий ўринни эгаллайди.

Ҳар қандай сўз уч элементдан: товушдан, тушунчадан ва маънодан ташкил топади. Сўз товушсиз бўлиши мумкин эмас. Сўздаги товуш, - дейди А.А.Потебня, белги эмас, балки белгининг қобиғи ёки унинг формаси (шакли)дир, белгининг белгисидир. Сўз фақат товушлар бирлиги бўлмай, айти вақтда у тушунча ва маъно бирлигидан ҳам иборатдир. Сўзда товушдан ташқари яна сўзнинг ички формасини ташувчи, ифодаловчи маънонинг белгиси ҳам мавжуд. Маънонинг белгиси символ (рамз) бўлиб, сўзларни системага айлантирадики, у фикр ва маънони шакллантириш ва узатиш қобилиятига эга бўлади, аммо сўзнинг мазмунини ҳосил қилмайди.

А.А.Потебня сўзнинг ҳақиқий ҳаёти нутқда амалга ошишини, сўзнинг маъноси эса фақат нутқда реаллашини таъкидлайди ва сўзнинг нутқда ҳар гал турлича маъно ифодалашини қайд этади.

А.А.Потебня фикрича, инсон фикри мазмунига кўра ё образ ёки тушунчадир. Фақат сўз фикр тараққиётининг воситаси, образни тушунчага ўзгартириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

А.А.Потебня сўз ҳақида – сўзнинг ички формаси ҳақида фикр юритар экан, унинг учун ички форма, даставвал, сўзнинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида ҳар қандай сўзни тушуниш учун имкон яратади. Шунга кўра ички форма сўзнинг «этимологик маъноси» ёки «сўзнинг энг яқин этимологик маъноси» сифатида қаралади.

Умуман, А.А.Потебня, ҳар бир сўзда ташқи формани, яъни қисмларга ажралувчи, бўлакланувчи товушни ва ички формани – маънони фарқлайди.

Хуллас, А.А.Потебня ўзининг лисоний қарашларида, таълимотида тилшунослик фанининг мураккаб ва муҳим масалалари ҳақида чуқур фикр юритиб, тилшуносликдаги психологизм оқимининг вакилларида фарқли ҳолда тил ва тафаккурни ўзаро боғлиқ ҳолда олади, уларнинг бирини иккинчисидан ажратмайди. Айни вақтда мантиқий ва лисоний категорияларнинг ҳам ўзига хослигини таъкидлайди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Гейман Штейнталь ким ва у қандай таълимотга асос солди?
2. Психологизм таълимотининг асосий ғояси нималардан иборат?
3. Психологизмнинг натурализмдан фарқи нимада?
4. Александр Афанасьевич Потебня ким? ва у тил ва тафаккур муносабатини қандай талқин қилади?
5. А. А. Потебнянинг сўз ҳақидаги ғояси нимадан иборат?

Асосий тушунчалар:

1. Гейман Штейнталь – тилшуносликдаги психологизм оқимининг асосчиси, тилни психик ҳодиса сифатида талқин қилувчи назарий олим.
2. Психологизм – тилни инсон руҳининг акси, кўриниши, тил руҳий ҳодиса деб талқин қилувчи таълимот.
3. А. А. Потебня – психологизм оқимининг энг йирик вакили, славян ва болтиқ тилларининг машҳур тадқиқотчиси. Унинг лисоний таълимотидаги бош ғоя тил ҳодисаларини системада ва тарихий жараёнда ўрганишдир, тил ва тафаккурни ўзаро боғлиқ ҳолда олишдир. У сўзда ташқи формани – товушни ва ички формани – маънони фарқлайди.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. -М., 1968.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
3. В.И.Кодухов. Общее языкознание. -М., 1974.
- 4.Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики.- М., 1975.
5. В.Виноградов. История русских лингвистических учений.- М., 1978.
6. Н.А.Кондрашов История лингвистических учений. -М., 1979.

Фердинанд де Соссюр. Социологизм.

Социологик тилшунослик

Тилшуносликда ХХ аср бошларигача фаоллик кўрсатган катор лисоний оқимларга: ёш грамматикачилар таълимотига, натурализм ва психологизм каби йўналишларга, уларнинг қарашлари ҳамда ғояларига зид бўлган янги таълимот, мукамал бир ғоя майдонга келди. Бу йўналишга тилшуносликдаги социологик таълимот – социологик мактаб номи берилди. Айни таълимот тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини таъкидлаб, унинг ижтимоий вазифасини алоқа воситаси сифатида қатъий белгилади.

Эслатамиз, социологик лингвистика ўз – ўзидан, бевосита пайдо бўлгани йўқ. У қадим даврдан бошлаб, тилга - тил ва жамият масалаларига бўлган турлича қарашларнинг, ёндашишларнинг ижобий натижаси, объектив маҳсули сифатида қарор топди.

Тилшуносликдаги социологик таълимотнинг асосчилари Ф. де Соссюр ва Антуан Мейелардир.⁴⁰ Улар қайд этилган янги йўналишга «социологик лингвистика» номини бердилар.

Фердинанд де Соссюр

Фердинанд де Соссюр (1857–1913) буюк тилшунос, оригинал назариётчи, тил ҳақидаги фан тараққиётига жуда катта ва чуқур таъсир кўрсатган донишманд олим. Шунинг учун ҳам Ф. де Соссюрни тилшунослик оламида

⁴⁰ А.Мейе (1866-1936) француз тилшуноси, Ҳинд-Европа қиёсий-тарихий тилшунослигининг буюк вакили, Ф.де Соссюрнинг шогирди. А.Мейе тил масалаларига оид 24 та китоб ва 540 та мақола эълон қилган. Қар: Я.В.Лоя. История лингвистических учений, 208-бет.

машхур Франс Бопп, Вильгельм фон Гумбольдт, Август Шлейхер, Иван Бодуэн де Куртенэлар билан бир қаторга қўйишади.

Ф. де Соссюр Швейцарияда (Женевада) туғилган, миллати француз – швейцариялик француз. У Женева, Лейпциг ва Берлинда таълим олди.

Ф. де Соссюрнинг 20 (баъзи манбаларда 21) ёшида эълон қилган машхур асари Ҳинд – Европа тилларини –улардаги унлилар системасини ўрганишга бағишланган бўлиб, у айти тиллар вокализмини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асар «Ҳинд – Европа тилларидаги дастлабки унлилар системасининг тадқиқи» деб номланиб, 1879 йилда нашр қилинди. Мазкур асар Ҳинд - Европа тилларини ўрганишга, қиёсий – тарихий метод тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди.

Ф.де Соссюр илмий - тадқиқот ишлари бўйича 1880 йилда Лейпцигда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1881 йилда Парижга келиб, герман тиллари, Ҳинд - Европа тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича маърузалар ўқиди. 1891 йилдан бошлаб, у Женевада профессор лавозимида илмий - амалий, педагогик фаолиятини давом эттирди.

1906 йилдан бошлаб, Ф. де Соссюр умумий тилшунослик кафедрасига раҳбарлик қилди. 1906 - 1911 йилларда уч марта умумий тилшунослик курси бўйича маърузалар ўқиди.

Ф. де Соссюр вафотидан кейин 1916 йилда унинг шогирдлари Шарль Балли ва Альберт Сешелар ўзлари ёзган қўлёзмалар асосида устозларининг маърузаларини тўплаб, тартибга солиб, китоб ҳолида нашр қилдилар. Шундай қилиб, Ф. де Соссюрни дунёга танитган, уни буюк тилшунослар қаторига қўйган, ҳозирги замон тилшунослигининг тараққиётига жуда катта таъсир қилган «Умумий тилшунослик курси» фундаментал асари майдонга келди. Айти асар 1931 йилда немис тилида, 1933 йилда эса рус тилида нашр қилинди.

Ф. де Соссюр лисоний таълимотининг муҳим жиҳатлари қуйидагилар:

1. Тилшунослик фанининг бирдан - бир ҳақиқий объекти тилдир. Демак, тилни психология, мантиқ, физиология каби фанлар нуқтаи назаридан эмас, балки бевосита тилшунослик фани асосида текшириш лозим.

2. Тил системадир. Тил систем тузилишига эга бўлган, систем характердаги ижтимоий ҳодисадир. Демак, тил ҳодисалари, тил фактлари ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, бир – бирини талаб этадиган, тақозо қиладиган белгилардир. Аниғи, тил белгилари тил системасининг элементлари, бирликлари

сифатида бир-бирини белгилайди. Улар ўзаро мантикий, зарурий муносабатга, алоқага киришиб, бир бутунликни – тил системасини ҳосил қилади.

3. Тил ғоя (фикр, маъно) ташувчи белгилар системасидир. Тил белгиси (бирлиги, элементи) икки томонга: а) ифода томонига (ифодаловчига); б) мазмун томонига (ифодаланувчига) эгадир. Тил белгилари шартли, ихтиёрийдир. Демак, тил белгилари (бирликлари) моддий (материал) ва рухий (психик, идеал) томонларнинг, товуш ва маънонинг бирлигидан иборат бўлиб, бири иккинчисисиз бўлмайди, улар ўзаро диалектик боғлиқ ҳолда, нисбий бир бутун ҳолда ижтимоий вазифа бажаради, жамиятга хизмат қилади, фикр алмашувни – коммуникатив жараёни таъминлайди.

4. Ф. де Соссюр тилшуносликни иккига: ички лингвистика ва ташқи лингвистикага ажратиб, уларни ўзаро бир – бирига қарама – қарши қўяди. У ички лингвистикага тилнинг систем характерга эгаллигини, тилнинг тузилишини (структурасини) киритади. Ташқи лингвистикани эса тилнинг ривожланиш жараёнидаги, тараққиётидаги реал шарт – шароитни: жамият билан, жамият тарихи, маданияти, тарихий воқеалар, тилнинг жўғрофий жойлашиши, жамиятнинг сиёсий қарашлари, маънавий олами кабилар билан боғлиқ ҳолда олади.

Демак, ички тилшунослик тилнинг систем табиатини, унинг тузилишини текширса, ташқи тилшунослик тилни жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда текширади. Негаки жамиятнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигини, тилнинг мавжудлиги эса жамиятнинг мавжудлигини кўрсатади. Шунга кўра тил ва жамият муносабатини текшириш тилшунослик фанининг – умумий тилшуносликнинг доимий долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

5. Ф. де Соссюр тилда икки аспектни: синхрония ва диахронияни фарқлади. Синхрония, синхрон аспект тилнинг ҳозирги, реал мавжуд ҳолати бўлса, диахрония, диахрон аспект тилнинг тарихийлиги, тарихий ривожланиш ҳолатидир. Демак, тилнинг муайян вазифа бажаришдаги реал ҳолати билан тарихий ривожланишдаги ҳолати, «қиёфаси» – ҳар бири ўз кучини, қувватини сақлайди, уларнинг аралашиб кетишига йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, синхрония – тил мавжудлигининг, тараққиётининг ҳозирги вақти, тилнинг алоқа воситаси сифатидаги хизмат қилиш даври бўлса, диахрония – тилнинг, тил фактларининг замон (вақт) нуқтаи назаридан кетма – кетлиги, яъни тарихий босқичма - босқичлиги, этаплилигидир.

Проф. Я. В. Лоя фикрича «тил системаси ва структурасини ўрганишда синхрон аспектнинг аҳамияти каттадир. Тилшунослик фанининг энг

дастлабки, бош вазифаси систем табиатга эга бўлган тил ходисаларини замонавий, шу кундаги, ҳолатини текшириш, ўрганишдир. Тилнинг шу кундаги, ҳозирги системаси билан танишиш унинг тарихини ва бошқа тиллар билан қиёсини ўрганишдан аввал бўлиши керак»⁴¹. Биз ҳам шу фикрдамиз.

6. Ф.де Соссюр жамиятнинг фикрни ифода қилиш системасини тил ва нутққа ажратади.

Тил сўзларнинг жами ва нутқни қуриш, тузиш қоидаларидир. Нутқ эса тил системасининг сўзлашувда ёки матнда (ёзувда) аниқ берилиши, қўлланишидир.

Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил нутқдан қуйидаги бешта белгисига кўра фаркланади: 1. Тил – ижтимоий, нутқ- индивидуал. 2. Тил – систем, нутқ – асистем. 3. Тил – потенциал (имконият, яширин), нутқ - реал (воқелик, намоён бўлиш). 4. Тил - синхрон (замонавий, ҳозирги), нутқ – диахрон (тарихий, ўтган). 5. Тил – моҳият, нутқ – ҳодиса.⁴²

Тилнинг системалилиги аксиома. Нутқчи? Нутқ ҳам система.⁴³

7. Ф. де Соссюр тил (нутқ) бирликлари орасидаги муносабатни, ўзаро боғланишни парадигматик ва синтагматик муносабатларга ажратади.

Парадигматик муносабатда тил бирликлари бир парадигмага жойлашади. Масалан, улар бир парадигмага - сўз ўзгариши, сўз тусланиши парадигмасига (қаторига) бирлашиб, асосига - умумий маъносига кўра бир хил, қўшимчасига – хусусий маъносига кўра фарқли бўлади. Шунга кўра тил бирликлари ўзаро муайян систем муносабатга киришади. Қиёсланг: о л а м, о л а м н и, о л а м н и н г, о л а м д а, о л а м г а, о л а м д а н...

Парадигматик муносабат тил бирликларининг нутққача бўлган муносабати, имконият сифатидаги тил ҳодисаси.

Синтагматик муносабатда эса тил бирликлари, масалан, сўзларнинг бири иккинчиси билан семантик – синтактик муносабатга киришиб, сўз бирикмасини ёки гапни ҳосил қилади. Қиёсланг: и с т и қ л о л б а й р а м и, м а ъ н а в и я т ю л д у з л а р и, м и л л и й ғ у р у р, б и з т е р р о р и з м н и қ о р а л а й м и з. Бунда тил бирликлари кетма – кет келиши, горизонтал чизиққа жойлашиши билан ажралиб туради.

Синтагматик муносабат тил бирликларининг нутқдаги, нутқ фаолиятидаги – фикр алмашиш жараёнидаги ўзаро мантикий, зарурий

⁴¹ Я.В.Лоя. Ўша асар, 138-бет.

⁴² В.И.Кодухов. Ўша асар, 72-бет.

⁴³ Бу ҳақда “Тил ва нутқ” бўлимига қаранг.

муносабатидир, фикр ифодалаш учун хизмат қилишидир. Ушбу муносабат нутқ ҳодисаси сифатида белгиланади, нутқ билан ўлчанади ва бошқалар.

Хуллас, XX аср тилшунослик фанидаги кескин бурилишга, ушбу фаннинг юксак даражада, кенг миқёсда ривожланишига муҳим сабаб тилнинг системалилиги ғояси ҳамда тил ва нутқни фарқлаш, тил ва нутқ диалектикаси бўлди. Албатта, бу ўринда Ф. де Соссюрнинг таълимоти, хизматлари беқиёсдир. Таъкидлаш шарт, Ф. де Соссюрнинг қарашлари, ғоялари тилшунослик фанида нафақат социологик лингвистиканинг – социологизмнинг, балки структурал лингвистиканинг – структурализмнинг ҳам юзага келишида муҳим сабаблардан бири бўлди. Аниқи, Ф.де Соссюр ўзининг машҳур «Умумий тилшунослик курси» асарида структурализмнинг энг асосий, бош ғояларини таъкидлаб ўтди. Булар: 1.Тил спецификаси (ўзига хослиги), яъни тилшуносликнинг мутлақ текшириш объекти тилдир. 2. Тил системаси, яъни тил ўзига хос тузилишга, «қиёфага» эга бўлган системадир. 3. Тил формаси, яъни тил моҳият эмас, балки формадир. Тил у ёки бу мазмунни, фикрни ифодалаш воситасидир. 4. Тил муносабати, яъни тилнинг ҳар бир ҳолатида, кўринишида, қўлланишида барча жараёнлар тил бирликларининг ўзаро муносабатига, мантиқий боғланишга асосланади, шу муносабатга қурилади.

Хуллас, Ф.де Соссюр таълимотидаги ушбу муҳим ғоялар, айтилганидек, структурализмнинг кенг миқёсда алоҳида бир йўналиш, мактаб сифатида майдонга келишига хизмат қилди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Фердинанд де Соссюр ким? ва унинг қандай машҳур асари бор?
2. Фердинанд де Соссюр қайси таълимотга асос солди?
- 3.Фердинанд де Соссюр лисоний таълимотининг муҳим жиҳатлари нималардан иборат?
4. Фердинанд де Соссюр жамиятнинг фикр ифодалаш системасини нечтага бўлди ва уларни қандай номлади?
5. Фердинанд де Соссюр фикрича тил нутқдан қайси жиҳатларига кўра фарқланади?

Асосий тушунчалар:

1. Фердинанд де Соссюр – буюк тилшунос, швейцариялик француз, “Умумий тилшунослик” фундаментал асарининг муаллифи, тил системадир, тил ва нутқ диалектик муносабатдадир каби қатор ғояларнинг асосчиси.
2. Тил – ижтимоий, система, имконият, моҳият ва бошқалар.
3. Нутқ – индивидуал, реал, воқелик, ҳодиса ва бошқалар.

Структурализм

Структурализм – структурал лингвистика XX асрнинг 20 йилларининг охирироғида (1926) юзага келиб, ҳозирги замон тилшунослигининг ўзига хос етакчи оқимларидан, йўналиш-ларидан бири бўлиб қолди. Ушбу тилшунослик тил структура-сини (қурилишини) тил назариясининг асоси деб билди.

Структурал лингвистика тилни ишоралар (белгилар) системаси сифатида ўрганади ва унинг шартли белгилик хусусияти билангина қизиқади. У тилдаги белгиларнинг муносабатлари, оппозициялари ёки функцияларига алоҳида эътибор берганидан тил бирликларидан бири мавжуд бўлгани учунгина бошқаси мавжуддир деб ҳисоблайди. Структурал лингвистика ўзаро муносабатлардан мустақил равишдаги материянинг ёки реалликнинг бўлишини инкор қилади. Шунга кўра лингвистик бирликлар муносабатлар орқали белгиланиши лозимлигини қайд этади. Ваҳоланки, лингвистик бирликлар бирламчи бўлиб, улар орасидаги муносабат шу бирликлар мавжуд бўлгани учунгина мавжуддир.⁴⁴

Ҳозирги даврда структурализмнинг асосий мактаблари учта бўлиб, улар Прага структурализи, Америка структурализи ва Копенгаген структурализи номи билан аталади.

Прага структурализи

Прага структурализи 1926 йилда Чехословакиянинг пойтахти Прага шаҳрида ташкил топди. Аини структурализм умумий тилшуносликда функционал лингвистика номи билан ҳам юритилади.

Ушбу мактабнинг функционал тилшунослик деб аталиши асосида тил бирликларининг ҳар бири муайян функцияга эгаллиги, уларнинг тилда (нутқда) муайян вазифани бажариш ғояси ётади.

Функционал лингвистика мактаби вакиллари: В. Матезиус, Б. Трнка, И. Вахек, Б. Гавранек, Н.С. Трубецкой, Р.О.Якобсон, С.И.Карцевский ва бошқалар.

Прага мактаби таълимотининг асосий ғоялари қуйидагилар:

1. Тилшунослик – ўз объектига эга бўлган мустақил фан.
2. Тил – система.
3. Тил – функционал система, яъни тил муайян мақсадга йўналтирилган ифода воситалари системасидир.

⁴⁴ С.Усмонов. Ўша асар, 94-95-бетлар.

4. Фонология – назарий фонология. Фонеманинг сўз ва морфемаларни фарқлаш қобилиятига эгаллиги. Фонема тилнинг энг кичик фонологик бирлиги. Нутқ товушлари фонеманинг моддий символлари, белгилари, фонеманинг нутқдаги реаллашиши. Демак, фонема билан товуш фарқланади.

5. Синхрония ва диахрония. Прага структуралистлари тилни тадқиқ қилишда, асосан, синхронияни – синхрон методни илгари сурадилар. Шу билан бирга улар тилнинг моҳиятини очишда диахронияни – диахрон методни ҳам ҳисобга оладилар, яъни улар диахронияни инкор қилмайдилар. Демак, тилни – тил ҳодисаларини, бирликларини таҳлил қилишда синхрония ва диахрония диалектик боғлиқ ҳолда олинади.

6. Тил белгиси бўлган сўз – мустақил birlik. У вазифасига, номланишига кўра номинатив фаолият маҳсули бўлиб, жамиятда номинатив функция ба-жаради.

7. Тилнинг морфологик системаси морфема билан белгиланади.

8. Гапнинг актуал бўлиниши масаласи ва бошқалар.

Америка структурализми

Америка структурализми XX асрнинг 20 – 30 йилларида ушбу мамлакат маҳаллий аҳолисининг (индеецларнинг) тилини ўрганиш натижасида майдонга келди.

Ушбу структурализм тил ҳодисаларини, birlikларини таҳлил қилиш методига – дескриптив (яъни тасвирий) методига кўра дескриптив тилшунослик деб ҳам юритилади. Айни мактабнинг асосчиси америкалик машҳур этнограф, антрополог ва тилшунос олим Франс Боасдир (1858 – 1942).

Ф.Боас Америка маҳаллий аҳолиси тилининг тасвирий грамматикасига бағишланган асарларида барча тилларни тасвирлашнинг ягона принципини инкор қилишга ва аниқ тилнинг ўз мантиқи асосида, тилнинг «ичидан», индукция (хусусий ҳодисалардан умумий қоидалар яратиш) йўли билан тасвирлашга чақиради.⁴⁵

Ф. Боас бошлаб берган тадқиқот ишларини бир – биридан фарқли йўналишларда Эдуард Сепир ва Леонард Блумфильдлар давом эттиришди.

Э. Сепир (1884 – 1939) ўз тадқиқотларида тил ва маданият, тил ва тафаккур муносабати, боғлиқлиги масалалари билан кенг миқёсда шуғулланди. Шунга кўра у этнолингвистикага асос солди.

⁴⁵ С.Усмонов. Ўша асар, 101-бет.

Э.Сепир ва унинг издошлари таълимотидаги муҳим ғоя шундаки, ҳар бир тилнинг ўзига хос модели – моддий ва идеал модели (системаси) бўлиб, тил модели ижтимоий – маданий модель (система) билан боғлангандир. Тилнинг грамматик ва лексик хусусиятлари шу маданият учун хос бўлган ҳатти – ҳаракатга мосдир. Масалан: навахо тилида дунё доим ҳаракатда деб тушунилгани учун предмет номи феъл билан бирга, ҳаракатга қўшиб англатилади⁴⁶.

Чикаго университети герман филологиясининг профессори Леонард Блумфильд (1887 – 1949) эса Франс Боаснинг ғояларини ўзига хос бошқа йўналишда давом эттирди. Аниғи у дескриптив тилшуносликка асос солди.

Дескриптив лингвистика айрим тил бирликларининг бир - бирига нисбатан жойлашиш тартибини ёки уларнинг тарқалиш (дистрибуция) муносабатини тасвирловчи фандир. Мана шундай усул билан тилни таҳлил қилишга дескриптив метод дейилади.

Дескриптив метод матнни энг ихчам ва тугал ифода қилишни талаб қиладиган тасвирлаш методидир. Дескриптив методнинг асосини дистрибуция тушунчаси ташкил қилади.

Дистрибуция – бу маълум тил бирлиги қўлланиши мумкин бўлган ва қўлланиши мумкин бўлмаган доиралар (контекстлар) йиғиндиси, яъни гап қисмларининг бир – бирига нисбатан жойлашиши асосида тил бирлигининг ўрни, тартиби, бирикиши каби хусусиятларидир. Тил бирликларининг дистрибуцияси фонема учун маълум фонеманинг олдидан ва кетидан келадиган фонемалардир, морфема учун эса морфемадан олдин ва кейин келадиган морфемалардир.⁴⁷

Америка структуралистлари тилга белгилар системаси сифатида қарайдилар. Аниғи, улар тилни нутқда қўлланувчи товушлар, уларнинг жами (комплекс) сифатида тушунадилар. Айни вақтда улар тилда фақат товушни эмас, балки маънони ҳам фарқлайдилар. Демак, бундан тилдаги муҳим нарса товуш ва маъно эканлиги ғояси келиб чиқади. Шунга кўра структуралистлар тилнинг товуш жиҳатини ифода, маъно жиҳатини эса мазмун деб белгилайдилар. Товуш ва маъно ўзаро боғлиқликда олинади. Маълумки, товуш (фонема)нинг энг муҳим жиҳати унинг маънони фарқлаш хусусиятидир.

Маълум бўлдики, Америка структуралистлари тил белгисида - товуш ва маъно муносабати масаласида Ф.де Соссюрнинг ҳар бир тил белгиси икки то-

⁴⁶ Қар: Н.А.Кондрашов. Ўша асар, 154-бет. С.Усмонов. Ўша асар, 102-бет.

⁴⁷ С.Усмонов. Ўша асар, 103-бет.

монга: ифодаловчи ва ифодаланувчига, ифода ва мазмунга эгалиги фикрига асосланиб, уни ривожлантирадилар, ҳатто улар (Л.Блумфильд ва унинг издошлари: Ч.Фриз, К.Пайк, З.Харрис ва бошқалар) ушбу ғояга муносабати жиҳатидан икки гуруҳга: менталистлар ва механистларга бўлинадилар.

Менталистлар Л.Блумфильд бошчилигида тил ҳодисаларини таҳлил қилишда маънони (мазмунни, ифодаланувчини) ҳисобга олмаслик мумкин эмас, дейдилар.

Механистлар эса Л.Блумфильднинг шогирди З.Харрис бошчилигида тилни маънога (мазмунга) эътибор бермаган ҳолда тўлиқ тасвирлаш, таҳлил қилиш мумкин, дейдилар.

Хуллас, проф. С.Усмонов айтганидек, «Америка дескрип-тивистлари, умуман олганда, муваффақиятсизликка учраган бўлсалар ҳам, бир қатор ғояларни илгари сурганликлари билан маълум бир аҳамиятга ҳам сазовордирлар. Масалан, фонема-ларнинг анализи, интонация, урғу, тон, пауза каби соҳаларда, тилнинг фонологик моделини яратишда, морфемаларнинг ана-лизиди, морфемаларнинг типларини аниқлашда улар анчагина фойдали ишлар қилдилар»⁴⁸. Шунингдек, уларнинг, масалан, лисоний таҳлилнинг бошланғич вақтида тил формасига (шаклига, ташқи томонига) асосланиш, тасвирлашни, таҳлилни дастлаб шундан бошлаш, муайян тилдаги қисмларга ажратишнинг барча формалари ва бирикиш турларини мукамал ва тўлиқ ўрганиш каби фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир.

Айни вақтда уларда тилнинг маъно томонини ҳисобга олмаслик, инсон тилини ҳайвонларнинг сигналларига тенглаштириш, тилнинг объектив борлиққа боғлиқ эканлигини инкор қилиш каби нотўғри қарашлар ҳам учрайди.

Копенгаген структурализми

Копенгаген структурализми XX асрда – 30 йилларнинг бошларида Данияда ташкил топди. Тилшуносликдаги бу йўналиш глоссематика⁴⁹ деб ҳам аталади.

Копенгаген структурализмининг асосчиси Луи Ельмслев (1899–1965) бўлиб, ўзи яратган мактабга 1936 йилда глоссематика номини берди. Бу би-

⁴⁸ С.Усмонов. Ўша асар, 104-105-бетлар.

⁴⁹ Глоссематика-грекча glossa – тил сўзидан олинган.

лан олим тилга, тил ҳодисаларига аввалги тилшуносликлардан фарқли янги нуктаи назардан ёндашаётганлигини алоҳида қайд этади.

Копенгаген структурализмининг – глоссематиканинг назарий асослари Л. Ельмслевнинг «Умумий грамматика принциплари» (1928), «Келишик категорияси» (1935, 1937), «Тил ва нутқ» (1942) ва, айниқса, «Лингвистик назария асослари» (1943) каби асарларида баён қилинади.

Даниялик В.Брэндалъ, Х. Ульдаллар ҳам глоссематика мактабининг вакиллари ҳисобланади.

Глоссематикларда тил синхрон – ҳозирги бир даврдаги соф муносабатларнинг мавҳум системаси сифатида берилади. Бунда ҳар бир аниқ тилнинг ўзига хослиги, хусусиятлари инкор қилинади. Улар «тилшунос тилнинг реал элементлари орасидаги ўзаро муносабатни эмас, балки тилдаги замон ва макон чегараси бўлмаган муносабатлар структурасинигина текшириши лозим, деган универсал таълимотни яратмоқчи бўладилар. Шундай қилиб, «муносабатлар лингвистикаси» биринчи ўринга қўйилиб, реал тиллар, уларнинг товуш материали ва маъно масаласи иккиламчи ҳодисалар деб қаралади».⁵⁰

Л.Ельмслев Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ антиномиясига муносабат билдирар экан, у нутқни индивидуал жараён (акт) сифатида тушуниб, унга схема – тил схемаси, норма – тил нормаси (меъёри) ва узус – тил узусини зид қўяди.

Схема – тил схемаси ўзининг ижтимоий амалга ошишига ва моддий воқеланишига боғлиқ бўлмаган алоҳида соф формадир.

Норма – тил нормаси (меъёри) муайян ижтимоий реаллашишига кўра аниқланувчи, аммо батафсил баён қилинишига боғлиқ бўлмаган моддий формадир.

Узус – тил узуси муайян ижтимоий жамоада қабул қилинган ва кузатилаётган воқеликдаги фактлар билан аниқланувчи малакаларнинг жамидир.

Л.Ельмслев конкрет, индивидуал нутқ актининг тил узуси билан яқиндан зич алоқада эканлигини, унинг тил узуси билан тилнинг моддий жиҳатини ташкил қилишини алоҳида қайд этади⁵¹.

⁵⁰ С.Усмонов. Ўша асар, 99-100-бетлар.Қар: Я.В.Лоя. Ўша асар, 193-194-бетлар. Н.А.Кондрашов. Ўша асар, 148-бет.

⁵¹ Қар: Я.В.Лоя. Ўша асар.193-бет; Н.А.Кондрашов. Ўша асар, 147-бет.

Глоссематикларнинг ғоявий раҳбари Л.Ельмслев Ф.де Соссюр таълимотидаги ифодаланувчи ва ифодаловчи антиномияни - ушбу терминларни мазмун плани ва ифода плани терминлари билан алмаштиради.

Ифода плани термини остида тилнинг ташқи, товуш томони тушунилади.

Мазмун плани термини остида эса тилда ўз ифодасини топувчи, ифодаланувчи фикрлар, ғоялар тушунилади.

Х Х Х

Хулоса шуки, структурализм мактаблари -- Прага структурализми (функционал тилшунослик), Америка структурализми (дескриптив тилшунослик) ва Копенгаген структурализми (глоссематика) бир – биридан ташкил топган жой номига, тилни структурал ҳодиса сифатида олиб, уни тузилишига кўра таҳлил қилишда қўлланиладиган методларига, лисоний ҳодисаларга қайси нуқтаи назардан ёндашишига кўра ўзаро фарқланади.

Айни вақтда структурал тилшунослик мактаблари энг асосий, энг муҳим нуқталарда умумий ғояларга кўра ўзаро бирлашадилар. Булар:

1. Тилшунослик фанининг текшириш объекти тилдир.
2. Тил муайян муносабатда бўлган, ўзаро боғлиқ, бир – бирини талаб қиладиган белгилар, элементлар системасидир.
3. Тил синхрон тадқиқот объектидир.
4. Тил алоҳида яруслардан ташкил топган структурадир.
5. Тил ва нутқ фарқлидир.
6. Фонема – тил бирлиги, товуш нутқ бирлигидир ва бошқалар.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Структурал тилшунослик қачон юзага келди ва унинг асосий ғояси нимадан иборат?
2. Прага структурализми мактабининг асосий ғояси нимадан иборат?
3. Америка структурализми мактабининг асосий ғояси нимадан иборат?
4. Копенгаген структурализми мактабининг асосий ғояси нимадан иборат?

Асосий тушунчалар:

1. Структурализм – ҳозирги замон тилшунослигининг етакчи оқимларидан, йўналишларидан бири.

2. Прага структурализи – функционал тилшунослик номи билан юритилади. Тилни система деб тушунади, фонема билан товушни фарқлайди.

3. Америка структурализи – дескриптив тилшунослик номи билан юритилади, тилга белгилар системаси сифатида қарайди, тилшуносликда товуш (ифода) ва маъно (мазмун)ни фарқлайди.

4. Копенгаген структурализи – глоссематика номи билан юритилади, тил синхрон соф муносабатларнинг мавхум системаси сифатида берилади. Бунда ҳар бир конкрет тилнинг ўзига хослиги, хусусиятлари инкор этилади.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. -М., 1968.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т.,1972.
3. Проблемы структурной лингвистики.- М.,1973.
4. В.И.Кодухов. Общее языкознание. -М.,1974.
- 5.Фердинанд де Соссюр.Труды по языкознанию.-М.,1977
6. Джон Лайонз. Введение в теоретическую лингвистику.- М.,1978.
7. Н.А Кондрашов. История лингвистических учений. -М., 1979.
8. Н.А Баскаков, А.С Содиқов, А.А Абдуазизов. Умумий тилшунослик.- Т., 1979.

V. ШЎРО ДАВРИ ТИЛШУНОСЛИГИ

Шўро даври тилшунослиги асосида ягона фалсафий таълимот – диалектик материализм таълимоти ётади. Аниғи, ушбу тилшуносликнинг фалсафий асоси бўлиб диалектик материализм ҳисобланади.

Ягона фалсафий асосга қурилган шўро даври тилшунос-лигининг энг муҳим, асосий хусусиятларидан бири биздан ташқари ва бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд объектив воқеликнинг, ундаги предмет – ҳодисаларнинг бирламчи-лигини, бизнинг онгимизда акс этишини, тил орқали англаши-шини, ифодаланишини таъкидлаш ва тарғиб қилиш бўлди.

Шўро даври тилшунослиги тилни ўзига хос, алоҳида мураккаб ҳодиса сифатида тушунтирди.

Тилнинг мураккаблиги, ўзига хослиги шундаки, у «ашёсига» (материалига, товуш ва ҳарфларига) кўра моддий ҳодисадир. Ҳақиқатан, тил моддий товушларсиз ўзининг жамиятдаги энг муҳим вазифасини – алоқа воситаси бўлиш функциясини амалга ошира олмайди. Аниқроғи, тил реал онг сифатида фақат белгилар орқали – товуш материали орқали таъсир қилиш қувватига, ҳақиқий, чинакам фактга, «предметга» айланади, эга бўлади.

Аммо тил айни вақтда ижтимоий ҳодисадир. Ҳар бир тилнинг энг муҳим умумий белгиси унинг ижтимоий вазифани бажаришидир – жамият аъзоларига алоқа воситаси сифатида хизмат қилишидир. Демак, тил алоқа воситаси сифатида шу тилда сўзлашувчи, фикр ифодаловчи халқ билан, миллат билан мустаҳкам, ажралмас боғлиқдир. Тилнинг тараққиёти халқнинг тараққиёти билан боғлангандир.

Демак, тилнинг ижтимоий моҳияти, бир томондан, унинг жамиятда пайдо бўлиши ва жамиятда ривожланиши билан белгиланса, иккинчи томондан, тилнинг бош вазифаси - коммуникатив функцияси унинг ижтимоий характери билан - тилнинг фақат жамиятдагина алоқа воситаси, алоқа қуроли бўлиши билан белгиланади.

Хуллас, тил жамиятда қуйидаги қатор вазифаларни бажаришда намоён бўлади:

1. Тил – алоқа воситаси.
2. Тил – ўзгаларга таъсир қилиш воситаси.
3. Тил – фикрни шакллантириш ва ифодалаш воситаси.
4. Тил – билиш воситаси.

5. Тил – инсоннинг специфик хусусиятларидан бири.
6. Тил – халқ ва миллатнинг энг муҳим белгиларидан бири.
7. Тил – маданият, маънавият ва маърифатни намоён қилиш воситаси ва бошқалар.

Собиқ шўро даври тилшунослигининг, айниқса, тилшу-нослик назариясига, тил фалсафаси билан боғлиқ масалаларини ҳал қилишга қўшган ҳиссаси ниҳоятда каттадир, бекиёсдир.

Шўро даври тилшунослигининг улкан вакиллари: Н.Я.Март, И.И.Мещанинов, Л.В.Щерба, Д.Н. Ушаков, Е.Д.Поливанов, А.М.Пешковский, И.Ю.Крачковский, Л.А.Булаховский, Г.О.Винокур, Р.А.Будагов, В.В. Виноградов, В.М.Жирмунский, А.А.Реформатский, А.И. Смирницкий, Г.А.Золотова, А.А.Леонтьев, О.С.Ахманова, В.М.Солнцев ва бошқалардир.

Ушбу давр назарий тилшунослигининг тараққиётида академиклар: И.И Мещанинов, Л.В.Щерба, В.В.Виноградов; профессорлар: А.М.Пешковский, Е.Д.Поливанов, А.И.Смир-ницкий, А.А.Леонтьев, В.М.Солнцев ва бошқаларнинг хизмат-лари салмоқлидир.

Иван Иванович Мещанинов

Академик И.И.Мещанинов (1883–1967) тилшунос ва археолог бўлиб, у умумий тилшуносликка оид масалаларнинг ва қадимий ёзувга эга тилларнинг тадқиқотчисидир. Олим «Яфетидологияга кириш» (1929), «Тил ҳақидаги янги таълимот» (1936), «Умумий тилшунослик» (1940), «Гап бўлаклари ва сўз туркумлари» (1945), «Феъл» (1948) каби асарларнинг муаллифидир.

Унинг «Сўз туркумлари ва гап бўлаклари» ҳамда «Феъл» каби икки катта асари грамматик шаклларнинг қиёсий типологик тасвирига - тадқиқига бағишланганлиги билан ажралиб туради. И.И.Мещаниновнинг ушбу асарлари ўз даврида тилшуносликда грамматик категорияларнинг типологияси номи билан аталган йўналишнинг бошланишига хизмат қилди.

У сўз туркумларини синтактик ва морфологик кўрсаткичлар билан характерланувчи лексик гуруҳлар сифатида талқин қилди. Сўз семантикасининг даставвал сўзнинг гапдаги синтактик ролини белгилаб беришини, сўзнинг гапда муайян гап бўлаги сифатида ишлатилишини, унинг алоҳида формал белгиларга эга бўлишига олиб келишини таъкидлади. Шунга кўра тадқиқотчи сўз туркумлари моҳиятан гапнинг морфологиялашган бўлаклари сифатида намоён бўлади, деб тушунтирди.

И.И.Мещанинов тадқиқотларида феълнинг шахс, замон, майл, нисбат, вид каби грамматик категорияларига алоҳида эътибор берди. Феъл ва кесим муносабати, нисбат, нисбатнинг гап семантикасига, феъл семантикасига боғлиқлиги, ҳаракат (фаолият), ҳолат феъллари, уларнинг гапдаги ўрни, аҳамияти каби масалаларни назарий йўналишда атрофича ёритди.

И.И.Мещанинов ўзининг охириги ишларида, хусусан, «Гап тузилиши» (1963) асарида мантиқ ва грамматика, тушунча категориялари ва тил категорияларининг, гап бўлаклари ва сўз туркумларининг ўзаро муносабатига, алоқасига асосланувчи синхрон типология масалаларига тўхталди. Унинг функционал – семантик методикаси ва морфологик – синтактик типологияси грамматика назарияси ва тилларнинг типологик тадқиқотларида фахрли ўринни эгаллаб келмоқда.

Лев Владимирович Щерба

Атоқли рус тилшунос олими Л.В.Щерба (1880–1944) шўро даври тилшунослигининг энг буюк намояндаларидан бири, Иван Бодуэн де Куртенэ таълимотининг давомчиси, кенг қамровли улкан тадқиқотчидир.

Л.В.Щерба Петербург университетининг тарих–филология факультетини тамомлайди ва шу университетнинг қиёсий грамматика ва санскрит кафедрасида қолдирилади.

У 1906 йилдан – 1909 йилгача чет элларда: Германияда, Шимолий Италияда, Францияда, Прагада бўлади, чех тилини ўрганайди, илмий-тадқиқот ишларини олиб боради (Италияда), экспериментал фонетика лабораториясининг ишлари билан яқиндан танишади (Францияда).

Олим 1912 йилда «Сифат ва миқдор жиҳатдан рус тилининг унлилари» мавзусида магистрлик диссертациясини, 1915 йилда эса «Шарқий лужик шеваси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1916 йилда Петербург универси-тетининг профессори бўлади. 1924 йилда Россия фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1943 йилда эса ҳақиқий аъзолигига сайланади.

Академик Л.В.Щербанинг илмий қизиқишлари кенг бўлиб, у тилшуносликнинг қатор масалалари бўйича фаол иш олиб боради. Булар қуйидагилар: 1. Тилшуносликнинг умумий масалалари. 2. Фонетика ва орфоэпия. 3. Грамматика. 4. Ёзув, орфография, транслитерация ва транскрипция. 5. Чет тилларни ўқитиш методикаси. 6. Лексикография. 7. Француз тили. 8. Пушкин поэзиясининг тили.

Л.В.Щербанинг тилшунослик соҳасидаги асосий ишлари куйидагилар: 1. «Сифат ва миқдор жиҳатдан рус тили унлилари» (1912). 2. «Рус тилидаги сўз туркумлари ҳақида» (1928). 3. «Тил ҳодисаларининг уч аспекти ва тилшуносликдаги тажрибалар ҳақида» (1931). 4.«Француз тили фонетикаси» (1937). 5. «Ҳозирги рус адабий тили» (1939). 6. «Лексикография умумий назариясининг тажрибаси» (1940). 7. «Адабий тил ва унинг таракқиёт йўли» (1942). 8. «Тилшуносликнинг навбатдаги масалалари» (1945). 9. «Ўрта мактабда чет тилларни ўқитиш. Методиканинг умумий масалалари» (1947). 10. «Тил системаси ва нутқ фаолияти» (1974) ва бошқалар.

Л.В.Щерба экспериментал фонетика соҳасида энг таниқли тадқиқотчи бўлиб, ўзининг фонема ҳақидаги назариясини яратди. Унинг фонема ҳақидаги назариясига кўра фонема сўз ва унинг формаларини дифференциация қилиш қобилиятига эга бўлган товуш типи (шакли, кўриниши, хили)дир. Ушбу товуш хили, шакли, яъни фонема умумийлик бўлиб, нутқда хусусийлик сифатида намоён бўлади. Шунингдек, у фонологиянинг фонетика билан зич алоқасини алоҳида таъкидлади.

Муаллиф тадқиқотларида фонетика ва морфологияда, синтаксис ва стилистикада тажрибанинг муҳимлигини, катта аҳамиятга эгаллигини қайд этди.

Л.В.Щерба грамматика ва лексиканинг ўзаро муносабати ҳақида фикр юритар экан, грамматика сўз, сўз формаси, сўзлар гуруҳи ва бошқа тил бирликларини ҳосил қилиш қоидаларидир, - дейди. Грамматика, Л.В.Щербанинг фикрича, «воситалар репертуари бўлиб, улар ёрдами билан муайян қоидаларга кўра тафаккурнинг мустақил предметлари ўртасидаги муносабатлар ифодаланади ва янги сўзлар ҳосил бўлади». У грамматикага фонетика, сўз ясалиши, форма ясалиши, синтаксис ҳамда сўз туркумлари ҳақидаги таълимотни киритади.

Л.В.Щерба лексикани эса фақат тилнинг қурилиш материали, «ашёси» сифатида олиб қарамайди. Шунингдек, у, мутлақо ҳақли равишда, бизнинг нутқимиз, нутқ фаолияти грамматика ва лексика қоидаларига кўра сўзлардан ҳосил бўлишини тўғри таъкидлайди.

Грамматика у ёки бу сўзнинг, сўз формасининг, сўз бирикмасининг қандай ҳосил бўлганини тушунтириб қолмасдан, балки шу билан бирга янги сўз ва сўз формаларини қандай ҳосил қилишни ҳам ўргатиши керак, - дейди.

Олим асосий синтактик бирлик сифатида синтагма ҳақидаги назарияни ҳам яратди. Синтагмани нутқ жараёнида маъновий бир бутунликни ифода-

ловчи фонетик бирлик сифатида қайд этиб, унинг сўздан, сўз бирикмасидан ва ҳатто сўз бирикмаларининг гуруҳидан ташкил топишини таъкидлайди.

Л.В.Щерба тилга система сифатида ёндашади. У тил, тил ҳодисаларининг уч аспектга (жиҳатга) эгаллигини айтиб, бунга: нутқ фаолияти, тил материали ва тил системасини киритади:

1. Нутқ фаолияти (сўзлаш ва тушуниш жараёни). Нутқ фаолияти психофизик жараёндир. Бунда тил белгиларининг маъно ифода этиши фаол бўлиб, бу ижтимоий – жамият маҳсули ҳисобланади.

2. Тил материали. Бу бирор ижтимоий гуруҳ ёки жамият аъзолари томонидан муайян давр билан боғлиқ барча айтиладиган, ёзиладиган ва тушуниладиган лисоний ҳодисаларнинг, бирликларнинг, масалан, матнларнинг йиғиндисидир.

3. Тил системаси. Тил системаси тил материали билан бевосита боғланиб, тил материалдан – луғатлар ва грамматикадан келтириб чиқарилади. Демак, тил материали кенг маънода бу луғатлар ва грамматикалардир.

Тил системаси, Л.В.Щерба қайд этганидек, тил материалида объектив мавжуд бўлган, объектив «жойлашган», тил материали асосида, таъсирида юзага келувчи ва «индивидуал нутқий системаларда» намоён бўлувчи ҳодисадир.

Тилшуносликнинг тил системасини ўрганишдаги асосий вази-фаси нутқ фактларини, ҳодисаларини умумлаштириш ва улардан тил системасини келтириб чиқариш, яъни объектив воқеликка мос, мувофиқ бўлган луғат ва грамматикаларни яратишдир. Бу луғат ва грамматикаларнинг ўзаро муносабати, алоқаси, таъсири доимо тилшуносларнинг диққат марказида туриши лозим.

Виктор Владимирович Виноградов

Академик В.В.Виноградов (1895–1969) академик Л.В. Щерба ва проф А.А.Шахматовларнинг шогирди. У даставвал Петербург давлат университетининг сўнгра Москва Давлат университетининг профессори бўлди.

В.В.Виноградов 1946 йилдан, академик Л.В.Щербадан кейин, шўро даврининг энг буюк тилшуносидир. У ўзи асос солган рус адабий тилининг тарихчиси, тадқиқотчисидир. Олим тилшунослик ва адабиётшуносликка оид 250 дан ортиқ асар яратди. В.В. Виноградовнинг муҳим тадқиқотлари қуйида-гилар: 1. «Услугунослик вазифалари ҳақида» (1923). 2. «XVII – XIX аср рус адабий тили тарихидан очерклар» (1934). 3. «Пушкин тили» (1935). 4. «Пушкин услуги» (1941). 5. «Рус тили. Сўз ҳақида грамматик таълимот»

(1947). 6. «Рус тилидаги фразеологик бирликларнинг асосий типлари ҳақида» (1947). 7. «Рус тилидаги модаллик категорияси ва модал сўзлар ҳақида» (1950). 8. «Сўз бирикмаларини ўрганиш масалалари» (1954). 9. «Рус синтаксисини ўрганиш тарихидан» (1958). 10. «Бадий асар тили ҳақида» (1960). 11. «Стилистика. Поэтик нутқ назарияси. Поэтика» (1963). 12. «Рус лингвистик таълимотлари тарихи» (1978) ва бошқалар.

В.В.Виноградовнинг энг машҳур тадқиқоти «Рус тили» китобидир. Бу асар рус тили морфологияси бўйича барча назариялар таҳлилининг хулосасидир. У морфологияда ҳам, сўз ясалиши ва синтаксис масалаларида ҳам ўз қарашларига, ғояларига, таълимотига эга бўлган кенг қамровли олимдир. Унинг, айниқса, қайд этилган «Рус тили» асари кўпгина тилларнинг (шу жумладан, туркий тиллар - ўзбек тилининг ҳам) грамматик қурилишини ўрганишда, яъни грамматиканинг объекти, унинг систем характери, сўзнинг грамматик бирлик сифатида олиниши, сўз туркумларининг таснифи, сўз тузилиши, морфологиянинг синтаксис билан ўзаро муносабати, сўз ясалиши, лексика масалаларини тадқиқ қилишда жиддий таъсир кўрсатди.

Умуман олганда, В.В.Виноградовнинг лисоний таълимотидаги асосий ғоя сўз ва тил услуби масалаларидир. У сўзни шакл ва маънонинг (лексик ва грамматик маъноларнинг) системаси сифатида кўп аспекти эканлигини қайд этади. Олим сўз ясалишининг грамматика ва лексикология билан зич боғланганини асослаб, сўз ясалишини алоҳида соҳа сифатида ажратиб, сўз ясалишининг: морфологик, морфологик – синтактик, лексик – синтактик ва лексик – семантик каби тўртта усули ҳақидаги таълимотни яратди. В.В.Виноградов сўзнинг воқеликни акс эттиришини ва муайян тил лексик – семантик системасининг таркибий қисми, элементи сифатида ўз маъносини ифода этишини таъкидлаб, сўз лексик маъносининг турли типлари, хиллари (масалан, номинатив – тўғри, бош маъно ва б.) ҳақидаги назарияни ривожлантирди.

Унинг фикрича, синтактик назария ўз ичига сўз бирикмаси ва унинг типлари, гап ва унинг типлари, мураккаб синтактик бирликлар ва синтагмалар ҳақидаги таълимотларни олиши керак. Сўз бирикмаси тил номинатив даражасининг, «босқичининг» бирлиги сифатида тил коммуникатив даражасининг асосий бирлиги бўлган гапга зид туради. Предикатив ва модаллик гапнинг асосий белгилари ва синтаксиснинг марказий категориялари сифатида қаралади.

Тил услуби тил функционал – стилистик системасининг ўзига хос компоненти, таркибий қисмидир. Тилнинг ижтимоий вазифаси тилнинг ўзаро фикр

алмашиш, ахборот бериш ва таъсир қилиш каби функцияларидан келиб чиқади, ушбу вазифалар билан белгиланади. Шунга кўра кундалик (одатдаги) – маиший услуб (тилнинг ўзаро алоқа вазифаси), кундалик – ишчан услуб, расмий – ҳужжатли услуб, илмий услуб (ахборот бериш вазифаси), оммабоп услуб ва бадиий услуб (таъсир қилиш вазифаси) каби стиллар ажратилади.

Тил стилистикаси – услубшунослиги тил услублари билан шуғулланади.

Бадиий асар стилистикаси алоҳида ажратилади. Ушбу йўналишда тилнинг коммуникатив ва эстетик вазифаларининг бирлиги намоён бўлади, яъни маиший, кундалик нутқ элементларининг санъат фактига, «асарига» ўтиши, айланиши юз беради, индивидуал услублар ҳосил бўлади. Бадиий асарлар тили ҳақидаги таълимот билимнинг, илмнинг алоҳида соҳаси сифатида стилистика, поэтик нутқ назарияси ва поэтиканинг туташиш, «тўқнашиш», бирлашиш нуктасидир, натижасидир.

Евгений Дмитриевич Поливанов

Е.Д.Поливанов (1890–1937) истеъдодли назариётчи тилшунос, япон, хитой ва туркий тиллар бўйича чуқур билим соҳиби, катта мутахассис, рус, шўро, Ғарбий Европа, узоқ Шарқ ва араб тилшуносликларини ҳам мукаммал эгаллаган, ўнлаб тилларни билган буюк олимдир.

У 1908 йилда Рига гимназиясини тамомлаб, Петербург университетининг тарих-филология факультетидаги славян-рус бўлимига ва бир йилдан сўнг ҳарбийлар, дипломатлар учун мўлжалланган Шарқ практик академиясининг япон тили бўлимига кириб ўқийди. Университетда Иван Бодуэн де Куртенэ, Л.В. Щербалардан таълим олади.

Е.Д.Поливанов 1912 йилда университетни тугатиб, бир вақтнинг ўзида қиёсий тилшунослик кафедрасида ҳамда шарқ тиллари факультетининг тибет тили кафедрасида қолдирилади ва илмий-тадқиқот ишларига фаол киришади. Унга 1919 йилда профессор унвони берилади.

Олимнинг асосий ғоялари қуйидаги асарларда ўз ифодасини топган: 1. «Тилшуносликка кириш ва умумий фонетикадан лекция конспекти» (1916, қайта нашри 1923). 2. «Шарқшунослик олий ўқув юртлари учун тилшуносликка кириш» (1928). 3. «За-монанинг адабий тиллари ҳақида» (1927). 4. «Бизнинг линг-вистик қарашларимиз тарихидаги сўнгги ўн йиллик (1917-1927) нинг ўзига хос хусусиятлари» (1928). 5. «Ҳозирги тилшунослик-нинг ҳозирги муаммолари доираси» (1929). 6. «Ўзбек тилига қиёсланган рус тили грамматикаси» (1933). 7. «Ўзбек тилини ўр-ганишга кириш» (1925). 8. «Ўзбек

тилининг сингармонизм-лашмаган (эронлашмаган) шевалари намуналари» (1928). 11. «Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адабий тили» (1933). 12. «Ўзбек тили грамматикасидан материаллар» (1935) ва бошқалар.

Е.Д.Поливанов тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини, жамиятга алоқа воситаси сифатида хизмат қилишини алоҳида таъкидлайди. У қиёсий – тарихий тилшунослик тарафдори бўлиб, тадқиқотларида қиёсий – тарихий методдан унумли фойдаланади, тасвирий тадқиқот билан тарихий тадқиқотни бирга қўшиб олиб боради.

Е.Д.Поливановнинг, айниқса, фонология соҳасидаги хизматлари каттадир. У турли тиллар фонологик системаларининг тарихини ўрганиш билан кўп шуғулланди. Фонологик тадқиқотлар билан боғлиқ методларни япон, хитой, корейс, ўзбек, қорақалпоқ, тожик, грузин, абхаз, дунган ва бошқа тилларнинг товуш системаларини тасвирлаш учун қўллади.

Е.Д.Поливанов 1915–1916 йилларда фонеманинг факультатив (тенгдош ёки ўринбосар) ва комбинатор (маълум ўринларда келиши туфайли ҳосил бўладиган) вариантлари ўртасидаги ўзаро муносабатни, алоқани аниқлади, яъни бир фонеманинг икки фонемага парчаланиш (дивергенция) ва икки фонеманинг ўзаро бир-бирига ўхшаб келиш ёки бир фонема бўлиб келиш (конвергенция) назариясини яратди. Фонетик ўзгариш қонунларидан бири сифатида у жарангли портловчи ундошларнинг сирғалувчи товушга айланишига интилиши кучли эканини қайд этди.

Е.Д.Поливанов морфологияга оид ишларида морфемани икки турга – лексик (ўзак) ва формал (грамматик) турларга ажратди. Шунингдек, у фразеологиянинг лексикология ва грамматика билан алоқадор бўлган, аммо алоҳида соҳа бўлиши кераклигини таъкидлади.

Е.Д.Поливанов ёзув назарияси ва тарихини ҳам ўрганиб, Ўрхун – Энасой ёзма ёдгорликларини тадқиқ қилди. У немис, фин, эстон, мўғўл, ёкут, хитой ва ўзбек тилларида шеър тузилиш қонуниятларини таҳлил қилди. Масалан, ўзбек тилидаги шеърнинг ўзига хос томонларидан бири унинг қадимги икки қутбли урғу билан боғланганлигида эканлигини кўрсатди. У тиллар орасидаги қариндошликни белгилашда фонетик ва морфологик қурилишлардаги ўхшашликка асосланиб, қиёсий – тарихий усулдан унумли фойдаланди.

Е.Д.Поливанов жамоанинг шева хусусиятларини тасвирлашда математик статистика методидан фойдаланишни таклиф қилди.

Александр Иванович Смирницкий

А.И.Смирницкий (1903–1954) йирик назариётчи тилшунос олим бўлиб, у қатор тадқиқотларида тил ва тафаккур муносабати, тилнинг объектив мавжудлиги, тил бирликларида лексик ва грамматик элементлар, тил ва нутқ муносабати каби масалаларни ёритди. Айниқса, у «Тилнинг объектив мавжудлиги» (1954) асарида тил ва нутқ диалектик муносабатига алоҳида тўхталиб, бу ҳақда ўзига хос янги фикрларни баён қилди. Аниқроғи, олим айтиши тадқиқотида тилни ўзаро боғланган лисоний бирликларнинг йиғиндиси ва улар ўртасидаги муносабат сифатида қайд этди. Нутқни эса у муайян талаффузнинг аниқ лисоний мазмун билан бирлашиши, боғланиши деб тушунтирди. Тил, унинг фикрича, турлича намоён бўлувчи барча нутқ компонентларининг – бирликларнинг йиғиндисидир. Агар, – дейди у, нутқ ўзаро алоқа қилиш усули бўлса, тил ўзаро алоқа воситасидир.

Тил нутқда мавжуд бўлади. У нутқ билан ўзаро алоқада, муносабатда, ўзаро таъсирда бўлиб, нутқда, нутқ орқали ривожланади. Тил, – дейди у, нутқ билан боғланган, нутққа «қамалган» бўлиб, тилшунослик фанининг предметиدير, объектидир.

А.И.Смирницкийнинг тил ва нутқ ҳақидаги фикрларидан унинг тил ва нутқнинг диалектик муносабатини тўғри тушунганини ва тадқиқотларида, лисоний ҳодисалар таҳлилида шу муносабатга амал қилганини кўриш мумкин.

Олим асарларида тилнинг асосий бирлигига – сўзга, сўз масса-ласига алоҳида эътибор беради. Сўз, унинг фикрича, айтиши вақтда ҳам лексик, ҳам грамматик бирлик ҳисобланади. Сўзнинг бундай кўп жиҳатлилиги ундаги лексик ва грамматик томонларнинг, хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади.

А.И.Смирницкий, сўздаги грамматик жиҳат – бу муносабатларнинг ифодаланиши ва уларнинг тилда кўрсатилиши, кузатилишидир. Грамматик ҳодисалар таҳлилида ички томонни ҳам – муносабатлар мазмунини, шунингдек, ташқи томонни ҳам, ушбу муносабатнинг сўзларнинг ўзгаришидаги ва бириктиришидаги ифодаланишини ҳам ҳисобга олиш лозим, – дейди.

А.И.Смирницкий, асосан, инглиз тили мутахассиси бўлиб, айтиши тилга оид қатор жиддий тадқиқотлар яратди. Булар: 1. “Сравнительно - исторический метод и определение языкового родства” (1955). 2.«Инглиз тили лексикаси» (1956). 3.«Инглиз тили синтаксиси» (1957). 4.«Инглиз тили морфологияси» (1959) ва бошқалар.

Вадим Михайлович Солнцев

В. М. Солнцев шўро даври рус тилшунослигининг таниқли вакили, назарийтчи олим. Унинг қатор асарлари орасида бир неча мартаба нашр қилинган “Тил систем-структур қурилма сифатида” (1971, 1977) номли йирик монографик тадқиқоти алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу асар тилшуносликнинг назарий масалаларига – тил назариясига қаратилган бўлиб, муаллиф унда тилни систем - структур шаклланишга эга бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида талқин ва тадқиқ қилади.

Мазкур ишда тилнинг жамият аъзоларининг моддий алоқа воситаси эканлиги ғояси илгари сурилади. Бу жараёнда тилнинг иккиламчи моддий система сифатида жамиятга алоқа қуроли бўлиб хизмат қилишига алоҳида эътибор берилади, унинг белгили табиатга эгаллиги мукамал ёритилади.

Муаллиф қайд этилган ғоядан – тилнинг систем-структур тузилишидан, белгили табиатидан, иккиламчи моддий бутунлик хусусиятидан келиб чиқиб асарда система, структура, субстанция каби мураккаб илмий-фалсафий тушунчаларни таҳлил қилади. Система ҳақида фикр юритар экан уни умумийлик, бутунлик сифатида олиб, хусусийлик сифатида системанинг турлари: моддий (материал) система ва идеал системаларга бўлади. Ишда иккиламчи моддий системалар семантик система сифатида намоён бўлади, семантик жиҳатдан чуқур ўрганилади.

Ишда тил структурасига ҳам алоҳида эътибор берилади. Структура ва субстанция муаммоси таҳлил қилинади. Монографияда назарий тилшунослик – систем тилшунос-ликнинг энг муҳим, энг қизиқарли ва бош масаласи бўлган тил ва нутқ диалектикасига алоҳида тўхталади, айна ҳодисалар диалектик бирликда, боғлиқликда олинади. Ушбу муаммони ҳал қилиш жараёнида, мантиқан мутлақо тўғри, илмий изчиллик принципи асосида тил ва нутқ бирликлари масаласи ҳам чуқур ўрганилади, тилнинг асосий бирликлари бўлган фонема, морфема, сўз ва уларнинг ўзаро муносабати каби лисоний бирликлар алоҳида муаммо сифатида тадқиқ қилинади.

Хулоса шуки, В. М. Солнцевнинг “Тил систем-структур қурилма сифатида” номли тадқиқоти жиддий илмий - назарий иш бўлиб, у умумий тилшунослик фанига оид мукамал манбадир.

Проф. В. М. Солнцев нафақат тилшуносликнинг назарий масалалари – умумий тилшунослик муаммолари билан, балки у хусусий тилшунослик – муайян тил тадқиқи билан ҳам пухта шуғулланди. Бу ўринда унинг Шарқ тиллари – хитой ва вьетнам тиллари ҳақидаги фикрлари, ишлари эътиборга

лойикдир. 1. “Хитой тилшуносларининг хитой тилидаги ишларида сўз туркумлари муаммоси” (1955); 2. “Ҳозирги замон хитой тили бўйича очерклар” (1957); 3. “Вьетнам тили” (1960); 4. “Хитой тилидаги сўз ва гап муносабати ҳақида” (1963); 5. “Морфема ва сўз” (1970) 6. “Семантика муаммолари” (Илмий мақолалар тўплами, 1974, масъул муҳаррир); 7. “Осиё тилларининг генетик, ареаль ва типологик алоқалари” (1983); 8. “Олтой халқлари тил умумийлигининг тарихий-маданий алоқалари” (1986) ва бошқалар.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Шўро даври тилшунослигининг фалсафий асоси нимадан иборат?
2. Тил материалига кўра қандай ҳодиса?
3. Тилнинг ижтимоий моҳияти нимадан иборат?
4. Шўро даври тилшунослиги тилнинг вазифаларини нималарда кўради?
5. Шўро даври тилшунослигининг буюк вакиллари кимлар?
6. Шўро даври тилшунослиги буюк вакилларининг қандай ишларини биласиз?

Асосий тушунчалар:

1. Диалектик фалсафа – шўро даври тилшунослигининг ягона фалсафий асоси.
2. Тил материяси – товуш (харф).
3. Тил функцияси – коммуникатив функция – жамиятда алоқа воситаси бўлиш.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. -М., 1968.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
3. В.В.Виноградов. История русских лингвистических учений.- М., 1978.
4. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений. -М., 1978

VI. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Ўзбек тилшунослиги туркий тилшунослик сирасидаги энг пешқадам, ўзига хос йўналишларга, таълимотларга, илмий – назарий ва амалиёт билан боғлиқ жиддий ва пухта тадқиқотларга эга бўлган етакчи тилшуносликдир.

Ҳақиқатан, туркий тилшуносликда етакчи тилшуносликлардан бири сифатида тан олинган ҳозирги ўзбек тилшунослигининг мустаҳкам пойдеворини яратишда, тилшуносликнинг деярли барча соҳа ва йўналишлари бўйича жиддий изланишлар олиб борган, салмоқли – фундаментал тадқиқотлар яратган ва яратиб келаётган олимларнинг:

Ғ.О.Юнусов, А.Ғуломов, А.К.Боровков, О.Азизов, А.Н.Кононов, С.Усмонов, Е.Д.Поливанов, Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, С.Н.Иванов, Ф.Камолов, М.Мирзаев, З.Маъруфов, М.Асқарова, Х.Комилова, С.Иброҳимов, Ф.Абдуллаев, Т.Иброҳимов, И.Расулов, Ш.Раҳматуллаев, С.Муталлибов, А.Рустамов, Ғ.Саломов, Э.Фозилов, О.Усмонов, А.Ҳожиёв, Қ.Маҳмудов, А.Шерматов, Н.Маматов, А.Алиев, М.Содиқова, Х.Назарова, Ж.Мухторов, М.Миртожиёв, Э.Умаров, А.Сафаев, А.Маҳмудов, Х.Дониёров, Й.Абдуллаев, Э.Бегматов, И.Қўчқортоев, А.Содиқов, Ҳ.Абдурахмонов, А.Сайфуллаев, А.Абдуазизов, Ҳ.Неъматов, Ш.Шукуров, А.Матғозиев, Ё.Тожиёв, Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев, А.Аҳмедов, Р.Расулов, С.Отамирзаева, Р.Дониёров, Б.Бафоев, Н.Турниёзов, Ғ.Зикриллоев, А.Абдуллаев, Ф.Убаева, А.Нурмонов, С.Аширбоев, Н.Маҳмудов, А.Маматов, А.Жўраев, О.Бозоров, А.Маматов, М.Усмонова, И.Мирзаев, К.Назаров, Р.Сайфуллаева, Ҳ.Дадабоев, Ш.Искандарова, А.Мамажонов, А.Бердиалиев, Ҳ.Жамолхонов, Ҳ.Шамсиддинов, С.Каримов, Б.Йўлдошев, Қ.Содиқов, Б.Менглиев, З.Дўсимов, Н.Хусанов, М.Қурбонова, М.Ҳакимов, Т.Нафасов, Ш.Шоҳобиддинова, Ш.Кўчимов, И.Йўлдошев, А.Абусайдов, Д.Лутфуллаева, С.Муҳамедова ва бошқа ўнлаб кекса ҳамда ёш авлод тилшуносларининг хизматлари каттадир.

Аюб Ғуломов

Аюб Ғуломов (1914–1986) ўзбек тилшунослигининг атоқли вакили бўлиб, фанимизнинг қатор соҳалари – фонетика, морфология, сўз ясалиши, синтаксис ва лексикография бўйича асарлар яратган, тилшунослигимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган устоз олимдир.

Аюб Ғуломов Тошкентда туғилди. 1936 йилда кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тугатди. 1940 йилда профессор А.К.Боровков раҳбарлигида «Ўзбек тилида аниқловчилар» мавзусида номзодлик, 1957 йилда Москвада «Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиш масалалари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Аюб Ғуломовнинг лисоний қарашлари, асосан, қуйидаги асарларда ўз ифодасини топган: 1. «Ўзбек тилида аниқловчилар» (1940). 2. «Ўзбек тилида келишиклар» (1941). 3. «Ўзбек тилида кўплик категорияси» (1944) 4. «Ўзбек тилида урғу» (1947). 5. «Содда гап синтаксиси» (1948). 6. «Ўзбек тилида сўз ясаш усуллари» (1949). 7. «Феъл» (1954). 8. «Содда гап» (1955). 9. «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис» (ҳамкор, 1965, 2-нашри). 10. «Ўзбек тили грамматикаси» (I том. Морфология, ҳамкор, 1975). 11. «Ўзбек тили морфем луғати» (ҳамкор, 1973) ва бошқалар.

Аюб Ғуломов ўткир хотира эгаси ва етук нотик – маърузачи сифатида тингловчиларга, талабаларга лисоний ҳодисалар ҳақида аниқ, мантиқли, фактларга бой маълумотлар, илмий-амалий асосланган фикрларни бера оларди. У назарий жиҳатдан ҳам мукамал бўлиб, тил ҳодисаларини чуқур ва пухта таҳлил қила олиши ва улардан ишонарли, асосли хулосалар чиқара олиши билан ажралиб турарди. Албатта, буларнинг асосида, биринчи навбатда, унинг тил назариясидан кенг ва ҳар томонлама билимга эгаллиги ҳамда назарий йўналишда катта тайёргарлик мактабини ўтаганлиги кўриниб турарди. Жумладан, олим «Ўзбек тилида урғу» асарида «академик В.В.Радловнинг туркий тилларда урғунинг семантик ва грамматик функцияга эга эмаслиги ҳақидаги фикрига эътироз билдириб, урғунинг сўз маъноларини, грамматик ҳолатларни дифференциация қилишдаги ролини кўрсатади».⁵² Тилимиздаги урғунинг сўз ва мантиқ урғуси каби турларга бўлиниши, уларнинг нутқдаги ўрни, вазифаси ва бошқалар пухта ёритиб берилади.

Аюб Ғуломов морфемика масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериб, ўзбек тилшунослигига сўзнинг энг кичик маъноли қисмларини англатиш учун

⁵² Ҳ.Узоқов Ўзбек тилшунослари.- Т, 1972, 104-бет.

хизмат қиладиган морфемика терминини олиб кирди ва у ҳақда маълумот берди. Масалан, «Морфемика сўзнинг энг кичик маъноли қисмлари ҳақидаги таълимотдир. Бу кичик қисмлар морфемалардир. Бу морфе-малар турли кўринишларга ҳам эга бўлади. Масалан, и ш л а сўзидаги -ла элементи ҳ а й д а сўзида – да морфемасида келган (лекин ҳ а й – ҳ а й л а феълида яна –ла тусида қўлланган), ҳозир ажралмайдиган у н д а сўзида ҳам аслида шу –да аффикси бор (ун - овоз). Бу –ла ва –да кўринишлари умумий тарзда морфема дейилади. Бунинг ҳар бир кўриниши эса морф саналади. Демак, морфема морфларнинг йиғиндисидир. Бу турли кўринишдаги қисмлар, морфлар, бир-бирига нисбатан алломорфлар саналади»⁵³

Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири сўз ясалиши масаласидир. Олим ишларида ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор беради ва шу йўналишда салмоқли монографик тадқиқотлар яратади. У ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб, сўз ясалиши масаласини жиддий муаммо сифатида «кўтариб», уни фонетика, морфология ва бошқа соҳалар каби алоҳида бўлим сифатида ажратади ва ёритади. Бошқача айтганда, «Ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши бўлимининг шаклланиши, бу бўлимга доир атамалар тизимининг изга солинишида профессор Аюб Ғуломовнинг хизмати катта бўлди»⁵⁴.

Муаллиф ўзбек тилидаги сўз ясалишининг бешта турини қайд этади. Булар: 1. Морфологик, 2. Синтактик, 3. Лексик. 4. Семантик. 5. Фонетик усуллардир. Демак, ушбу усуллардан – айтилганлардан сўз ясалиши ҳақиқатан ҳам алоҳида, ўзига хос соҳа эканлиги келиб чиқади.

Аюб Ғуломов ўзбек тили синтаксисига оид ҳодисаларни ҳам илмий асосда атрофлича ўрганиш масаласига жиддий ёндашди. Аниқроғи, синтактик сатҳ birlikларини Европа тилшунослигининг ютуқлари асосида чуқур ўрганиш ҳам ушбу олимнинг номи билан боғлиқдир. У «Ўзбек тилида аниқловчилар» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ҳамда бу диссертация асосида майдонга келган худди шу номдаги рисоласи, «Ўзбек тилида сўз тартиби», «Содда гап» каби ишлари билан ўзбек илмий синтаксисининг пойдеворини яратди.⁵⁵

Айниқса, олимнинг ҳамкорликда яратган «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис» асари шу соҳадаги дастлабки дарслик бўлиб, шу кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган фундаментал тадқиқот ҳисобланади. Асарда

⁵³ Ўзбек тили грамматикаси 1-том -Т., 1975, 11-бет.

⁵⁴ А.Нурмонов Ўша асар, 197-бет.

⁵⁵ А.Нурмонов.Ўша асар, 203-204 бетлар.

синтаксис ҳамда сўз бирикмаси, гап, гапларнинг тузилиши ва мақсадга кўра турлари, содда гап, гап бўлаклари, кўшма гап, уларнинг турлари ва бошқалар ҳақида мукамал маълумот берилади. «Китобнинг вазифаси, – дейди муаллиф, ўзбек адабий тили синтаксисининг ҳозирги ҳолатини ҳамда шу ҳодисаларнинг ўсиш жараёнини кўрсатишдир».⁵⁶ Ҳақиқатан, ишда ўзбек адабий тили синтаксисининг ўз давридаги ҳолати, «қиёфаси» илк бор илмий-назарий, амалий асосда чуқур ёритиб берилади.

Саид Усмонов

Саид Усмонов (1922–1972) ўзбек тилшунослигининг истеъдодли назариётчи олимидир. У Бошқристонда туғилди, 1929 йилда оилавий Тошкентга кўчиб келди. 1938 йилда Тошкент педагогика билим юртини тугатиб, 1939 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1942 – 1943 йилларда урушда иштирок этди. 1944 йилда қайд этилган факультетни имтиёзли диплом билан тугатиб, 1946 йилда институтнинг аспирантурасига қабул қилинди.

Саид Усмонов 1959 йилда проф Т.Иброҳимов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ундовлар» мавзусида номзодлик, 1964 йилда эса «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Олим 1965 йилдан 1972 йилгача-умрининг охиригача умумий тилшунослик кафедрасининг мудирини лавозимида хизмат қилди.

Саид Усмонов ўзбек тилшунослигининг орфография, лексикология, морфология, терминология, умумий тилшунослик соҳалари бўйича мукамал асарлар яратган улкан олимидир. Унинг асосий асарлари: 1. «Ўзбек тилида ундовлар» (1953). 2. «Ундов гаплар» (1955). 3. «Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида» (1957). 4. «Ундалма ва мимемалар» (Ҳозирги замон ўзбек тили, ҳамкор» 1957). 5. «Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари» (1968). 6. «Ўзбек тили» (ҳамкор, 1978). 7. «Умумий тилшунослик» (1972) ва бошқалар. Ўтган асрнинг 60–70 йиллари ўзбек тилшуносларининг сардорларидан бири бўлган Саид Усмонов, айниқса, морфология, лексикология, терминология ва тил назарияси бўйича жиддий ва салмоқли асарлар яратди.

Олим мураккаб ва актуал бўлган терминология масалаларига тўхталар экан, унинг «...ҳам ишлаб чиқариш қуроллари соҳасидаги, ҳам маданият ва

⁵⁶ А.Ғуломов. М.Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-нашри,- Т,1965, 4-бет.

фан соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар даставвал тил бирликлари, тўғрироғи, терминлар орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода терминология (маълум тилдаги терминлар мажмуи) замона тарихининг гувоҳи, кўзгусидир,⁵⁷ дейиши айти ҳақиқатдир.

Саид Усмоновнинг проф. М.Мирзаев ва проф. И.Расуловлар билан ҳамкорликда яратган «Ўзбек тили» дарслиги алоҳида тилга олинди лозим. Чунки ушбу иш 70 йиллардаёқ тилшуносларнинг, талабаларнинг зарурий адабиётлари хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ишда лексикология ва морфологияга оид қатор ҳодисаларнинг табиати, моҳияти атрофлича очиб берилди, айти ҳодисалар мукамал таҳлил қилинди, пухта назарий хулосалар чиқарилди. Шунга кўра асар қайта – қайта нашр қилинди.

Саид Усмонов ўзининг истеъдодли тилшунос эканлигини фақат хусусий тилшуносликдагина - ўзбек тили билан боғлиқ кўплаб масалаларни асосли, ишонarli ҳал қилишдагина кўрса-тиб қолмади. Унинг истеъдоди тилшуносликнинг анча мураккаб назарий – фалсафий масалаларини ҳал қилишда – шу соҳада ҳам яратган бир қанча тадқиқотларида яққол кўриниб туради. Бу ўринда, айтиқса, унинг ўз даври учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган «Умумий тилшунослик» дарслиги ва тил назарияси соҳа-сида яратган баъзи жиддий мақолалари таҳсинга сазовордир.

Тилшунос олимнинг педагогика институтларининг филология факультети талабалари учун яратган «Умумий тилшунослик» асари ўзбек тилшунослигидаги энг катта воқеалардан, фанимизнинг энг йирик ютуқларидан бири бўлганлигини таъкидлаш шарт. Чунки олим ўзбек тилшуносларидан биринчи бўлиб, тилнинг илмий – назарий, фалсафий соҳаси бўйича мукамал дарслик яратди. Дарсликда жаҳон тилшунослиги тарихи: қадимги, ўрта ва янги асрлар тилшунослиги, қиёсий – тарихий тилшунослик масалалари, тил ва нутқ диалектик муносабати, тилни тадқиқ қилиш методлари анча мукамал, чуқур ёритиладики, бу асар ўз даври учун тенги йўқ бир манба сифатида хизмат қилди ва қилмоқда.

Тўғри таъкидланганидек, «Кейинги ўн - ўн беш йил ичида бизда ўндан ортиқ фан докторлари етишиб чиқди, юздан ортиқ тилшунослар фан номзоди илмий даражасига эга бўлди. Саид Усмонов буларнинг ичида энг талантли тилшунос олимлардан бири эди».⁵⁸

Саид Усмонов ўзининг қисқа (атиғи 50 йил), аммо сермахсул илмий –

⁵⁷ С.Усмонов. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. -Т., 1968, 3-бет.

⁵⁸ Ўзбекистон маданияти.-Т.,1973 йил, 27 март, 3-бет.

педагогик фаолияти жараёнида ўнлаб тилшунос олимларга устозлик қилди, 60 га яқин илмий – назарий ва илмий – методик асарлар яратди. Бу асарлар истиқлол даврида ҳам фанимиз тараққиёти учун самарали хизмат қилмоқда.

Шоназар Шоабдурахмонов

Академик Шоназар Шоабдурахмонов ўзбек шевашунослиги фанининг дарғаси, йирик олим, филология фанлари доктори (1963), ЎзФА академиги (1988).

Шоназар Шоабдурахмонов 1923 йилда Тошкентда туғилди. 1940 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1944 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, ЎзФА Алишер Навоий номи Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқишни давом эттирди.

У 1949 йилда «Равшан достонининг бадиий тили» мавзусида номзодлик, 1963 йилда «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олим ўзбек тилшунослигининг фонетика, орфография, пунктуация, морфология ва диалектология соҳалари бўйича қатор асарлар яратди. Унинг асосий тадқиқотлари қуйидагилар: 1. «Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар» (ҳамкор, 1953). 2. «Пунктуация қоидалари» (1953). 1954). 3. «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар» (1953). 4. «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» (ҳамкор, 1954). 5. «Ҳо-зирги замон ўзбек тили» (ҳамкор, 1957). 6. «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» (1962). 7. «Ўзбек диалекто-логияси» (ҳамкор, 1978). 8. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (ҳамкор, 1980) ва бошқалар.

Ш. Шоабдурахмоновнинг академик В.В. Решетов билан ҳамкорликда яратган «Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар» асарида фонема термини илмий муомилага киритилди ва унинг моҳияти тушунтирилди. Унли фонемалар талаффузида: а) тилнинг горизонтал ҳаракати, б) тилнинг вертикал ҳаракати; в) лабнинг иштироки мавжуд эканлиги, яъни унли товушларнинг учта дифференциал белгиси баён қилинди ва мавжуд олтита унли фонема ўша белгиларнинг мажмуаси сифатида изоҳланди. Ундош фонемалар учта белги асосида а) пайдо бўлиш ўрни; б) пайдо бўлиш усули; в) товуш пайчаларининг иштироки белгилари

асосида тавсифланди.⁵⁹

Олимнинг «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар» асарида ёрдамчи сўзлар – кўмакчи, боғловчи, юклама, модал сўз, ундов ва таклидий сўзларнинг нутқ фаолиятидаги вазифаси очиб берилди. Ёрдамчи сўзларнинг ички турлари, уларнинг моҳияти, қўлланиш хусусиятлари, маъно имкониятлари, мустақил сўзларга бўлган муносабати кабилар атрофлича ёритилди.

Шоназар Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари» асари фундаментал тадқиқот сифатида майдонга келди.

Мазлума Асқарова

Мазлума Асқарова таниқли олима, филология фанлари доктори (1963), профессор (1965). Россия Федерацияси таълим академиясининг академиги.

М. Асқарова 1924 йилда Тошкентда туғилди. 1940 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. 1944 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. 1951 йилда “Ўзбек тилида равишдош” мавзусида номзодлик, 1963 йилда эса “Ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гапларнинг типлари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

М.Асқарова ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида қатор монография, дарслик ва қўлланмалар яратди. Булар: 1. «Ўз-бек тилида равишдош ва сифатдошлар» (ҳамкор, 1953). 2. «Ҳо-зирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар» (1960). 3. «Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис.» (ҳамкор, 1961). 4. «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.» (ҳамкор, 1965). 5. «Ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар» (1966). 6. «Ўзбек тили грамматикаси» (1-том. Морфология, ҳамкор 1975). 7.«Ўзбек тили грамматикаси.» (2-том. Синтаксис, ҳамкор 1976). 8. «Ҳозирги ўз-бек адабий тили» (ҳамкор, 1-қисм, 1980). 9. Ўрта мактаблар учун ҳамкорликда яратилган ўндан ортиқ дарслик ва қўлланмалар.

М. Асқарова, айниқса, синтаксис соҳасининг чуқур билимдони эканлиги, шу йўналишда қатор жиддий тадқиқотлар яратганлиги билан таниқлидир.

Таъкидлаш жоизки, М. Асқарованинг проф. А. Ғуломов билан ҳаммуаллифликда яратилган ва бир неча бор нашр қилинган “Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис” дарслиги ўзининг мукамаллиги, лисоний ҳодисалар юқори илмий савияда таҳлил қилинганлиги, уларнинг моҳияти чуқур ёритиб

⁵⁹ А.Нурмонов. Ўша асар, 175-бет.

берилганлиги билан ажралиб туради. Ишда ўзбек адабий тили синтаксисининг ўз давридаги ҳолати ҳар томонлама пухта ўрганилган.

М. Асқарованинг илмий ижодида кўшма гап синтак-сисининг, аниқроғи, эргашган кўшма гап муаммосининг атрофлича тадқиқ этилиши алоҳида ўрин эгаллайди.

Ғанижон Абдурахмонов

Академик Ғанижон Абдурахмонов ўзбек тилшунослиги фа-нининг сардорларидан бири, таниқли олим, филология фанлари доктори (1960), профессор (1966), ЎзФА академиги (2001).

Ғанижон Абдурахмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида туғилди. 1942 йилда Улугбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1946 йилда олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатди. 1950 йилда проф У.Турсунов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида субстантивация» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1960 йилда «Ўзбек адабий тилининг кўшма гап синтаксиси асослари» монографик тадқиқоти учун филология фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди.

Олим Фарғона давлат педагогика институтидаги фаолиятини кафедра мудири лавозимидан бошлайди, сўнг директор, Фарғона, Тошкент давлат педагогика ва чет тиллар институт-ларининг ректори, Республика олий ва ўрта махсус таълим вазири, Республика атамашунослик кўмитасининг раиси каби қатор масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Ғ. Абдурахмонов ўзбек тилшунослигининг қатор соҳалари бўйича тадқиқот ишларини олиб бориб, кўплаб мукамал асарлар яратди. Булар: 1. «Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар» (1955). 2. «Кўшма гап» (1957). 3. «Кўшма гап синтаксиси асослари» (1958). 4. «Ўзбек тилидан қўлланма» (1962). 5. «Кўшма гап синтаксиси» (1964). 6. «Мураккаблашган гаплар синтаксиси»(1971). 7. «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» (ҳамкор, 1973). 8. «ХІ аср эски туркий тил синтаксиси бўйича тадқиқотлар» (1973). 9. «Тарихий синтаксис» (1974). 10. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (ҳамкор, 1979). 11. «Қадимги туркий тил» (ҳамкор, 1982). 12. «Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида» (1999). 13. «Ўзбек тили ва адабиёти» (ҳамкор, 2002) ҳамда мактаб, лицейлар учун қатор дастур, дарсликлар ва бошқалар. Қисқаси, олимнинг 170 га яқин номдаги илмий –тадқиқот ишлари чоп этилган.

Манбалардан кўришиб турибдики, Ғ. Абдурахмонов ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва ўзбек тили тарихи синтаксиси бўйича етакчи олимдир. Унинг, айниқса, қўшма гап синтаксиси муаммолари бўйича яратган фундаментал тадқиқотлари таҳсинга лойиқдир.

Тилшунос олим тадқиқотларида ўзбек тилида ажратилган гап бўлаклари мавжудлиги ҳақидаги фикрни илк бор ўртага ташлайди ва асослайди. Гапларнинг тузилишига кўра турларини анъанавий иккига эмас, балки учга бўлади. 1. Содда гап. 2. Мураккаб гап. 3. Қўшма гап. Мураккаб гаплар масаласига алоҳида урғу беради. У, айниқса, қўшма гапнинг боғловчисиз қўшма гап турини алоҳида ажратиб, материаллар асосида исботлаб беради. Аниқроғи, олим илмий изланишларида қўшма гапларни боғловчисиз қўшма гаплар, боғланган қўшма гаплар ва эргаш гапли қўшма гаплар каби турларга ажратади, уларни илмий – назарий ва амалий жиҳатдан мукамал тадқиқ қилади.

Ғ. Абдурахмоновнинг ўзбек тили тарихи синтаксиси масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериши ва шу йўналишда ҳам жиддий тадқиқотлар яратгани унинг тил тарихи масалаларида ҳам етук олим эканлигини кўрсатади. Жумладан, унинг «Тарихий синтаксис» қўлланмасида ўзбек тили қўшма гап конструкцияларининг тарихи ёритилади. Муаллиф ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларни тўрт даврга бўлади: қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек тили ва ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

Муаллиф ишда қўшма гапнинг ҳар уч тури: боғловчисиз қўшма гаплар, боғланган қўшма гаплар ва эргаш гапли қўшма гаплар – уларнинг тараққиёти масаласига махсус тўхталади. Шунингдек, олим ушбу манбада XII асрга оид «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг, XII – XIV асрга оид «Ўғузнома» ва XX асрнинг машҳур романларидан бири бўлган «Ўтган кунлар» асарининг синтактик таҳлилини беради.

Шавкат Раҳматуллаев

Шавкат Раҳматуллаев ўзбек тилшунослигида катта салмоққа эга бўлган, кенг қамровли сермаҳсул олим, филология фанлари доктори (1966), профессор (1967).

Шавкат Раҳматуллаев 1926 йилда Тошкентда туғилди. 1943–1947 йилларда ҳозирги ЎзМУ (собиқ ТошДУ)нинг филология факультетида ўқиди. 1952 йилда проф. М.Насилов раҳбарлигида «Образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари» мавзусида

номзодлик, 1966 йилда «Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Ш.Раҳматуллаев ўзбек фразеологиясининг сардоридир. У айна соҳага оид қатор асарлари билан ушбу йўналишнинг илмий – назарий ва амалий пойдеворини куриб берди, уни юксалтирди, шакллантирди.

Кенг қамровли олим ўзбек илмий тилшунослигининг қатор йўналишлари: лексикология, фразеология, семасиология, морфология, лексикография, этимология ва бошқалар бўйича жиддий тадқиқотлар яратди. Улар: 1. «Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари» (1956). 2. «Фразеология. Ҳозирги замон ўзбек тили» (1957) 3. «Модал сўзлар. Ҳозирги замон ўзбек тили» (1957) 4. «Кўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати» (ҳамкор, 1961) 5. «Ўзбек тили» (ҳамкор, I-қисм, 1963.). 6. «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» (1964). 7. «Лексикология ҳамда фразеология. Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1965). 8. «Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари» (1966). 9. «Нутқимиз кўрки» (1970). 10. «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (1978). 11. «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати» (ҳамкор, 1980). 12. «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати» (1984). 13. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш (1993). 14. «Ўзбек тилининг имло луғати» (ҳамкор, 1995). 15. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (ҳамкор, 1998). 16. «Ўзбек тилининг этимологик луғати» (2000, 2003). 17. «Ҳозирги адабий ўзбек тили» (2006) ва бошқалар.

Олим фразеология бўйича нафақат ўзбек тилшунослигида, балки туркий тилшуносликда ҳам етакчи мутахассислардан ҳисобланади. Шунингдек, у ўзбек тилшунослигида йирик лексикограф сифатида ҳам тан олинган бўлиб, айниқса, энг мураккаб ва машаққатли иш бўлган изоҳли луғатлар яратишда ҳам пешқадам ҳисобланади.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида тилга система нуқтаи назаридан ёндашиш, систем – структур жиҳатдан лисоний ҳодисаларни таҳлил қилиш, даставвал, лексикология соҳасидан бошланган. «Натижада ўзбек тили лексикологияси тавсифий босқичдан янги босқичга – назарий босқичга, лексикани маълум лексик – семантик гуруҳлардан (ЛСГ) ташкил топган бутунлик, лексик бирликларни муайян маъно элементларининг муносабатидан ташкил топган тизим сифатида ўрганиш босқичига кўтарила борди. Бу билан ўзбек тавсифий лексикологиясидан систем (назарий) лекси-

кологияга ўтила борди. Ана шу жараёни профессор Шавкат Раҳматуллаев ва унинг шогирди И.Қўчқортоевлар бошлаб берди»⁶⁰.

Олимнинг катта хизматларидан яна бири шуки, у ўзбек тилшунослигида илк бор тилимиздаги туркий сўзларни қамраб олган этимологик луғат яратди. Катта ҳажмда (31,5 б/т) тузилган ушбу луғат оғир меҳнат эвазига юзага келганлиги мутлақ ҳақиқатдир. Муаллиф айтганидек, «Ўзбек тилининг этимологик луғатини тузишга интилганлар бўлди, лекин илмий ишларда айрим сўзларга тарихий – этимологик изоҳ беришдан нарига ўтилмади. Дахрнинг кажрафторини қарангки, бундай луғат тузиш менинг зиммамга юкланди».⁶¹ Айтиш мумкинки, Ш.Раҳматуллаев ўз зиммасига юклатилган вазифани шараф билан бажарди. Ўзбек тили этимологиясининг шаклланиш жараёни дастлабки тажриба сифатида бошлаб берилди.

Миразиз Миртожиев

Миразиз Миртожиев ўзбек тилшунослигининг таниқли, етук вакили, филология фанлари доктори (1990), профессор (1993).

Миразиз Миртожиев 1927 йилда Тошкентда туғилди. 1953-1958 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таълим олди. 1964 йилда лексикограф олим З. М. Маъруфов раҳбарлигида “Ўзбек тилида лексик омонимларнинг таркиб топиши” мавзусида номзодлик, 1990 йилда “Ўзбек тилида сўз кўчма маъноси ва унинг манифестацияси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

М. Миртожиев ўзбек тилшунослигининг қатор соҳалари: фонетика, лексикология, семасиология, лексикография, терминология, тил тарихи ва бошқа йўналишларда баракали ижод қилиб, мукамал асарлар яратди. Булар: 1. «Ўзбек тилида полисемия» (1975), 2. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати.» 1-2-томлар (ҳамкор, 1981), 3. «Тил ва маданият» (ҳамкор, 1992), 4. «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Фонетика.» (1999), 5. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (2004), 6. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (ҳамкор, 2006) 7. «Ўзбек тилидаги феъл валентликлари» (2007), 8. «Гап бўлақларида семантик-синтактик номутаносиблик» (2008).9. «Ўзбек тили ва тилшунослик илдизлари» (нашрда), 10. «Ўзбек тили назарий фонетикаси» (қўлёзма) ва бошқалар.

⁶⁰ А.Нурмонов. Ўша асар, 186-бет.

⁶¹ Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик луғати.-Т., 2000, 3-бет.

Проф. М. Миртожиевнинг, айниқса, лексикография соҳасидаги тадқиқотлари таҳсинга лойиқ. У ўзбек тилининг қатор изоҳли луғатларида ўттиз беш босма табоқ ҳажмдаги луғат мақолалари билан фаол иштирок этган. Шунингдек, электроника, юқори молекуляр кимё ва этимология соҳасида тузилган луғатларда ҳам ҳамкорлик қилган.

Олим мустақиллик даврида абитуриентларнинг олий ўқув юртлари қабул тестларига тайёргарликлари учун тўққизта қўлланма ҳам нашр эттирган.

М. Миртожиев ҳозирда “Ўзбекситон миллий энциклопедияси”нинг ўзбек тилшунослиги йўналиши бўйича маслаҳатчи сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Муаллифнинг “Ўзбек тили ва тилшунослигининг илдизлари” номли нашрдан чиқиш арафасида турган жиддий тадқиқотида ўзбек туркларининг Ўрта Осиёда тарқалишини гипотеза асосида эрамиздан олдинги X асрга, ўзбек тилшунослигининг юзага келишини эса фактлар асосида VIII асрга боғлайди.

Олимнинг туркий туб феълларнинг сўнгги товуш тараққиёти ва нисбат категорияси, шунингдек, умуман туркий туб сўзлар ҳақидаги қатор илмий мақолалари, жаҳон аҳамиятига эга туркологик ҳамда олтойшунослик конференцияларида қилган маърузалари ҳам жиддий ишлардан биридир, унинг турколог сифатидаги фаолиятининг тасдиғидир.

Азим Ҳожиёв

Азим Ҳожиёв ўзбек тилшунослигининг атоқли вакилларида бири, кенг камровли сермахсул олим, филология фанлари доктори (1968), ЎзФА академиги (2001).

Азим Ҳожиёв 1933 йилда Тошкентда туғилди. 1951 – 1956 йилларда ҳозирги ЎзМУ (собиқ ТошДУ)нинг филология факультетида ўқиди. 1956 йилда шу университетнинг аспиран-турасига ўқишга кирди. 1960 йилда В.В.Решетов раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилининг ҳозирги замон феъли» мавзу-сида номзодлик, 1968 йилда эса «Эди, экан, эмиш тўлиқсиз феъли» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

А.Ҳожиёв ўзбек тилшунослигининг, асосан, лексикология, семасиология, морфология, сўз ясалиши, орфография, терминология ва лексикография соҳалари бўйича фундаментал асарлар яратди. У фанимизда синчиков тилшунос - феълшунос олим сифатида ҳам танилди. Унинг асосий асарлари: 1. «Қўшма сўзлар имлоси ва луғати» (ҳамкор, 1961). 2. «Ўзбек тилида қўшма,

жуфт ва такрорий сўзлар» (1963). 3. «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» (1966). 4. «Тўлиқсиз феъл» (1970). 5. «Феъл» (1973). 6. «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (1974). 7. «Ўзбек тилида форма ясаши» (1979). 8. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (ҳамкор, 1980). 9. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (ҳамкор, I том, 1981). 10. «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати» (1985). 11. «Ўзбек тилида сўз ясаши» (1987). 12. «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати» (ҳамкор, 2001) 13. «Ўзбек тилининг изоҳи луғати» (ҳамкор, 2006) ва бошқалар.

Олимнинг айниқса, ўзбек тили морфемикаси, сўз ясаши соҳасидаги ва изоҳли луғатлар яратишдаги хизматлари таҳсинга сазовордир. Муаллиф морфемика ҳақида, унинг ўрганиш объекти ҳақида шундай дейди: «Морфемика сўзнинг неча морфемадан ташкил топишини ўрганмайди, балки морфемаларнинг турини ва ҳар бир турига хос хусусиятларини ўрганади».⁶² Бу морфемик сатҳ бирлиги бўлган морфеманинг объективлигини эътироф этувчи ва ана шу объектив бирликни ўрганувчи алоҳида тилшунослик бўлимининг вазифаси ҳақидаги ҳақиқий илмий баҳодир.⁶³

А.Ҳожиёвнинг лексикография соҳасидаги катта хизмат-ларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, унинг изоҳли луғатлар яратиш фаолияти – «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» асари филологлар, шоиру ёзувчилар, мактаб ўқитувчилари учун қимматли манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Ушбу тадқиқот ўзбек тилининг ҳақиқатан синоним-ларга бой тил эканлигини лексик синонимлар - уларнинг синонимик қаторлари орқали исботлаб беради. Луғатнинг ҳар бир мақоласи: 1) синонимик қатордан; 2) синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган маънонинг изоҳидан; 3) синонимик қатордаги ҳар бир сўзга хос хусусиятнинг таърифидан; 4) синонимик қатор ва ҳар бир синонимга берилган таърифни тасдиқловчи мисоллардан ташкил топади.⁶⁴ Луғатнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, муаллиф синонимик қатор бирликларининг ўзаро нозик, сезилар–сезилмас маъно фарқларини ҳам ишонарли кўрсатиб беради.

Олимнинг мустақиллик даврида ҳамкорликда яратган «Ҳозирги ўзбек тилидаги фаол сўзларнинг изоҳли луғати» асари ҳам лотин ёзувида яратилган муҳим манбалардан – луғатлардан ҳисобланади.

⁶² А.Ҳожиёв. Сўзнинг морфологик ва сўз ясашиш структураси. Ўзбек тили ва адабиёти. Ж. 1976. 30-31 бетлар

⁶³ А.Нурмонов. Ўша асар, 182-183-бетлар.

⁶⁴ А.Ҳожиёв. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. -Т, 1974, 6-бет.

Раҳматулла Қўнғуров

Раҳматулла Қўнғуров (1933-1994) таниқли олим, филология фанлари доктори (1982), профессор (1984).

Раҳматулла Қўнғуров 1933 йилда Жиззах вилоятида туғилди. 1947 йилда ўрта мактабни, 1951 йилда Жиззах педагогика билим юртини, 1956 йилда СамДУни тугатди. 1956 йилдан умрининг охиригача ушбу университетнинг “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида хизмат қилди, 23 йил давомида мазкур кафедранинг бошқарди.

Олим 1962 йилда проф У.Турсунов раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида тасвирий сўзлар” мавзусида номзодлик, 1982 йилда “Ўзбек тилида от формасини ясовчи морфемаларнинг семантик-стилистик хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Р.Қўнғуров асарларининг сони 300 дан ортиқ бўлиб, бу манбалар тилшуносликнинг деярли барча соҳаларига, айниқса, стилистика, нутқ маданияти, лексикография, морфо-логия ва топонимикага бағишланганлиги билан эътиборга лойиқдир. Булар: 1. “Ўзбек тилида тасвирий сўзлар” (1966). 2. “Ўзбек тили грамматикаси ” (1975) 3. “Ўзбек тили стилистикасидан очерклар”(1975). 4. “Ўзбек тилининг тасвирий воситалари” (1977). 5. “Ўзбек тилининг чаппа луғати”(1977). 6. “Ўзбек тили-нинг морфем луғати” (1977). 7.“Ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. 1,2 қисмлар” (1978, 1980). 8. “Субъектив баҳо форма-ларининг семантик ва стилистик хусусиятлари” (1980). 9. “Зул-фия поэзиясининг луғати” (1981). 10. “Ўзбек тили стилистикаси” (1983). 11. “Ўзбек тилининг функционал стиллари”(1984). 12. “Нутқ маданияти асослари” (1984, 1985, 1986). 13. “Чуваш тилининг чаппа луғати” (1987).14. “Нутқ маданияти ва услубият асослари” (1992). 15. “Эпистоляр жанрнинг тузилиши ва унинг айрим тил хусусиятлари” (1992) ва бошқалар.

Р.Қўнғуров кенг қамровли олим сифатида Самарқанд стилистика мактабининг асосчисидир.

Эрнст Бегматов

Эрнст Бегматов таниқли сермахсул олим, ўзбек ономасти-касининг – антропонимикасининг асосчиси, филология фанлари доктори (1988), профессор (1990).

Эрнст Бегматов 1936 йилда Наманган вилоятида туғилди, ёшлик йиллари жанубий Қозоғистонда ўтди. 1955 йилда мактабни, 1959 йилда Навоий

номидаги СамДУнинг филология факультетини битирди. 1961 йилдан ЎзФА Тил ва адабиёт институтида ишлаб келмоқда.

Олим 1965 йилда Фахри Камол раҳбарлигида «Ўзбек тили антропонимикаси» мавзусида номзодлик, 1988 йилда «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили лексикасининг ўз қатлами» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Проф Э.Бегматов ўзбек тилшунослигининг лексикология, семасиология, ономастика, нутқ маданияти, услубшунослик ва лексикография соҳалари бўйича қатор салмоқли ишлар яратди. Булар: 1. «Номлар ва одамлар» (1966). 2. «Исмингизнинг маъноси нима» (ҳамкор, 1968). 3. «Киши номлари имлоси» (1970). 4. «Ўзбек исмлари имлоси» (1972). 5. «Ўзбек тилининг имло луғати» (ҳамкор, 1976). 6. «Ўзбек тили лексикологияси» (ҳамкор, 1981). 7. «Адабий норма ва нутқ маданияти» (1983). 8. «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари» (1985). 9. «Ўзбек нутқ маданияти очерклари» (ҳамкор, 1988). 10. «Ўзбек исмлари» (1991). 11. «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (ҳамкор, 1992). 12. «Исм чиройи» (1994). 13. «Ўзбек исмлари. 14.600 исмлар изоҳи» (1998) ва бошқалар. Умуман, олимнинг ҳозирга қадар эълон қилган ишларининг умумий миқори 300 га яқин бўлиб, уларнинг 8 таси монография, 13 таси рисоладир.

Тилшунос олим бутун ҳаёти давомида – лисоний ижодида номшунослик билан – исмлар муаммоси билан жиддий шуғулланди. У минг-минглаб исмларни тўплади, тартибга солди, исмларнинг этимологиясини – маъносини аниқлади, изоҳини берди, уларнинг қандай ёзилиши лозимлиги ҳақида фикрларини баён этди. Ана шундай оғир, сермашаққат меҳнат натижасида ўзбек исмларига бағишланган ўнлаб йирик тадқиқотлар, юзлаб мақолалар майдонга келди. Шунга кўра олим туркий тилшуносликда ономастика йўналишида энг фахрли ўринлардан бирини ҳақли равишда эгаллайди.

Эрнст Бегматовнинг ўзбек нутқ маданияти ва ўзбек лексикологияси соҳасидаги фаолияти – ушбу йўналишлар тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳам салмоқлидир.

Олим ўзбек тилшунослари орасида инсонга ном қўйиш, исм бериш маънавиятининг тарғиботчиси, ташвиқотчиси, жонкуяри сифатида ажралиб туради. У исм чиройи ҳақида фикр юритар экан, фарзандларга исмлар тўғри танланиши, тўғри ёзилиши лозимлигини уқтириб, шундай дейди «Исм чиройи фақатгина номнинг мазмунидагина эмас, балки унинг тўғри шаклида

хамдир. Мазмунан теран ва гўзал, шаклан эса тўғри ва кўркам исм чиройли исмдир. Тўғри ёзилган, талаффузи осон, қулай исм – чиройли исмдир. Ўзбекистон диёрининг, ўзбек халқининг буюк орзуларини, ота - оналарнинг ўз фарзандига бўлган эзгу ниятларини, армон ва тилакларини ифода қилувчи исмлар чиройли исмдир».⁶⁵ Бу – ҳақ гап. Умуман, фарзандларга исм бериш, ном бериш – жой номларига алоҳида этибор, масъулият билан қараш муҳим ижтимоий - сиёсий, маънавий, маданий муаммодир, ўзига хос қадриятдир.

Гап инсон исмлари ҳақида кетар экан, исмшунос олимнинг 40 босма табоққа яқин – 600 бетдан ортиқ катта ҳажмдаги сал-моқли асарини айтиб ўтиш шарт. «Ўзбек исмлари» номи билан чоп этилган айни муҳим қўлланма – луғат ўз ичига 14.600 га яқин исмни олиб, уларнинг этнографик маъноларини изоҳлайди. Асарнинг асосий мақсади ўзбек исмларининг бутун бойлигини бир жойга тўплаб, маъносини изоҳлаб бериш орқали келажак авлодга бу борада катта бир маънавий мерос қолдиришдир.⁶⁶

Бозор Ўринбоев

Бозор Ўринбоев ўзбек тилшунослигининг таниқли сермахсул олимларидан бири, филология фанлари доктори (1976), профессор (1979), халқаро Antique World илмий академиясининг академиги (2003).

Бозор Ўринбоев 1936 йилда Самарқанд вилоятида туғилди. 1950-1954 йилларда Самарқанд шаҳрида педагогика билим юртида ўқиди. 1954-1959 йилларда Алишер Навоий номидаги СамДУда таълим олди.

Олим 1964 йилда “Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория” мавзусида номзодлик, 1976 йилда эса “Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Б. Ўринбоев нафақат илм йўлида, балки жамоатчи, раҳбар сифатида ҳам баракали ва самарали меҳнат қилди. У мактаб директори, СамДПИ ва Жиззах ДПИ ректори, Жиззах шаҳри “Билим” жамияти раиси, Жиззах шаҳар кенгашининг депутаты, СамДУ илмий кутубхонасининг бош директори каби қатор лавозимларда ҳам фаоллик кўрсатди.

Б. Ўринбоев ўзбек тилининг долзарб муаммоларига оид ўнлаб жиддий тадқиқотлар яратди. Булар: 1. «Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория» (1972). 2. «Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари» (1974). 3. «Синтаксический строй узбекской разговорной речи» (1978). 4. «Сўзлашув

⁶⁵ Э.Бегматов. Исм чиройи. -Т.,1994, 88-бет.

⁶⁶ Э.Бегматов. Ўзбек исмлари.-Т.,1998, 4-бет

нутки» (1979). 5. «Ўзбек сўзлашув нутки» (1982). 6. «Ўзбек адабий тили тарихи» (ҳамкор, 1982). 7. «Нотиклик маҳорати» (ҳамкор, 1984). 8. «Туркий филологияга кириш» (1989). 9. «Бадий текстнинг лингвистик таҳлили» (ҳамкор, 1990). 10. «Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби» (ҳамкор, 1991). 11. «Функционал услубият ва унинг моҳияти» (1992). 12. «Ўзбек адабий тили тарихи» (ҳамкор, 1995). 13. «Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи» (1997). 14. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (2001). 15. «Асрлардек барҳаёт номлар» (2003). 16. «Тилшунослик назарияси» (2004). 17. «Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар» (2005) ва бошқалар.

Юқоридагилардан маълум бўладики, проф. Б.Ўринбоев ўзбек тилининг синтаксиси, тил тарихи, нутқ маданияти, услубшунослик ва топонимика соҳаларида баракали ижод қилган ва ушбу соҳаларнинг шаклланиши ҳамда ривож-ланишига ўзининг муносиб хиссасини қўшган етук олимдир.

Ҳамид Неъматов

Ҳамид Неъматов учинчи авлод ўзбек тилшуносларининг сардори, истеъдодли олим, ўткир назарийетчи ва амалиётчи, ҳам диахрон, ҳам синхрон тилшуносликнинг энг етук вакилларида бири, ўзбек тилшунослигининг Иван Бодуэн де Куртенэсидир.

Ҳамид Неъматов 1941 йилда Бухоро шаҳрида зиёли оиласида туғилди. 1950 – 1960 йилларда мактабда ўқиди. 1961–1966 йилларда Санкт Петербург университетининг шарқ факультетида таълим олди. Устозлари машҳур олимлар: академик А.Н.Кононов ва профессор С.Н. Ивановлардир.

1967 – 1970 йилларда Санкт Петербург университетининг аспирантурасида билим олди. 1970 йилда академик А.Н.Кононов раҳбарлигида «Девони Кошғарий» материаллари асосида феъл морфологияси» мавзусида номзодлик, 1978 йилда «Морфология восточно – тюркского языка XI – XII в.в» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1982 йилда профессор унвони берилди.

Проф. Ҳ.Неъматов улкан тилшунос олим сифатида ўзбек тилшунослигидаги янгиликларга ва она тили бўйича таълим системасидаги, таълим йўналишидаги ишларга раҳбарлик қилди ва ушбу жараёнда ўзи ҳам фаол қатнашди, ғоявий раҳнамо бўлди.

Ҳ.Неъматов 1991 йилдан шу кунгача амалда ва эътиборда бўлган «Ўзбек тили доимий анжумани» (ЎТДА)нинг асосчиси, ташкилотчиси ва раиси

ҳамдир. У она тили таълими бўйича амалда бўлган қатор концепция, дастур, дарслик, қўлланма ва илмий – назарий ишларнинг муаллифидир.

Ҳ. Неъматовнинг, айниқса, «Бухоро тилшунослик мактаби-нинг шаклланиши ва ривожига»⁶⁷ги хизматлари каттадир.

Ҳ. Неъматов ўзбек тилшунослигида икки муҳим ғояни илгари сурди:

1. Тил ва нутқни фарқлаш. 2. Илмий изланиш ва тадқиқотларда диалектик фалсафага, унинг қонун ва категорияларига асосланиш, тил ва нутқ ҳодисаларининг моҳиятини (субстанцияни) очиш.

Аллома ўзининг бутун ижоди давомида қайд этилган икки муҳим ғояга амал қилмоқда, уни ривожлантирмоқда, шогирдларидан ҳам талаб қилмоқда. Аниғи, ушбу ғояларга асосланган мактаб яратди.

Олим нафақат тилшунос сифатида, балки филолог, турколог сифатида республикада ва ундан ташқарида - ҳамдўстлик давлатларида, Туркия, Россия ва бошқаларда ҳам таниқлидир. У ислом фалсафасини ҳам мукамал билувчи ва лисоний ҳодисаларга асосли ҳамда ишонарли татбиқ қилувчи шахсдир.

Проф Ҳ.Неъматов тилшуносликнинг деярли барча соҳалари бўйича баракали ижод қилиб келмоқда. Асарлари: 1.«Махмуд Кашгарский о тюркских языках» (ҳамкор). «История лингвистических учений». Средневековый Восток. (1981). 2.«Функ-циональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII в». (1989). 3. «Ўзбек тили тарихий фонетикаси.»(1992). 4. «Тил ва нутқ» (ҳамкор, 1993). 5. «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» (ҳамкор, 1995). 6. «Она тили таълими мазмуни» (ҳамкор, 1995). 7.«Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари» (ҳамкор, 1999). 8. «Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари» (2006). 9. 5-9 синфлар учун яратилган қатор она тили дарсликлари ва бошқалар.

Шунингдек, «Тилшунослик тарихига ҳамда ҳозирги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига, она тили таълими мазмунига бағишланган 300 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалари»⁶⁸ фанимизга – унинг ривожига баракали хизмат қилмоқда. Шу ўринда «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» асари ҳақида проф. А.Нурмоновнинг қуйидаги фикрини келтириш айти муддао: «Ҳамид Неъматов ва Р.Расуловларнинг «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» китобининг нашр қилиниши

⁶⁷ К.Назаров.Истеъдодли олим. Тухфа (проф Ҳ.Неъматовнинг 60 йиллигига бағишланади).- Т., 2001, 14-бет.

⁶⁸ Э.Умаров., А.Пардаев. “ Ҳамид Ғуломович Неъматов” Тухфа, 20-бет.

фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки бутун туркийшуносликда катта воқеа бўлди».⁶⁹ Шундай. Чунки ушбу иш туркий тилшуносликда – туркий лексикологияда илк фундаментал тадқиқот сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Абдуҳамид Нурмонов

Абдуҳамид Нурмонов йирик ўзбек тилшуносларидан бири, кенг қамровли сермахсул олим, филология фанлари доктори (1983), профессор (1984).

Абдуҳамид Нурмонов 1942 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилди. 1958 йилда мактабни тугатди. 1958 – 1963 йилларда Фарғона давлат педагогика институтида ўқиди. 1973 йилда профессор М.Миртожиев раҳбарлигида «Ўзбек тилида фонетик ўзгаришлардаги тежамкорлик принциплари» мавзусида номзодлик, 1983 йилда «Ўзбек тили синтаксисини систем тадқиқ қилиш муаммолари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Проф А.Нурмонов ўзбек тилшунослигининг фонетика – фонология, морфология, синтаксис, лексикография, тилшунослик тарихи ва назарияси бўйича қатор мукамал асарлар яратган, мактаблар учун она тили дарсликларини нашр қилдирган етук олимдир. Унинг асосий асарлари: 1.«Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка» (1982). 2. «Гап ҳақида синтактик назариялар» (1988). 3.«Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» (ҳамкор, 1991). 4. «Ўзбек тили фонологияси ва морфологияси» (ҳамкор, 1992). 5.«Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис» (ҳамкор, 1995). 6. «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология» (ҳамкор, 2001). 7. «Тилшунослик ва табиий фанлар» (2001). 8. «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати» (ҳамкор, 2001). 9. «Ўзбек тилшунослиги тарихи» (2002).10. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари (2006) ва бошқалар.

Қайд этилган манбалардан маълумки, олим, асосан, ўзбек тили назарий грамматикаси – синтаксиси йўналишида баракали ижод қилган, муҳим тадқиқотлар яратган, ўз асарлари билан айна соҳанинг сифатли ривожланишига, синтаксиснинг формал – семантик йўналишига, унинг «ўсишига» катта ҳисса қўшган тилшуносдир. Умуман, у ўзбек тили синтаксисини система сифатида тадқиқ этишда фаоллик кўрсатган олимлардан биридир.

⁶⁹ А.Нурмонов. Ўша асар, 220-бет.

А.Нурмоновнинг ўзбек тилшунослигидаги катта хизматларидан яна бири тилшунослигимиз тарихига оид фундаментал тадқиқотнинг – «Ўзбек тилшунослиги тарихи» номли ўқув қўлланмасининг яратилишидир. Аниқроғи, катта ва оғир меҳнат эвазига яратилган ушбу асар ўзбек тилшунослигида муҳим воқеа бўлди. Чунки ҳозиргача 9-асрдан – халифалик давридан бошлаб, то шу кунгача изчиллик асосида, босқичма - босқич, бирма - бир тилшунослигимиз тарихи ва тараққиётини синчиковлик билан акс эттирган, баён қилган жиддий тадқиқот йўқ эди. Муаллифнинг сўзи билан айтганда «Аслида ўзбек тилшунослиги ўзининг узок тарихига эга. Тилшунослик соҳасида қалам тебратган алломаларимиз ўзларигача бўлган жаҳон олимларининг илмий меросидан баҳраманд бўлишлари билан бирга жаҳон тилшунослигининг равнақи учун ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Айниқса, тилшуносликнинг фалсафий масалаларини ҳал этишда, фонема ва ҳарф муносабатини белгилашда, лисоний бирликларнинг мазмуний томонини ёритишда, узвий таҳлил усулининг пайдо бўлишида, алфавит ва мазмуний майдон асосидаги луғатлар тузиш тамойилларининг белгиланишида ўзбек тилшуносларининг хизматлари катта.

Аждодларимиз қолдирган маданий меросини ўрганиш, улар яратган оламшумул илмий кашфиётларни рўй-рост баён қилиш имконияти фақат мустақиллик туфайлигина вужудга келди.

Ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда ўтмиш маданий меросимизни синчиклаб ўрганиш, аждодларимизнинг дунё тилшунослигига қўшган хизматларини фахр – ифтихор туйғуси билан кенг омма ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳар бир ўзбек зиёлисининг энг шавқли-завқли ишига айланмоғи лозим.⁷⁰Биз ҳам шу фикрдамыз.

Равшанхўжа Расулов

Равшанхўжа Расулов истиқлол даври ўзбек тилшунослигининг таниқли вакили, сермахсул назарийётчи олим, филология фанлари доктори (1989), профессор (1990).

Равшанхўжа Расулов 1946 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1965 йилда мактабни тугатди. 1965 – 1970 йилларда ЎЗМУ (собиқ ТошДУ)нинг ўзбек филологияси факультетида ўқиди.

⁷⁰ А.Нурмонов. Ўша асар, 223-бет.

У 1975 йилда «Алпомиш» достонида сўзлар орасидаги синтактик муносабатнинг ифодаланиши» мавзусида номзодлик, 1989 йилда «Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг ва-лентлиги» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Р.Расулов ўзбек тилшунослигининг лексикология, семасиология, лексикография, синтаксис, умумий тилшунос-лик, нутқ маданияти ва ўзбек тили фанлари бўйича фундаментал тадқиқотлар яратган олимдир.

Унинг асосий асарлари: 1. «Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари» (1989). 2. «Ўзбек тили феълларининг семантик структураси» (1-қисм, 1990). 3. «Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность» (1991). 4. «Лексикологияни ўрганиш» (ҳамкор, 1992). 5. «Ўзбек тили феълларининг семантик структураси» (2-қисм, 1993). 6. «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» (ҳамкор, 1995). 7. «Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати» (ҳамкор, 1997). 8. «Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши» (2001, 2005, 2008). 9. «Ўзбек тили» (ҳамкор, 2004). 10. «Нутқ маданияти» (ҳамкор, 2004). 11. «Ўзбек тили» (ҳамкор, 2005, 2006, 2009). 12. «Умумий тилшунослик. Тилшунослик тарихи. 1-қисм» (2005). 13. «Умумий тилшунослик. Тилшуносликнинг назарий масалалари. 2-қисм» (2006). 14. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» (ҳамкор, 2006, 2008, 2009). 15. «Умумий тилшунослик» (2007) ва бошқалар.

Проф. Равшанхўжа Расулов туркологияда ҳолат феълларига оид қатор монографияларида илк бор ушбу феълларни илмий - назарий ва фалсафий жиҳатдан мукамал ўрганиб чиқди. Мазкур феълларнинг маъно тузилишини компонент таҳлил усули асосида текшириб, уларнинг ички ЛСГларини аниқлаб, бу гуруҳга кирувчи феълларнинг ҳар бирини таърифлади, тавсифлади Шунингдек, айни ҳолат феълларининг валентлик имкониятларини ҳам чуқур ёритиб берди. Шунга кўра ўзбек тилшунослигида систем лексикологиянинг ва систем синтаксиснинг шаклланиши ва кенг қулоч ёйиши учун мустаҳкам замин яратди.

Олимнинг устози проф. Ҳ.Неъматов ҳамкорлиги ва раҳбарлигида яратилган «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» асарида туркий тилшуносликда илк бор жаҳон систем – структур тилшунослигининг энг яхши жиҳатлари ўзининг аниқ ифодасини топди. Шунингдек, тадқиқотда шу кунгача ўзбек лексикологиясида эришилган ютуқлар умумлаштирилди, чуқурлаштирилди⁷¹, бир бутун ҳолда китобхонга тақдим этилди.

⁷¹ Қар: А.Нурмонов .Ўша асар, 188 - бет.

Олим назарий-фалсафий йўналишдагина эмас, балки амалиёт билан боғлиқ – шу кунги тил сиёсатининг долзарб масалаларидан бири бўлган давлат тилини ўрганиш борасида ҳам асарларга эътибор бериб келмоқда. Аниқроғи ҳамкорликда олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг рус гуруҳи талабалари учун лотин ёзувида «Ўзбек тили» дарслиги ва ўқув қўлланмаси нашр қилинди.

Р. Расуловнинг шогирди билан ҳамкорликда яратган тилимиз бойлигини намоён этувчи парафразаларнинг изоҳли луғати ҳам бўлиб, ушбу асар шу йўналишдаги дастлабки тадқиқот сифатида эътиборга лойиқдир.

Р. Расуловнинг истиқлол даври ўзбек тилшунослигидаги жиддий ва муҳим ютуқларидан бири унинг “Умумий тилшунослик” асаридир. Олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси факультети талабалари учун ниҳоятда зарур бўлган, ёш тилшуносларни назарий жиҳатдан тайёрлаш, жаҳон тилшунослиги тарихидан хабардор қилиш учун хизмат қиладиган мазкур манбалар жуда зарур вақтда яратилди. Негаки, собиқ иттифоқ даврида мураккаб илмий-назарий, фалсафий фан бўлган умумий тилшунослик бўйича манбалар ўзбек тилшунослигида бармоқ билан санокли даражада эди. Аниғи ушбу соҳа ўқув адабиётларига бўлган талаб, эҳтиёж жуда катта эди. Шак-шубҳасиз, Р.Расулов томонидан назарий тилшунослик бўйича яратилган, истиқлол даври тилшунослигимизда дастлабки мукамал манба бўлган мазкур иш келгусида шу йўналишда яратиладиган қатор дарслик ва қўлланмалар учун пойдевор вазифасини ўташи аниқ.

Ибодулла Мирзаев

Ибодулла Мирзаев ўзбек лингвопоэтикасининг сардори, таржимон, шоир, филология фанлари доктори (1992), профессор (1994).

И. Мирзаев 1946 йилда Сурхондарё вилоятида туғилди. 1962 йилда ўрта мактабни, 1967 йилда Алишер Навоий номли СамДУни, 1974 йилда Петербург университети аспиранту-расини, 1989 йилда ушбу илм даргоҳининг докторантурасини тугатди.

У ЎзМУда, СамДУда, Петербург университетида, МДУда, Москва жаҳон тиллари университетида ва Францияда малака ошириш курсларида билимини оширди.

Олим 1992 йилда таниқли турколог проф. С. Н. Иванов илмий маслаҳатчилигида “Шеърый матннинг лингвопоэтик талқини муаммолари” (ҳозирги ўзбек шеърияти асосида) мавзусида докторлик диссертациясини

ёқлади. Ушбу иш туркий тилшуносликда шеърий матнга - шеърий нутққа бағишланган илк тадқиқот, биринчи тажриба сифатида шеърий қофияларнинг лексик-морфологик таркиби таҳлилига, қофияларнинг семантик шаклланишига оидлиги ва ушбу ҳодисаларга янгича қараш асосида ёзилганлиги билан муҳимдир, ўзига хосдир.

И. Мирзаев тилшуносликка, адабиётшуносликка, таржима назариясига, шеъриятга оид қатор жиддий тадқиқотлар яратди. Булар: 1. “Слова – реалии и вопросы художественного перевода” (1982). 2. “Проф. С. Н. Иванов. Библиографик кўрсаткич” (1982). 3. “Французча мақол ва маталларнинг ўзбекча муқобиллари” (1982). 4. “Французча хос сўзлар ва бадий таржима масалалари” (1983). 5. “Қофиянинг лексик ва морфологик хусусиятлари” (1984). 6. “Лексические и морфологические средства формирования семантики рифмы” (1990). 7. “Французча – ўзбекча луғат” (ҳамкор). 8. “Гак В. Г. Француз тилининг назарий грамматикаси” (2002). 9. “Якобсон Р. Поэтика масалалари” (2004). 10. “Талпиниб яшадим сенга, қуёшим” (2004) 11. “Иванов С. Н. Грамматик тадқиқотларнинг мето-дологик муаммолари” (2004). 12. “Лингвистик таҳлил методла-ри” (2006). 13. “Лотман Ю. М. Поэтик матн таҳлили.” 14. “Шеър тузилиши” (2006). 15. “Е. Э. Бертельс. Суфизм ва тасаввуф адабиёти” (2006). 16. “Алишер Навоий. Садди Искандарий достони” (2006). 17. “Нурлар оғушида” (2006) ва бошқалар.

И. Мирзаев академиклар Е. Э Бертельс, Ю. М. Лотман, Л. В. Щерба, профессорлар: И. Бодуэн де Куртене, В. Кудрявцев, А. Богородицкий, С. Карцевский, С. Иванов, В. Гак, И. Ковтунова, Джон Лайонз, Л. Блумфильд, В. Гумбольдт, Ф. де Соссюр каби жаҳонга танилган олимларнинг тадқиқотлари ҳамда К. Батюш-ков, А. Пушкин, Ю. Лермонтов, А. Блок, Н. Некрасов, С. Есенин, А. Ахматова, М. Цветаев, Мопассан, А. Камью, Ш. Бодлэр, Аполлинер, Эдгар По ва бошқаларнинг назм ва насрдаги асарларини таржима қилиб, ўзбек китобхонига тақдим этган.

И. Мирзаев Марказий Осиёга биринчи бўлиб лингвопоэтикани олиб кирди, МДХ мамлакатларида илк бор олий ўқув юртларида адабиётшунослик ва тилшуносликни бирлаштириб, мутлақо янги талимий йўналишга ва филологик илмий таржимага асос солган лисоний қамрови анча кенг полиглот олимдир.

Абдимурод Маматов

Абдимурод Маматов мустақиллик даврида етишган сермахсул изланувчан олим, филология фанлари доктори (1991), профессор (1994).

Абдимурод Маматов 1949 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилди. 1965 йилда мактаб-интернатни тугатди. 1965-1970 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг чет тиллар факультетида таълим олди.

У 1978 йилда Петербург (Ленинград) давлат университетида “Стилистические функции фразеологических единиц в современном французском языке” мавзусида номзодлик, 1991 йилда “Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

А. Маматовнинг илмий тадқиқотлари адабий тил нормаси, нутқ маданияти масалалари, фразеология, стилистика, этнолингвистика ва социоллингвистика каби соҳаларга бағишланган. Унинг асосий асарлари: 1. “Очерки по французской фразеологической стилистике” (1989), 2. “Тил нормаси ва нутқ маданиятига оид ишларнинг библиографик кўрсаткичи” (1989, 2 қисмдан иборат), 3. “Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” (1990), 4. “Тил нормаси ва нутқ маданиятига доир атамалар изоҳи” (1990), 5. “Адабий норма назарияси” 1-қисм (1998), 6. “Адабий норма назарияси” (адабий норманинг типлари), 2-қисм (2001), 7. “Адабий норма назарияси” (адабий норма яшашининг қонуниятлари), 3-қисм, (2002), 8. “История и теория языковой нормы” (2006) ва бошқалар.

А. Маматовнинг илмий ишларида тилшунослик фани учун жуда муҳим қуйидаги масалалар батафсил ёритилган:

1. “Норма”, “кодификация”, “система”, “узус” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги муаммолари;
2. Тил нормаси тушунчасининг бошқа лингвистик ва гуманитар фанлар билан алоқадорлиги масалалари;
3. Адабий тил ва диалектларнинг ўзаро муносабати масалалари;
4. Миллий тил ва унинг ижтимоий, этник муаммолари;
5. Адабий тил нормаси ва лексик-фразеологик нормадан четга чиқишларнинг типлари, сабаблари ва омиллари кабилардир.

Олим тил нормасининг табиатини изчил ўргана бориб, асосий диққатни тилнинг ижтимоий аҳамиятига қаратади ва тил нормаси маълум бир тил жамиятининг эстетик идеалидир, деган хулосага келади. Чунки, олимнинг

фикрича, тилнинг эстетик ва норматив аспекти жуда яқин, чамбарчас диалектик боғлиқликда намоён бўлади. Унинг фикрича, адабий норманинг энг асосий мезонлари қуйидагилардир: кодификацияланганлик, стабиллик (турғунлик), вариантдорлик (муқо-билдорлик), динамиклик (ривожланувчанлик), умуммажбурийлик, регламентация қилинганлик кабилардир.

А. Маматов ўзбек тилшунослигида, асосан, фразеология муаммоларига алоҳида эътибор берди. У илмий изланишларида фразеологик норма, фразеологик норма ва фразеологик вариант муносабати каби жиддий масалаларни чуқур ўрганди, пухта тадқиқ қилди.

Низомиддин Маҳмудов

Низомиддин Маҳмудов ҳозирги ўзбек тилшунослигининг йирик пешқадам вакили, сермахсул олим, филология фанлари доктори (1984), профессор (1985).

Низомиддин Маҳмудов 1951 йилда Фарғона вилоятининг Янгиқўрғон туманида туғилди. 1968 йилда мактабни тугатди. 1969 – 1974 йилларда ЎзМУ (собиқ ТошДУ)нинг филология факультетида таълим олди.

У 1978 йилда проф М.Миртожиев раҳбарлигида «Ўзбек тилида эллипсис» мавзусида номзодлик, 1984 йилда «Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик - синтактик асимметрия» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Н.Маҳмудов ўзбек тилшунослигининг, асосан, синтаксис, лексикология, лексикография, социолингвистика, нутқ маданияти каби йўналишлари бўйича қатор тадқиқотлар яратган, она тили бўйича дарсликлар эълон қилган олимдир. Унинг асосий асарлари: 1. «Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик ва синтактик асимметрия» (1984). 2. «Ёзув тарихидан қисқача луғат – маълумотнома» (1990). 3. «Тил ва маънавият» (ҳамкор, 1992). 4. «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» (ҳамкор, 1992). 5. «Туркча - ўзбекча, ўзбекча - туркча луғат» (ҳамкор, 1993). 6. «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис» (ҳамкор, 1995). 7.«Ўзимиз ва сўзимиз» (1997). 8. «Тил» (1998). 9. «Маърифат манзилларида» (2000). 10. «Ўзбек тилида иш юритиш» (ҳамкор, 2003). 12. «Она тили» (ҳамкор, 2004). 13. «Ўқитувчи нутқи маданияти» (2007) ва бошқалар.

Ўзбек тилшунослигида – синтаксисида формал – семантик йўналишнинг етакчиларидан бири бўлган Н. Маҳмудов социолингвистика соҳасида ҳам

баракали ижод қилиб келмоқда. Аниқроғи, ўзбек филологиясида «Му-стақиллик шарофати билан лингвистик журналистика деб номлаш мумкин бўлган алоҳида йўналиш вужудга келди».⁷² Проф Н.Маҳмудов ушбу йўналишнинг шаклланишига ва тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган олимдир.

У миллат кўзгуси, ҳаёт кўзгуси бўлган она ва ота тилимизнинг софлиги учун, ўзига хослиги учун, тилимиз табиатига хос имкониятларининг, тилимиз бойлигининг намоён бўлиши учун астойдил хизмат қилаётган тилшунос ҳамдир. Унинг тилимиз бойлигини, қудратини мадҳ этувчи қатор асарлари бунинг гувоҳидир.

Мустақиллик туфайли тилимиз эркинлиги, равнақи учун кенг имкониятлар юзага келганлигини социолингвистик тадқиқотларида таъкидлаб келаётган олим шундай дейди «Яқин ўтмишимизда она сўз, демакки, миллат, халқ қаддини ҳам қилмоқ йўлида қилинган уринишлар истиқлол шарофати билан тарих қаърига кириб бўлди. Ўзимиз ҳам озод бўлдик, сўзимиз ҳам озод бўлди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида мунаввар ва мухташам манзил сари ўз йўлида шитоб билан бормоқда, ўзбек тили ана шундай давлатнинг мустақил тили сифатида камол топмоқда».⁷³

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбек тилшунос олимларидан кимларни биласиз?
2. Аюб Ғуломов ким ва унинг қандай асарларини биласиз?
3. Саид Усмонов ким ва унинг тилшунослик назариясига бағишланган қандай асари мавжуд?
4. Шавкат Раҳматуллаев ким? ва унинг этимологияга оид қандай асари бор?
5. Азим Ҳожиёв ким? ва унинг қандай асарларини биласиз?
6. Эрнст Бегматов ким? ва у тилшуносликнинг қайси соҳасига асос солди?
7. Ҳамид Неъматов ким? ва у ўзбек тилшунослигида қандай назарий ғояларни илгари сурди?
8. Абдуҳамид Нурмонов ким ва унинг қандай асарларини биласиз?
9. Равшанхўжа Расулов ким? ва унинг қандай асарларини биласиз?⁷⁴

⁷² А.Нурмонов. Ўша асар, 222-бет.

⁷³ Н.Маҳмудов. Ўзимиз ва сўзимиз.Т., 1997 3-бет.

⁷⁴ Тадқиқотнинг ҳажм тақозосига ва олимлар ҳақида ахборот топиш муаммосига кўра VI бўлимда қайд этилган тилшуносларнинг барчаси ҳақида маълумот бериш

ХУЛОСА

Жаҳон тилшунослиги тарихи бир уммонки, ундан имкониятга, талаб ва мақсадга кўра хабардор бўлиш, шу йўналишда билимга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва тадқиқотларда ушбу «уммонга» асосланиш ҳар бир жиддий тадқиқотчи учун, тилшунос учун шарафдир. Чунки тилшунослик фанининг келажаги аслида тилшунослик тарихидан, лисоний битмас - туганмас хазинадан бошланади. Шунингдек, тилшуносликнинг илмий-назарий муаммоларининг асоси, пойдевори ҳам мантиқан тилшунослик тарихидадир. Айни тарихни мукамал билмасдан, уни тасаввур қилмасдан, уни англамасдан туриб, тилшуносликнинг назарий - фалсафий масалалари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ эмасдир, дилетантликдир.

имкони бўлмади. Шунга кўра ҳар бир авлод тилшуносларидан вакиллар келтириш билан чекландик.

ИККИНЧИ ҚИСМ
ТИЛШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ
I. ЛИНГВИСТИКА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Лингвистика термини қатор Европа мамлакатлари: инглиз, француз, немис, испан, рус ва бошқа тилларда фаол қўлланилиб, тил ҳақидаги фанни англатади. Ушбу сўзнинг ўзаги *lingua* бўлиб, тил деган маънони беради. Бинобарин, лингвистика терминининг ўзбек тилидаги муқобили, маънодоши тилшунослик бўлиб, улар ўзаро синонимик муносабатга киришади.

Лингвистика ёки тилшунослик фани ўзига хос мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган алоқа қуролини – тилни система сифатида – бир бутун объект сифатида тадқиқ ва таҳлил қилади. Айни жараёнда у турли кўринишларда, шаклларда кузатилади. Бу ижтимоий характерга эга бўлган тилнинг моҳиятидан, уни турли томондан ўрганиш, текшириш лозимлигидан ва бу илмийлик нуқтаи назаридан мутлақо тўғри эканлигидан келиб чиқади.

Лингвистика ниҳоятда қудратли маънавият белгиси, миллат кўзгуси, бойлиги бўлган тилни ўрганиш жараёнида қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1. Динамик лингвистика.
2. Статик лингвистика.
3. Атомистик лингвистика.
4. Структурал лингвистика.
5. Синхрон лингвистика.
6. Диахрон лингвистика.
7. Интралингвистика.
8. Экстралингвистика.
9. Макролингвистика.
10. Микролингвистика.
11. Паралингвистика.
12. Психолингвистика.
13. Социолингвистика.
14. Этнолингвистика.
15. Математик лингвистика.
16. Нейролингвистика.
17. Компьютер лингвистикаси.
18. Когнитив лингвистика ва бошқалар.

1. Динамик лингвистика. Динамик лингвистика, асосан, тилни реал мавжудлигида, коммуникатив жараёнда турлича вазифаларни фаол бажаришда, «тараққиётда», ўзгаришда тадқиқ қилади.

2. Статик лингвистика. Статик лингвистика тил фаолиятидаги тўлиқ синхронлашган муайян бир даврни (бўлақни) ажратади ва уни тасвирлайди. Тилшуносликнинг ушбу соҳаси, динамик лингвистикадан фарқли, тилдаги ривожланиш ва ўзгариш жараёнидан мутлақо четлашган, унга яқинлашмаган ҳолда тилнинг ҳозирги – замонавий даври билан боғлиқ маълум бир «қотган» қисмини – ҳолатини текширади.

3. Атомистик лингвистика. Атомистик лингвистика диққат-эътиборини ҳар бир индивидуал тил бирликларининг тараққиётини, ўсишини алоҳида ўрганишга қаратади.

4. Структурал лингвистика. Структурал лингвистика тил системасидаги ички муносабат ва алоқаларни тадқиқ қилади. У тил системасининг структурал қатламлари (фонетик, лексик, морфологик, синтактик сатҳлари) орасидаги ўзаро табиий, зарурий боғлиқликларни, муносабатларни ўрганади.

5. Синхрон лингвистика. Синхрон лингвистика статик ва структурал лингвистика билан узвий боғлиқ бўлиб, тилнинг маълум бир даврдаги «қотган», «турғун» ҳолатини тасвирлашга хизмат қилади.

6. Диахрон лингвистика. Диахрон лингвистика динамик ва атомистик лингвистика билан узвий боғлиқ бўлиб, тилнинг тараққиёт, тил бирликларининг эса ривожланиш қонуниятлари ҳамда натижаларини ўрганади.

7. Интралингвистика (ички лингвистика). Ички лингвистика тил бирликларининг систем алоқасини, муносабатини экстралингвистик факторларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганади. Ички лингвистиканинг тадқиқот манбаи бўлиб фонология, лексикология ва грамматика ҳисобланади.

8. Экстралингвистика (ташқи лингвистика). Ташқи лингвистика тилнинг тараққиёти ва вазифасини ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-тарихий, этник, жўғрофий каби факторлар билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Шунга кўра ушбу лингвистика тилни ижтимоий ҳодиса сифатида текширади.

9. Макролингвистика. Макролингвистика тилни кенг доирада, «катта ҳажмда» олиб, уни статистик усуллар асосида тадқиқ қилади. Аниқроғи, ушбу соҳа тилни статистик усуллар орқали таҳлил қилади.

10. Микролингвистика. Микролингвистика тил системаси таркибидаги (структурасидаги) алоқалар, ўзаро муносабатлар ва қарама-қаршиликларни ўрганади.

11. Паралингвистика. Паралингвистика бевосита нутқ фаолияти билан боғлиқ бўлиб, нутқ жараёнида фикр ифодалаш билан бир вақтда юзага келувчи, сўзлашув нутқининг доимий ҳамроҳи бўлган қўл ва юз ҳаракатларини (имо-ишора, мимика), нутқнинг баландлиги, экспрессив-эмоционал бўёқ каби қатор жиҳатларни ўрганувчи соҳадир.

12. Психоллингвистика. Психоллингвистика психология ва лингвистика фанларининг умумлашмаси (синтези) сифатида нутқ жараёнини мазмун нуқтаи назаридан, коммуникатив аҳамияти, нутқ актининг муайян ижтимоий-амалий мақсадга йўналтирилганлиги, шунга мувофиқлиги жиҳатидан ўрганади. У нутқдаги – фикр ифодалашдаги шакл ва мазмун бирлигига алоҳида эътибор беради.

Психоллингвистика лисоний имкониятлар асосида нутқий birlikларни ҳосил қилиш ва қабул қилиш, нутқ жараёни (фикр алмаштириш-ифодалаш ва англаш)да руҳий ҳолатларга, бунда шароит (ситуация), ўхшашлик (аналогия), фарқлаш (дифференциация), таъсирчанлик, сўзловчи ва тингловчи руҳий ҳолати масалаларига алоҳида эътибор беради.

13. Социоллингвистика. Социоллингвистика социология ва лингвистика фанларининг зарурий ва мантиқий боғлиқлигидан ҳосил бўлиб, жамият ва тил (тил ва жамият) муносабати масала-си билан шуғулланади. У тилни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилади. Шу жиҳатдан социоллингвистиканинг энг муҳим, асосий муаммоси тилни-тил табиатини ижтимоий ҳодиса сифатида текшириш, унинг жамиятдаги, тилшунослик фанидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашдир.

Социоллингвистика, асосан, тил ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ҳаёт, тараққиёт ҳодисалари, фактлари ўртасидаги боғлиқликни, ушбу боғлиқликнинг сабабларини ўрганади. Аниқи, мазкур соҳа жамиятнинг яшаш ва ривожланишида тилдаги ижтимоий ҳаёт, яъни ташқи-экстралингвистик факторларнинг (омилларнинг) таъсири натижасида ҳосил бўлган ҳодисаларни, жараёнларни, ўзгаришларни таҳлил қилиб боради. Демак, социоллингвистика ижтимоий факторларнинг тилга қандай таъсир қилиши, тил системасида (структурасида) қандай намоён бўлиши, қандай шаклда акс этиши кабиларни тадқиқ қилади.

Эслатамиз, социолингвистика статистик маълумотлар, аҳоли рўйхати ва анкета маълумотлари методикаси билан ўз фаолиятини кенгайтириб боради⁷⁵.

14. Этнолингвистика. Этнолингвистика этнография ва линг-вистика фанларининг ўзаро муносабатидан шаклланиб, этник белги бўлган тилга халқ тарихий тараққиётининг, ривожланишининг, халқ турмуш, урф-одатларининг, моддий ва маънавий маданиятининг таъсирини, уларнинг тилда воқе бўлишини ўрганади. Этнолингвистика тил ва жамият муносабатини тадқиқ қилишда этник факторларнинг ўрни, аҳамияти, роли кабиларни аниқлайди, этник ва лисоний омилларнинг ўзаро таъсирини, боғлиқлигини акс эттиради.

15. Математик лингвистика. Математик лингвистика тилни ўрганиш ва тасвирлаш жараёнида математик усулларнинг (масалан, статистик усул, информация назарияси кабиларнинг) қўлланиш имкониятларини текширади.

16. Нейролингвистика. Нейролингвистика нейрон ва линг-вистика сўзларининг ўзаро бирикувидан, қўшилишидан ҳосил бўлиб, инсон миёсидаги нерв ҳужайраларининг, нейронларнинг тилни-сўзларни ҳосил қилишдаги вазифасини ўрганади. Нейрон нерв (асаб) системасининг асосий қисми, таркибий элементи сифатида тилни-тил ва нутқ бирликларини яратишда фаол хизмат қилади, етакчи ҳисобланади. Шунга кўра нейролингвистика инсон нерв системаси билан алоқа қуроли-тил орасидаги узвий, доимий, зарурий муносабатни ёритади. Шунингдек, у афатик нутқни, яъни тушуниб бўлмайдиган, бузилган, «касалланган» нутқни, унинг турларини аниқлаш ва тасниф қилиш, физиологик нерв системаси, нутқ фаолияти кабилар доирасида тадқиқот ишларини олиб боради.

17. Компьютер лингвистикаси. Компьютер лингвистикаси амалий тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, унинг асосий мақсади тилшуносликка оид муаммоларни компьютер воситасида, бевосита унинг “раҳбарлигида” ҳал қилишдир. Аниқроғи, компьютер лингвистикаси тилларни ўқитиш (ўрганиш), муайян фанга оид билимларни баҳолаш, матнларни таҳрирлаш, бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилиш, статистик тадқиқотлар олиб бориш каби қатор жараёнларда фаол хизмат қилмоқда.

18. Когнитив лингвистика. Когнитив лингвистика тилшуносликдаги энг янги йўналишлардан биридир. Ушбу тилшунослик когнитология (инсон

⁷⁵В.А.Аврорин. Проблемы изучения функциональной стороны языка (к вопросу о предмете социолнгвистики).- Л., 1975, 242-245- бетлар.

билимини ўрганувчи фан) ва лингвистика фанларининг ўзаро зарурий боғланишидан, ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида юзага келган.

Маълумки, инсондаги билимларнинг ҳосил бўлишида, унинг сақланиши ва ўзгаларга берилишида тилнинг аҳамияти, ўрни беқиёсдир. Шунга кўра манбаларда когнитив лингвистиканинг асосий вазифаси сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

1. Инсондаги билимларнинг пайдо бўлишида тилнинг ролини аниқлаш.
2. Концептуал система билан тил системаси ўртасидаги муносабатни аниқлаш.
3. Билимни концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнларини тушуниш.
4. Оламнинг лисоний ва когнитив (концептуал) тасвирлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш.⁷⁶

Когнитив лингвистиканинг назарий асосида “тафаккур тилсиз бўлади, аммо мулоқот пайтида у тил орқали юзага чиқади, яъни ифодаланади” деган тезис ётади. Когнитив лингвистиканинг энг асосий тушунчаси “концепт” тушунчаси бўлиб, у тафаккур бирлиги ҳисобланади⁷⁷. Концепт – лисоний birlikлар (масалан, сўз, гап, матн кабилар) орқали юзага чиқувчи фикрлаш жараёни, ҳодисаси, тафаккур бирлиги бўлиб, у инсон билиш жараёнининг натижаси (ҳосили)дир. Концепт бизнинг психикамизда акс этувчи объектив борлиқ предмет ва ҳодисалари ҳақида жуда кенг миқёсда мукамал, ҳар томонлама маълумот, тушунча, тасаввурларни ўзида ташиши, сақлаши, ўзгалара етказиши (бериши) билан жамият аъзоларининг предмет ва ҳодисаларга бўлган муносабатини қайд этиши кабилар билан ўзига хосдир⁷⁸.

Хуллас, лингвистика фани умумийлик сифатида, қайд этилганидек, турлича хусусийликлари, соҳалари орқали тил системасини бутун моҳияти, мураккаблиги билан, коммуникатив чексиз имкониятлари билан тадқиқ қилади. У айни жараёнда қатор фанлар билан ўзаро алоқада, ҳамкорликда иш олиб боради, тил ва жамият, тил ва тарих, тил ва тараққиёт, тил ва тафаккур, тил ва нутқ каби ўта долзарб ва ўта мураккаб масалаларнинг ёритилишида фаол иштирок этади.

⁷⁶ Ў. Қ. Юсупов. Когнитив лингвистика ҳақида. ЎзМУ. Аюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами.- Т. 2007. 22-бет.

⁷⁷ Ў. Қ. Юсупов. Ўша асар, ўша бет.

⁷⁸ Қўш. қар: Ў.Қ.Юсупов. Ўша асар, 22-24 бетлар.

Лингвистика фани жамият тараққиётининг, гуллаб-яшнашининг энг муҳим, энг асосий, тенги йўқ мезонларидан бири тил - алоқа қуроли эканлигини тасдиқлаш ва исботлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, у таълим олувчига она тили имкониятларини-айни бир фикрни, нарса ҳодисани юзлаб усуллар билан ифодалаш йўллари етказиш билан унда ижодий тафаккурни ривожлантиришга, она тилида фикрлаш ва она тили қурилишининг ўзига хослиги, бошқа тиллардан тубдан фарқ қилиши, оламни «ўзича» акс эттиришни сингдириш билан миллий онг, миллий дунёқараш, миллий ғурур ва мафқурани шакллантиришда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Мусаҳкамлаш учун саволлар:

1. Лингвистиканинг қандай турлари мавжуд?
2. Структурал лингвистика қандай лингвистика?
3. Паралингвистика қандай лингвистика?
4. Психолингвистика қандай лингвистика?
5. Компьютер лингвистикаси қандай лингвистика?
6. Социолингвистика қандай лингвистика?
7. Когнитив лингвистика қандай лингвистика?

Асосий тушунчалар:

1. Лингвистика – тилшунослик.
2. Динамик – ҳаракатдаги.
3. Статик – турғун.
4. Структура – қурилиш, тузилиш.
5. Синхрон – ҳозирги (замонавий).
6. Диахрон – тарихий.
7. Интралингвистика – ички лингвистика.
8. Экстралингвистика – ташқи лингвистика.
9. Когнитология – инсон билимини ўрганувчи фан.

Адабиётлар:

1.Э.Хемп.Словарь американской лингвистической терминологии. М., 1964.

1. О.С.Ахманова. Словарь лингвистических терминов.-М., 1966.
2. Н.И.Кондаков. Логический словарь.- М., 1971.
3. Д.Э.Розенталь, М.А.Теленкова. Словарь-справочник лингвистических терминов.- М., 1976.
4. А.Ҳожиев. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Т., 1985.
6. У. Қ. Юсупов. Когнитив лингвистика ҳақида.ЎзМУ илмий мақолалар тўплами. -Т., 2007.

II. ТИЛНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Тилшунослик фанининг тадқиқот объекти бўлган тил жамият маҳсули, жамият қуроли сифатида ўз таърифига, тавсифига, мантиқий изоҳига эга. Бу – табиий. Чунки таърифланиши зарур бўлган ушбу ижтимоий ҳодиса тараққиёт мезони, ҳаёт кўзгуси сифатида, миллат руҳию тарих таржимони сифатида жамиятга хизмат қилиб келмоқда. Демак, жамият ва тил тушунчалари ўзаро ажралмас-диалектик боғлиқ бўлиб, улар мантиқан бири иккинчисини тўлдирди, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди, бири иккинчисига фаол хизмат қилади. Бошқача айтганда, жамиятнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигини, тилнинг мавжудлиги эса жамиятнинг мавжудлигини талаб қилади. Шунга кўра жамият тушунчаси қай даражада ўз таърифига эга бўлса, тил тушунчаси ҳам шу даражада ўз таърифига, тавсифига эгадир.

Хулоса шуки, тилшунослик фанининг муҳим, долзарб муаммолари қаторида тилнинг таърифи масаласининг бўлиши ҳам зарурийдир, табиийдир. Қолаверса, тил кўп қиррали мураккаб ҳодиса сифатида бошқа ижтимоий (масалан, тарих, фалсафа, психология каби) ва табиий фанлар томонидан ҳам ўрганилади, тавсифланади. Бундан эса мантиқий равишда тилнинг таърифи масаласи мураккаб масалалардан бири эканлиги тушунчаси келиб чиқади.

Тилшунослик тарихида ҳам, ҳозирда ҳам тилнинг таърифи масаласига алоҳида эътибор қаратилган ва қаратилмоқда. Ўз-ўзидан мантиқий савол туғилади. Тилшунослик тарихида тилнинг таърифи масаласи қандай ҳал қилинган, унинг моҳиятини очиш учун қандай таърифлар берилган?

Маълумки, тилшунослик тарихида қатор лисоний (лингвистик) мактаблар, окимлар, йўналишлар бўлиб, булар ичида, айниқса, ҳинд, юнон ва араб тилшунослик мактаблари алоҳида ўрин эгаллайди. Араб тилшунослик мактабининг тил масалаларидаги улкан хизматлари дунё тилшунослигида тан олинган бўлиб, бунда, маълумки, Ўрта Осиёлик алломаларнинг– келиб чиқиши эроний халқлардан бўлган Халил ибн Аҳмад, Сибавайх Албасрий, туркийлардан Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд аз Замахшарий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг хизматлари алоҳида юксак қадрланиб, эътироф этилади. Жумладан, тил масалаларига жиддий эътибор берган буюк алломалардан бири Алишер Навоий ҳазратлари тилнинг кишилар орасидаги алоқа эҳтиёжи натижасида пайдо бўлганини, сўзлаш қобилияти инсонга Аллоҳ томонидан берилгани, аммо сўзларни инсоннинг ўзи яратгани, нутқнинг қуроли тил

эканлигини алоҳида қайд этади. Қиёсланг: «Тил мунча шараф била нутқнинг олатидир ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур»⁷⁹ Демак, Навоий тилнинг жамиятда–кишилар ўртасида алоқа қуроли сифатида хизмат қилиши ғоясини илгари суради. Бинобарин, тил алоқа қуролидир, тил (сўз) жамият маҳсулидир, деган фикрлар-таъриф, тавсифлар қадим-қадим даврларнинг маҳсули сифатида ҳозирда ҳам амалдадир.

Умумий назарий тилшуносликнинг асосчиси, тил илмининг буюк билимдони европалик Вильгельм фон Гумбольдт тил масалаларига – тилнинг таърифи муаммосига алоҳида жиддий аҳамият берган. Аниқроғи, В.фон Гумбольдт тилнинг моҳиятини очишда, унга асосли илмий таъриф беришда антиномия методи (усули)дан фойдаланади. У антиномия усули орқали тилнинг моҳиятини, табиатини илмий ёритиб беришга ҳаракат қилади ва бу жараёнда тил системасига нисбатан бир қатор антиномияларни қўллайди.

В.фон Гумбольдтнинг антиномияси қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Тил ва тафаккур антиномияси. Тил тафаккурсиз, тафаккур эса тилсиз мавжуд эмас. Бири иккинчисини тақозо қилади, талаб қилади. Бошқача айтганда, тил тафаккурни (фикрни) ифодалаш учун хизмат қилади. Тафаккур (фикр) тил орқали юзага чиқади. Шунга кўра тилсиз тафаккур, тафаккурсиз тил йўқ. Инсон ҳаётида, инсоннинг лисоний ва ақлий фаолиятида тил ва тафаккур алоҳида, якка ҳолда мавжуд эмас, улар биргаликда, ўзаро боғлиқликда «яшайди», инсонга хизмат қилади. Айни вақтда уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Демак, бундан тил ва тафаккурнинг диалектик муносабати – ўзаро ажралмаслиги, боғлиқлиги ва шу билан бирга ички зидлиги, қарама - қаршилиги ғояси келиб чиқади. Бунда тилнинг (товушнинг) моддийлиги, тафаккурнинг эса психик (руҳий) ҳодисалиги маълум бўлади.

Тил ва тафаккурнинг диалектик бирлиги, ажралмаслиги бирининг иккинчисисиз мавжуд эмаслигида, бири, табиий ҳолда, иккинчисини талаб қилишида, бири иккинчиси орқали намоён бўлишида; уларнинг диалектик зидлиги, ички қарама-қаршилиги эса тилнинг моддий, «ташқи» ҳодисалигида, тафаккурнинг эса руҳий, «ички» ҳодисалигида кўринади. Тил ҳам, тафаккур ҳам муайян бир бутунликнинг ўзаро боғлиқ ва айни вақтда ўзаро зид, қарама-қарши икки томонидир.

2. Ижтимоийлик (социаллик) ва алоҳидалик (индивидуаллик) антиномияси. Тил бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, социал, ҳам алоҳида,

⁷⁹ Алишер Навоий. Маҳбуб- ул қулуб. 14-том.-Т., 1998, 94-бет.

индивидуал ҳодиса. Тил бир вақтнинг ўзида ҳам якка, алоҳида шахсга, ҳам кўп шахсга, умумга тегишли. Тилнинг ижтимоийлиги жамият билан, шахслар билан – халқ маҳсули сифатида белгиланса, тилнинг алоҳидалиги бир шахс билан, якка индивид билан – айрим шахс маҳсули сифатида белгиланади.

Алоҳида шахслар ўзларигача бўлган авлодлар, халқлар томонидан яратилган лисоний маҳсулотдан, “ҳосил”дан фойдаланади. Демак, айтилганлардан тилдаги умумийлик ва хусусийлик диалектикаси, антиномияси воқеланади.

3. Тил ва нутқ антиномияси. Тил муайян системадир, «органик бутунликдир». Шунингдек, у нутқий фаолиятнинг алоҳида актидир (ҳаракатидир). Бошқача айтганда, тил нутқий фаолиятнинг алоҳида актлар (ҳаракатлар) кўринишидаги воқе бўлишидир. Тил айрим нутқ актидан фарқ қилади ва айни вақтда у нутқ актида, жонли нутқда мавжуд бўлади, яшайди.

Тил – фаолият, нутқ – фаолият маҳсули, тилнинг воқеланиши, намоён бўлишидир. Демак, тил фаолияти тил ва нутқдан ташкил топади. Тил фаолиятида тил ва нутқ ажратилади, фарқланади.

Тил ва нутқ антиномиясининг ўзига хослиги, яна бир муҳим жиҳати шундаки, тил – ижтимоий, социал, жамоа маҳсули, нутқ эса индивидуал, шахсий, алоҳида кишиларнинг фаолиятидир.

В.Гумбольдтнинг тил ва нутқ антиномияси, уларнинг фарқланиши, тил ва нутқнинг диалектик муносабатда олиниши тилшунослик тараққиётига кўшилган жуда катта ҳисса бўлди.

4. Тил (нутқ) ва нутқни тушуниш антиномияси. Тил ва нутқ антиномиясига бевоситор алоқадор бўлган ушбу диалектик боғлиқликда, «бирликда» нутқ ва уни тушуниш, аслида, тил фаолиятининг турли шакллари дир, нутқий фаолиятнинг икки томонидир. Сўзлар индивид нутқидагина - нутқ фаолиятидагина муайян аниқликка, маънога эга бўлади.

Нутқ ташқи, бевосита таъсир қилувчи, моддий фаолият бўлса, нутқни тушуниш эса ички, руҳий фаолиятдир.

5. Тил ҳолати ва тараққиёти антиномияси. Тилнинг статиклиги (турғунлиги) ва динамиклиги (ҳаракатчанлиги) антиномияси. Тил тараққиётининг тугалланганлиги ва тил тараққиётининг тўхтовсизлиги антиномияси. Тил тугал ташкил топган ва айни вақтда доимий ривожланаётган ҳодиса, жараёндир. Ҳар бир авлод тилни тайёр ҳолда олдинги авлоддан қабул қилади. Бу жиҳатдан тил тайёр ҳолдаги - ташкил топишига кўра тугалланган ҳодисадир. Шунингдек, тил доимо ижодий, тараққиётдаги, янгилашишдаги, «ўсишдаги», ян-

ги - янги бирликларнинг, шаклларнинг пайдо бўлишидаги «қайнаётган» жараёндир.

6. Тилдаги объективлик ва субъективлик антиномияси. Тил объектив, айни вақтда субъективдир.

Тил ўзининг ҳақиқий «ҳаётини» инсонлар орасида қўллани-шидагина топса-да, аммо унинг мавжудлиги, «ҳаётийлиги» алоҳида шахсларга боғлиқ эмас. У жамиятнинг алоқа қуроли сифатида объектив мавжуд. Тил бир вақтнинг ўзида инсонга ҳам боғлиқ, ҳам боғлиқ эмас. Бир томондан инсон тилни анъанага кўра қабул қилса, ўзлаштирса, унинг қонун-қоидаларидан фойдаланса - объектив равишда, иккинчи томондан, у ўз нутқи фаолиятида тилнинг тараққиётига, ундаги ўзгаришларга, янгиликларга таъсир кўрсатади, тилни “яратади”, янгидан «қуради». Ҳар гал инсон нутқида тил бирликлари, воситалари, тил «ашёси» ҳаракатга келади, жонланади – субъектив равишда.

7. Фикрни объективлаштириш ва фикрни рағбатлантириш антиномияси. Ушбу антиномияда тил тингловчи фикрини объективлаштирувчи ва рағбатлантирувчи, юзага келтирувчи куч, сабаб сифатида намоён бўлади.

Тил субъектда пайдо бўлган фикрни объективлаштиради, реаллаштиради, умумга етказиши – таъсир қилувчи кучга айлантиради. Фикрни объективлаштириш жараёни фикрни ўзгаларга етказиш имкониятини беради, яратади. Аммо айни вақтда ҳар бир нутқ, ҳар бир фикрни ифодалаш субъективдир. Нутқни қабул қилувчи, идрок қилувчи шахс – тингловчи нутқни гўёки қайтадан ўзида яратади.

8. Тил – фаолият, ҳаракат, ўзгариш, ўзгарувчанлик. Айни вақтда тил фаолият маҳсули, турғун, барқарор, бунёд этилган ўзгармасликдир. Демак, тил бир вақтнинг ўзида ҳам фаолият, жараён, ҳам фаолият маҳсули сифатида мавжуддир. Аслида эса - дейди В.Гумбольдт «Тил фаолият маҳсули (ergon) эмас, балки фаолиятдир (energia)»⁸⁰. Демак, тил фаолият маҳсули сифатида диахрон (тарихий) тушунча бўлса, тил фаолият сифатида син-хрон (замонавий) тушунчадир. Аниғи, тил фаолият сифатида нутқдир, нутқ фаолиятидир, нутқ жараёнида воқеланишдир.

Тил фаолият маҳсули сифатида асрлардан асрларга ўтиб борувчи, жамият тараққиёти билан баробар қадам ташловчи тараққиёт мезонидир, муайян тарихий норма (меъёр)дир.

⁸⁰ В.Гумбольдт. О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человеческого рода. Хрестоматия по истории языкознания XIX –XX веков. –М.,1956, 73-бет.

Хуллас, ушбу антиномия асосини ҳозирги тилшуносликда талқин этилаётган тил ва нутқнинг ўзаро муносабати, тил ва нутқ диалектикаси ташкил қилади.

Хулоса шуки, В.фон Гумбольдт тилни доимий тараққиётда, ривожланишда, ўзгаришда олади ва ундаги ўзгаришларни, тараққиётни, ривожланишни бевосита, мутлақо ҳақли равишда, жамият билан боғлиқ ҳолда таърифлайди. Шунга кўра Гумбольдт ҳар бир халқнинг тилида шу халқнинг тарихини, маданиятини, маънавиятини, умуман, унинг бутун маънавий-рухий дунёсининг намоён бўлишини таъкидлайди.

Тилшунослик тарихида Вильгелем фон Гумбольдт, Иван Бодуэн де Куртэнлар билан бир қаторда турувчи улкан тилшунослардан яна бири швейцариялик француз Фердинанд де Соссюрдир. У ҳам тил таърифи масаласига алоҳида эътибор берган:

1. Ф.де Соссюр таърифича тилшунослик фанининг ягона ва ҳақиқий предмети тил бўлиб, у алоқа қуроли вазифасини бажарди.

2. Ф.де Соссюр тил моҳият (субстанция) эмас, балки шаклдир (формадир), деган ўзига хос таърифни ўртага ташлайди. Бу билан у тилни мазмун, моҳият (субстанция) билан қориштирмаслик, ундан фарқлаш лозимлигини, тил у ёки бу мазмунни (фикрни) ифодалаш шакли (формаси), воситаси эканлигини назарда тутди.

3. Ф.де Соссюр ўз қарашларида тилнинг систем характерга эгаллигини қайта-қайта таъкидлайди. Шунга кўра у тил белгилар системасидир⁸¹, деган таърифни ҳам беради.

Тил белгилари, Ф. де Соссюр фикрича, шартли, ихтиёрий, эркин бўлиб, икки томонга-ифодаловчига (ифода планига) ва ифодаланувчига (мазмун планига) эгадир.

4. Ф. де Соссюр икки жиҳатни: синхрон ва диахрон аспектларни фарқлаб, асосий эътиборни синхрон аспектга қаратади. Буни у сўзловчилар, фикр алмашувчилар учун ҳақиқий реаллик тилнинг синхрон–ҳозирги, реал вазиятда алоқа қуроли сифатида хизмат қилишидир, дейди⁸². Ҳақиқатан, тилшуносликнинг дастлабки, энг муҳим бош вазифаси тил системасининг – тил ходисаларининг ҳозирги, замонавий ҳолатини ўрганишдир. Албатта, айтилган фикр тил тарихини, тил тарихий тараққиётини ўрганиш зарурлигини инкор

⁸¹ Қар: Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики (извлечения). Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков.-М., 1956, 336-337-бетлар.Ф.де. Соссюр .Труды по языкознанию.-М., 1977,101-бет.

⁸² Қар: Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию,120-бет.

қилмайди, инкор қилиши ҳам мутлақо мумкин эмас. Негаки, тил тарихи аслида жамият тарихи билан, жамият тараққиёти билан боғлиқдир. Жамият тарихи эса тил тарихидир.

5. Ф.де Соссюр халқнинг ифода имкониятлари системасини иккига: тил ва нутққа ажратади. Тил сўзларнинг жами ва нутқни қуриш, тузиш қоидаларидир. Нутқ эса тил системасининг сўзлашувдаги, фикр алмашувдаги ёки матндаги аниқ ифодаси, намоён бўлиши, воқелигидир.

Ф.де Соссюр фикрича, тил ва нутқ ўртасида мутлақ қарама-қаршилик мавжуд бўлиб, шунга кўра тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикаси⁸³ каби иккита фан бўлиши керак. Албатта, бу муболаға бўлиб, тилшунослик фани тил ва нутқни диалектик муносабатда, боғлиқликда ўрганади.

Аслида тил ва нутқ ўртасида ўзаро яқин, зич алоқа мавжуд, яъни тил нутқ асосида ташкил топади, «ўсади», бойиди ва нутқда юзага чиқади. Тил бир вақтнинг ўзида ҳам асос, ҳам нутқ маҳсули. Тилнинг тараққиёти, ривожини нутқда маълум бўлади, юз беради. Жонли нутқ тилнинг мавжудлик шакли, ҳолати ва тараққиётидир, яшашидир. Тил – ижтимоий, нутқ – индивидуал.

Хуллас, Ф.де Соссюр таълимотидаги асосий ғоя тил ва нутқ дихотомияси бўлиб, бу дихотомия нафақат диахрон тилшунослик, балки ҳозирги-синхрон тилшуносликнинг – жаҳон тилшунослиги фанининг энг муҳим, энг долзарб, энг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Айтиш шарт, тил ниҳоятда мураккаб ва кўп тармоқли, кўп қиррали ҳодиса бўлганлигига ва унинг қайси жиҳатлари ажратилиши, ёритилиши лозимлигига кўра у турли нуқтаи назардан таърифланади, тавсифланади. Бошқача айтганда:

1. Вазифа нуқтаи назаридан тил кишиларнинг ўзаро фикр алмашиш востаси, шунингдек, фикрни шакллантириш, ифодалаш ва ўзгаларга етказиш қуролидир.

2. Тузилиши, ташкил топиши нуқтаи назаридан тил муайян бирликларнинг жами ва улардан фойдаланиш, уларни ўзаро мантиқий алоқага кириштириш қоидаларидир.

3. Мавжудлиги нуқтаи назаридан тил ижтимоий ҳодиса, ижтимоий маҳсулот сифатида қайд этилади.

4. Семиотика нуқтаи назаридан тил белгилар системаси бўлиб, моддий бирликлардан – фонемалардан ташкил топади. Ушбу фонемаларнинг

⁸³ Қар: Ф.де Соссюр. Ўша асар, 56-58 бетлар.

барқарор бирикишлари ўзидан ташқаридаги муайян предмет-ҳодисани (ниманидир) англатиш, билдириш хусусиятига эга бўлади.

5. Информация назариясига кўра тил код бўлиб, унинг ёрдамида, у орқали семантик информация (ахборот, хабар, маълумот) кодлаштирилади, муайян шартли белгиларга «жойлаштирилади» ва бошқалар.

Тилга турли нуқтаи назардан берилган таърифлар ичида, шак-шубҳасиз, тил жамиятнинг-жамият аъзоларининг энг муҳим ва энг асосий алоқа воситасидир, қуролидир, деган таъриф етакчилик қилади. Чунки ушбу таърифдан иккита энг муҳим ғоя келиб чиқадики, айти ғоя тилнинг бутун моҳиятини, жамиятдаги ўрнини, жамият тараққиётидаги кудратини, қувватини, моддий ҳодиса сифатидаги аҳамияти кабиларни қамраб олади. Бу ғоялар:

1. Тил ўзаро алоқанинг, фикр алмашишнинг энг муҳим, энг асосий, энг таъсирчан воситасидир.

2. Тил ўзаро алоқанинг инсонлар-жамият билангина боғлиқ шакли, кўринишидир.

Маълумки, тилнинг жамиятда алоқа қуроли вазифасини бажариши унинг коммуникатив вазифасини ташкил қилади. Тилнинг муайян хабар, дарак ифодалаб, таъсир қилиши эса унинг экспрессив вазифаси ҳисобланади. Экспрессив вазифа муайян хабар ифодалаш ва тингловчига етказиш каби информатив вазифани ҳамда ҳис-ҳаяжон, ҳиссиёт (эмоция) ифодалаш каби эмотив вазифани ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, тил бирон истак, хоҳиш билдириш вазифасини-волонтиратив функцияни ҳам бажради. Тилнинг хабар, сезги, ҳис-ҳаяжон, хоҳиш-истак ифодалаш ва уларни тингловчиларга «бериш», етказиш-булар биргаликда тилнинг экспрессив жиҳатини-вазифасини ташкил қилади. Айти вақтда тил миллатлараро алоқа воситаси, тажриба ва билимларни сақлаш ва авлодларга етказиш қуроли ҳам бўлиб, бу жараёнлар тилнинг аккумулятив⁸⁴ вазифаси ҳисобланади. Тилнинг ушбу вазифаси, айти вақтда, унинг гносеологик (билиш жараёни) функцияси деб ҳам юритилади.

Хуллас, тил жамиятнинг алоқа қуроли сифатида нутқ товушларидан, уларнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўладиган сўзлар-дан, грамматик воситалардан ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган ижтимоий-тарихий, маданий ва мантиқий системадир, маънавият белгисидир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

⁸⁴ Аккумулятив-лотинча тўплаш, йиғиш демакдир.

1. Навоий тилга қандай таъриф беради?
2. В. ф. Гумбольдт тилга таъриф беришда қандай усулдан фойдаланади?
3. Қандай антиномияларни биласиз?
4. Ф. де Соссюр тилга қандай таъриф беради?
5. Ф. де Соссюр таълимотидаги асосий ғоя нимадан иборат?
6. Тилга берилган таърифлар ичида энг асосий, етакчи таъриф қайси?

Асосий тушунчалар:

1. Тилнинг таърифи – тилнинг тавсифи, изоҳи, талқини.
2. Антиномия – ўзаро зидлик ва боғлиқлик, алоқадорлик.
3. Социал – ижтимоий.
4. Индивидуал – алоҳида, шахсий.
5. Тафаккур – руҳий-ақлий жараён, фикрлаш, ўйлаш.
6. Эмоция – ҳис-ҳаяжон.

Адабиётлар:

1. Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. – М., 1956.
2. В.А.Звегинцев. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. Ч. I – М., 1954; ч II. – М., 1960.
3. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. – М., 1968.
4. Н.С.Кондаков Логический словарь. – М., 1971.
5. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. –Т., 1972.
6. Г.А.Амирова. Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики. - М., 1975.
7. Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. – М., 1977.
8. Н.А Баскаков, А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизов. Умумий тилшунослик. – Т., 1979.

III. ТИЛ ВА НУТҚ

Тил ва нутқ диалектикаси назарий тилшуносликнинг, шунингдек, амалий тилшуносликнинг ҳамда фалсафа, тарих, психология, мантиқ каби фанларнинг ҳам муҳим ва мураккаб муаммоларидан биридир .

XX аср тилшунослигининг – систем тилшуносликнинг бош, асосий мезони тил ва нутқ муносабати, тил ва нутқ ҳодисаларини, бирликларини фарқлаш бўлди⁸⁵.

Ушбу муаммо тарихига назар ташласак, проф Ҳ.Неъматовнинг маълумот беришича, тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаш дастлаб VII–IX асрларда шаклланган араб тилшунослигининг тил ўрганиш усулларида⁸⁶ кўриш мумкин. Проф.А.Нурмоновнинг тадқиқотида эса темурийлар даври ўзбек тилшунослигининг сардори бўлган Алишер Навоий асарларида тил ва нутқ ҳодисалари фарқлангани, аллома шу масалага алоҳида эътибор бергани қайд этилади.⁸⁷

Тил ва нутқ муаммоси умумий назарий тилшуносликнинг асосчиси бўлган Вильгельм фон Гумбольдтнинг тилдаги энергия (ҳаракат, жараён, куч) ва эргон (маҳсулот), тилшуносликдаги психологизм оқимининг асосчиси Г.Штейнтальнинг тилдаги «барқарор моҳият» ва «ҳаракатдаги кучлар», буюк назарий ва амалиётчи тилшунос Иван Бодуэн де Куртенэнинг «тилдаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик» ҳақидаги таълимотларида ҳам берилди⁸⁸.

Таъкидлаш шарт, тил ва нутқ диалектик муносабати ўзининг дастлабки ҳақиқий, мукамал илмий - назарий ечимини тилшунослик фанида кескин бурилиш ясаган буюк тилшунос олим Фердинанд де Соссюр асарларида топди.

Демак, тил ва нутқ масаласи нафақат систем тилшуносликнинг, умуман, жаҳон тилшунослиги фанининг ҳамма даврларидаги - ҳам диахрон, ҳам синхрон босқичларидаги энг жиддий назарий муаммоси бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Негаки, тилшуносликнинг ушбу ўта мураккаб ва ўта долзарб муаммосисиз нафақат назарий-умумий тилшуносликнинг, балки хусусий-амалий тилшуносликнинг ҳам қатор энг муҳим, асосий масалаларини тўлиқ, мукамал ва объектив ҳал қилиб

⁸⁵ Қар:Ҳ.Неъматов, Р.Расулов Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.,1995, 3-29-бетлар

⁸⁶ Қар:Ҳ.Неъматов,О.Бозоров.Тил ва нутқ .-Т, 1993,7-бет.

⁸⁷Қар: А.Нурмонов.Ўша асар, 73-80-бетлар.

⁸⁸ Қар:Ҳ.Неъматов,О.Бозоров.Ўша асар, 7-бет.

бўлмайди. Шунга кўра тил ва нутқ диалектикаси жаҳон тилшунослиги фанининг доимий муаммоларидан бири сифатида қолаверади.

Совет даври тилшунослигида, айниқса, 60 йиллардан бошлаб, тил ва нутқ масаласига алоҳида эътибор берилди бошланди. Аниқроғи, Ф. де Соссюр томонидан халқнинг алоқа қилиш, фикр ифодалаш воситасининг тил ва нутқ деб берилиши, буларнинг бир-биридан фарқланиши олимлар ўртасида фикрлар қарама-қаршилигини туғдирди.

Бир қатор олимлар тил ва нутқ ўзаро фарқланмайди, аслида фарқланмайдиган битта объект мавжуддир, тил ва нутқ бир нарса,⁸⁹ деса, бошқа бир қатор олимлар тил ва нутқни фарқлаш, албатта, керак, булар фарқланади,⁹⁰ деган ғояни илгари суради.

Хуллас, ҳозирда тил ва нутқни, тил ва нутқ ҳодисаларини, бирликларини фарқлаш умумтилшуносликда, шунингдек, ўзбек тилшунослигида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади.

Тил ва нутқ диалектикасида тил ўзига хос мураккаб тузилишга (структурага) эга бўлган бир бутун система сифатида фаолият кўрсатади. Демак, Ф. де Соссюр мутлақо тўғри таъкидлаганидек, тил системадир.⁹¹

Тил системасининг бир-бири билан узвий боғланган товуш томони, луғат таркиби, грамматик қурилиши мавжуд бўлиб, улар биргаликда бир бутунликни, системани ташкил қилади. Тилнинг систем характери аслида қайд этилган сатҳлар, қатламлар (яруслар) билан белгиланади, асосланади. Айни вақтда ушбу сатҳларнинг ҳар бири ўзига хос система-ички система бўлиб, тил системасининг таркибига киради. Демак, тил системалар системаси -суперсистема, макросистема сифатида жамиятга хизмат қилади, ижтимоий аҳамиятга эга бўлади, ижтимоий - амалий вазифа бажаради.

Тилнинг ижтимоий моҳияти жамиятда алоқа-аралашув қуроли бўлишида кўринади. Шунга кўра проф. С.Усмонов «Инсонлар орасидаги муносабат учун хизмат қиладиган нарса, албатта, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Чунки бундай муносабат, алоқа коллектив ичида-жамиятда воқе бўлади»⁹², дейди.

⁸⁹ Қар:В.М.Мыркин.Различные толкования соотношения:язык-речь //Иностранные языки в школе.1970.№1

⁹⁰ Қар:Б.В.Беляев.Психологические основы усвоения лексики иностранного языка.- М., 1964, 8-бет.

⁹¹ Ф.Де Соссюр. Труды по языкознанию, 120-бет.

⁹² С.Усмонов. Тил назариясининг баъзи бир масалалари Ўзбек тили ва адабиёти. Ж.1970. №2

Тилнинг материал моҳияти ҳақида фикр юритилганда, тилни белгилар системаси ёки семиотик система деб қараш ҳозирда тилшунос олимлар томонидан тўлиқ қабул қилинган. Масалан, проф. В.М.Солнцев «Тил типик семиотик ёки белгилар системасидир...»⁹³ деса, тилшунос Б.В.Косовский «тил ўзининг материал моҳиятига кўра белгилар системасини ёки семиотик системани ҳосил қилади»,⁹⁴ деб алоҳида қайд этади.

Хуллас, тил суперсистема-системалар системаси сифатида жамият учун тарихан мукамал яратилган, барчага бирдай хизмат қиладиган ва барча учун умумий бўлган, асосан, фикр ифодалаш, фикрни “моддий” қилиш учун ишлатиладиган алоҳида сўзлар, гаплар - нутқ бирликларидан, ифода воситаларидан, уларнинг ўзаро мантиқий боғланиши учун, нутқни қуриш учун хизмат қиладиган қонун-қоидалардан ташкил топади.⁹⁵

Тил ўзининг жамиятдаги коммуникатив (информатив, экспрессив, эмотив, волюнтатив ва б.) вазифасини қандай кўринишда, қандай «қиёфада», қандай шаклда амалга оширади?

Ижтимоий-психик жараён бўлган тил ўзининг жамиятдаги коммуникатив, умуман, ҳар қандай вазифасини нутқ шаклида, нутқ кўринишида, нутқ орқали амалга оширади. Нутқ тил системасининг сўзлашув, фикр алмашув жараёнидаги ёки ёзувдаги-матндаги муайян ифодасидир, кўринишидир, ҳолатидир. Шунга кўра С.Усмонов «Тил қачон маълум функцияни бажариши мумкин? Тил нутқ сифатида намоён бўлгандагина маълум функцияни бажариши мумкин»,⁹⁶ дейди.

Миямизда (онгимизда) объектив оламнинг таъсири туфайли ҳосил бўлган тушунчалар, тасаввурлар, турли хил фикрлар, демак, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тил (нутқ) орқали воқеа-нади. Яна ҳам аниқроғи, ҳар қандай фикрни ифодалаш, бошқалар билан алоқада бўлиш, фақат тил материали орқали амалга ошадиган реал, жонли нутқ жараёнида содир бўлади. Тил алоқа қу-роли, инсонлар орасидаги муносабат воситаси деб баҳоланганида тил материалига асосланган... нутқ кўзда тутилади⁹⁷.

Ички – психик жараён, ташқи-моддий воқеликка ўтар экан, айланар экан, бу ўтиш-жараён фақат нутқ асосида, яъни ҳамма вақт тил материалига суя-

⁹³ В.М.Солнцев. Знаковость языка и... теория познания. М.,1969, 212-бет.

⁹⁴ Б.В.Косовский. Общее языкознание.-Минск, 1969, 37-бет.

⁹⁵ Қўш.қар: Я.В.Лоя. Ўша асар, 139-бет. Ҳ.Неъматов. О.Бозоров. Ўша асар, 8-бет.

⁹⁶ С.Усмонов. Ўша мақола.

⁹⁷ С.Усмонов. Умумий тилшунослик -Т.,1972, 144-бет. Яна қар. Б.А.Серебренников. О материалистическом подходе к явлениям языка.-М., 1983.

надиган нутқ орқали амалга ошади. Нутқ учун эса асос (база) вазифасини тил бойлиги, тил материали ўтайди.

Тил материални С.Усмонов иккига бўлади:

1. Психик материал. Бу–сўз, морфема ва фонемаларнинг хотирадаги образи (қиёфаси).

2. Моддий материал. Бу–нутқ яратиш чоғида белгили товуш қобиғига эга бўлган, аниқ талаффуз қилинаётган сўзлар, морфемалар ва товушлар⁹⁸.

Демак, реал жонли нутқнинг реал тил бирликларидан ташкил топиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Қиёсланг. *Бизнинг давримиз бозор иқтисодиётига ўтиш давридир*, гапи реал нутқ бўлиб, у товуш материясига эга бўлган реал тил бирликларидан ташкил топади. Аниқроғи, ушбу гап: *биз, нинг, давр, и, миз, бозор, иқтисод, и, ёт, и, га, ўт, иш, давр, и, дир* каби аниқ тил бирликларидан-сўз (лексема) ва аффиксал морфемалардан таркиб топган. Бинобарин, мазкур гапни қайд этилган тил бирликларига-сўз (лексема) ва аффиксал морфемаларга ажратиш, аслида, уни реал тил бирликларига ажратишдир. «Аммо ажратишдан ҳосил бўлган ҳар бир элемент ўша нутқ ўтиб кетганидан кейин ўз материал қобиғини йўқотиб, маълум образлар сифатида доимий равишда хотирада сақланади. Хотирадаги бу элементлар энди моддий ҳодиса бўлмай, психик ҳодисадир. Психик ҳодисадан эса лозим бўлганида нутқ аъзоларининг фаолияти туфайли яна моддий ҳодиса ҳосил қилиш мумкин»⁹⁹.

Маълум бўлдики, психик ҳодиса билан реал нутқ орасидаги оралиқ ҳодиса хотирадаги реал тил элементларининг, тил бирликларининг нутқ тузиш вақтида талаффуз орқали рўёбга чиқариладиган реал эквивалентларидир.

Демак, хотирадаги тил элементларининг образлари нутқ фаолияти вақтида реал тил элементларига айланади. Зотан, реал элементлар аслида бирламчи бўлиб, уларнинг онгдаги (хотирадаги) образлари иккиламчидир ва улар реал элементлар туфайли ҳосил бўлади.¹⁰⁰

Тил «ташқи» жиҳатдан ҳам моддий, ҳам психик ҳодиса. Унинг моддийлиги-товуш материяси бўлса, психик ҳодисалиги хотирада сақланиш хусусиятидир. Тилнинг ижтимоий вазифаси моддийликда кўринади. Тилдаги моддийлик сўз, сўз бирикмаси ва морфемаларнинг товуш материясига ўралган-

⁹⁸ С.Усмонов. Ўша асар, 140-бет.

⁹⁹С.Усмонов. Ўша асар, ўша бет.

¹⁰⁰ С.Усмонов. Ўша асар,ўша бет.

лигида намоён бўлади. Худди шу хусусият тилдан ижтимоий мақсадда фойдаланиш имкониятини беради.¹⁰¹

Маълум бўлдики, тилдан фикр алмашув-коммуникация мақсадида фойдаланиш жараёни нутқдир. Ҳозирги вақтда нутқнинг тил материали орқали алоқа қилиш жараёни эканлиги тажриба йўли билан ҳам исботланган. Масалан, психолог В.А.Артемов «Экспериментал – фонетик ва экспериментал – психологик тадқиқотлар нутқнинг тил орқали алоқа қилиш жараёни эканлигига бизни ишонтирмоқда. Ҳозирда кўпчилик ... психологлар, методист ва тилшунослар ушбу фикрга келишган»¹⁰². Демак, тил нутқ орқали, нутқ эса тил материали орқали амалга ошади.

Академик И.П.Павлов томонидан иккиламчи сигналлар системаси деб ном олган тилнинг нутқ билан чамбарчас боғлиқлигини яна шундан ҳам билиш мумкинки, ҳар бир тил тарихий тараққиёт давомида, одамларнинг нутқ воситаси билан алоқа боғлаш жараёнида вужудга келади.

Тил ва нутқ ўртасидаги боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик яна қуйидагилардан ҳам маълум бўлади. Тил нутқ асосида ташкил топади ва нутқ орқали реаллашади. Тил бир вақтнинг ўзида ҳам асос, ҳам нутқ маҳсули. Тил алоқа учун материал берса, нутқ шу материалдан фикр шакллантиришдир.¹⁰³ Ф. де Соссюр айтганидек, тил бизга нутқ тушунарли бўлиши учун зарур бўлса, нутқ эса тилнинг тараққиёти, яшаши, шаклланиши учун зарур. Тарихий жиҳатдан нутқ фактлари тилдан олдин келади.¹⁰⁴

Шу ўринда проф. Б.А.Серебренниковнинг фикрини ҳам келтириш мақсадга тўла мувофиқдир. У таъкидлаганидек «...тил нутқ жараёнида фойдаланилади. Ҳар бир нутқ фаолиятида тил элементлари иштирок этади. Агар тил систем характерга эга бўлса, нутқ ҳам, тил элементлари асосида намоён бўлгандан кейи, систем характерга эга бўлади¹⁰⁵».

Бизнингча ҳам, нутқ системадир, систем характерга эгадир. Аммо у тилга нисбатан иккинчи даражали система бўлиб, тил системасига асосланади, ундан имконият сифатида фойдаланади. Тил системаси асосида нутқий система, нутқ фаолияти, фикрни ифодалаш системаси юзага келади. Шунингдек, нутқ (нутқий фаолият) фикрни ифодалаш жараёни экан, айни жараёнда иштирок этувчи бир-

¹⁰¹ С.Усмонов. Ўша асар, 142-бет.

¹⁰² В.А.Артемов. Психология обучения иностранным языкам.-М., 1969, 19-бет.

¹⁰³ С.Усмонов. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиш. Низомий номидаги ТДПИ нинг илмий асарлари.42-том.Т.,1963, 87-бет.

¹⁰⁴ Ф. де Соссюр.Ўша асар, 57-бет.

¹⁰⁵ Б.А.Серебренников. Ўша асар.

ликлар ўзаро мантикий, зарурий муносабатга киришиб, бир бутунликни-системани, масалан, нутқни, гапни ҳосил қилади. Қолаверса, нутқдаги – фикр ифодалаш жараёнидаги сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам, гап ҳам, матн ҳам ўзига хос микро ва макросистемалардир.

Тилнинг яшаши, мавжудлиги, тараққиёти нутқ орқали бўлади. Масалан, мен ўз нутқимда ўзбек тилидан фойдаланиб гапиряпман, демак, бу ўзбек тилининг мавжудлиги, унинг яшаётганлигидир. Демак, тилнинг ҳар бир аниқ кўри-ниши реал нутқдир, нутқ фаолиятидир.¹⁰⁶

Жонли нутқ ёки реал нутқ бу тилнинг мавжудлиги, унинг фаол ҳаракатидир.

Тил инсон хотирасида мавжуд лисоний (лингвистик) бирликлардан ва қо-идалардан иборат хазинадир¹⁰⁷. Нутқ эса ушбу бирликларнинг муайян қоида-лар асосидаги фаол ҳаракати, муайян ижтимоий вазифа бажариши, яъни нутқ жараён-дир, амалиётдир.

Тил ҳам, нутқ ҳам ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий характерга эга бўлган тил ва нутқ бири иккинчиси орқали амалга ошади, яъни тил нутқ орқали, нутқ эса тил орқали воқеланади, намоён бўлади.

Тил ва нутқ ўзаро алоқадор, бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайдиган, аммо бир-биридан фарқли бўлган ижтимоий ҳодисалардир. Демак, тил ва нутқ ўзаро боғлиқ бўлгани билан айнан бир хил нарса эмас. Психолог П.И.Иванов: «Биз бирор кишига: сиз қайси тилда (ёки тилларда) гаплашасиз деб савол берганимизда, биз шу кишининг нутқи, гапи билан унинг ўз нутқида қандай тил (ёки тиллар) дан фойдаланишини аниқ биламиз»¹⁰⁸, дейди.

Ҳар бир кишининг ўз нутқи бор ва нутқида бир ёки бир неча тилдан фой-даланиб гапиради. Шу билан биргаликда ҳар бир кишининг нутқи унинг ёшига, билимига, умумий маънавий-маданий савиясига қараб, ўзига хос ху-сусиятларга эга бўлади. Бундан эса нутқнинг индивидуал ҳодиса эканлиги келиб чиқади. Лекин биз юқорида тил ҳам, нутқ ҳам ижтимоий ҳодиса деган эдик. Гап шундаки, нутқ ҳақиқатан ҳам индивидуал. Нутқ индивидуал ўзи-

¹⁰⁶ Қар: Т.П.Ломтев. Язык и речь. Вестник МГУ.1964.№4, 68-бет.

¹⁰⁷ XXI аср ўзбек тилшунослигида, тил ва нутқ диалектикасида, тилнинг лисон деб аталувчи қисми, кўриниши ажратилиб, нутқдан фарқли ҳолда лисоннинг инсон хотирасида мавжуд тил бирликлари ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборатлиги таъкидланмоқда. Қар: SH.Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o'zbek tili T.2006.4-бет.

¹⁰⁸ П.И.Иванов Умумий психология –Т.1967, 294-бет.

нинг бажарилишига, содир бўлишига кўра, яъни у индивид, алоҳида киши томонидан амалга ошади. Аммо ўзининг вазифасига кўра эса нутқ ижтимоийдир.

Демак, нутқ – индивидуал деганда, унинг индивид – алоҳида шахс томонидан амалга оширилиши, бажарилиши кўзда тутилса, нутқ – ижтимоий деганда, унинг аҳамияти, вазифаси, оммавийлиги тушунилади.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тилни ҳам маълум маънода индивидуал дейиш мумкин. Чунки тил материали (элементлари, бирликлари) психикада, хотирамизда мавжуд. Шунинг учун ҳам С.Усмонов: «Тил элементлари жамият аъзоларининг хотирасида... мавжуд»¹⁰⁹, дейди.

Демак, тил индивидуал нутқ шаклида фаолият кўрсатади. Тил ва нутқ ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал. Тилдаги ижтимоийлик нутқ орқали намоён бўлади. «Тилдаги ижтимоийлик яширин, ички ҳодиса бўлса, нутқдаги ижтимоийлик ташқи, реал ҳодисадир»¹¹⁰.

Тил мавҳумдир, нутқ эса аниқдир, яъни нутқни эшитамиз, акустик қабул қиламиз ва кўрамиз (матнда). Нутқ доимо аниқ бўлиб, муайян ўринда (жойда) ва муайян вақтда юз беради. Нутқ сўзловчининг, тингловчининг ва предметнинг – фикр юритилаётган предметнинг мавжуд бўлишини талаб қилади.¹¹¹

Нутқ акти – ҳамма вақт ижодий акт. Чунки ҳар бир киши ўз фикрини муайян сўз, нутқ орқали ифодалаётганида ўзининг билимига, луғат хазинасига, ҳаёт тажрибаси ва маданий савиясига суянади.

Нутқ – ҳаракатчан, динамик, жонли бўлса, тил – статик, стабилдир.¹¹²

Нутқ – алоҳида шахсга, индивидга боғлиқ. Тил эса алоҳида шахсга, индивидга боғлиқ эмас.

Тилнинг ижодкори, яратувчиси халқ. А.А.Потебня айтганидек, тил халқнинг маҳсулидир. Нутқнинг эса ижодкори индивиддир, инсондир.

Нутқ баланд ва паст, тез ёки секин, узун ёки қисқа, мимикали ёки мимикасиз, кўл ҳаракати билан (жест) ёки кўл ҳаракатсиз, аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин, тилга эса бундай таъриф тавсифлар тўғри келмайди.

Нутқ ҳам монологик, ҳам диалогик бўла олади. Тил эса монологик ҳам, диалогик ҳам бўла олмайди.

¹⁰⁹ С.Усмонов. Ўша мақола.

¹¹⁰ С.Усмонов. Ўша мақола.

¹¹¹ С.Трубецкой. Основы фонологии. –М., 1960, 7-бет.

¹¹² В.А.Звегинцев. Теоретическая и прикладная лингвистика. –М., 1968, 105-бет.

Тил – алоқа куроли, нутқ – алоқа усули.

Тил – имконият, нутқ – воқелик, таъсирчанлик.

Тил – умумийлик, нутқ–хусусийлик, алоҳидалик.

Нутқ келиб чиқишига кўра бирламчи, яъни олдин нутқ – нутқ товушлари пайдо бўлган, тил эса иккиламчи, нутқ асосида шаклланган, ташкил топган.

Тил таҳлил қилиш йўли орқали, нутқ эса қабул қилиш ва тушуниш орқали билинади.

Тилнинг ҳаёти узоқ, халқнинг ҳаёти билан боғлиқ, нутқнинг ҳаёти эса қисқа, яъни айтилган вақтдагина мавжуд.

Тилнинг алоҳида вазифаси бўлган нутқ психология, тилшунослик (услугунослик, нутқ маданияти ва б.), физиология (нутқ аппаратининг тузилишини ўрганади), информация назарияси ва бошқа фанлар томонидан текширилади.

Тил – тилшунослик, фалсафа, мантик, тарих, семиотика ва бошқа фанлар томонидан ўрганилади.

Демак, жонли нутқ, нутқ фаолияти тилнинг мавжудлик ва тараққий қилиш шаклидир. Тилни нутқ фаолиятида-нутқда кузатганимиздагина унинг ижтимоий-амалий вазифа бажариш механизмини очиб бериш мумкин. Нутқ фаолиятидагина тил ва нутқнинг ўзаро таъсири, боғлиқлиги, алоқаси амалга ошади.

Тил ва нутқ орасидаги диалектик муносабат шундаки, нутқ фаолияти натижасида нутқ шаклланади. Нутқ эса тил бирликларидан тузилади ва тил бирликларига ажралиб кетади. Тил бирликлари яна нутқ фаолияти – фаоллиги учун хизмат қилади.

Тил инсон хотирасида мавжуд лисоний бирликлар ва қоидалардан иборат хазина. Нутқ эса ушбу хазинани бойитувчи, ҳаракатга келтирувчи, унинг куч-қувватини, қудратини, қандай имкониятларга эгаллигини кўрсатувчи, намоён қилувчи воқеликдир, жараён дир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Систем тилшуносликнинг бош мезони нима?
2. Тил системами?
3. Тилнинг ижтимоий моҳияти нимада кўринади?
4. Тилнинг моддийлиги нимада кўринади?
5. Тилнинг жамиятдаги вазифаси қандай кўринишда амалга ошади?
6. Нутқ системами?

7. Нутқнинг ўзига хосликлари нималарда кўринади?
8. Тил ва нутқ диалектик муносабатини қандай тушунасиш?

Асосий тушунчалар:

1. Тил – имконият сифатида алоқа аралашув, фикр алмашув қуроли.
2. Нутқ – воқелик, жараён сифатида алоқа, фикр алмашув усули.
3. Систем тилшунослик – тилни система сифатида ўрганувчи тилшунослик.
4. Диалектика – қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни.
5. Система – ўзаро зарурий боғланган қисмлардан иборат бутунлик.
6. Семиотика – белгилар назарияси ҳақидаги фан.
7. Коммуникация – алоқа.

Адабиётлар:

1. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. – М., 1968.
2. Б.В.Косовский. Общее языкознание. – Минск, 1969.
3. С.Усмонов. Тил назариясининг баъзи бир масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти, ж. 1970. №2.
4. В.М.Солнцев. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971.
5. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. – Т., 1972.
6. Ф.де Соссюр. Труды по языкознанию. – М., 1977.
7. А.Т.Хроленко. Общее языкознание. – М., 1981.
8. Ҳ.Неъматов. О.Бозоров. Тил ва нутқ. – Т., 1993.
9. Ҳ.Неъматов. Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., 1995.
10. Р.Расулов. Умумий тилшунослик. 1-қисм. (Тилшунослик тарихи). – Т., 2005.
11. Р.Расулов. Умумий тилшунослик. 2-қисм (Тилшуносликнинг назарий масалалари). – Т., 2006
12. SH.Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Т., 2006.
13. Р.Расулов. Умумий тилшунослик. – Т., 2007.

IV. СУБСТАНЦИЯ ВА ФОРМА

Диалектик фалсафа ўз қонун ва категориялари билан объектив воқеликни илмий билиш жараёнида бирдан-бир методологик асос бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра деярли барча фанлар диалектиканинг қонун ва категорияларига суянади, ундан қувват олади, унга асосланади. Бу эса дунёни билиш жараёнининг объективлигини, ҳаққонийлигини таъминлайди.

Диалектик категориялар объектив воқеликка – табиат ва жамиятга тегишли бўлган предмет, нарса, ҳодиса ва жараёнларни, улар ҳаракатининг умумий қонуниятларини, ўзаро алоқадорлиги, тузилиши, ривожланиши, белги, хусусиятлари кабиларни акс эттиради. Демак, субстанция ва форма диалектик фалсафанинг энг фаол категорияларидан бири сифатида намоён бўлади.

Субстанция, яъни моҳият кенг маънодаги предметларни – предметларнинг энг муҳим ички жиҳатларини, хусусиятларини, уларда содир бўлаётган жараёнларни қайд этади.

Субстанциянинг ажралмас зид жуфти бўлган форма, яъни шакл (ёки ҳодиса) предметларни – предметларнинг кўринишини, бевосита кўзга ташланиб турган ташқи томонини акс эттиради. Аниғи, шакл (ҳодиса) муайян моҳиятнинг муайян қиёфасини, турли кўринишларда таъсир қилувчи, намоён бўлувчи ва шунга кўра ажралиб турувчи жиҳатини ифодалайди.

Моҳият ва шакл (ҳодиса) ўзаро боғлиқ бўлиб, предметларнинг ички ва ташқи томонини характерлайди. Моҳият – ички, яширин, шакл (ҳодиса) эса ташқи, реалдир. У моҳиятнинг моддий кўриниши, қобиғидир.

Моҳият ҳодисалардаги – бир турдаги предметлардаги умумийлик бўлса (масалан, барча ҳикояларнинг, соатларнинг, қаламларнинг моҳияти битта, умумий), ҳодиса хусусийликдир, ягоналикдир (масалан, умумийлик бўлган моҳият турлича шаклга, кўринишга, ҳажмга эга бўлган ягонани, алоҳидани акс эттиради. Қиёсланг: соат, калит, булут, сув)

Ҳодиса динамикроқ, ўзгарувчанроқ, моҳият эса статикроқ, ўзгармасроқ, доимийроқдир.

Фалсафий жиҳатдан моҳият ҳодисани белгилайди, унинг мағзи, асоси бўлиб, у ҳодисани, предметни предмет қилувчи, ижтимоий аҳамиятга эгаллигини таъминловчи ҳисобланади.

Шакл (ҳодиса) предметнинг мавжуд бўлиш усули, моҳиятнинг элементларини бир бутунликка боғлайдиган нарсадир. Форма предметнинг борлигини, нима эканлигини кўрсатиб туради.

Моҳият предметнинг белги ва хусусиятларида кузатилади. У предметнинг ички жиҳатдан қандайлигини ифодалайди.

Фалсафадаги моҳият ва ҳодиса диалектикаси тилшуносликда – тил ва нутқда, тил ва нутқ бирликларида (элементларида) шакл ва мазмун муносабатида кузатилади, ифодаланади. Бинобарин, фалсафадаги моҳият ва ҳодиса муносабати тил фактларида шакл ва мазмун муносабатининг фалсафий асоси – методологик асоси бўлиб, айна муаммо тилшуносликда XIX асрнинг бошларида ўртага ташланди.

Тил ва нутқ муаммосидан бизга маълумки, ушбу ижтимоий-психик, ижтимоий – индивидуал ҳодисалар ўзаро боғланган, ўзаро муносабатдаги жараёнлардир. Айтмоқчимизки, тил ва нутққа ҳам шакл ва мазмун категорияси бевосита хос бўлиб, у лисоний ҳодисалар, бирликлар таҳлилида, тадқиқида фаол қўлланилади.

Тилшуносликда – тил системасида шакл, одатда, лисоний бирликларнинг моддий томони, ташқи – ифодаловчи товуш томони билан; мазмун эса тил бирликларининг ички томони, маъноси, ифодаланувчи томони билан боғланади.

Тил ва нутқ бирликларининг шакли ва мазмуни ўртасидаги боғланиш шартли – ижтимоий характерга эга бўлади. Чунки бундай боғланишлар жамият томонидан тайёр ҳолда олинади. Аниқроғи, жамият аъзолари тил бирликлари орасида қайд этилган боғланишларни авлодлардан тайёр ҳолда қабул қилади, ўрганади. Уларни қандай ҳолда олган бўлсалар, шундай ҳолда ишлатади, қўллайди, акс ҳолда жамият уни қабул қилмайди ва унга тушунмайди. Қиёсланг: (и) ҳарфини «и» сифатида талаффуз этиш, (-) бу белгини – айриш аломати, буни (х) кўпайтириш белгиси, ушбу рақамларни (1, 10, 100, 1000, 1000000) бир, ўн, юз, минг, бир миллион деб тушуниш вақтидаги шакл ва мазмун боғланиши ижтимоий (шартли) боғланиш ҳисобланади. Демак, бундай боғланишлар, муносабатлар жамият томонидан – авлодлардан шу ҳолда қабул қилинган. Шунга кўра жамият аъзолари ушбу боғланишларни, алоқаларни шу ҳолатда олади, ўрганади ва қўллайди. Демак, кейинги авлод уларни қандай қабул қилган бўлсалар, худди шундай ишлатади, акс ҳолда уни қабул қилмайди ҳам, тушунмайди ҳам.¹¹³ Шундай боғланиш диалектик боғланиш, муносабат бўлиб, у ижтимоий (шартли) боғланиш сифатида мавжуддир.

¹¹³ Қар: Ҳ. Неъматов, Р. Расулов. Ўша асар, 31-бет.

Тил системасида тил ва нутқ, тил ва нутқ бирликлари шакл ва мазмун муносабатига кўра алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Тил ва нутқ бирликлари бўлган товуш, фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн ва бошқалар заруран шакл ва мазмун муносабатини ўзида ташийди, акс эттиради.

Муайян бирлик бўлган товуш – фонема шакл ва мазмун нуқтаи назаридан бошқаларидан фарқли ўзига хосликка эга, яъни товуш – нутқ товушлари, фонемалар алоҳида, айрим – айрим олинганда шакл (форма) бўла олмайди.¹¹⁴ Айтмоқчимизки, сўзларнинг ташқи томонини, шаклини ҳосил қилувчи алоҳида – алоҳида товушлар ўзича, яқка ҳолда тилнинг фақат материали, моддий бирлиги, материяси ҳисобланади.¹¹⁵ Айни вақтда, таъкидлаш лозимки, тил системасида товуш томон муҳимлиги, асосийлиги билан ажралиб туради. Чунки товуш бўлмаса муайян бирлик, масалан, сўз (сўз шакли) мавжуд бўлмайди, «яратилмайди». Сўз ўзининг товуш асоси туфайли нутқда ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Товуш сўзни тингловчи учун моддий ҳодисага, «борлиққа», воқеликка айлантиради.¹¹⁶

Тил (нутқ) бирлиги бўлган сўзда – лексемада эса шакл ва мазмун муносабати товушга нисбатан бошқача – мукамал, аниқ, тўлиқ ифодаланади. Сўз (лексема) шаклга ҳам, мазмунга ҳам – ҳар икки жиҳатга эга бўлган лисоний бирликлар – тил ва нутқ бирликлари сифатида муайян микросистемани ҳосил қилади. Демак, сўз-лексема шакл ва мазмундан иборат белгидир, бирликдир.

Систем тилшуносликда лексеманинг (тил бирлигининг) шакл томони (ташқи-моддий томони) нолема, лексеманинг мазмун томони (маъноси, сигнификати, ички томони) эса семема терминлари билан аталади.¹¹⁷

Хуллас, сўз-лексема муайян мазмуннинг, маънонинг, семеманинг шакли, формасидир. Шунингдек, морфемалар (ўзак ва аффикслар) ҳам муайян маънони, мазмунни ифодалаш шакли (формаси) ҳисобланади. Бунда ўзак морфема лексик маънонинг, аффикс морфема эса грамматик маънонинг формаси, ифодаловчиси бўлиб келади. Демак, морфемалар ҳам шакл ва мазмун муносабатини ўзида ташийди.

¹¹⁴ Нутқ товушлари айрим ҳолда тилнинг-лисоний бирликларнинг шакли (формаси) бўлмаса ҳам психикада- хотирадаги товуш образларига нисбатан шаклдир (формадир).

¹¹⁵ Қар: С.Усмонов. Ўша асар, 154-бет.

¹¹⁶ Қар:С.Усмонов. Ўша асар, 155-бет.

¹¹⁷ Қар:Ҳ.Неъматов. Р.Расулов. Ўша асар, 54-бет.

Нутқ бирликлари бўлган сўз бирикмаси, гап ва матнлар ҳам шакл ва мазмун муносабатини ўзида мукамал акс эттиришига кўра фикр ифодалашда – фикр алмашиш жараёнида фаол бирликлар ҳисобланади.

Демак, муайян маъно, тушунча ифодаловчи тил (нутқ) бирликларининг моддий-товуш томони шаклни (формани) ҳосил қилса, муайян маъно, тушунчалар тил (нутқ) бирликларининг мазмунини, шаклнинг (форманинг) ички томонини, моҳиятини ташкил қилади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Субстанция нима?
2. Форма нима?
3. Тилда (нутқда) шакл (форма) нимани англатади?
4. Тилда (нутқда) мазмун (моҳият, субстанция) нимани англатади?
5. Тил ва нутқ бирликларига шакл ва мазмун хосми?

Асосий тушунчалар:

1. Субстанция – моҳият.
2. Форма – шакл.
3. Шакл – лисоний бирликларнинг товуш (ташқи) томони.
4. Мазмун – лисоний бирликларнинг маъно (ички) томони.

Адабиётлар:

1. Н.И.Кондаков. Логический словарь. – М., 1971.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. – Т., 1972.
3. Философиядан қисқача луғат. – Т., 1973.
4. Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., 1995.

V. СИСТЕМА ВА СТРУКТУРА

Назарий тилшуносликнинг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бўлган система ҳамда структура муносабатида система бутунлик – бир бутун, яхлит объект сифатида қабул қилинади. Структура эса системанинг – бутунликнинг таркибий қисми бўлган, системани система қилувчи бир-бири билан зарурий боғланган элементлар, бўлақларнинг ўзаро боғланиш тартиби, чизмаси сифатида воқеланади. Бошқача айтганда, система элементлардан – қисмлардан, бўлақлардан иборат бутунлик бўлса, структура ўзаро боғлиқлик, ички алоқатузилиш, қурилиш демакдир. Структура системани – бир бутун объектни ташкил қилган элементлар, қисмлар орасидаги ички алоқа, муносабатлардир. Аниғи, система – бутунлик, структура– қисмлилик. Система – умумийлик, структура – хусусийлик. Система элементлар алоқасининг, боғлиқлигининг тугалланган нуқтаси, яхлитлиги. Структура – элементлар алоқасининг бошланғич нуқтаси, уларнинг дастлабки қатор ички боғланиши, муносабати. Система синтетик, структура аналитик тушунчалардир.

Система элементлари орасидаги муносабатларнинг жами унинг – системанинг структурасини ҳосил қилади.

Демак, система ва структура терминлари синоним тушунчалар бўлмай, ҳар бири ўзига хос хусусиятларига, жиҳатларига кўра ўзаро фарқланади, нисбий мустақил ҳисобланади. Система ва структура ўзаро диалектик боғлиқ бўлган фалсафий категориядир.

Система ва структура муносабатида бир бутун объект ва шу объектнинг тузилишини таъминловчи, унинг таркиби (атрибути) бўлган элементлар, қисмлар аниқ, объектив намоён бўлади. Шунга кўра ҳар бир система унда элементлар, қисмлар мавжудлигига ва ажралишига кўра алоҳида ҳисобланади.

Аниғи, алоҳидалиқ ҳар қандай системанинг энг муҳим хусусиятидир.¹¹⁸

Қиёсланг, *қуёш системаси, ўсимликлар системаси, тирик организмлар системаси, транспорт системаси, таълим системаси, тарбия системаси* ва бошқалар.

Система муайян бутунлик, объект сифатида элементларни, қисмларни, бўлақларни ва уларнинг ўзаро алоқасини ўз таркибига олса, структура айни объектнинг, бутунликнинг ички тузилиши, тартиби, ташкил топиши сифатида фарқланади.

¹¹⁸ Қар: В.М. Солнцев. Язык как системно-структурное образование, 11-бет.

Проф. В.М.Солнцев: 1) элементлар, қисмлар ва уларнинг ўзаро алоқалари категорияни – системани ёки бир бутунлик сифатидаги объектни ташкил қилади; 2) ички алоқаларнинг жами, йиғиндиси категорияни – системанинг, бутунликнинг атрибути сифатида структурани ҳосил қилади,¹¹⁹ дейди. Демак, система элементлари, қисмлари ва система структураси биргаликда системани юзага келтиради.

Хуллас, система ва структура тушунчалари, айтилганидек, ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳар бири ўзига хос томонлари, жиҳатлари ва хусусиятлари билан мустакил бўлади, нисбатан ажралиб туради.

Система ва структура тушунчалари табиат ва жамият билан боғлиқ жараёнларга, предмет ва ҳодисаларга хослиги, кенг қамровлилиги, мураккаблиги, объектив борлиқни илмий-назарий, фалсафий ўрганиш ҳамда тушунишда етакчилик қилиши билан фан оламида қудратли категория сифатида хизмат қилади.

Объектив борлиқ системалардан иборат экан, айтишимиз системаларни моҳиятан икки асосий турга, гуруҳга ажратиш мумкин: а) материал системалар; б) идеал системалар.

Материал (моддий) системалар ўзаро муносабатдаги муайян материал элементлардан иборат системалардир. Материал системалар белги ва хусусиятларига кўра чексиз, турличадир. Чунки бу системани ҳосил қилувчи элементлар ва айтишимиз элементлар орасидаги алоқа ва муносабатлар чексиз, турли-тумандир.

Моддий система сифатида, масалан, тошни, бинони, дарахтни олиш мумкин. Тошда элементлар – молекулалар модданинг шу модда асосий кимёвий хусусиятларига эга бўлган энг кичик зарраси; молекула ўзаро кимёвий боғланган бир хил ёки турлича атомлардан иборат бўлади (атом кимёвий элементнинг энг майда зарраси). Атом ядродан ва электронлардан тузилган мураккаб система бўлиб, атом ядросининг ўзи эса протон ва нейтронлардан иборат ва улар орасида алоқалар (молекуляр алоқалар) мавжуд.

Ҳар қандай материалдан тайёрланган иншоот, қурилма, иморат, бинони материал система деб ҳисоблаш мумкин. Чунки у ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан, бўлақлардан ташкил топади.

Ҳар қандай жонли организмни материал система деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, одамларнинг тартибга солинган қўшилмалари-ҳарбий қўшилма,

¹¹⁹ В.М.Солнцев. Ўша асар, 26-бет.

бўлинма-разведка бўлинмаси, ўқчи бўлинма, спорт бўлинмаси¹²⁰ ва бошқалар ҳам ўзига хос моддий системадир.

Таркибий қисмларга ажралувчи, тартибга солинган ҳар қандай объект материал система сифатида олиниши мумкин.

Системани ташкил қилган моддий элементларнинг йиғиндиси шу системанинг моддий асосини (субстанциясини) ҳосил қилади. Бошқача айтганда, материал системанинг моддий асоси (субстанцияси) системанинг элементларидан иборат бўлади. Шунга кўра материал системанинг элементлари ҳақида гапирганда, муайян маънода, унинг субстанциясини, субстанция ҳақида гапирганда эса унинг (материал системанинг) элементларини назарда тутиш мумкин. Аммо субстанция ва элемент тушунчалари бир хил эмас.¹²¹

Материал системалар бирламчи материал системалар деб номланади. Улар кишилар фаолиятига кўра (масалан, машина, бино) ёки уларнинг фаолиятисиз-фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда (масалан, юлдузлар системаси, ер системаси) пайдо бўлади.

Материал системалардан фарқли идеал системалар ҳам мавжуд. Улар шундай системаларки, бу системаларнинг қисмлари, элементлари идеал ҳодисалардир, яъни ўзаро муайян муносабатлар билан боғланган муайян ғоя, тушунча ёки фикрлардир.

Идеал система сифатида у ёки бу асар ғоялари системасини, у ёки бу фан тушунчалари системасини олиш мумкин.

Идеал системалар материал системалардан фарқли ҳолда ҳамма вақт кишиларнинг фаолиятига, аниғи, уларнинг фикрий фаолиятига кўра юзага келади. Улар муайян (бирор) моддий субстанциядан–асосдан ташқарида мавжуд бўлмайди.

Идеал системалар материал субстанция, яъни инсоннинг мия аъзосимиянинг фикрлаши орқали ҳосил бўлади ва материал субстанцияда (ҳар қандай материяда) мустаҳкамланади, «қотирилади».

Идеал система (тушунча ёки ғоялар системаси) ахборотнинг (информация)- семантик информациянинг кўринишларидан, турларидан бири бўлган системадир. У бирор бошқа материал субстанцияда (уни ўзида ташувчида) мустаҳкамланади.

Демак, айтилган фикрлардан маълум бўлдики, идеал системаларни ўзида сақловчи ёки ташувчи махсус, алоҳида материал системалар мавжуд. Ушбу

¹²⁰ В.М.Солнцев. Ўша асар, 13-бет.

¹²¹ В.М.Солнцев. Ўша асар, 14-бет.

материал системалар нима? Улар нималардан ташкил топади? деган мантикий савол туғилади.

Бундай системалар, аниғи, материал системалар иккиламчи материал системалар деб номланиб, улар семантик информацияни (ғоялар, тушунчалар системасини) ўзида мустаҳкамлаш, сақлаш, қайд этиш ва ифодалаш воситаси сифатида фақат инсон фаолияти туфайли юзага келади. Улар-иккиламчи материал системалар тушунча ёки ғояларни бир инсондан бошқасига етказиш, бериш, кишиларнинг ўзаро фикр алмашиш воситаси сифатида юзага келади. Бундай системалар белгилар системаси ёки семиотик системалар деб юритилади. Тил ана шундай системага–белгилар системаси ёки семиотик системага киради.

Иккиламчи материал системаларнинг элементлари (бирликлари) белги сифатида, яъни моддий элементлар сифатида ўзича эмас, балки ўзидан ташқаридаги бирон нарса-предметни ифода этишига, англатишига кўра аҳамиятга эга бўлади. Бу барча иккиламчи моддий системаларнинг умумий хусусияти бўлиб, шунга кўра улар семиотик бирликлар ёки белгилар деб юритилади.

Демак, иккиламчи материал системаларнинг материал субстанцияси бирор идеал системани ўзида қайд этиш, «акс этти-риш», мустаҳкамлаш вазифасини бажаради. Бу мустаҳкамлаш кишилар фаолияти орқали амалга ошиб, системанинг алоҳидалигига (дискретлигига) кўра шундай юз беради.

Жамият муайян тушунча ёки ғоялар системасини (семантик информация системасини) ўзида сақлаш ва ифодалаш вазифасига эга иккиламчи моддий (материал) системалардан – моддий элементлардан ижтимоий – амалий мақсадлар учун фаол фойдаланади.

Иккиламчи материал системалар муайян хусусиятларга, жиҳатларга эга бўлиб, бу хусусиятлар, айтилганидек, уларнинг – ушбу материал системаларнинг субстанциал табиатига хос бўлмайди, уларда бевосита, моҳиятан мавжуд бўлмайди. Масалан, қизил ранг ўзича ман қилиш, кўк ранг ўзича рухсат бериш хабарини ифодалайди. Уларга кўча ҳаракатларини бошқариш сигналлар системасининг ман этиш ва рухсат бериш ахбороти юклатилган, шундай вазифа берилган, «буюрилган».

Идеал системанинг бирор кўринишига, хилига (объектига) иккиламчи материал системанинг бирор объекти мувофиқ келади: юришга рухсат ахбороти (идеал системага) кўк ранг материал объекти; ўрин, чиқиш ахбороти – г а, - д а н; кўплик информациясига – л а р каби моддий–тил бирликлари

тўғри келади.

Иккиламчи моддий системалар моддий асосининг (субстанциясининг) биринчи вазифаси ғоя, фикр, тушунча ифодалашдан иборатдир. Иккиламчи материал системалар материал субстанциясининг иккинчи энг муҳим вазифаси идеал системалар (тушунча, ғоя, фикрлар) элементларини ўзаро дифференциация қилишда, фарқлашда кўринади.¹²²

Тилда ҳам худди шундай. Масалан, *билан* сўзининг тилда кўмакчи ёки боғловчи сифатида қўлланиши унинг физик, субстанциал хусусиятига боғлиқ эмас, унинг моҳиятидан келиб чиқмайди: *олма билан анор*. Балки бундай хусусият (кўмакчи, боғловчи бўлиш) унга юклатилган, «ёзиб қўйилган» ва бу хусусият ижтимоий амалиёт орқали мустаҳкамланган.

И.П.Павлов таълимоти бўйича инсон объектив борлиқни икки хил йўл билан қабул қилади: 1) предмет - ҳодисаларнинг киши сезиш (эшитиш, кўриш, таъм билиш) аъзоларига бевосита таъсири орқали – биринчи сигналлар системаси ва 2) сўзларнинг таъсири орқали – иккинчи сигналлар системаси.

Биринчи сигналлар системаси инсонларга ҳам, ҳайвонларга ҳам тегишли бўлса, иккинчи сигналлар системаси фақат инсонга хосдир. Демак, тил иккиламчи белгилар системаси сифатида жамиятга хизмат қилади.

Хуллас, тил ўзига хос структурага (тузилишга) эга бир бутун системадир. Тил ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган моддий бирликларнинг йиғиндисидан ташкил топган, ўзига хос қурилишга эга бўлган мураккаб системадир.

Тил системасини ташкил этган лисоний бирликлар, уларнинг ўзаро муносабати, бир-бири билан боғланиш қонун-қоидалари тилнинг структурасини ташкил этади.

Тил системаси структурасига кўра жуда мураккаблиги, кўп сатҳлиги (яруслиги) билан ажралиб туради. Тилнинг бир-бири билан узвий боғлиқ фонетик томони, лексикаси, морфологик ва синтактик қурилиши-структура қатламлари бўлиб, булар биргаликда, диалектик боғлиқликда «яшайди», бир бутунликни ташкил қилади, тил системасини тузиб, унинг мавжудлигини (объективлигини) таъминлайди.

Тилнинг ҳар бир бирлиги, элементи бутунликнинг қисми сифатида система таркибига киради. У тил системасининг бошқа бирликлари ва элементлари билан бевосита ёки бавосита тил категориялари орқали боғланган бўлади.

¹²² В.М.Солнцев. Ўша асар, 19-бет.

Тил системаси тузилишига кўра ҳам, вазифасига - қўлланиши ва ривожланишига кўра ҳам мураккаб ҳамда кўп тармоқлидир.¹²³

Тил системасининг ҳар бир сатҳи: фонетик, лексик, грамматик яруслари ўзига хос система бўлиб, улар ҳам муайян қисмлардан, структурал элементлардан – моддий бирликлардан ташкил топади, муайян ижтимоий вазифа бажаради. Демак, айтилганларга кўра тилни системалар системаси деб айтиш мантиқан тўғридир. Тил системаси сатҳларига - ички системаларига нисбатан макросистема бўлса, унинг ички яруслари-сатҳлари унга нисбатан микросистема сифатида намоён бўлади.

Хуллас, фалсафий маънода ҳар қандай макросистеманинг ички қурилиши, ташкил топиши микросистемалардан иборат бўлади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Система нима?
2. Структура нима?
3. Система ва структура орасидаги диалектик муносабатни қандай тушунасиз?
4. Моддий система нима?
5. Маънавий система нима?
6. Тил системами ёки структурами?

Асосий тушунчалар:

1. Система – қисмлардан иборат бутунлик, бир бутун, яхлит объект, умумийлик.
2. Структура – системани ташкил қилган қисмлар (бўлақлар) ва уларнинг ички алоқаси, боғланиш тартиби; тузилиши, қурилиши; хусусийлик.
3. Материал система – моддий система, ўзаро боғланган муайян моддий компонентлардан, бўлақлардан иборат система; таркибий қисмларга ажралувчи бир бутун объект (масалан, иншоот, дарахт, машина, бино).
4. Идеал система – тушунчалар, ғоялар системаси; идеал системанинг қисмлари: ғоялар, тушунчалар, фикрлардир (масалан, муайян асар ғоялари, бирор фан тушунчалари).
5. Иккиламчи материал система – белгилар системаси, семиотик система,

¹²³ Қар: В.И.Кодухов.Общее языкознание, 133-бет.

Адабиётлар:

1. О.С.Ахманова. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966
2. Б.И.Косовский. Общее языкознание.–Минск, 1969.
3. В.М. Солнцев. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971.
4. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. – Т., 1971.
5. Н.И. Кондаков. Логический словарь. – М., 1971.
6. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М., 1972.
7. В.И.Кодухов. Общее языкознание. – М., 1974.
8. Ю.С.Степанов. Основы общего языкознания. - М., 1975.
9. Д.Э. Розенталь, М.А.Теленкова. Словарь справочник лингвистических терминов. – М., 1976
10. А.Г.Хроленко. Общее языкознание. – М., 1981.
11. Р.Расулов. Умумий тилшунослик. 1-қисм. – Т., 2005.
12. Р.Расулов. Умумий тилшунослик. – Т., 2007.

VI. ТИЛНИ ИНФОРМАЦИЯ НАЗАРИЯСИГА КЎРА КОД БИЛАН ТЕНГЛАШТИРИШ

Информация назарияси математика фанининг нисбатан мустақил, алоҳида аҳамиятга эга бўлган тармоғи, соҳаси сифатида мавжуд. У статистика¹²⁴ фани билан боғланиб, алоқа системалари орқали информацияни узатиш жараёнини ўрганади. Аниқроғи, информация назарияси (информатика) информацияни узатиш ва сақлашнинг мазмун томонини эмас, балки унинг статистик қурилиши билан шуғулланади, қизиқади, яъни информация назарияси ахборот матнини статистик структура сифатида ўрганади.

Статистик структура ахборотдаги сигнал (символ) ва сигналлар бирлашувининг воқеланиш частотаси – сони, миқдори сифатида тушунилади.

Сигналнинг кўп марта такрорланишида сигнал орқали узатиладиган ахборотнинг миқдорини аниқлаш жуда муҳимдир.

Демак, информация назарияси муайян ахборотдаги маълумотларни ушбу маълумотларнинг табиатига – мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда миқдорини ўлчаш (текшириш) йўллари, усуллари ишлаб чиқади. Шунга кўра информация назариясининг муҳим ва асосий хулосалари тилшуносликда ҳам ўз ифодасини топади.

Информация назарияси маълумотларни ўрганиш жараёнида махсус терминлардан – тушунчалардан фойдаланади. Булар қуйидагилар:

1. Код – ахборотни ёзиб олиш воситаси (усули).
2. Матн (текст) – муайян ахборотни бериш, узатиш жараёнидаги белгиларнинг (тил бирликларининг, символлар-нинг) изчиллиги, кетма - кет келиши.
3. Канал – ахборот берилувчи, узатилувчи муҳит, шароит.

Тилни информация назариясига кўра юқорида қайд этилган учта тушунчалардан қайси бири билан тенглаштириш, қайси бири билан «баҳолаш» мумкин?

Тилни код билан тенглаштириш, код билан параллел қўйиш мумкин. Чунки код, айтилганидек, ахборотни ёзиб олиш усули, воситаларидан биридир. Демак, тил – тилнинг ҳар бир белгиси (тил бирликлари) код сифатида муайян ахборот ташийти, узатади, етказди. Бинобарин, айти

¹²⁴ Статистика- кишилиқ жамияти ва халқ хўжалиги тараққиётидаги сон жиҳатдан бўладиган ўзгаришларни сифат томони билан боғлиқ ҳолда илмий ва амалий ўрганадиган фан.

вақтда, ушбу ахборотни ҳисоблаб чиқиш, статистик маълумот тўплаш мумкин.

Хуллас, тил информация назариясига кўра код сифатида намоён бўлади. Тил орқали фикр алмашиш жараёнида ифодаланадиган, бериладиган ахборотларни статистик таҳлил қилиш, маълумот тўплаш зарур ва муҳимдир.

VII. СЕМИОТИКА

Семиотика (ёки семиология)¹²⁵ белгилар системаси ҳақидаги фан бўлиб, у белгилар системасига хос бўлган умумий хусусиятларни, жиҳатларни ўрганади. Семиотика белгилар назарияси ҳақидаги таълимот сифатида белгиларни, белгилар системасига кирувчи ходисаларни, уларнинг табиати, моҳияти, турлари, кўринишлари, амал қилиши кабиларни текширади.

Семиотика, айтилганидек, белгилар назарияси ҳақидаги таълимот бўлиб, унинг муайян йўналиши сифатида тилшунослик ва семиотиканинг ўзаро мақсадли алоқага, муносабатга киришишидан тилшунослик фанининг лингвосемиотика деб аталувчи соҳаси шаклланди. Демак, тил иккиламчи белгилар системаси сифатида семиотиканинг – лингвосемиотиканинг текшириш объекти ҳисобланади, яъни лингвосемиотика тилнинг белги табиатига эгалигини, информация узатувчи тил бирликларининг хусусиятларини тадқиқ қилади.

Маълумки, тил – тил (нутқ) бирликлари (лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап ва бошқалар) муайян белгилар сифатида маъно, тушунча, фикр ифодалайди. Улар маъно, тушунча, фикр кабиларнинг симболи (рамзи) ёки белгиси бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра Фердинанд де Соссюр тил ғоя, фикр ифода этувчи белгилар системасидир, дейди.

Семиотиканинг текшириш объекти жамият томонидан фаол қўлланадиган белгилар системаси бўлиб, улар инсон пайдо бўлибдики, жамиятга хизмат қилади. Бошқача айтганда, белгилар системаси ҳам жамият каби қадимийдир. Демак, белгилар системаси жамият билан бирга пайдо бўлиб, жамият билан бирга «қадам ташлайди». Чунки улар инсон фаолияти туфайлигина ҳосил бўлади; шу фаолият орқали ҳаракатга келади, муайян вазифа бажаради, инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

¹²⁵ Семиотика грекча семион, семиология грекча сема ва логос сўзларидан иборат бўлиб, белги ва таълимот, тушунча демакдир.

Маълум бўлдики, семиотика белгилар ҳақидаги, белгилар назарияси ҳақидаги кенг қамровли назарий – фалсафий фан бўлиб, тилни белгилардан иборат бутунлик сифатида ўрганади. Чунки тил бирликлари, тилнинг таркибини ташкил қилувчи структурал элементлар – морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн ва бошқалар муайян информацияни бериш, етказиш – ижтимоий вазифани бажариш учун хизмат қилувчи белгилар системаси сифатида тадқиқ қилинади. Шунга кўра тил жамиятда мавжуд бўлган бошқа белгилар билан умумийликка, ўхшашликка эга бўлади. Шунга кўра тил семиотика фанининг – лингвосемио-тиканинг тадқиқ қилиш, ўрганиш объектига айланади.

Тилнинг табиатини, моҳиятини, жамиятдаги ўрни ва ролини билиш учун уни фақат у ёки бу тил билан қиёслашнинг ўзигина етарли бўлмайди. Аниқроғи, тилни-тил системаси таркибидаги турлича бирликларни, белги деб олинган элементларни бошқа белгилар – нолисоний белгилар системаси билан ҳам, жамиятга фаол хизмат қилаётган рамзлар (знаклар) билан ҳам қиёслаш лозим. Бу, шак - шубҳасиз, тилнинг табиатини мукамал ёритишда катта хизмат қилади.

Машҳур тилшунос олим Фердинанд де Соссюр Вильгельм фон Гумбольдт, Филипп Федорович Фортунатов, Василий Алексеевич Богородицкийлар каби тилни ғоя, фикр ифодаловчи белгилар системаси сифатида қайд этиб, семиотика фанига асос солди. У мазкур фанни семиотика ёки семиология деб атади.

Семиотикада икки турдаги, икки типдаги белгилар фарқланади, яъни табиий белгилар (ёки белгилар - признаклар) ва сунъий белгилар (ёки белгилар - информаторлар).

Табиий белгилар (признаклар) аслида белги ҳисобланмайди. Улар у ёки бу нарса, предмет ва ходисаларнинг муайян бўлаги, таркибий қисми бўлиб келади. Масалан, дарсга кириш ёки дарсдан чиқиш ҳақида хабар берувчи кўнғирок, поезднинг келаётганлиги ёки ҳаракати – юриши бошланаётганлиги ҳақида дарак берувчи овоз – гудок, ёмғир ёғишидан хабар берувчи тўпланган булутлар, шамолнинг эсаётганидан дарак берувчи дарахт учларининг қимирлаши, қордаги оёқ изи ва бошқалар. Демак, ушбу табиий белгилар – аломатлар инсон онгида – хотирасида муайян тасаввурларни ҳосил қилади, «уйғотади».

Сунъий белгилар шартли белгилар бўлиб, ҳақиқий белгилар ҳисобланади. Улар табиий белгилардан – аломатлардан фарқли муайян хабарни –

информацияни тўплаш, сақлаш ва етказиш учун, предмет ва ҳодисаларни, тушунча ва ҳукмларни тасаввур қилиш, ўрнини босиш учун хизмат қилади. Демак, бундай ҳолларда айна белгилар, табиий белгилардан – аломатлардан фарқли муайян предмет, ҳодиса, тушунчалар ўрнида ишлатилсада, аммо уларнинг таркибий қисми, бўлаги бўла олмайди. Шунга кўра бундай белгилар шартли белгилар ҳисобланади.

Шартли белгиларнинг энг муҳим хусусияти, бош вазифаси ахборотни бериш учун, ахборотни олиш учун – кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Демак, айтилганларга кўра шартли белгиларни коммуникатив ёки информатив белгилар деб айтиш мумкин бўлади.

Жамиятда қўлланилувчи коммуникатив – информатив белгилар-сигналлар, символлар, белгилар – тил белгиларидир.

Ушбу информатив белгилар – шартли белгилар ичида ҳақиқий белги – коммуникатив белги тил белгиси – тил бирлиги ҳисобланади. Бошқа белгилар эса тил белгиси даражасидаги коммуникатив белги бўла олмайди. Шу сабабли улар ёрдамчи, кўмакчи белгилар ҳисобланади, муайян вазиятдагина хизмат қилиши билан ажралиб туради. Қиёсланг: темир йўл сигнали, тревога сигнали, товуш сигнали, тинчлик символи (кабутар), дўстлик символи (қўл бериш).

Демак, символларда сигналлардан фарқли образлилик бўлади, муайян ғоя аниқ ифодаланади, ситуациядан – вазиятликдан ҳоли бўлади.

Шартли белгилардан – белгиларнинг белгиси бўлган тил белгиси, сигнал ва символлардан фарқли, коммуникатив ва информатив белгиларнинг энг асосийси, энг муҳими бўлиб, икки томонлама birlik ҳисобланади. У қабул қилиниш ва ўзида мустаҳкамланган информацияни ташиш қобилиятига эгадир.

Сўз, сўз бирикмаси, гап каби нутқ birlikлари коммуникатив ва информатив белгиларнинг энг асосийси ҳисобланади. Улар номинатив ва предикатив вазифани бажаради, тилни тафаккур билан, жамият билан боғлайди.

Коммуникатив белги объектив борликдаги муайян нарса-предмет, ҳодиса ҳақида муайян хабар, маълумот беради, яъни у жамиятда хабар бериш воситаси, усули сифатида кўрсатилади. Бошқача айтганда, коммуникатив белгининг асосий хусусияти унинг ниманидир англатишида, ниманидир ифодалашида, муайян маъно билан боғланишидадир.

Коммуникатив белги моддий ҳодиса, моддий birlik сифатида у ёки бу маъно билан боғланади. Демак, ҳар бир тил белгиси икки томоннинг боғла-

нишидан, муносабатидан иборат бўлади. Тил белгиси моддий ва маъновий томонларнинг боғлиқлигидан, бирлигидан ташкил топади.

Демак, коммуникатив белги – тил белгиси материал ва идеал томонларнинг–икки жиҳатнинг муносабатидан ташкил топиб, жамиятда ижтимоий хабар – информация ташиш учун хизмат қилади. Тил белгисининг психик – идеал томони объектив воқеликни – предметлар, ҳодисалар дунёсини инсон онгида акс эттиришнинг кўринишларидан бири ҳисобланади¹²⁶.

Хуллас, айтилганлардан маълум бўлдики, жамиятда белгиларнинг турли хиллари, турлари бўлиб, уларнинг ҳар бири, масалан, белги–признаклар (аломатлар), белги – сигналлар (ишоралар), белги – символлар (рамзлар) ва тил белгилари – муайян вазифани, ўзига хос ва мос вазифани бажаради.

Сўз асосий белги бўлиб, у тушунчанинг вакили, ифодаловчиси, унинг символидир.

Сўз алоҳида белги бўлиб, у фақат предметнигина эмас, балки, тушунчанинг ҳам ўринбосаридир.

Сўз ўзининг етакчи, бош вазифасини, асосан, гап таркибида амалга оширади. Демак, гап ҳам асосий коммуникатив белги, нутқ бирлиги ҳисобланади.

Хуллас, тил белгилар системаси бўлиб, унинг белгилари лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап каби бирликлар ва уларнинг турлича боғланишидан тузиладиган конструкциялар лисоний белгилар сифатида воқеланади, жамиятда муайян ижтимоий вазифа бажариш учун хизмат қилади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Информация назарияси қандай назария?
2. Код нима?
3. Матн нима?
4. Канал нима?
5. Информация назариясига кўра тил нима?
6. Семиотика қандай фан?
7. Табиий белгилар қандай белгилар?
8. Сунъий белгилар қандай белгилар?

Асосий тушунчалар:

¹²⁶ Ф.М Березин, Б.Н.Головин. Общее языкознание. -М., 1979, 119-,120-бетлар.

1. Информация назарияси – бирор хабардаги маълумотларнинг миқдорини ўлчаш, аниқлаш усулларини белгилайди.
2. Код – хабарни ёзиб олиш воситаси?
3. Матн – хабарни бериш жараёнидаги тил бирликларининг (белгиларнинг) кетма-кетлиги.
4. Канал – хабар берувчи муҳит, шароит.
5. Семиотика – табиий ва сунъий (шартли) белгиларни ўрганувчи фан; белгилар назарияси ҳақидаги таълимот.
6. Табиий белгилар – табиат ва жамиятдаги муайян предмет ёки ҳодисанинг таркибий қисми, бўлаги, аломати - хусусияти (масалан, кўнғирок, гудок, булут, из).
7. Сунъий белгилар – шартли белгилар, коммуникатив (информатив) белгилар; хабарни бериш, олиш, сақлаш учун, жамиятда алоқа воситаси бўлиш учун хизмат қиладиган белгилар; тил белгилари (бирликлари).

Адабиётлар:

1. В.М.Солнцев. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. – Т., 1972.
3. В.И.Кодухов. Общее языкознание. – М., 1974.
4. Ф.М.Березин, Б.Н. Головин. Общее языкознание. – М., 1979.
5. Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. - Т., 1995

VIII. ТИЛНИНГ ИККИ ЖИҲАТИ: ИФОДА ВА МАЗМУН ЖИҲАТЛАРИ

Тил системалар системаси – ўта мураккаб система сифатида жамиятда ижтимоий-амалий вазифа бажарар экан, ушбу жараёнда тил системасининг структурал бирликлари, қурилиш «аъзолари» фаол ҳаракатга келади. Тил системасининг элементлари, бирликлари бўлган фонема, морфема, сўз кабилар ўзича, алоҳида, якка ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда, ўзаро муносабатда, мантикий уюшган–боғланган ҳолда объектив борлиқ предмет, воқеа - ҳодисалари ҳақида муайян хабар беради. Демак, мазкур бирликлар ўзаро зарурий, мантикий алоқага киришиб, тил системасини шакллантиради, унинг объективлигини, бир бутунлигини таъминлайди, тилнинг ижтимоий вазифа бажариши учун имконият беради, шарт - шароит яратади.

Ушбу жараёнда тилнинг юқорида қайд этилган бирликларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан, нисбий мустақиллиги билан, умумий ва фарқли жиҳатлари билан ажралиб туради.

Тил системаси структурал бирликларининг энг дастлабки ўзига хослиги, муҳим жиҳати нимада кўринади?

Тил системасининг асосий бирликлари бўлган фонема, морфема ва сўзларнинг ижтимоий вазифа бажаришидаги энг муҳим жиҳати уларнинг икки томонга эгаллигида кўринади. Ушбу бирликлар ифода ва мазмун жиҳатига эгаллиги билан, шу нуқтаи назардан умумий ҳамда фарқли хусусиятлари билан ўзаро ажралиб туради, фарқланади.

Умуман олганда, тил бирликларига ифода ва мазмун жиҳати нуқтаи назардан қараш илмийлик принципига тўла мувофиқ келади, тилнинг жамиятда коммуникатив вазифа бажариш моҳиятини, хусусиятини очиб беради.

Эслатамиз, табиатда ҳам, жамиятда ҳам мавжуд ҳар бир нарса, ҳодиса – фалсафий маънодаги предмет шакл (ташқи) ва мазмун (ички) томонларига кўра баҳоланади, муайян аҳамиятга эга бўлади, турли фанлар нуқтаи назардан тадқиқ қилинади.

Тилнинг энг кичик бирлиги бўлган товуш (фонема) шакл ҳамда мазмун жиҳатига кўра ўзига хос бўлиб, морфема ва сўзлардан фарқланади. Товуш (фонема), қайд этилган хусусияти нуқтаи назардан, фақат бир томонга – ифода томонига эгадек кўринади. У морфема ва сўз каби муайян маъно, тушунча – мазмун билан боғланмайди, маъно ифодаламайди. Шу нуқтаи назардан товуш (фонема) бир томонлама бирликка ўхшайди. Аммо товуш (фонема) фақат

ифода жиҳатига, моддийлик хусусиятига эгалигидан ташқари, айти вақтда, у даставвал тил бирликларининг ташқи – ифода жиҳатини ташкил қилади ва уларни шаклан – товуш тизимига кўра фарқлайди. Шунга кўра тил бирликларининг маъноси ўзгаради, ўзаро фарқланади. Демак, товушларнинг (фонемаларнинг) маъно фарқлаш хусусияти аслида тил бирликларининг ифода жиҳатларини фарқлашдан, ажратишдан келиб чиқади. Айтилганларга кўра товуш (фонема) тилнинг маъно фарқлаш хусусиятига, қийматига эга бўлган минимал бирлик ҳисобланади.

Демак, товуш (фонема) муайян маънога эга бўлмаган, аммо, айти вақтда, муайян маънога эга тил бирликларининг (морфема ва сўзларнинг) дифференциацияси учун, уларни ўзаро фарқлаш учун хизмат қилади. Шунга кўра товуш (фонема) ижтимоий вазифа бажарувчи тил (нутқ) бирликлари - сўз ва морфемалар нуқтаи назаридан у ҳам жамиятда ижтимоий вазифа бажаради.

Демак, тил бирлиги бўлган товуш (фонема) коммуникатив жараёнда ижтимоий вазифа бажаришига, тилнинг энг асосий – бирламчи қурилиш материали, моддий ашёси эканлигига, сўз ҳосил қилиш, сўз яшаш, маъно фарқлаш каби ижтимоий – лисоний хусусиятларга эгалигига кўра алоҳида баҳоланади. Айтилганларга кўра товуш (фонема) тил бирлиги сифатида тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлган фонемалар ҳақидаги таълимотнинг – фонологиянинг тадқиқ ва таҳлил объекти ҳисобланади.

Системалар системаси бўлган тилнинг минимал қурилиш бирлиги бўлган товуш (фонема) асосида ҳосил бўлувчи морфема ва сўз ифода ва мазмун, товуш ва маъно, ташқи ва ички, материал ва идеал жиҳатига кўра ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Айтмоқчимизки, тилнинг ҳар иккала бирлиги ҳам икки томонга – ифода ва мазмун жиҳатларига эгалиги билан характерланади, умумийликка эга бўлади. Улар қайд этилган икки жиҳатига кўра белги – тил белгиси, тил (нутқ) бирлиги сифатида қайд этилади.

Тил бирлиги бўлган морфема ифода (моддий) ва мазмун (руҳий) жиҳатларининг бир бутунлигидан иборат бўлиб, тилнинг муайян маънога эга энг кичик бирлиги ҳисобланади. Айтилганларга кўра, у муайян белги – рамз ҳисобланади. Шундай қилиб, морфема товуш ва маъно каби икки муҳим жиҳатга эгалиги билан характерланади.¹²⁷

Муайян бирлик бўлган сўз (лексема) икки томонга эга белги сифатида товуш ва маъно, ифода ва мазмун жиҳатларининг диа-лектик боғлиқлигидан

¹²⁷ Фонема ва морфема ҳақида қўшимча маълумот олиш учун “Тил ва нутқ бирликлари” бўлимига қаранг.

иборат бўлиб, номинатив бирлик ҳолатида ижтимоий вазифа бажарди. Сўз (лексема) муайян бирликлар ичида ҳам шаклан, ҳам мазмунан – сифат жиҳатдан мукамал бўлиб, тилнинг ижтимоий вазифа бажаришида семантик – функционал етакчилик қилади, қудратли восита ҳисобланади.

Тил системасида сўзнинг ташқи томонини товуш, ички – мазмун томонини эса унинг маъноси ташкил этади. Товуш ва маъно орасидаги боғланиш шартли (семиотик) боғланишни ҳосил қилади. Демак, сўз товуш ва маъно жиҳатларидан, томонларидан иборат ўзига хос бутунликдир (микросистемадир).

Сўзнинг ифода жиҳати унинг ташқи – товушлари бўлиб, бунда сўзнинг белгиси сифатида унинг товуш томони хизмат қилади. Сўз ифода жиҳатига эга дейилганида, сўзни формал шакллантирувчи, уни моддий бирлик сифатида сезги аъзоларимизга таъсир қилишини таъминловчи товушлар назарда тутилади.

Сўзнинг мазмун жиҳати унинг ички, маъно томони (лексик маъно, лексик тушунча, рамзий ахборот, сигнификат, десигнат, семема) бўлиб, у объектив борлиқ элементларининг киши онгида акс этиши, айти элементларга хос хусусиятларнинг умумлашуви натижасида юзага келадиган идеал (психик) структурадир. Демак, маъно инъикос категориясидир.

Маъно объектив борлиқ элементи ёки ушбу элементлар гуруҳининг киши онгидаги шартли рамзи (белгиси, ишораси) эмас, балки бу элемент (ёки элементлар гуруҳининг) киши онгида мавҳумлик касб этган образи, умумлашган инъикоси ҳисобланади.

Сўзнинг ифода жиҳати– товуш томони объектив борлиқ элементи ҳақидаги хабарнинг – сўз мазмун томонининг, маъно-нинг (тушунчанинг) рамзи, кўрсаткичи бўлиб воқеланади.

Сўзнинг мазмун томонини ўзича бирон шахсга маълум қилиш мумкин бўлмаганлиги учун унинг товуш жиҳати, рамзи талаффуз қилинади. Бу рамз (белги) тингловчи онгида тегишли тушунча, тасаввур уйғотади.

Демак, тил системасида рамзий муносабат товуш ва маъно орасидаги шартли боғланиш тарзида юзага чиқади. Маънода акс этадиган аниқ нарса ёки ҳодиса тасаввури (денотат) иккинчи планда бўлади. Денотат сўз маъноси эмас, балки сўз ёрдамида кўрсатиладиган, номланадиган, аталадиган ҳодисадир. Маъно эса, қайд этилганидек, объектив борлиқ элементларига хос бўлган хусусиятларнинг инсон онгида мавҳумлик касб этиши, умумлашуви натижасида шаклланишидир.

Сўзда товуш ифодаловчи (рамз, белги) бўлса, маъно ифодаланувчи бўлади.

Сўз мазмун планида икки ҳодиса фарқланади: лексик маъно (сигнификат) ва денотат.

Нутқда сўз денотатнинг (объектив борлиқ элементининг) лингвистик (лисоний) вакили вазифасини бажаради.

Демак, сўз икки: моддий ва рухий (маъновий) жиҳатларнинг боғлиқлигидан, диахрон – синхрон зарурий, «табiiй» алоқасидан иборат бўлиб, айна боғлиқликнинг бир томонини сўзнинг ифода жиҳати, иккинчи томонини эса унинг маъно жиҳати ташкил этади.

Сўздан йирик сўз бирикмалари ва гаплар ҳам ифода ва мазмун планларига эга бўлиб, уларнинг мазкур икки жиҳати кўпроқ грамматика ва семантиканинг алоқаси доирасида қаралади. Ушбу нутқ бирликлари ҳам аслида ифода ва мазмун жиҳатига эга сўзларнинг бирикувидан, ўзаро боғланишидан юзага келади. Шу сабабли уларни ўрганиш, уларни ҳосил қилган сўзларни ўрганишдан, илмий тадқиқ қилишдан бошланади¹²⁸.

Шундай қилиб:

1. Сўз товуш ва маъно, ифода ва мазмун томонларининг диалектик боғлиқлигидан иборат бўлган номинатив бирликдир.

2. Тил системасида сўзнинг товуш томони рамз, мазмун томони эса унинг маъносини ташкил этади. Бу элементлар орасидаги боғланиш шартли (семиотик) боғланиш ҳисобланади.

3. Сўзнинг мазмун (маъно) томони объектив борлиқ элементларининг киши онгида акс этиши, ушбу элементларга хос хусусиятларнинг умумлашуви натижасида юзага келадиган идеал (психик) структурадир.

4. Сўз мазмун планида икки ҳодиса: лексик маъно (семема, сигнификат) ва денотат фарқланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тилнинг қандай жиҳатлари мавжуд?
2. Тилнинг ифода жиҳати деганда нимани тушунасиз?
3. Тилнинг мазмун жиҳати деганда нимани тушунасиз?
4. Тил жиҳатлари қайси лисоний бирликлар билан боғланади?

¹²⁸ Сўз ҳақида қўшимча маълумот олиш учун “Тил ва нутқ бирликлари” бўлимига қаранг.

Асосий тушунчалар:

1. Тил жиҳатлари – лисоний бирликларнинг ифода ва мазмун томонларини ўз ичига олади.
2. Ифода жиҳати – лисоний бирликларнинг ташқи – товуш томони билан белгиланади.
3. Мазмун жиҳати – лисоний бирликларнинг ички – маъно томони билан аниқланади.

Адабиётлар:

1. В.М. Солнцев. Язык как системно – структурное образование. – М., 1971.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. – Т., 1972.
3. Р.Расулов Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Т., 1989.
4. Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т., 1995.
5. SH.Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Т., 2006.

IX. ТИЛ ВА НУТҚ БИРЛИКЛАРИ

Тил ва нутқ ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик ҳамда ижтимоий-индивидуал ҳодисалар сифатида жамиятга тенги йўқ алоқа қуроли ва алоқа усули бўлиб хизмат қилади.¹²⁹ Шундай экан, тил ва нутқ жараёни қандай амалга ошади? Қандай бирликлар билан «иш кўради»? Умуман, тил ва нутқ бирликларига қандай бирликлар киради-ю ва уларга хос хусусиятлар нимада? Улар орасидаги ўзаро муносабат, боғлиқлик қандай кечади?

Ҳозирда тилшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида тил ва нутқнинг асосий бирликлари сифатида фонема, морфема, лексема, модель ва товуш, сўз (сўз формаси), сўз бирикмаси ҳамда гап кабилар қайд этилади. Аниқроғи, тил бирликларига: фонема, морфема, лексема ва моделлар; нутқ бирликларига: товуш, сўз (сўз формаси), сўз бирикмаси, гап ва бошқалар киритилади.

Тил ва нутқ ўзаро боғлиқ экан, бундан ўз-ўзидан - мантикий равишда тил ва нутқ бирликларининг ҳам ўзаро боғлиқлиги, ўзаро «ажралмас» алоқада эканлиги тушунчаси келиб чиқади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Негаки, тил ва нутқнинг боғлиқлиги, жамиятдаги вазифаси улар бирликларининг фаолияти, фаоллиги сабабли юз беради. Тил ва нутқнинг ўзаро муносабати аслида улар бирликларининг ўзаро боғлиқлигидан, муносабатидан келиб чиқади. Тил ва нутқ жамиятдаги ўз «операцияларини», таъсир қилиш қувватини муайян бирликлари орқали амалга оширади.

Аслида тил бирликлари муаммосини ҳал қилиш нутқ бирликларисиз, нутқ бирликлари муаммосини ҳал қилиш эса тил бирликларисиз амалга ошмайди. Уларнинг диалектик боғлиқлиги, муносабати ҳам шунда. Бошқача айтганда, нутқ бирликлари нутқда тил бирликларидан ҳосил бўлади, яъни нутқ бирликлари асосида тил бирликлари мавжуд бўлади. Тил бирликлари нутқ бирликлари учун моддий асос вазифасини ўтайди. Нутқ бирликлари (товуш, сўз, сўз бирикмаси, гап кабилар) аслида тилнинг - тил бирликларининг ҳаракатдаги кўриниши, фаоллигидир.

Тил ва нутқ диалектикаси қуйидаги бирликлар орқали намоён бўлади.

1. Фонема

¹²⁹ Бу ҳақда қўшимча маълумот олиш учун “Тил ва нутқ” бўлимига қаранг.

Тил бирлиги бўлган фонема фонологик сатҳ объекти сифатида муайян жиҳатлари билан бошқа тил birlikларидан ажралиб туради, нисбий мустақилликка эга бўлади.

Фонема тилнинг бошқа birlikларига нисбатан, айтилганидек, энг кичик (минимал) бирлиги бўлиб, тил системасида (структурасида) энг катта (максимал) вазифа бажаради. Бошқача айтганда, фонема ҳажм тақозосига кўра минимал, аммо вазифасига, «амалига», тил структурасида тутган мавқеига кўра тенги йўқ максимал birlik ҳисобланади. Аниқроғи, фонема моддий birlik-товуш сифатида тилни ҳам, унинг қатор birlikларини, шунингдек, нутқ birlikларини ҳам «яратади», «ясайди», яъни у ушбу birlikларнинг моддий ашёси, қурилиш материали ҳисобланадики, фонемаларсиз-товушларсиз на тил (нутқ), на унинг birlikлари мавжуд бўлади, муайян вазифа бажаради.

Демак, тил бирлиги муаммосини ёритиш мантиқан фонемасиз (товушсиз) унинг хусусиятларини аниқламасдан амалга ошмайди, тўлиқ, мукамал бўлмайди. Бу – аксиома. Шундай экан, фонеманинг ўзига хослиги нималарда кўринади? Булар:

1. Фонема (товуш) тилнинг энг кичик қурилиш материали, моддий бирлиги бўлиб, таъсир қилиш, сезги уйғотиш қувватига эга.

2. Тил ва нутқ birlikлари-морфема, лексема, сўз кабилар асосида фонема (товуш) ётади. Фонема ушбу birlikларнинг товуш қиёфасини ташкил қиладди.

3. Фонема морфема ва сўзларни товуш жиҳатидан фарқлайди. Қиёсланг: б о т – б о р – б и р – к и р; г у л – к у л – к е л – к е т ва бошқалар. Шунга кўра мазкур сўз маъноларида ўзгариш, фарқланиш юз беради. Бошқача айтганда, фонема муайян birlikларнинг мазмун (маъно) жиҳати билан боғланади. Демак, фонема тил (нутқ) birlikларини ташкил қилишига, уларни товуш жиҳатидан фарқлашига, мазмун жиҳатига таъсир қилишига кўра ижтимоий вазифа бажаради, ижтимоий birlik ҳисобланади.

4. Фонема фақат бир томонлама birlik–ифода томонига эга. У тил бирлиги сифатида муайян белги ҳисобланмайди.¹³⁰

5. Фонема сўзловчиларнинг хотирасида ўзининг типик фарқловчи белгилари йиғиндиси заминида шаклланган махсус идеал «акустик назорат» ёки «товуш образи» сифатида сақланади. Фонеманинг фарқловчи белгилари эса артикуляцион (нутқ аъзоларининг автоматлашиб ёки стандартлашиб

¹³⁰ Қар: В.М. Солнцев. Ўша асар, 114-115-бетлар.

қолган типик ҳаракати, ҳолати ҳақидаги тасаввур) ва акустик (фонема алоқадор бўлган товуш типига хос талаффуз сифати: ўзига хос баландлиги, кучи, тембри, чўзиқ – қисқалиги каби) белгилар ҳақидаги тасаввурлар асосида қарор топади.¹³¹

6. Фонема инсон нутқ аъзолари ёрдамида ҳосил қилинадиган товуш типларининг андозалари бўлиб, улар психик – акустик образлар «галереяси», қатори сифатида бизнинг хотирамизда сақланади. Сўзловчилар ушбу психик – акустик образлар асосида нутқ аъзоларини ҳаракатга келтиради ва, натижада, фонемаларнинг нутқий кўринишларини (товушларни) ҳосил этади.¹³²

7. Фонема инвариант сифатида намоён бўлади, яъни у тил бирлиги сифатида умумийлик ҳисобланади, нутқдан ташқаридаги–нутққача бўлган – реаллашмаган бирлик бўлади, «нофункционал» ҳолат.

8. Фонеманинг нутқдаги – сўз (сўз формаси), сўз бирикмалари таркибидаги кўриниши, қуршов товушлари таъсирида пайдо бўлган қиёфаси унинг вариантдир. Демак, бунда фонеманинг вариантлари маъно фарқламайди. Чунки улар бир фонеманинг турли сўз таркибида намоён бўлиши, қўлланиши ҳисобланади. Қиёсланг: *уйим, тун, турмуш, югур, урғу, қурувчи* ва бошқалар. Ушбу сўзлардаги у бир фонеманинг – у фонемасининг - инвариантнинг турлича вариантлари, хусусийликлари бўлиб қайд этилади.

Айтилганлардан маълум бўлдики, тилнинг энг кичик қурилиш материали сифатида фонемаларнинг энг муҳим, бош вазифаси – фонологик хусусияти морфема, лексема, сўз каби маъно ифодаловчи бирликларни ҳосил қилиш – уларнинг товуш томонини шакллантириш ҳамда ўрни билан товуш жиҳатини фарқлаш каби ижтимоий вазифаларни бажаришдир.

2. Морфема

Тил бирлиги бўлган морфема морфологик бирлик сифатида ўзининг моддий асоси, қурилиш материали бўлган фонемадан – товушдан фарқланади.

Диалектик фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик категорияси нуқтаи назаридан морфема ҳам, фонема ҳам тил бирликлари сифатида умумийликка эга. Айни вақтда хусусийлик умумийликнинг воқеланиши, умумийликнинг

¹³¹ Ҳ.Неъматов, О.Бозоров. Ўша асар, 12-бет.

¹³² Ҳ.Неъматов, О.Бозоров. Ўша асар, 13-бет.

муайян вазиятда аниқ намоён бўлиши экан, морфеманинг умумийликдан хусусийликка ўтиши, фонемадан фарқ қилиши, ўзига хослиги нимада? деган ҳақли савол туғилади.

Эслатамиз, морфема термини тилшуносликка Иван Бодуэн де Куртенэ томонидан киритилган бўлиб, сўзнинг энг кичик маъноли қисмини ифодалаш учун қўлланган.¹³³

Демак, ушбу фикрдан морфеманинг муайян маънога эгаллиги, маъно ифодалаш тушунчаси келиб чиқади. Айнан мана шу нуктада морфема фонемадан фарқ қилади.

Шунингдек, морфема маънога эга бўлишига кўра тилнинг энг кичик маъноли бирлиги ҳисобланади.

Бу ўринда морфеманинг тилнинг энг кичик маъноли бирлиги эканлиги маъно ифодалаш мезонидан келиб чиқади. Демак, фонема тил бирлиги сифатида ҳажм тақозосига кўра энг кичик бирлик бўлса, морфема тил бирлиги сифатида маъно ифодалаш хусусиятига кўра энг кичик бирлик саналади, яъни морфема маъноли бирликнинг энг сўнгги, охириги чегараси ҳисобланади. Шунга кўра у бошқа маъноли қисмларга ажралмайди. Қиёсланг: китоблар: *китоб+лар*; темирчи: *темир+чи*; мустақиллик: *мустақил+лик*; юртим: *юрт+им* каби сўзлардаги умумийлик хусусиятига эга бўлган –лар, –чи, –лик, –им кабилар.

Маълум бўлдики, морфемалар, қайд этилганидек, шакл ва мазмун, моддий ва маъновий, ташқи ва ички томонларнинг ўзаро боғлиқлигидан, бир бутунлигидан иборат икки жиҳатли тил бирлигидир.

Морфема билан бевосита боғлиқ бўлган, муайян вазифа бажарувчи морф (морфа) ва алломорф (алломорфа) тушунчалари – терминлари ҳам мавжуд.

Морф (морфа) нутқ жараёнида қўлланаётган сўзнинг – сўз шаклининг (формасининг) таркибида иштирок этаётган морфеманинг «қиёфаси», варианты, кўринишидир. Морф бевосита муайян сўз билан – сўз шаклида қўлланиши, воқеланиши билан, унинг таркибий қисми эканлиги билан характерланади. Қиёсланг: *тонгги, кечки; томга, йўлакка, ётоққа*. Демак, қайд этилган сўз формаларида қўлланаётган – ги, – ки; –га, – ка, – қа морфларнинг жами бир морфемани ташкил қилади, яъни –ги, –ки битта морфема; –га, –ка, –қа эса битта морфема ҳисобланади. Айни вақтда ушбу морфалар бири иккинчисига нисбатан алломорф(а) – морфеманинг варианты – сўз шакли таркибидаги кўриниши ҳисобланади.

¹³³ В.М.Солнцев. Ўша асар, 246-бет.

Маълум бўлдики, алломорф(а) морфеманинг варианты бўлиб, алоҳида морф(а) сифатида ўзига мос, мувофиқ келадиган сўз шакли таркибидагина иштирок этади. Алломорф сифатида кузатиладиган ҳар бир морф(а)нинг қўлланиш имконияти чегараланган бўлиб, у фақат ўзи учун қулай бўлган шароитда юзага чиқади, танлаб қўшилади. Морфнинг – алломорфнинг бири ўрнида иккинчиси ишлатилмайди. Қиёсланг: *тонгги-тонгки, кечки - кечги*. Бунга фонетик вазият, фонетик шакл ва семантика йўл қўймайди. Демак, алломорфлар қўлланадиган сўз формалари қандай қабул қилинган бўлса, шундай шаклда намоён бўлади.

Хуллас:

1. Морфема фонема билан тил бирлиги сифатида умумийликка эга.
2. Морфема тилнинг муайян маъноли бирлиги сифатида фонемадан фарқ қилади, ўзига хосликка, хусусийликка эга бўлади.
3. Морфемалар ифода ва мазмун томонларининг бирлигидан ташкил топади.
4. Морфема сўз каби нутқий – синтактик мустақилликка эга эмас. У нутқда лексема, сўз (сўз формаси) таркибида функционал қисм сифатида қўлланади.
5. Морфема сўз формаси таркибида морф ва алломорф каби кўринишларда – вариантларда ҳам намоён бўлади.

3. Лексема

Тил бирлиги бўлган лексема фонема ва морфема каби тил бирликларидан, умумийликдан тил ва нутқ диалектикасида ўзига хос воқеланиши, муайян белги-хусусиятлари билан ажралиб туради. Унинг ўзига хослиги шундаки, у ҳам тил бирлиги, ҳам нутқ бирлиги бўла олиши, шунга кўра мураккаблиги билан характерланади.

Ушбу лисоний ҳодиса тил бирлиги сифатида лексема-умумий бўлса, аммо нутқ бирлиги сифатида эса у сўздир, хусусийдир (бу ҳақда «Сўз» бўлимига қаранг).

Лексеманинг тил бирлиги сифатидаги ўзига хослиги нимада?

Лексема тил бирлиги сифатида ўзаро узвий боғлиқ икки томоннинг яхлитлигидан, бир бутунлигидан иборатдир. «Бу бутунликнинг бир томонини лексеманинг фонематик – акустик структураси (номема), иккинчи томонини эса идеал бирлик – маълум тушунча заминида шаклланган маъно (вазифа) –

семема ташкил этади».¹³⁴

Демак, лексема ҳам морфема каби икки томоннинг: товуш ва маънонинг, ифода ва мазмуннинг ўзаро боғлиқлигидан, бир бутунлигидан ташкил топади.

Тил бирлиги бўлган лексеманинг ташқи-ифода томонига унинг шакли, товуш жиҳати – номема кирса, лексеманинг семема, маъно – мазмун томонига денотатлар – нарса, ҳодиса, ҳаракат, ҳолат, белги – кенг маънодаги муайян предметлар киради. Демак, лексема уларни–кенг маънодаги муайян предметларни номлайди. Бошқача айтганда, «Объектив оламда (дарахт) деб номланувчи қаттиқ танали ўсимлик турлари (денотатлар) мавжуд. Бу денотатлар бизнинг онгимизда дарахт тушунчасини шакллантирган. Ўз навбатида (дарахт) тушунчаси эса (дарахт) лексемасининг маъносига асос бўлган, бу маънонинг ўз навбатида (д), (а), (р), (а), (х), (т) фонемалар тизмаси (комплекси) билан тарихий – ижтимоий боғланиши тил бирлигини юзага келтирган. Албатта, (дарахт) тушунчаси (дарахт) лексемасининг маъноси билан айнан тенг эмас, лекин у билан алоқада, муносабатдадир.

Тил бирлиги бўлган лексеманинг мазмун томони семема ҳам лексеманинг ташкил этувчи томони (товуш субстанцияси) каби таркибий қисмлардан иборат. Масалан, (*ака*) ва (*ука*), (*она*) ва (*сингил*) лексемаларининг маъно компонентларини – семаларини олиб кўрайлик:

(*ака*) – қон-қариндош, бевосита, бир авлод, эркак, катта.

(*ука*) – қон-қариндош, бевосита, бир авлод, эркак, кичик.

(*она*) – қон-қариндош, бевосита, бир авлод, аёл, катта.

(*сингил*) – қон-қариндош, бевосита, бир авлод, аёл, кичик.

Кўришиб турибдики, бу лексемалар маъносида ўзаро ўхшаш, фарқланувчи ва такрорланувчи қисмларни – семаларни кўриш мумкин. Бу семалар ўзаро бирикиб, янги бутунликни, семемани – лексеманинг ички томонини ҳосил қилган»¹³⁵.

Лексеманинг энг муҳим, етакчи хусусияти унинг жамият аъзолари учун тайёрлиги, нақдлиги, умумий ва яхлитлигидир. Қиёсланг: *ватан, замон, иш, дунё, расм, китоб, оқ, куч, шамол, ўн, юз, ол, кўк* каби минглаб тайёр бирликлар воқеликдаги муайян нарса, белги, миқдор, ҳаракат, ҳолат, хусусият-

¹³⁴ Ҳ.Неъматов, О.Бозоров. Ўша асар, 14 –бет; А.А. Леонтьев. Слово в речевой деятельности.- М., 1965, 9-бет.

¹³⁵ Ҳ.Неъматов, О.Бозоров. Ўша асар, 16-бет.

ларни номлаб, атаб, ифодалаб келади¹³⁶. Демак, лексемалар нутқ фаолиятида ўзларига грамматик қўшимачаларни, умумлашма маъноли турлича аффиксал морфемаларни бирлаштириб, сўз формаси шаклида нутқ бирлигига айланади, нутқ бирлиги ҳисобланади. Қиёсланг: *Богимизда гуллар ўсади* гапида боғ, гул, ўс лексемалари муайян аффиксал морфемаларни олиб, турлича вазифаларни бажариб келмоқда¹³⁷.

Проф. Ш.Раҳматуллаев таъкидлаганидек, «лексема-асосий, бирламчи тил бирлиги бўлиб, тил қурилишининг луғат бойлигига мансуб, шунга кўра луғат бирлиги, лексик birlik деб ҳам юритилади».¹³⁸

Лексема умумийлиги аслида тил умумийлигидан келиб чиқади. Чунки тил нутққа нисбатан умумий бўлиб, унинг birlikлари ҳам ўз-ўзидан, мантиқан умумийлик сифатида вокеланади.

Хуллас,

1. Лексема тил бирлиги сифатида тайёрлиги, яхлитлиги ва жамият аъзолари учун умумийлиги, улар хотирасида мавжудлиги билан ўзига хосдир.

2. Лексема ифода ва мазмун томонларнинг боғлиқлигидан, бир бутунликдан ташкил топиб, муайян предметларни аташ, номлаш вазифасини бажаради.

3. Лексема фикр алмашиш жараёнида сўз бирикмаси ва гап каби нутқ birlikлари учун материал вазифасини ўтайди.

4. Лексема нутқ фаолиятида сўз (сўз формаси) сифатида вокеланиб, нутқ бирлиги бўлиш имконига эга бўлади. У тил системасининг лексик бирлиги, луғат бойлиги ҳисобланади.

5. Лексеманинг тил бирлиги сифатидаги умумийлиги тил умумийлигидан келиб чиқади. Чунки тил ва нутқ диалектикасида тил умумий, нутқ эса хусусий ҳисобланади.

4. Модель

Тил бирлиги бўлган моделлар муайян қолип, лисоний (лингвистик) формула, тайёр қурилма, андаза сифатида тилга хошлиги билан ажралиб туради.

Ушбу моделлар – қолиплар асосида лексемалар бирикади, лексемалар ва морфемалар бирикади, сўз формалари, сўз бирикмалари, гап каби нутқ бир-

¹³⁶ Қар: Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўша асар, 38-бет.

¹³⁷ Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўша асар, ўша бет.

¹³⁸ SH. Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o'zbek tili. T., 2006, 22-bet.

ликлари ҳосил бўлади. Аниғи, «тил бирлиги ҳисобланадиган моделларга, асосан, сўз ясаши, сўз бирикмаси ва гап қурилишига оид бўлган мавҳум қолиплар, чизмалар киради».¹³⁹

Демак, тил бирлиги бўлган моделлар турлича бўлиб, улар асосида юзага келган тил (нутқ) бирликларининг мазмун жиҳати ҳам турлича бўлади. Масалан, сўз бирикмалари моделлари лексик-семантик босқичдаги номинациядан синтактик-коммуникатив босқичдаги номинацияни вужудга келтиради. Ўз навбатида гап модели эса бирламчи синтактик-коммуникатив номинацияни, яъни маълум воқеа ёки вазиятнинг мураккаб атамасини ҳосил қилади.

Масалан, [[от]+ [сифат]] гап модели маълум субъект ёки предметнинг бирор вазият билан боғлиқ ситуатив белгига эгалик ҳолати ҳақидаги фикрни англатишга хизмат қилади. Қиёсланг: *Гул қизил, Осмон тиниқ, Чўл катта каби*. Демак, моделлар - қолиплар тил бирликларининг ўзаро бирикиш йўли, усулидир.

Хуллас, тил системаси фонема, морфема, лексема ва модель каби тилнинг систем характердаги ички турлича ярусларига (сатҳларига) оид бўлган руҳий – психик бирлик сифатида хотирада яшовчи ўзаро диалектик боғланган тил бирликларидан ташкил топади.

Тил имконият, нутқ эса воқелик-ушбу имкониятнинг намоён бўлиши экан, тил имконияти тил бирликлари орқали мавжуд экан, демак, имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликлари нутқда - нутқ бирлиги сифатида воқеланади, намоён бўлади. Негаки, воқелик имкониятнинг воқеланиши, моддий «қиёфаси»дир. Шунга кўра нутқ бирликлари бўлган товуш, сўз (сўз формаси), сўз бирикмаси ва гап каби ҳодисаларнинг ўзига хослиги, муҳим жиҳатлари нимада? деган саволнинг туғилиши табиийдир.

¹³⁹ Ҳ.Неъматов, О.Бозоров.Ўша асар, 18-бет.

I. Товуш

Тилнинг энг кичик (минимал) бирлиги фонема экан, демак, нутқнинг энг кичик (минимал) бирлиги товуш ҳисобланади. Негаки, товуш фонеманинг нутқдаги аниқ намоён бўлиши, муайян кўриниши, ҳаракатидир.

Фонема фонологик бирлик сифатида фонетик бирлик бўлган товуш билан узвий алоқада – муносабатда бўлади. Бу мутлақо табиий ва мантиқийдир.

Нутқ бирлиги бўлган товушлар хусусийлик сифатида тилнинг ашёси, моддий материали бўлиб, физик, акустик, физиологик ҳамда лингвистик (лисоний) каби қатор белгиларга эгаллиги билан ўзига хосдир. Аниғи, товушнинг талаффузи, таъсир қилиши, сезги уйғотиши, баландлиги, кучи, тембри, чўзиқлиги, аниқлиги каби қатор хусусиятлари борки, булар фонетиканинг физик – акустик, анатомик – физиологик, перцептив ва лингвистик – функционал аспектлари деб қаралади.¹⁴⁰

Товушнинг тил системасидаги энг муҳим хусусияти унинг тил (нутқ) бирликларининг: морфема, лексема, сўз (сўз формаси) кабиларнинг моддий қиёфасини, ифода томонини, шаклини қуришдир, шакллантиришдир. Демак, товуш тил системасининг энг асосий, энг дастлабки қурилиш материали, моддий асосидир. Бошқача айтганда, масалан, сўзнинг моддий томони унинг товуш қобиғини ташкил қилади. Товуш қобиғи эса муайян нарса, предмет, хусусият билан боғланиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.¹⁴¹

Товуш ўзи яратган, «қурган» сўзни товуш жиҳатдан фарқлаш, демак, маъно жиҳатдан фарқлаш, фонетик-семантик дифференциация қилиш учун хизмат қилса, у фонема – тил бирлигининг кўриниши, воқеланиши сифатида баҳоланади.

Ҳар бир товуш тил бирлиги – фонема бўлиш қобилятига эга. Қиёсланг: *бор-бол; бор-бир; бор-тор* ва бошқалар. Шу-нингдек, ҳар бир фонема нутқ бирлиги – товуш бўлиш имкониятига эга. Қиёсланг: *у – тун, туш, тут, туз, тур; о-ол, от, ош, ой, она, ота* ва бошқалар.

Демак, фонеманинг товушга, товушнинг фонемага ўтиши мантиқий – зарурий жараён бўлиб, тил ва нутқ диалектикасининг фонема ва товуш орқали воқеланишидир.

¹⁴⁰ Қар:Ю.С.Степанов.Основы общего языкознания. – М.,1975, 63-71 бетлар. Ҳ.А.Жамолхонов. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. -Т., 2004, 22-30 бетлар.

¹⁴¹ С.Усмонов.Ўша асар, 127-бет.

Фонема ва товуш нисбий бутунлик, нисбий яхлитлик сифатида тил ва нутқда, айтилганидек, ижтимоий вазифа бажаради.

Фикримизча, тарихий – этимологик жиҳатдан товуш бирламчи. Чунки у талаффуз қилиниш ва эшитилиш жараёни билан боғлиқ, яъни дастлаб нутқ - нутқ товушлари пайдо бўлган, нутқ юзага келган. Товушнинг фонема сифатида баҳоланиши эса иккиламчи бўлиб, жамият тараққиётининг – тил (нутқ) тараққиётининг муайян даврида, кейинги босқичларида юзага келган, «яратилган».

Хуллас, товуш нутқ бирлиги сифатида нутқий фаолиятни, нутқий жараёни таъминловчи моддий бирликдир.

Шундай қилиб,

1. Товуш – нутқ бирлиги, фонеманинг нутқдаги воқеланиши, ҳаракати, унинг моддий асоси.

2. Товуш – хусусийлик сифатида физик, акустик, физиологик ва лисоний (лингвистик) белгиларга эга.

3. Товуш – тил (нутқ) бирликларининг (морфема, лексема, сўзларнинг) моддий қобиғи, ифода томони сифатида муайян предмет билан боғланади.

4. Товуш фонеманинг воқеланиши сифатида муайян бирликларни фонетик-семантик жиҳатдан фарқлайди, ижтимоий вазифа бажаради, ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

5. Ҳар бир товуш фонема бўлиш қобилятига эга. Товуш фонемага, фонема товушга ўтиб туради.

6. Товуш тарихий – этимологик келиб чиқиши, пайдо бўлиши жиҳатидан бирламчи, фонема-иккиламчи.

2. Сўз

Нутқ бирлиги бўлган сўз (сўз формаси) нутқ фаолияти билан бевосита боғланади, нутқ жараёнида воқеланади. Шунга кўра у нутқ бирлиги, нутқ «бойлиги» ҳисобланади. Аслида сўз (сўз формаси) нутқ бирлиги бўлган товушдан – товуш комплексидан иборат ижтимоий белгидир. Сўз (сўз формаси) реал бирлик, хусусийлик, аниқлик сифатида мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, «Лексема – тил бирлиги тайёр ва турлича имкониятлар мажмуаси бўлса, сўз унинг воқеланиши, рўёбга чиқиши, аниқ шакл, мазмун ва вазифа

кашф этган моддий кўринишидир. Ҳар бир лексема нутқда муайян сўз сифатида намоён бўлади».¹⁴²

Демак, лексема ва сўз умумийлик ва хусусийлик диалектикаси билан боғланган бўлиб, сўз хусусийлик сифатида умумийликнинг – лексеманинг амалдаги кўриниши, ҳаракати, муайян вазифа бажаришидир.

Шундай қилиб, тил бирликлари бўлган лексемаларнинг «... нутқда воқеланган аниқ шакл, мазмун ва вазифага эга кўринишига сўз дейилади».¹⁴³

Хулоса шуки, лексема ва сўз муносабати аслида тил ва нутқ боғлиқлигининг, ўзаро алоқадорлигининг муайян бирликлардаги аниқ кўриниши, тасдиғидир.

Нутқ бирлиги бўлган сўз, айтилганидек, товушдан ташкил топган ижтимоий - индивидуал белги бўлиб, шунга кўра у моддийлиги билан – даставвал товуш томони (перцептив вазифаси) билан ажралиб туради.

Сўзнинг нутқ фаолиятидаги асосий вазифаси атама-номинатив вазифа бўлиб, у объектив борликдаги турлича муайян нарса-предметлар, воқеа-ҳодисалар, ҳаракат-ҳолатлар, белги-хусусиятлар билан боғланади, уларни ифода этади, англатади, улар ҳақида муайян маъно, тушунча беради. Айни вақтда сўз жамият аъзолари хотирасида муҳрланиб, улар томонидан бир хилда қабул қилинади, бир хилда тушунилади. У гапда, матнда қайд этилиб, кузатишда берилади.

Маълум бўлдики, сўз товуш томонига (перцептив вазифаси), атамалик хусусиятига (номинатив вазифаси) ҳамда маъно, тушунча ифодалашига (сигнификатив вазифаси) кўра нутқ бирлиги сифатида мукамаллиги, фонема (товуш) ва морфема каби тил бирликларини ўз таркибига олиши, коммуникатив жараёнда етакчилик қилиши билан ажралиб туради, муҳим саналади.

Шунингдек, сўз товуш ва маънога эга бўлишидан, ўз таркибига фонема ва морфема каби алоҳида тил бирликларини олишидан ташқари у гапнинг вазифаси бўлган фикр ифодалашни ҳам бажаради. Сўз гап бўлиб кела олади. Сўзга хос бу хусусият, айниқса, феълларда кузатилади. Қиёсланг: *келди* – у *келди*, *мудрадим* – мен *мудрадим*, *борсанг* – сен *борсанг*, *ёздик* – биз *ёздик* ва бошқалар. Демак, нутқ бирлиги бўлган сўзда нутқнинг бошқа бирлиги бўлган гапни ҳам кўриш мумкин.

¹⁴² Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўша асар, 47-бет.

¹⁴³ Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўша асар, ўша бет.

Сўз ҳар қандай сўз бирикмаси, гап ва матн каби синтактик бутунликларнинг асоси, бирламчи материали саналади. Фикр алмашиш жараёни аслида сўзлардан, уларнинг семантик-синтактик боғланишидан – валентлик муносабатига киришувидан содир бўлади. Шунга кўра сўз ўзининг асосий номинатив вазифасини нутқ жараёнида бажаради. Шу жараёнда у маъно аниқлигига, позицион мустақилликка эга бўлади, муайян синтактик вазифада намоён бўлади.

Демак, сўз семантик-морфологик жиҳатдан шаклланганлиги билан, синтактик бирлик бўлиш имконига эгаллиги билан ўзига хосдир¹⁴⁴.

Хуллас:

1. Сўз нутқ жараёнида вокеланишига кўра нутқ бирлиги ҳисобланади.
2. Сўз лексеманинг – тил бирлигининг нутқда муайян шакл ва мазмунда намоён бўлишидир, амалдаги ҳаракати, нутқий кўринишидир.
3. Сўз ва лексема ўзаро умумийлик ва хусусийлик диалектикаси билан боғланган бўлиб, сўз хусусийлик сифатида вокеланади. Сўз хусусийлиги нутқ хусусийлигининг мантиқий давомидир.
4. Сўз ва лексема муносабати асосида тил ва нутқ муносабати, боғлиқлиги ётади.
5. Сўз рецептив, номинатив ва сигнификатив вазифаларига кўра ажралиб туради.
6. Сўз нутқда гапнинг вазифаси бўлган фикр ифодалашни ҳам бажаради. Сўз гап бўлиб кела олади.
7. Сўз ўзаро боғлиқ бўлган фонетик, грамматик ва семантик жиҳатларнинг жамидир.

3. Сўз бирикмаси

Нутқ бирлиги бўлган сўз бирикмаси нутқий ҳосила сифатида тил ва нутқ бирликларининг – лексема ва сўзларнинг нутқ фаолиятида эркин бирикувидан, мантиқий – маъновий муносабатга киришувидан юзага келади. Аниқроғи, сўз бирикмасининг ўзига хослиги, яратилишига кўра энг муҳим жиҳати шундаки, у нутқ жараёнида «етиштирилади», ҳосил бўлади, актуал бирликка айланади.

¹⁴⁴ Сўз ҳақида “Тилнинг икки жиҳати: ифода ва мазмун жиҳатлари” бўлимига қаранг.

Сўз бирикмаси мустақил маъноли сўзларнинг (лексемаларнинг) ўзаро боғланишидан юзага келиб, гап билан сўз орасидаги оралиқ нутқий бирлик – нутқ маҳсули сифатида баҳоланади. У гап учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда сўз бирикмаси сўзга нисбатан ҳам шаклан – миқдоран, ҳам мазмунан–сифат жиҳатдан бойлиги, кенглиги, мукамаллиги ва аниқлиги билан устун туради.

Маълум бўлдики, сўз бирикмасининг яратилишида сўзлар хизмат қилади, гапларнинг яратилишида эса сўз бирикмалари хизмат қилади.

Сўз бирикмаси муайян мазмун жиҳатига эга бўлиб, ушбу мазмун жиҳати бирикма таркибидаги сўзларнинг маъноларига асосланади. Сўз бирикмаси семантикаси сўз семантикасига кўра аниқроқ, чуқурроқ, мураккаброқ ва тўлароқ бўлади. Негаки, у бир нечта сўз маъносининг ўзаро «қоришувидан», ички муносабатидан, занжирли боғланишидан юзага келади.

Сўз бирикмаси ҳам, аслида сўз каби, аташ вазифасини – номинатив вазифани бажаради. Аниғи, сўз бирикмасидаги аташ вазифаси бир нечта сўзларнинг (лексемаларнинг) ўзаро эркин синтактик алоқага, муносабатга киришувига кўра амалга ошади. «Эркин синтактик алоқа деганда эса сўзларнинг муваққат, фақат нутқ эҳтиёжи ва зарурий аташ вазифасини бажариш учун тобе – ҳоким муносабатларига киришиши тушунилади».¹⁴⁵ Қиёсланг: *ҳаёт – ёшлар ҳаёти; давлат – буюк давлат; ҳикоя – ҳикояни ўқимоқ; совуқ – қорнинг совуғи; гапирмоқ – тез гапирмоқ; олмоқ – қўл билан олмоқ; кирмоқ – уйга кирмоқ; имтиҳон – имтиҳондан ўтмоқ ва бошқалар.*

Сўз бирикмаси ҳам, айтилганидек, ифода ва мазмун, моддий ва маъновий жиҳатларга эгаллигига кўра морфема, лексема ва сўз каби тил (нутқ) бирликлари билан умумийликни ҳосил қилади.

Сўз бирикмасининг ўзига хослиги яна шундаки, у синтактик бирлик сифатида сўздан фарқ қилса, бошқа синтактик бирлик бўлган гап билан умумийликка эга бўлади. Аммо бу умумийлик асосида муайян хусусийликлар, фаркли жиҳатлар ётади, яъни сўз бирикмаси фикр ифодаламайди. Шунга кўра у гапга хос фикрий тугаллик интонациясига эга эмас. Сўз бирикмасини ташкил қилган аъзолар, айтилганидек, тобе-ҳоким муносабатида бўлиб, ҳоким сўз қайси сўз туркумига тегишли бўлса, у шу туркум номи билан аталади. Демак, сўз бирикмасининг номланишида морфологик белги-ҳоким сўз тегишли бўлган туркум асос ҳисобланади. Қиёсланг:

¹⁴⁵ Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари.-Т., 1999, 19-бет.

1. Отли бирикмалар: *баланд бино, ҳашаматли сарой, спорт зали, турон кураши.*

2. Феълли бирикмалар: *чироқни ёқмоқ, соатни тақмоқ, қўл билан олмоқ, тез ўқимоқ.*

3. Сифатли бирикмалар: *отдан баланд, уйдан кичик, темирдан қаттиқ, лойдан юмшоқ.*

4. Равишли бирикмалар: *пешиндан кейин, ўқдан тез, болалардан кўп.*

5. Сонли бирикмалар: *ўқувчиларнинг бири, ўндан тўққизи, учдан икки.*

6. Олмошли бирикмалар: *тадбиркорларнинг барчаси, дарахтларнинг ҳаммаси, ўйинчиларнинг учови.*

7. Модал сўзли бирикмалар: *уйда бор, қўлимда йўқ.*

Сўз бирикмалари ҳоким компонентига кўра ўзаро фарқланишидан, муайян номга эга бўлишидан ташқари тузилишига кўра ҳам, таркибида нечта мустақил сўз (лексема) қатнашишига кўра ҳам тавсифланади: сўз бирикмаси тузилишига кўра содда – икки мустақил сўздан ва мураккаб – уч ва ундан ортиқ мустақил сўздан таркиб топади. Демак, сўз бирикмаларини содда ва мураккаб бирикмаларга бўлишда нутқ бирлиги таркибидаги мустақил сўзларнинг миқдори асос бўлиб хизмат қилади. Қиёсланг: *мустақиллик рамзи, истиқлол гоёси, Президентимиз табриги, туннинг ярми, тоғдан баланд, руҳиятига тегишли, физиологик жараён; кундузги бўлим талабалари, имтиҳон сессияси якунлари, оралиқ назорат саволлари; минглаб томошабин сизадиган бино, ҳикояни тезлик билан қизиқарли ёзмоқ, Ватанимиз чегараларини мардонавор қўриқлаётган ёшлар; мустақиллик йиллари ҳашаматли қурилган спорт зали ва бошқалар.*

Шундай қилиб, нутқ бирлиги бўлган сўз бирикмаси нутқий фаолият маҳсули сифатида аслида-моҳиятан таркибидаги сўзлардан, уларнинг маъно мезони асосида ўзаро бирикувидан-валентлик муносабатига киришувидан юзага келади. Бунда сўзларнинг ўзаро бирикиб, сўз бирикмасини (ёки гапни) ҳосил қилиши асосида сўзларнинг валентлик имконияти–сўз валентлиги ётади.

Сўз бирикмаси таркибидаги муайян сўз - ҳоким сўз ўз маъносини тўла очиш, хусусийлаштириш учун муайян бошқа бир сўзни – тобе сўзни талаб этади, ушбу сўз билан бирикади – валентлик алоқасига, муносабатига киришади. Демак, валентлик сўзнинг хусусияти бўлиб, сўзнинг ўз маъноси асосида бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга киришувини амалга оширишдир. Бошқача айтганда, валентлик назариясида муайян сўзнинг бир ёки

бир нечта сўзни ўзига бириктириш-сўз бирикмасини ҳосил қилиш хусусиятлари умумлаштирилади.

Шундай қилиб, сўзларнинг бирикиб, сўз бирикмасини ҳосил қилиши, даставвал, бирикма таркибидаги сўзларнинг маъно имкониятига кўра амалга ошади. Сўзлар орасидаги семантик муносабат эса бевосита синтактик муносабатни юзага келтиради, бирикма конструкцияси тузилади.

Сўз бирикмаси ҳам фонетик, лексик-грамматик ва семантик жиҳатларнинг бирлигидан ташкил топади.

Хуллас:

1. Сўз бирикмаси нутқ маҳсули, нутқ бирлигидир.
2. Сўз бирикмаси бирдан ортиқ мустақил маъноли сўзларнинг ўзаро бирикувидан ташкил топиб, нисбатан аниқ маъно ифодалайди, нутқда номинатив вазифа бажаради.
3. Сўз бирикмаси компонентлари ўзаро тобе-ҳоким муносабатида бўлади.
4. Сўз бирикмаси ҳоким компонентининг қайси сўз туркумига тегишлилигига кўра турлича номланади (ўша туркум номи билан аталади).
5. Сўз бирикмалари тузилишига кўра содда ва мураккаб бирикмаларга бўлинади.
6. Сўз бирикмаси асосида сўз валентлиги–сўзнинг валентлик (бирикувчанлик) имконияти ётади.

4. Гап

Гап ифода ва мазмун жиҳатларга эга номинатив (алоҳида олинганда) ва коммуникатив (матн ичида берилганда) бирлик сифатида морфема, лексема, сўз ва сўз бирикмаси каби тил ҳамда нутқ бирликлари билан умумийликни ҳосил қилади. Аммо гап нутқ “вакили” сифатида қайд этилган лисоний бирликлардан фарқли жамиятда коммуникатив вазифа бажаради, коммуникация акти бирлиги ҳисобланади. Тил алоқа қуроли бўлиш вазифасини гап орқали амалга оширади. Чунки гап фикр ифодалаш воситаси сифатида фақат ўзига хослиги билан, семантик-грамматик, просодемик шаклланганлиги билан бошқа лисоний бирликлардан ажралиб туради. Аниғи, гап фикр ифодалаш – ахборот (хабар) бериш ва ахборот (хабар) олиш бирлигидир. Юқорида қайд этилган бошқа барча бирликлар гап учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади.

Гап мазмун жихатида объектив борлиқ аниқ ҳолда эмас, балки умумлаштирилган ҳолда ифодаланади. Шунингдек, гап мазмунида объектив борлиқдан ташқари кишининг мазкур борлиққа бўлган муносабати – модаллик-коммуникатив модаллик ҳам мавжуд бўлади¹⁴⁶.

Модаллик эса предикативликнинг муайян кўриниши, таркибий қисми сифатида воқеланади.

Бошқача айтганда, гапнинг грамматик асосини предикативлик – муайян нарсa-предметнинг муайян белги-хусусиятини тасдиқлаш ёки инкор қилиш ташкил қилади.

Хуллас, гап предикативлик ифодасига эга бўлиб, бу унинг грамматик белгиси сифатида замон, шахс, модаллик, майл каби грамматик системаларни-категорияларни ўз ичига олади. Айти вақтда гапнинг предикативликка эга бўлишининг ўзи бу бирликнинг ўзига хос фонетик шаклланишини ҳам тақозо қилади: предикативлик мавжуд бўлган жойда, албатта, интонацион шаклланиш ҳам бўлади. Чунки интонация гапнинг ташқи шаклидир. У гапнинг бошланиш ва тугаш чегараларини кўрсатади, жумладан, делимитатив (чегаралаш, ажратиш) функцияни бажаради. Кишиларнинг ўзаро алоқа қилишлари гап орқали амалга оширилгани учун интонация ҳам предикативлик каби коммуникатив вазифани бажарувчи восита бўлиб, у гапнинг учинчи муҳим белгисидир.

Шундай қилиб, гап объектив борлиқни кишининг унга муносабати орқали ифодаладиган лексик-грамматик ва интонацион бутунликдан иборат бўлган алоҳида нуткий формади,¹⁴⁷ нутқ фаолиятидир. Қиёсланг: *Ўзбекистон – келажаги буюк давлат*. Ушбу гапда тасдиқ, муносабат, интонацион тугаллик мавжуд. Демак, гапни гап қилувчи муҳим жихатлар предикативлик ва интонациядир.

Гап нутқ бирлиги-синтактик бирлик сифатида ифода мақсадига ва тузилишига кўра муайян турларга ажралади. Гап мазмун томони орқали дарак (*Ватан гўзал ва табиий моддаларга бой*), сўроқ (*Терроризмни қораламаган халқ борми дунёда?*), буйруқ (*Бугунги ишни эртага қолдирма*) каби хабарлар воқеланади. Ушбу жараёнлар гап мантикий томонининг асосини ташкил қилади.

Гаплар тузилишга кўра содда (*Мен келдим*) ва кўшма (*Тун чекинди, кун бошланди*) гапларга бўлинади.

Хуллас:

¹⁴⁶ С.Усмонов. Ўша асар, 171-бет.

¹⁴⁷ С.Усмонов. Ўша асар, 172-бет.

1. Гап ифода ва мазмун жиҳатларига эга нутқ бирлигидир.
2. Гап коммуникатив жараён – фикр ифодалаш бирлиги бўлиб, семантик, грамматик ва просодемик шакллангандир.
3. Гапнинг грамматик асосини предикативлик ташкил қилади.
4. Гап интонацион шаклланганлиги билан ҳам ўзига хосдир.
5. Гап ифода мақсадига ва тузилишига кўра, муайян турларга ажралади.
6. Тил бирлиги сифатида гап қурилиш моделлари (колиплар) нутқда номинатив бирликлар ва грамматик воситалар билан тўлдирилади.

Умумий хулоса шуки, тил ва нутқ бирликлари тилни-коммуникатив жараённи ҳаракатлантирувчи, моддий асос билан таъминловчи, ижтимоий-амалий вазифа бажариши учун хизмат қилувчи кучдир, воситалардир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тил ва нутқ бирликлари қандай бирликлар?
2. Фонема нима?
3. Морфема нима?
4. Лексема нима?
5. Модель нима?
6. Товуш нима?
7. Сўз нима?
8. Сўз бирикмаси нима?
9. Гап нима?

Асосий тушунчалар:

1. Тил бирликлари – нутқ (нутқ бирликлари) учун имконият, моддий асос вазифасини ўтайди, нутқда нутқ бирлиги сифатида воқеланади.
2. Фонема – тилнинг фақат ифода томонга эга минимал қурилмаси, ашёси бўлиб, лисоний бирликларни ҳосил қилади, ўрни билан уларнинг товуш жиҳатини (маъносини) фарқлай-ди.
3. Морфема – ифода ва мазмун жиҳатига эга синтактик (нутқий) номустақил бирлик.

4. Лексема – ифода ва мазмун жиҳатига эга, аташ вазифасини бажарувчи, жамият аъзолари учун тайёр ва умумий бўлган нутқ бирлиги (сўз) бўлиш имконидаги тилнинг энг муҳим, асосий бирлиги.
5. Модель – сўз ясалишига, сўз қурилиши ва гап қурилишига оид қолип (андаза) лар. Булар асосида лисоний бирликлар ўзаро бирикиб, номинатив ва коммуникатив бирликларни ҳосил қилади.
6. Нутқ бирликлари – нутқда тил бирликларидан ҳосил бўлиб, тилнинг – тил бирликларининг ҳаракатдаги кўриниши, фаоллиги, воқелиги, муайян коммуникатив вазифани бажаришидир.
7. Товуш – нутқ бирлиги, фонеманинг нутқдаги воқеланиши, кўриниши бўлиб, муайян бирликларни фонетик-семантик жиҳатдан фарқлайди, уларнинг моддий асоси ҳисобланади.
8. Сўз - номинатив вазифа бажарувчи нутқ бирлиги, лексеманинг нутқдаги кўриниши, муайян шакл ва мазмунда намоён бўлишидир.
9. Сўз бирикмаси – мураккаб тушунча ифодаловчи нутқ бирлиги бўлиб, мустақил сўзларнинг бирикувидан, валент-лик хусусиятидан ташкил топади, бирикма компонентлари ҳоким - тобе муносабатида бўлади.
10. Гап – фикр ифодаловчи нутқ бирлиги бўлиб, семантик, грамматик ва просодемик шаклланган, предикативлик ифода-сига эга интонацион бутунликдир.

Адабиётлар:

1. В.М.Солнцев. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. –Т., 1972.
3. Ю.С.Степанов. Основы общего языкознания. - М., 1975.
4. Н.А. Баскаков, А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизов. Умумий тилшунослик. – Т., 1979
5. Р.Расулов. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. – Т., 1991.
6. Ҳ.Неъматов, О.Бозоров. Тил ва нутқ. – Т., 1993.
7. М.Қ. Абузалова. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши. Номзодлик диссертацияси автореферати.- Т., 1994.
8. Ҳ.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., 1995.
9. Р.Расулов.Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Т., 2005.

10. SH. Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – T., 2006.

Х. ТИЛ СИСТЕМАСИ. ПАРАДИГМАТИКА ВА СИНТАГМАТИКА

Тил иккиламчи материал система сифатида идеал системаларнинг, яъни ғоялар, фикрлар, тушунчаларнинг «моддийлашиши», воқеланиши учун хизмат қилади.

Тил системаси – бу лисоний (лингвистик) бирликлар ва уларнинг жамият талабига – коммуникатив жараёнга мос ҳолда ўзаро боғланиши, мантиқий муносабатга киришиши учун хизмат қиладиган муайян қоидалар хазинасидир, имкониятдир.

Тил системаси таркибидаги моддий – коммуникатив бирликлар муайян қоидалар асосида ўзаро зарурий алоқага, муносабатга киришадилар, муайян гуруҳларни (парадигмаларни) тузадилар, нутқ бирликларини – ҳосилаларини яратадилар. Бу алоқа, муносабатлар мутлақо мантиқий, объектив, ижтимоий бўлиб, икки йўналишда – парадигматик ва синтагматик боғланишларда кузатилади, реаллашади, ушбу аспектларда тадқиқ ва таҳлил қилинади, ўрганилади. Аниғи, тил бирликлари орасидаги боғланиш, алоқа парадигматик ва синтагматик муносабатни ҳосил қилади. Демак, тил системаси таркибидаги бирликларнинг асосий муносабатлари парадигматик ва синтагматик муносабатлар ҳисобланади. Тил системаси фаолияти, амалиёти, ҳаракати, мавжудлиги айнан мана шу парадигматик ва синтагматик муносабатлар асосида юз беради. Шунга кўра тил системаси билан бевосита – табиий боғлиқ парадигматика – парадигматик муносабат ва синтагматика – синтагматик муносабат каби тушунчаларни аниқлаш, уларнинг тил системасидаги мавқеини, аҳамиятини, ўрнини белгилаш назарий тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Эслатамиз, парадигматика, парадигматик муносабат (ассоциатив алоқа) ва синтагматика, синтагматик муносабат тушунчалари Фердинанд де Соссюр томонидан тилшунослик назариясига киритилган.

Парадигматика тил бирликларини тил системасининг элементлари сифатида, структурал бирликларнинг жами сифатида текшириш аспектидир.¹⁴⁸ Айтмоқчимизки, парадигматикада тил системасининг структурал бирликлари муайян парадигмаларга бирлашиб, ўзаро бир-бири билан таққосланишига, қиёсланишига кўра характерланади. Демак, парадигматика айни вақтда парадигмалар системасидир. Парадигмалар системаси эса, айтилганидек, тил бирликларига, аниқроғи, уларнинг умумий ва хусусий маъноларига кўра -

¹⁴⁸ О.С.Ахманова. Словарь лингвистических терминов. –М., 1960, 310-бет.

улар асосида ташкил топади, яъни парадигмалар ўзаро мантикий муносабатга киришган қатор тил бирликларининг умумий маъноларига кўра бирлашиб, хусусий маъноларига кўра эса фарқланади. Масалан, отларнинг келишик билан турланиши ҳамда грамматик сон ва эгалик шакллари парадигмаси, феълларнинг шахс-сонда тусланиш парадигмаси ва бошқалар. Қиёсланг:

I	II
1. <i>Ватан</i>	1. <i>Олдим</i>
2. <i>Ватаннинг,-им</i>	2. <i>Олдинг</i>
3. <i>Ватанни,-инг</i>	3. <i>Олди</i>
4. <i>Ватанга,-и</i>	4. <i>Олдик</i>
5. <i>Ватандан,-имиз</i>	5. <i>Олдингиз</i>
6. <i>Ватанда,-ингиз,-лари.</i>	6. <i>Олди(лар)</i>

Демак, парадигма ҳосил қилган айни бирликлар лексик (умумий) маъносига кўра бир хил, грамматик (хусусий) маъносига кўра эса фарқланиши билан ўзига хосдир. Шунингдек, парадигмалар системаси кўпинча тик (вертикал) жойлашиши билан ҳам ажралиб туради.

Маълум бўлдики, муайян парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати парадигматик муносабат сифатида намоён бўлади.

Парадигматик муносабат бир парадигма бирликлари доирасидаги – орасидаги муносабатдир, ички жараён дир.

Тил ва нутқ дихотомиясига кўра парадигматика-парадигматик муносабат тушунчаси тил билан – тил имконияти билан боғланади. Чунки парадигматик муносабат бирликлари ҳам аслида имконият сифатида нутқда – нутқ бирликларида воқеланади, муайянлашади, нутқ учун ашё, зарурий материал вазифасини ўтайди, нутққача бўлган жараён ҳисобланади. Шунга кўра улар синтагматик муносабатдан фарқланади, улар каби бевосита рухий – фикрий таъсир қилиш қувватига – коммуникатив алоқа имконига эга бўлмайди, умумийлик сифатида мавжуд бўлади.

Парадигматик муносабат тушунчаси кенг бўлиб, лисоний бирликларнинг, масалан, сўзларнинг муайян боғланишларини – синонимлар (*бўкмоқ, ивимоқ; озмоқ, ориқламоқ, озгинламоқ; шалпаймоқ, шалваймоқ, шалвирмоқ*), тематик гуруҳлар (*сув, ариқ, канал, кўл, дарё, денгиз, океан*), (*шимол, жануб, шарқ, ғарб*), (*тепалик, баландлик, тоғ, чўққи*); сўз туркумлари (*от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш*); антонимлар (*кенг-тор, кун-тун, қаттиқ-юмиш, оқ-қора,*

яхши-ёмон, аччиқ-ширин, ёш-қари) кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Демак, парадигматик муносабатлар лисоний бирликларнинг ўхшаш, умумий белги-хусусиятларига кўра боғланган, бирлашган гуруҳларидир, системасидир. Улар тил бирликлари орасидаги ўхшашликка ва фарқланишга асосланади.

Парадигматик муносабат тил бирликларининг нутқкача бўлган муносабати, имконият сифатида тил ҳодисаси бўлиб, тилшуносликда ассоциатив муносабат¹⁴⁹, ассоциатив алоқа номи билан ҳам юритилади.

Парадигматик (ассоциатив) муносабатни ташкил қилувчи тил бирликларининг миқдори чегараланмаган, нисбатан ноаниқ, давомийдир.

Шунингдек, парадигматик муносабатдаги бирликлар ўзаро тобе - ҳокимлик алоқасига киришмайди, кириша олмайди. Чунки улар муайян умумий белги асосида боғланган алоҳида тенг ҳуқуқли мустақил бирликлар-парадигма бирликлари сифатида парадигматик муносабатни ҳосил қилади. Шунга кўра парадигматик муносабат тил бирликларининг нутқкача-нутқ фа-олиятигача бўлган муносабати, айтилганидек, имконият сифатидаги тил фактидир. Демак, тил ва нутқ диалектикаси нуқтаи назаридан парадигматика-парадигматик муносабат умумийлик, сабаб, имконият сифатидаги тил ҳодисаси ҳисобланади.

Парадигматика, парадигматик муносабат билан боғлиқ бўлган синтагматика – синтагматик муносабат эса тил ва нутқ дихотомиясига кўра уларнинг қайси бири билан боғланади?

Тил системаси ўз мавжудлиги ва амалий қудратини, ижтимоий ҳаракатини ушбу таянч, энг асосий муносабатларга кўра амалга оширар экан, қайд этилган саволнинг берилиши мутлақо мантиқийдир.

Таъкидлаймиз, тил системаси-унинг бирликлари ва қоидалари-парадигматика-парадигматик муносабат бирликлари - парадигма аъзолари тил ҳодисаси, тил факти сифатида ўзининг таъсир кучини, ҳаракатини, ижтимоий-амалий фаоллигини ва фаолиятини-коммуникатив вазифасини синтагматикада-синтагматик муносабатда намоён қилади, кўрсатади. Чунки парадигматик муносабат бирликлари ижтимоий амалиёт натижаси, факти, ҳодисаси сифатида синтагматик муносабат орқалигина–тил бирликларининг

¹⁴⁹ Ассоциатив муносабат термини тилшунос олим Луи Ельмслев томонидан парадигматик муносабат термини билан ўзгартирилган, алмаштирилган. Ҳозирда тилшунослик назариясида тил бирликларининг парадигматик муносабати дизъюктив муносабат деб ҳам аталмоқда.

валентлик муносабатига киришуви–семантик–синтактик боғланишига кўра амалга ошади. Демак, синтагматика, синтагматик муносабат нутқ билан, нутқ жараёни билан боғланади, нутқ ҳодисаси, нутқ факти ҳисобланади. Чунки нутқ, нутқ фаолияти коммуникатив фаолиятдир, фикр алмашиш жараёнидир, тил системасининг, парадигматик муносабат бирликларининг жамиятдаги фаоллигидир, ҳаракатидир.

Нутқ ҳодисаси, нутқ факти бўлган синтагматика, синтагматик муносабат тушунчалари ўзига хос хусусиятлари, муайян «шахсий» жиҳатлари билан ажралиб туради. Аниқроғи, синтагматика тил системаси бирликларининг нутқ фаолиятида муайян тартибда, кетма-кетликда жойлашиши, ўзаро мантиқий муносабатга киришишидир.

Маълум бўлдики, тил системаси бирликларининг фаоллашиши, нутқнинг аниқ бирлигига айланиши синтагма-тика, синтагматик муносабат туфайли юз беради. Бундан мантиқий равишда парадигматиканинг синтагматика билан боғлиқлиги келиб чиқади. Айтиш мумкинки, синтагматика парадигматиканинг мавжудлик ва намоён бўлиш шаклидир.

Синтагматика тил бирликларининг нутқ жараёнида ўзаро боғланган ҳолда қўлланишини текширади.

Демак, лисоний бирликларнинг – масалан, сўзларнинг нутқ фаолиятида кетма-кет келиши, муайян тартибда жойлашиши синтагматика сифатида намоён бўлади.

Синтагматикада лисоний бирликлар орасидаги муносабатлар аниқлиги ва изчиллиги билан ажралиб туради. Қиёсланг: *Мен истиқлол туфайли гуллаб яшнаётган Ватаннинг фарзандиман.* Кўриниб турибдики, нутқ фаолиятида муайян «ётиқ чизикқа» жойлашиб, муайян тартибда, мантиқий кетма-кетликда келган бирликлар орасидаги муносабатлар синтагматик муносабатни ҳосил қилади. Синтагматик муносабатлар доимо яққол таъсир қилиши – инсонда лисоний сезги уйғотиши билан ҳам ўзига хосдир.

Синтагматик муносабатлар нутқ фаолиятидаги бирликлар алоқаси, муносабати сифатида, парадигматик муносабат бирликларидан фарқли, бир гуруҳ бирликлари орасида ҳам, шунингдек, турли гуруҳ бирликлари орасида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Қиёсланг: *Бугун устоз ва шогирдлар кун.* Ушбу бирликлардан (сўзлардан) ҳар бири ўзи тегишли бўлган гуруҳнинг (парадигматиканинг) вакили ҳисобланади. Демак, синтагматикадаги муносабатлар муайян бирликлар (сўзлар) муносабати сифатида эмас, балки гуруҳлар-синфлар (парадигмалар системаси) муносабати сифатида намоён бўлади.

Айтиш мумкинки, нутқ бирликлари–нутқий ҳосилалар синтагматик муносабатларнинг намоён бўлишидир. Шунингдек, нутқ бирликлари муайян синфлар, гуруҳлар (парадигмалар) орасидаги муносабатларнинг воқеланишидир.

Шундай қилиб, синтагматик муносабат тил бирликларининг нутқдаги – фикр алмашиш жараёнидаги ўзаро мантиқий, зарурий муносабадидир, фикр ифодалаш учун хизмат қилишидир. Шунга кўра ушбу муносабат нутқ ҳодисаси сифатида белгиланади, нутқ билан ўлчанади.¹⁵⁰

Синтагматик муносабат лисоний бирликлар, масалан, сўзларнинг бири иккинчиси билан семантик-синтактик муносабатга киришиб, сўз бирикмасини ёки гапни ҳосил қилишидир. Қиёсланг: *миллий ифтихор, Ватан мустақиллиги, маънавият алломалари, Ўзбекистон мустақил диёр, ёшларни спортга жалб қилиш зарур*. Бунда лисоний бирликлар муайян тартибда, кетма-кетликда келиб, горизонтал чизиққа жойлашиши билан ажралиб туради.¹⁵¹

Эслатамиз, синтагматикада-синтагматик муносабатда иштирок этувчи ҳар бир лисоний бирлик ўзининг муайян ўрнига (позициясига) эга бўлади. Шу жиҳатдан у тавсифланиши билан ҳам ажралиб туради. Муайян позициядаги бирлик айна вақтда муайян нутқий вазифага эгаллиги билан ҳам муҳимдир. Нутқ жараёнидаги лисоний бирликнинг ўрни (позицияси) айна вақтда унинг нутқдаги нисбий жойлашишидир. Қиёсланг: *14-январь Ватан ҳимоячилари куни. Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир*. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қатъий хулоса шуки, синтагматик муносабатлар тилнинг бош вазифасини-коммуникатив вазифасини таъминлайди.

Синтагматик муносабатларнинг реаллашишига кўра тил бирликларидан ахборот ташувчи гаплар – нутқ бирликлари, нутқий «асарлар», ҳосилалар шаклланади, ҳосил бўлади.

Демак, синтагматик муносабатлар шундай муносабатларки, уларга кўра тил алоқа воситаси сифатида хизмат қилади, яъни тилнинг коммуникатив вазифаси синтагматик муносабатда намоён бўлади ва шу муносабатга таянади.¹⁵²

Хуллас, парадигматик ва синтагматик муносабатлар ўзаро диалектик

¹⁵⁰ Р.Расулов Умумий тилшунослик.1-қисм. 84-бет.

¹⁵¹ Р.Расулов. Ўша асар, ўша бет.

¹⁵² Ҳозирда тилшунослик назариясида тил бирликларининг синтагматик муносабати конъюктив муносабат деб аталмоқда.

боғлиқликда, бир бутун, яхлит ҳолда системалар умумийлиги, жами сифатида тилнинг алоқа қуроли бўлиб хизмат қилишини, ижтимоий-амалий фаолиятини таъминлайди.

Шундай қилиб:

1. Тил системаси лисоний бирликлар ва қоидалар хазинаси бўлиб, улар парадигматик ва синтагматик аспектларда ўрганилади.

2. Парадигматика парадигмалар системасидир. Парадигмалар системаси тил бирликларининг умумий ва хусусий маъноларига кўра ташкил топади.

3. Парадигмалар системаси тил бирликларининг ўзаро ички муносабати - парадигматик муносабатдир.

4. Парадигматика – парадигматик муносабат тил билан – тил имконияти билан боғланади. Ушбу муносабат тил бирликларининг нутққача-нутқ фаолиятигача бўлган муносабати–тил фактидир.

5. Синтагматика тил системаси бирликларининг нутқда муайян тартибда, кетма-кетликда жойлашиш, келиш жараёни билан боғланади.

6. Нутқ фаолиятида ўзаро мантиқий алоқага киришган бирликлар орасидаги муносабат синтагматик муносабатдир. Нутқ бирликлари – нутқий ҳосилалар синтагматик муносабатнинг воқеланишидир.

7. Синтагматик муносабат тилнинг коммуникатив вазифасини намоён қилади. Синтагматик муносабатга кўра тил алоқа воситаси сифатида хизмат қилади.

8. Синтагматик муносабат нутқ билан, нутқ фаолияти билан боғланади, нутқ факти ҳисобланади.

9. Синтагматикада – синтагматик муносабатда иштирок этаётган бирликларнинг ҳар бири ўзининг муайян ўрнига (позициясига) эга.

10. Парадигматик ва синтагматик муносабатлар, тил ва нутқ каби, ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, тилнинг жамиятда алоқа қуроли сифатида хизмат қилишини, ижтимоий-амалий фаоллигини таъминлайди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тил системаси нима?
2. Парадигматика нима?
3. Синтагматика нима?
4. Парадигматик муносабат нима?
5. Синтагматик муносабат нима?

Асосий тушунчалар:

1. Тил системаси – лисоний бирликлар ва уларнинг коммуникатив жараёнга мос ҳолда ўзаро боғланиб, мантиқий-маъновий муносабатда бўлиши учун хизмат қиладиган муайян қоидалардир.
2. Парадигматика – парадигмалар системаси бўлиб, тил бирликларининг умумий ва хусусий маъноларига асосланади, тил билан боғланади, тил фактидир.
3. Парадигматик муносабат – бир парадигма бирликлари орасидаги муносабат бўлиб, ушбу бирликлар ўзаро ўхшаш, умумий белги-хусусиятларига кўра боғланади, тил бирликларининг нутққача бўлган муносабати ҳисобланади.
4. Синтагматика – тил бирликларининг нутқда мантиқий кет-ма-кетликда келиши, муайян тартибда жойлашиши, нутқ фактидир.
5. Синтагматик муносабат – нутқ фаолиятида – фикр ифодалашда ўзаро семантик – синтактик алоқага киришган лисоний бирликлар орасидаги муносабат, фикр ифодалаш жараёнидир.

Адабиётлар:

1. О.С.Ахманова. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966.
2. В.М. Солнцев. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971.
3. В.И.Кодухов. Общее языкознание. – М., 1974.
4. Ю.С.Степанов. Основы общего языкознания. - М., 1975.
5. Д.Э.Розенталь, М.А.Теленкова. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М., 1976.
6. Ф.М.Березин, Б.Н.Головин. Общее языкознание. – М., 1979.
7. Р.Расулов. Умумий тилшунослик . – Т., 2007.

XI. ТИПОЛОГИЯ

Типология¹⁵³ тилшуносликнинг муайян соҳаси сифатида тилларни типологик классификация қилиш жараёни билан шуғулланади. Типология тилларнинг типологик таснифининг муҳим қонун-қоидалари ва усулларини текширади. Шунингдек, типология лисоний бирликларни бирон умумий белгиси асосида тасниф қилиш жараёнини ҳам бажаради.¹⁵⁴

Маълум бўлдики, типология, бир томондан, тилларни тасниф қилишнинг умумий назариялари, қонун-қоидалари ва усулларини ўз ичига олса, иккинчи томондан, у тил системаси бирликларини умумий белгиси, хусусияти асосида тасниф қилиш билан шуғулланади.

XIX асрда тезлик билан ривожланиш босқичига ўтган типологиянинг муҳим хусусияти шундаки, у турли тиллар–қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар доирасида иш кўради. Ушбу тилларни ўзаро қиёсий ўрганади. Шу жараёнда типология қиёсланаётган тилларнинг тузилишидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлайди, изоҳлайди.

Қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларнинг мавжудлиги, ушбу томонларнинг юзага келиш сабабларини ўрганишга ва тушунишга бўлган интилиш тилшуносликда алоҳида соҳа, йўналиш бўлган лингвистик типологиянинг (типологик лингвистиканинг) майдонга келишига сабаб бўлди.

Лингвистик типология тилларнинг қариндош ёки қариндош эмаслигидан қатъий назар уларнинг тузилиши жиҳатидан яқинлик, боғлиқлик даражасини текширади, мавжуд материаллар асосида муайян ҳодисанинг моҳиятини, табиатини аниқлайди.

Лингвистик типология (типологик лингвистика) тилларни ўзаро қиёсий тадқиқ қилиш жараёнида тиллар учун умумий бўлган ҳодисаларга алоҳида эътибор беради, ушбу умумийликларни аниқлайди.

Эслатамиз, дунё тилларининг деярли барчасида учрайдиган, барчаси учун хос бўлган умумий хусусиятлар универсалия деб юритилади. Демак, универсалиялар қиёс қилинаётган қатор тиллар тузилишига хос лисоний ҳодисалар, бирликлар билан белгиланади. Масалан, сўзларнинг бир ва кўп

¹⁵³ Типология. гр. typos-шакл, намуна, logos-таълимот.

¹⁵⁴ Қар: О.С.Ахманова. Ўша луғат, 476-бет. Д.Э.Розенталь, М.А.Теленкова. Словарь – справочник лингвистических терминов.-М., 1976, 487-бет.

маънолилиги, замон категорияси, омонимлар, сўз туркумлари, унли ва ундош товушлар, терминлар, синонимлар, урғу, ҳаракат ва ҳолат феъллари кабилар.

Маълум бўлдики, қайд этилган ушбу лисоний ҳодисалар универсалиялар сифатида ўнлаб, юзлаб тилларга тегишли эканлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда қиёс объекти бўлган тилларнинг фақат ўзигагина хос – шахсий жиҳатлари – ҳодисалари борки, булар ҳам тилларни типологик тадқиқ қилиш жараёнида-лингвистик типологияда аниқланади. Масалан, ўзбек тилига хос ў, қ, ғ, ҳ каби унли ва ундош товушлар, урғунинг тилимизда, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушиши (*истиқлол, тадбиркор, ёшлар*), рус тилида эса урғунинг сўз бошида, ўртасида ва охирида ҳам келиши. Шунингдек, рус тилида урғунинг сўз ясаш вазифасига ҳам эгаллиги, яъни урғу позициясининг ўзгариши билан сўз маъносининг ҳам ўзгариши юз беради. Масалан, *мука (ун) – мука (азоб), замо́к (қулф) – за́мок (қалъа, қўрғон)*.

Рус тилига хос ы, щ, ц каби ундошлар, шунингдек, ўзбек тилида мавжуд бўлмаган, аммо рус тилига хос род ва вид категориялари кабилар.

Демак, лингвистик типология тиллар ўртасидаги умумий жиҳатларгагина эмас, балки фарқли, ўзига хос томонларга ҳам алоҳида эътибор беради.

Лингвистик типология қиёсланаётган тиллар таҳлили ва тадқиқида ўз вазифасини, фаолиятини диалектик фалсафанинг методологик асос бўлиб хизмат қилувчи муҳим категорияларидан бири умумийлик ва хусусийлик категориясига кўра иш олиб боради. Шу жараёнда тилларнинг систем – структур табиатига хос ялпи жиҳатлар, алоҳидаликлар (махсусликлар) аниқланади, тавсифланади.

Хуллас, умумий тилшуносликнинг муҳим бир соҳаси бўлган лингвистик типология – тиллар типологияси турлича тузилишга эга бўлган, турлича тил оилаларига мансуб тилларнинг типологик хусусиятларини ҳамда мазкур тилларнинг пайдо бўлишини, уларнинг тараққиётини аниқлашга, белгилашга хизмат қилади, улар ҳақида қатор асосли, ишончли, ҳаққоний маълумотлар беради.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Типология нима?
2. Лингвистик типология нима?
3. Универсалия нима?

Асосий тушунчалар:

1. Типология – тилларни классификация қилиш билан боғлиқ қонунқоидалар ва усулларни ўрганади. Шунингдек, тил бирликларини умумий белгиси асосида тасниф қилади.
2. Лингвистик типология – турли тил оилаларига мансуб тилларни ўзаро қиёсий тадқиқ қилади, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларига алоҳида эътибор беради.
3. Универсалия – дунё тилларининг барчасида учрайдиган, барчаси учун хос умумий хусусиятлар, белгилар, жиҳатлар.

Адабиётлар:

1. Исследование по структурной типологии. – М., 1963.
2. О.С.Ахманова Словарь лингвистических терминов. – М., 1966.
3. Д.Э.Розенталь, М.А.Теленкова. Словарь – справочник лингвистических терминов. –М., 1976.
4. Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизов. Умумий тилшунослик. – Т., 1979.

ХУЛОСА

Тил системаси табиатига, вазифаси ва структурасига кўра мураккаб ижтимоий-тарихий, ижтимоий - психик ҳодиса бўлиб, жамиятга тенги йўқ алоқа воситаси сифатида хизмат қилади. Тил жамият тараққиётининг рамзи, мезони, кўзгуси сифатида фаоллик кўрсатади.

Тил илмий-назарий тилшунослик нуктаи назаридан ўнлаб кўринишларда қатор фанлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бу жараёнда, айниқса, тил ва жамият, тил ва тарих, тил ва тараққиёт, тил ва тафаккур, тил ва маънавият, тил системаси, тил ва нутқ каби мураккаб сиёсий-фалсафий, илмий масалалар борки, улар назарий тилшуносликнинг, умуман, жаҳон тилшунослиги фанининг доимий диққат марказида туради, турли фан вакилларининг бево-сита ўрганиш, тадқиқ қилиш объекти ҳисобланади.

Умумтилшуносликда тилни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишда тилнинг систем тузилишга эгаллиги, тил ва нутқнинг диалектик муносабати, тил ва нутқ бирликларининг тилни алоқа қуроли сифатида ҳаракатга келтириши каби қатор муаммолар борки, улар умуман тилшунослик фанининг – ҳам

назарий, ҳам амалий тилшуносликнинг энг муҳим, энг асосий, энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Айтилганларга кўра ушбу қисмда назарий тилшуносликнинг айрим муҳим ва мураккаб муаммолари ҳақида фикр юритдик, уларнинг муайян жиҳатларини у ёки бу даражада ёритдик.

Шак-шубҳасиз, ўзбек тилшунослигида ҳам, рус тилшунослиги каби, фани-мизнинг ушбу мураккаб илмий - назарий, фалсафий соҳаси бўлган умумий тилшунослик бўйича ўнлаб ишлар майдонга келади. Бу – давр талаби.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

КИРИШ

Метод ҳақида

Ҳар бир фан каби тилшунослик фани ҳам тарихий тараққиёти давомида лисоний ҳодисаларни ўрганишда, тадқиқот объектини (манбаини) илмий таҳлил қилиб, унинг ички «сирларини», муайян жиҳатларини очишда, табиатини, таркибини аниқлашда, илмий хулосалар чиқаришда муайян методлар асосида иш олиб боради. Бу – мутлақо табиий. Чунки метод тадқиқот манбаининг (объектининг) бирор жиҳатини, томонини (қисмини, бўлагини) ўрганиш, аниқлаш, билиш усулидир. Бошқача айтганда, табиат ва жамият ҳодисаларининг, жараёнларининг моҳиятини билиш, уларнинг ўзига хосликларини, жиҳатларини, белги-хусусиятларини аниқлаш ва улар ҳақида объектив илмий-фалсафий ғоялар, умумлашмалар чиқариш фақат муайян тадқиқот методлари фаоллигида, уларни қўллаш орқали амалга ошади. Демак метод фаннинг мавжудлиги, унинг ажралмас таркибий қисми, мантиқий бўлаги (компоненти) бўлган илмийлик деган тушунчага хизмат қилади. У фан илмийлигини, фан тараққиётини таъминлайди, фаннинг ижтимоий онгининг қудратли бир қисми, тури эканлигини асослайди, унга хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, ҳар бир фан муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришда, таълимотлар яратишда бевосита асос бўлиб хизмат қилувчи қатор фактлар, ҳодисаларга эга бўлишидан ташқари у ушбу фактларни тадқиқ ва таҳлил қилувчи методларга ҳам эга бўлиши шарт. Демак, ҳар бир фаннинг мавжудлиги, хулосалари, фаоллиги унинг тадқиқот объекти (манбаи), тадқиқот мақсади ва, айтиш вақтда, тадқиқот методлари билан белгиланади, ўлчанади. Шундай экан, фандаги илмийлик принципи учун хизмат қиладиган метод нима?. Метод термини нимани англатади?, нимани ифода этади?, деган саволнинг туғилиши мантиқийдир, табиийдир.

Метод этимологик жиҳатдан грекча *methodos* сўзидан олинган бўлиб, “тадқиқот”, “ўрганиш” деган маънони англатади.

Метод билиш назариясига кўра воқеликка ёндашиш – табиат, жамият ва фикрлаш жараёнини – тафаккурни билиш усулидир. Бинобарин, метод ушбу фалсафий маънода объектив воқеликнинг ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларини билиш, тушунтириш ва талқин қилиш йўлидир. Айтиш вақтда метод умум-

мий – фалсафий маънода қўлланишдан ташқари у тор (хусусий) маънода ҳам қўлланиш имкониятига эга. Бу ҳолда у муайян фанга оидлиги билан, айти фаннинг тадқиқот объектини (манбаини) таҳлил қилиш билан муҳим аҳамиятга эга бўлади. Демак, метод махсус, хусусий, соҳавий метод сифатида турлича фанларда турлича бўлиши билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, метод умумий ва хусусий, фалсафий ва соҳавий кўринишларга эгаллиги билан характерланади.

Хуллас, метод моҳиятан фалсафий ва фанга оид «курол» сифатида мавжудлиги билан ўзаро диалектик муносабатда, боғлиқликда бўлади.

Фалсафий метод барча фанларга хослиги, барча фанлар учун умумийлиги билан нисбий мустақилликка, алоҳидаликка эга бўлиб, у диалектик метод номи билан юритилади. Мазкур метод муайян фаннинг илмий-тадқиқот методидан фарқли ўзининг кенг қамровлиги, барча фанлар доирасида иш олиб бориши билан алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Проф. Ҳ. Неъматов таъкидлаганидек, “...диалектик билиш тадқиқ манбаи моҳиятига босқичма-босқич узлуксиз чуқурлаша бориш, соддароқ (оддийроқ) моҳиятдан мураккаброғига қараб силжиш демакдир”¹⁵⁵. Шунингдек, айти методнинг қайд этилган муҳим, асосий жиҳатлари қаторида унинг илмий изчиллик принципига қатъий амал қилиш ғояси ҳам туради. Айтилганларга кўра диалектик метод жамики фанлар учун методология-методо-логик асос вазифасини ўтайди. Бошқача айтганда, умумфал-сафий метод – диалектик метод махсус илмий методларга, яъни турли фанларга оид методларга таъсир қилувчи умумий таълимот бўлгани учун уни методология, яъни илмий тадқиқот усули бўлган методлар ҳақидаги таълимот деб юритадилар¹⁵⁶.

Аммо ҳозирги кунда (даврда) методология, илмий тадқиқ методологияси маълум бир фанда қўлланиладиган хилма-хил методлар, таҳлил усуллари ҳақидаги таълимот эмас, балки тадқиқотчининг тадқиқ манбаини, объектини қандай тушуниши ва унга қандай ёндашиши, тадқиқотдан қандай мақсадни кўзлаши, бошқача айтганда, тадқиқотчининг дунёқараши назарда тутилади¹⁵⁷. Аниқ айтадиган бўлсак, методология, биринчидан, тадқиқотчининг ўз тадқиқ манбаи ҳақида қай турдаги билимларни ҳосил қилишга интилиши, билишнинг қайси тури билан шуғулланишдир.

¹⁵⁵ Hamid Ne'matov. Ilmiy tadqiq metodikasi, metodologiyasi va metodlari.- Vuhoro,2006, 119-бет.

¹⁵⁶ С.Усмонов. Умумий тилшунослик, 176-бет.

¹⁵⁷ Қар: Н. Ne'matov . Ўша асар, 68-бет.

Маълумки, фалсафада нарса - ўрганиш объекти ҳақида тадқиқотчи икки турдаги билимлар ҳосил қилиши мумкин:

- а) фаҳмий (ҳиссий, эмпирик...) билимлар;
- б) идрокий (ақлий, мантиқий, назарий, теоретик...) билимлар.

Ҳар бир турдаги билимни ҳосил қилиш йўл, восита ва усуллари ҳам, мақсадлари ҳам бошқа-бошқадир.

Иккинчидан, тадқиқотчининг тадқиқи манбаи нарсага қандай усул билан ёндашишидир. Фалсафада нарсага ёндашишнинг икки усули бор. Улар:

- а) метафизик (номиналистик) ёндашув;
- б) диалектик ёндашув.

Метафизик ёндашувнинг ҳам, диалектик ёндашувнинг ҳам (нарсани метафизик ёки диалектик тушуниш ва талқин этишнинг) ўз тамойиллари бор. Тадқиқотчи илмий тадқиқ жараёнида шу тамойилларга таяниб, тадқиқот олиб боради.

Учинчидан, тадқиқотчининг материалистик ёки идеалистик (руҳоний) нуқтаи назарда туриши ва шу нуқтаи назардан туриб, илмий тадқиқни олиб боришидир¹⁵⁸.

Эслатамиз, ҳар бир метод - хоҳ у фалсафий (умумий) метод бўлсин, хоҳ у фанга оид (хусусий) метод бўлсин, ҳар бирининг иш олиб бориш, иш юритиш методикаси, тадқиқот манбаини, объектини (предметини) текшириш усули бўлади. Демак, илмий-тадқиқот методидан муайян иш олиб бориш методикаси фарқланади. Бошқача айтганда, метод воқеликни, объектни (предметни), ходисаю жараёнларни - ҳақиқатни билиш, аниқлаш йўли бўлса, методика шу йўлни очиш ва қуриш қуролидир. Методика олимнинг амалий равишда ишлаш системаси бўлиб, у фактларни тўплаш, ўрганиш, умумлаштириш усуллари назарда тутлади¹⁵⁹. Бошқача айтганда, методика тил ва нутқ бирликларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, тасниф қилиш, карта-лаштириш, амалда синаб кўриш йўллари билан мақсадга етишдир¹⁶⁰.

Тилшунослик фани ҳам ўзининг қатор илмий-тадқиқот методларига эга бўлиб, бу тилнинг ўта мураккаб ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик, ижтимоий-индивидуал, ижтимоий-физиологик ҳодиса эканлигидан келиб

¹⁵⁸ Қар: Н. Не'матов . Ўша асар, ўша бет.

¹⁵⁹ С.Усмонов.Ўша асар, ўша бет.

¹⁶⁰ А.Шерматов. Б.Чориев. «Умумий тилшунослик» курсидан мустақил ишлар. Т.,1989,70-бет.

чиқади. Шунга кўра тилни тадқиқ қилувчи лисоний тадқиқот методлари ҳам турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда методлар қандай, қанақа метод бўлишидан, қачон яратилган ёки қачон яратилишидан, миқдорий белгиларидан, тузилишидан қатъий назар уларнинг барчаси бир мақсадга (стратегияга) яъни лисоний ҳодисаларнинг моҳиятини, яширин имкониятларини, “сирларини” очиш, аниқлаш, топиш ва шу асосда илмий - назарий, фалсафий хулосалар чиқаришга қаратилган. Лисоний тадқиқот методлари объектнинг характеридан, тадқиқот мақсади ва тилшунос томонидан танланган тадқиқот аспектидан келиб чиққан ҳолда нафақат турлича бўлади, балки, вазифасига кўра, лисоний материалнинг тадқиқ қилиш жиҳатига қараб, ўзгариб туради. Масалан, нотаниш тиллардаги матнларни «очиш»да қўлланувчи алоҳида методлар, тил товушларининг фонетик хусусиятларини ўрганувчи махсус методлар, дала амалиётида тил материалларини йиғувчи методлар, лисоний социологик (лингвосоциологик) методлар ва б. Демак, тилнинг ҳар бир жиҳатини, томонларини, хусусиятларини унинг бутун мураккаблиги билан текширишда турлича методларнинг бўлиши, фаоллик кўрсатиши мутлақо табиий, нафақат табиий, балки мутлақо зарурий, қонуний ҳолдир.

Шу ўринда проф. Ҳ. Неъматовнинг қуйидаги фикрини келтиришни лозим топдик: “...тадқиқ методлари ҳам фан тарихида бир-бирини алмаштириб туради. Бир метод асосида очилган қонуниятлар бошқа бир методдан аниқланган ҳукмларни рад ва инкор этган ҳолларда ҳам бундай инкорни тўғри – диалектик тушунмоқ лозим – бу қатъий, мутлақ инкор эмас, балки нисбий, диалектик инкор – инкорнинг инкори, нарса моҳиятига чуқурлаша боришнинг бир босқичидир холос. Буни бир оддий ҳаётий мисол билан тушунтиришга интиламан. Тилнинг турли қирралари ҳақида турли усуллар (методлар) билан ҳосил қилинган билимлар ва очилган қонуниятлар бир катта бионинг олд, орқа, ён, уст томонларидан олинган суратлари билан қиёсланиши мумкин. Бу фотосуратлар бир-бирига мутлақо ўхшамаса-да, уларнинг барчаси битта зотда – бир бионинг шаклида бирлашади; бу фотосуратлар бир-бирини тўлдириб, бино шакли ҳақида билимларимизнинг мукамал бўлишига хизмат қилади. Бионинг тўрт томонидан суратини чизган олимларнинг бирортаси ҳам хато ёки нотўғри иш қилмаган. Хатога бионинг бир томонидан олинган тасвирини (тилнинг бир қирраси ҳақида маълум бир метод билан ўрганиладиган қонуниятни) бионинг ўзи билан

тенглаштиришдадир – ким бунга йўл қўйган бўлса, албатта, хато қилган бўлади”¹⁶¹.

Тилшунослик фанида мавжуд - амалдаги методлар иккита:

1. Диахрон тадқиқот методлари.
2. Синхрон тадқиқот методлари.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Метод нима?
2. Методнинг қандай кўринишлари мавжуд?
3. Методика нима?
4. Методология нима?
5. Методлар нечтага бўлинади?

Асосий тушунчалар:

1.Метод – объектив борлиқ предмет ҳодисаларини – тадқиқот манбаини илмий таҳлил қилиб, ўрганиб, унинг моҳиятини, табиати ва таркибини аниқлаш, муайян жиҳатларини, ўзига хос хусусиятларини топиш, очиш ва улар ҳақида илмий хулосалар, умумлашмалар чиқариш усулидир.

2.Методика – тадқиқотчининг тадқиқот объектини текшириш усули, индивидуал иш олиб бориш методи, фактларни йиғиш, таҳлил қилиб, умумлаштириш жараёнидир.

3.Методология – тадқиқотчининг мақсади билан боғланиб, тадқиқот манбаини қандай тушуниши ва унга қандай усул билан ёндашиши – шу асосда объект юзасидан муайян назарий ёки амалий, мантиқий (ички) ёки тавсифий (шаклий ташқи) билимларни ҳосил қилишидир.

¹⁶¹ Н. Ne'matov. Ўша асар, 119-бет.

I. Диахрон тадқиқот методлари

Диахрон тадқиқот методлари микдоран чегараланган бўлиб, улар тарихан ташкил топганлиги, яъни қўлланишига кўра узоқ даврларга бориб тақалиши – узоқ тарихга эгаллиги билан ажралиб туради. Ушбу методлар жаҳон тилшунослиги амалиётида кўп асрлардан бери тиллар табиатини, таркибини текширишда, тадқиқ ва таҳлил қилишда фаол хизмат қилганлиги ва жаҳон тилшунос олимлари томонидан тўла тан олинганлиги сабабли улар анъанавий¹⁶², яъни традицион методлар деб ҳам юритилади.

Хулоса шуки, диахрон методларда вақт, замон белгиси – уларнинг тарихан ўтмишда юзага келганлиги тушунчаси мезон вазифасини ўтайди. Айнан мана шу жиҳатига кўра биз уларни диахрон – тарихий (анъанавий эмас) методлар деб номладик.

Диахрон тадқиқот методларига, асосан, қуйидагилар киради:

1. Тасвирий метод.
2. Қиёсий – тарихий метод.
3. Чоғиштириш методи.
4. Тарихий - қиёсий метод.
5. Типологик метод.

Тасвирий метод

Жаҳон тилшунослиги фанининг энг тарихий, энг қадимий ва энг дастлабки асосий, етакчи методи тасвирий метод ҳисобланади. Ушбу метод асосида қадимги араб, юнон, ҳинд, хитой ва рим каби тилларга оид асарлар – грамматикалар яратилган бўлиб, улар тасвирий характерга эгаллиги билан ажралиб туради.

Илдизлари XIX асрнинг охирлари, XX асрнинг бошларида шаклланган Москва (формал) лингвистик мактабига (буюк намояндалари Филипп Фортунатов, Алексей Шахматов, Алексей Пешковский, Виктор Виноградов) бориб тақалган, Николай Димитриев, Николай Баскаков, Евгений Поливанов, Александр Боровков, Андрей Кононовлар томонидан туркий тилшуносликка олиб кирилган тасвирий метод XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб деярли

¹⁶² Анъанавий (традицион) методлар тушунчасига бўлган муносабат ҳақида қаранг. Н. Не'матов. Ўша асар, 121-бет.

ҳозиргача ўзбек тилшунослигида дарслик ва қўлланмалар яратишда фаолият кўрсатмоқда¹⁶³.

Тасвирий методнинг асосий вазифаси шундаки, у муайян синхрон аспектга тегишли лисоний бирликларни, ҳодисаларни тасвирлаш, тавсифлаш жараёнида уларни таҳлил қилиб боради, тилдаги вазифасини, ўрнини, қўлланишини, тузилишини, ўзига хосликларини аниқлайди, умумлаштиради, хулосалар чиқаради.

Масалан, мазкур метод асосида у ёки бу тилнинг товуш системаси, аниқроғи, товушларнинг талаффуз хусусиятлари, морфемалар таркиби, тузилиши, грамматик категориялар, лексик бирликлар, уларнинг шакли ва маънолари сўз бирикмаси ва гап турлари – уларнинг тузилиши, мазмуний жиҳатлари, фаоллиги кабилар тадқиқ ва таҳлил қилинади.

Тасвирий метод асосида турлича тилларга оид тасвирий грамматиклар, луғатлар-таълим системаси учун ниҳоятда зарур бўлган ўқув адабиётлари-қўлланмалар ва дарсликлар яратилмоқда, монографик характердаги илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

Айни вақтда тасвирий методнинг муайян камчиликлари ҳам бўлиб, бу унинг “атомизми”, яъни атомистик хусусиятга эгалигидир. Бу ҳолда муайян тилга оид аниқланган ва тасвирланган ҳодиса (факт) алоҳида олиними, ўзича ўрганилиши, бошқа ҳодисалар (фактлар) билан боғланмаслиги тушунилади. Ваҳоланки, таҳлил қилинаётган лисоний бирлик ёки ҳодиса бошқа ёндош бирликлар, ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда, ўзаро муносабатда олинганида, тадқиқ қилинганда ўрганилаётган ҳодисанинг табиати, моҳияти яна ҳам аниқ намоён бўларди, унинг ўзига хосликлари кўпроқ, яққолроқ воқеланади, юзага чиқади. Демак, бу ҳолда таҳлил қилинаётган ҳодиса ҳақидаги илмий ахборот, маълумот, назарий умумлашма, хулосалар яна ҳам чуқурроқ ва яна ҳам батафсилроқ бўлади.

Ҳозирда тил ҳодисалари тадқиқида тасвирий методдан фойдаланиш жараёнида лисоний тажриба (эксперимент) ларни қўллаш орқали ушбу метод чуқурлашиб, такомиллашиб бормоқда. Бунда тажриба ўзига хос кузатиш жараёни, усули, йўли сифатида хизмат қилмоқда.

Тасвирий метод ўз фаолияти давомида лисоний ҳодисаларни тадқиқ қилиш жараёнида ўз таркибидаги муайян усуллардан – «ички методлардан» фойдаланади. Айтиш мумкинки, бундай ҳолда тасвирий метод умумийлик

¹⁶³ Н. Ne'matov. Ўша асар, 122-бет.

сифатида, муайян усуллар (ички методлар) эса хусусийлик сифатида воқеланади.

Тасвирий метод таркибидаги «ички методлардан» бири **кузатиш** усулидир. Бу жараёнда мўлжалга олинган лисоний объектлар, масалан, фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн кабиларнинг тилдаги хусусиятлари – вазифаси, қўлланиши, тузилиши, аҳамияти кабилар аниқланади. Кўпинча уларнинг ҳар бири алоҳида олиниб, ҳар бирининг ўзига хосликлари, жиҳатлари ўрганилади. Демак, кузатиш жараёни тасвирий метод фаолиятидаги дастлабки зарурий босқич сифатида хизмат қилади. Шунга кўра ушбу босқич – кузатиш жараёни тадқиқотчидан тил билимининг тўлиқ, мукамал бўлишини талаб қилади. Бу эса ўз навбатида ўрганилаётган ҳодисалар ҳақидаги фикрларнинг, хулоса-ларнинг илмийлиги, пухталиги, объективлигини таъминлайди.

Тасвирий методнинг навбатдаги усулларида яна бири **қиёслаш**дир. Бу ҳолда қиёслаш усули орқали бирдан ортиқ фактлар, яъни янги аниқланган фактлар маълум бўлган фактлар билан ўзаро қиёсланади, муайян илмий хулосалар чиқарилади. Демак, қиёслашда лисоний ҳодисаларнинг бирдан ортиқ бўлиши муҳим ҳисобланади. Масалан, келишиқ қўшимчаларининг, сифат даражаларининг, феъл замонларининг, гап тузилиши ва маъно турларининг ўзаро қиёсланиши кабилар.

Тасвирий методнинг сифат жиҳатдан ўзгача ривожланган усулларида яна бири **таксономик** усулдир. Таксономик усул асосида тиллар, тил фактлари, ҳодисалари илмийлик принципи нуқтаи назаридан ўрганилади, тасниф қилинади, бир ва бир қанча тиллардаги ўхшаш, умумий ҳодисалар қиёсланади. Ушбу методнинг асосий вазифаси тил (ёки тиллар) системасини тасвирлашдир. Шунга кўра у тасвирий методдан, ўз асосидан – умумийликдан, фарқ қилади. Маълумки, тасвирий метод лисоний ҳодисаларни муайян синхрон ҳолатда олиб, ўрганиб, таҳлил қилиб, уларнинг хусусиятларини аниқлайди. Таксономик метод эса, айтилганидек, асосан тил системасини тасвирлаш учун хизмат қилади. Таксономик метод манбаларда структурал метод сифатида баҳоланади, берилади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Нима учун диахрон тадқиқот методлари дейилади?
2. Диахрон тадқиқот методларига қандай методлар киради?

3. Тасвирий метод қандай метод?
4. Тасвирий метод ўз таркибига қандай усулларни олади?

Асосий тушунчалар:

1. Диахрон тадқиқот методи – тарихий метод бўлиб, тарихан ташкил топганлиги билан, қўлланишига кўра узок ўтмиш билан боғланишига кўра ўзига хосдир, уларда вақт, замон белгиси мезон вазифасини ўтайди.

2. Тасвирий метод – лисоний бирликларни синхрон нуқтаи назардан текширади, ўрганади. Уларнинг тилдаги вазифаси, тузилиши, қўлланиши кабиларни аниқлайди, тавсифлайди, илмий баёнини, “шарҳини” беради.

2. Қиёсий – тарихий метод

Қиёсий – тарихий метод лингвистик методларнинг энг фаоли, энг асосийси, энг кўп хизмат қиладигани сифатида жаҳон тилшунослиги тарихида алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

Ушбу метод XIX асрнинг бошларида – биринчи чорагида санскрит (қадимги ҳинд адабий тили)да яратилган ёзма манбалар тилини (ёзма нутқни) ўрганиш, уни Европа тилларига қиёслаш, улар орасида умумийлик-ўхшашлик борлигини аниқлаш натижасида юзага келди.

Қиёсий – тарихий метод асосчилари: Франс Бопп (1791-1867); Расмус Раск (1787-1832); Якоб Гримм (1785-1863); Александр Востоков (1781-1864)лардир .

Қиёсий – тарихий метод асосчилари - ўз асарларида мазкур методдан фойдаланган ушбу олимлар, ҳинд ва қатор Европа тиллари тарихан битта асос, умумий тилдан – бобо тилдан (праязыкдан) ажралиб чиққан, ушбу тилнинг бўлиниши, турли томонларга тарқалиши натижасида юзага келган, шаклланган деган ғояни илгари сурадилар. Демак, ушбу тиллар, яъни ҳинд (санскрит) ва қатор (Европа, масалан, грек) тиллари орасида оилавий муносабатларга ўхшаш қариндошлик алоқалари мавжуд бўлиб, тиллараро ўхшашлик шу қарин-дошлик алоқаларининг натижаси эканлиги табиий ҳолдир¹⁶⁴. Хуллас, қиёсий-тарихий метод асосчилари мазкур метод битта

¹⁶⁴ Қар: Н. Не’матов . Ўша асар, 127-бет.

бобо тилдан пайдо бўлган, келиб чиққан тилларни, демак, ўзаро қариндошлик муносабатидаги тилларнинг ҳодисаларини, бирликларини – сўз ва қўшимчаларни, уларнинг шаклларини, қиёфасини тиклашга хизмат қилишини таъкидладилар. Бунда қиёсий – тарихий метод орқали қариндош тилларга, масалан, қадимги ҳинд (санскрит) ва юнон тилларига оид ёзма ёдгор-ликлардаги тил материаллари, аниқроғи, дастлаб сўзларнинг талаффузи ҳамда маъноси қандай бўлганлиги аниқланар, шундан сўнг улар қиёсланар эди. Натижада таҳлил қилинаётган сўзнинг энг қадимги шакли (этимологик шакли) – ташқи томони (қиёфаси) ҳамда ички томони – маъноси (этимологик маъноси) ҳақида маълумот берилар эди. Масалан, Ф.Бопп қадимги Ҳинд – Европа тилларида феълларининг тусланишини (парадигмасини) таққослаб, қиёслаб ўрганиши натижасида бу тилларнинг қариндош эканлигини исботлаб берди. Ҳинд – Европа тилларида флексиянинг юзага келиши тарихини ўрганиб, тилшуносликда «агглютинация» назариясини яратди.

Я. Гримм эса қиёсий-тарихий метод орқали герман тиллари билан Ҳинд-Европа тилларининг товуш системаси ўртасида ўхшашлик борлигини аниқлаб, «Гримм қонуни»ни яратди. Бу қонунга биноан Ҳинд-Европа тилларидаги жарангсиз портловчи [p, f, k] товушларига герман тилларидаги жарангсиз сирғалувчи [f, q, h] товушлари мос келади. Ҳинд –Европа тилларидаги жарангли портловчи [b, q, d] товушлари герман тилларидаги [p, t, k] жарангсиз портловчи товушларга мосдир¹⁶⁵.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги муҳим хулосага келиш мумкин: 1. Ўзаро қариндош тиллар орасида товуш мос келиш қатъий қонунлари мавжуд бўлиб, бу қонундан ҳар бир мустасно (чекиниш – Р. Р.), албатта, шарҳланиши лозим. 2. Тилларнинг ўзаро қариндошлиги мана шу товуш мос келиш қонунлари ва тиллараро умумий қадимий ўзаклар (асослар – Р. Р.) асосида белгиланади¹⁶⁶.

Демак, қиёслаш учун фактлар фақат қариндош тиллардан – генетик тенгликка эга бўлган тиллардангина олинади. Масалан: русча ц в е т о к, полякча k w i a t o k «гул»; форсча нов (нов), русча н о в (ый), немисча н е и, инглизча new «янги», грекча p a t e r, p a t r o s, лотинча p a t e r,

¹⁶⁵ Р.М.Венцкович, А.Я.Шайкевич. История языкознания.Ч.1.-М., 1968; А.Баскаков,А.С.Содиқов,А.А.Абдуазизов. Умумий тилшунослик.-Т.,1979, 120-бет.

¹⁶⁶Н. Ne'matov . Ўша асар, 127-бет.

санскритча p i t a r, немисча vater, форсча п а д а р, русча п а п а, хиндча б о б о «ота» демакдир¹⁶⁷.

Маълум бўлдики, қиёсий-тарихий метод асосида тадқиқот ишлари олиб борилганда,

1) икки ва ундан ортиқ тилда мавжуд бир-бирига ўхшаш ҳодисалар қиёс қилинади;

2) қиёслаш орқали айни жараёнгача маълум бўлмаган лисоний бирликларнинг (масалан, морфема ва сўзларнинг) тарихий қиёфасини қайта тиклашга эришилади¹⁶⁸.

Қиёсий – тарихий методнинг қўлланиши натижасида унинг бажарилиши, амалга оширилиши мумкин бўлган тўртта тури вужудга келди: а) қиёслаш учун материал тўплаш; б) қатор қиёсланадиган бирликларни белгилаш ва уларни айнан бир нарса деб ҳисоблаш; в) фонетик ўзгаришларнинг нисбий хронологиясини белгилаш; г) архетип реконструкциясини аниқлаш (сўз ва морфемаларнинг энг қадимги шакли ва маъноларини тиклаш)¹⁶⁹.

Эслатамиз, қиёсий – тарихий метод асосида одатда ўзаро қариндошлик муносабатида бўлган тилларнинг қиёсий фонетикаси ва қиёсий морфологияси яратилади. Сўз яшаш масалалари ҳам бу метод асосида таҳлил қилиниши мумкин. Аммо қиёсий лексикология, семантика ва синтаксис соҳаларида қиёсий-тарихий метод кам маҳсул бўлади¹⁷⁰.

Хуллас, қиёсий – тарихий метод асосан Ҳинд-Европа тилларига нисбатан қўлланиши билан ва у Ҳиндистондан – Европагача бўлган тилларни қиёслаш ва энг қадимги шакллари тиклаш учун хизмат қиладиган қиёсий-тарихий тилшуносликнинг – компаративистиканинг жаҳон тилшунослиги тарихида мустаҳкам ўрин эгаллашида пойдевор вазифасини ўтади.

Шу ўринда умумлаштирувчи муҳим хулоса сифатида Ҳ. Неъматовнинг қуйидаги фикрини келтирамиз: “Европа фанида Европада ҳақиқий илмий тилшунослик шу методнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ деб саналади. Бу бежиз эмас – тилшуносликнинг барча замонавий йўналишлари шу методнинг у ёки бу кўринишда ўзгартириш асосида шаклланган ва ривожланган. Жумладан, структурализм асосчилари деб саналадиган Фердинанд де Соссюр ва Иван Бодуэн де Куртене шу йўналишнинг ёш грамматиклар тармоғидан етишиб чиққанлар. Филипп Фортунатов номи

¹⁶⁷ Қар: С. Усмонов. Ўша асар, 178-бет.

¹⁶⁸ Қар: С. Усмонов. Ўша асар, 177-бет.

¹⁶⁹ Қар: Общее языкознание. М., 1973, 81-бет.

¹⁷⁰ С. Усмонов. Ўша асар, ўша бет.

билан боғлиқ бўлган формал таҳлил йўналиши ҳам ўз мақсадини шу тилшунослик намояндаларидан олади.

Туркийшуносликда В. В. Радлов мактаби номини олган қиёсий-тарихий тилшунослик бу методнинг ёш грамматиклар йўналиши тамойиллари билан иш қўрган¹⁷¹.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қиёсий-тарихий метод қандай метод?
2. Қиёсий-тарихий метод асосчилари кимлар? ва улар қандай ғояни илгари сурдилар?
3. Қиёсий-тарихий метод асосида қандай муносабатдаги тиллар ўрганилади? ва қандай натижаларга эришилади?
4. Қиёсий-тарихий метод қайси тилшуносликнинг яратилиши ва шаклланишида пойдевор вазифасини ўтади?

Асосий тушунчалар:

1. Қиёсий-тарихий метод – ўзаро қариндошлик муносабатидаги тилларнинг бирликларини, асосан, товуш, қўшимча ва сўзларни тарихий жиҳатдан қиёслаш натижасида уларнинг дастлабки шаклини, қиёфасини, маъносини тиклайди, улар орасидаги ўхшашликни аниқлайди.
2. Санскрит – қадимги ҳинд адабий тили.
3. Бобо тил – қариндош тилларнинг келиб чиқишида асос бўлган тил, ушбу тилларнинг барчаси учун умумий тил (праязык).
4. Компаративистика – қиёсий-тарихий тилшунослик.

3. Чоғиштириш методи

Чоғиштириш методи икки ва ундан ортиқ қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни – тил ҳодисаларини ўзаро қиёлаш усулидир. Ушбу хусусиятга кўра мазкур метод фақат қариндош тилларни таққослаб, қиёслаб ўрганадиган қиёсий-тарихий методдан фарқ қилади. Шунингдек, бир қанча тилларга оид чоғиштирилаётган, таққосланаётган лисоний ҳодисаларни тасвирлашда, тавсифлашда, тиллараро ўхшаш (аналогик) ҳодисалардаги

¹⁷¹ Н. Не'матов . Ўша асар, 128-бет.

умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлашда, қиёсий-тарихий методдан фарқли, айни тилларнинг – чоғиштирилаётган тилларнинг тарихига, уларнинг келиб чиқишига – генетик жиҳатларига, таракқиётига эътибор бермайди, уларга асосланмайди.

Чоғиштириш методи қайд этилган ўзига хос жиҳатларига, томонларига кўра у муайян бир тил табиатига, тузилишига, таркибига хос хусусиятларни тавсифлаш учун хизмат қиладиган тасвирий методдан ҳам фарқ қилади.

Тилларни чоғиштириш методи асосида ўрганиш натижасида уларнинг фонетик ва лексикографик хусусиятлари, томонлари атрофлича ёритилади, маълум бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қиёсга асос бўлган тилларнинг тузилишини, ички томонларини чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Чоғиштириш методи, айниқса, чет тилларни ўрганишда ҳам кенг қўлланилади. Демак, мазкур метод нафақат назарий фикрларни, қоидаларни белгилаш учун, балки амалий мақсадлар учун ҳам фаол хизмат қилади. Шунингдек, «бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш техникаси ва назарияси учун ҳам чоғиштириш методи асосида олиб борилган илмий тадқиқот хулосалари катта аҳамият касб этади»¹⁷².

Эслатамиз, XVII-XVIII асрлардаёқ тилларни чоғиштириш орқали ўрганиш икки тилли луғатларнинг, барча тиллар учун умумий грамматикаларнинг яратилишига олиб келади.

Демак, тилларни ўзаро чоғиштириш, таққослаш ҳар бир тилдаги ўрганилаётган ҳодисаларнинг нафақат специфик жиҳатларини, ўзига хосликларини, балки уларнинг умум-лисоний ёки индивидуал лисоний жиҳатларини аниқ ёритиб бериш имконини беради¹⁷³.

Шунингдек, чоғиштириш (ёки қиёсий - чоғиштириш) методининг ўзига хосликлари тасвирий-тавсифий жиҳатлари, йўналишлари қуйидагилар билан ҳам белгиланади: 1. Сўзларнинг турли-туман кўшимчалар билан бирикишларини тавсифлаш, сўз ва кўшимчаларни фарқлаш. 2. Шева ва ўзаро яқин бўлган тиллар орасида товуш алмашинувлари ва мос келишларини тавсифлаш. 3. Қатъий белгиланган адабий тил меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя қилиш ва ўргатиш методикасини шакллантириш. 4. Расмий диний тил, талаффуз, имло билан шевалар ва бошқа тиллар орасидаги фарқларни илғай олиш ва чоғиштира – бир тилда ифодаланган маъно ёки вазифани бошқа тилда қандай усул ва восита билан берилиши мумкинлигини

¹⁷² С. Усмонов. Ўша асар, 181-бет.

¹⁷³ В. И. Кодухов. Ўша асар, 273-бет.

аниқлаш устида изланишлар олиб бориш. 5. Бир тили (изоҳли) ва кўп тилли таржима луғатлари тузиш¹⁷⁴.

Шунингдек, проф. Ҳ. Неъматовнинг маълумот беришича, араб тилшунослиги ютуқлари ва анъаналарида таълим олган Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Ҳаййон, Ибн Муҳанна каби туркийшунослар ҳам асарларида шу таҳлил усулидан фойдаланишган, шу асосда туркий тиллар тавсифларини беришган.

X-XIV асрларда араб (ислом) тилшунослиги доирасида шаклланган ва ривожланган эроншунослик ва мўғулшунос-ликда ҳам етакчи тадқиқ усули қиёсий-чоғиштирма метод эди.

XIX-XX асрларда туркий халқлар ва уларнинг тиллари рус давлати ва тили билан яқин муносабатларга киришгач, туркий ва рус тилларини қиёсий-чоғиштирма ўрганиш жараёнида бу метод замонавий (ўз даври) таҳлил ва тавсиф талаблари билан мукамаллаштирилди ва совет чоғиштирма тилшунослигида маълум бир тараққиёт босқичини белгилади – 1930-70-йилларда рус тилшунослигида рус ва муайян туркий тилларни, миллий туркийзабон тилшуносликларда (ўзбек, татар, бошқирд, қozoқ, озарбайжон, чуваш в.х. тилшуносликларида) миллий туркий тиллар ва рус тили қурилишини чоғиштирма ўрганиш йўналишлари ривожланди¹⁷⁵.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Чоғиштириш методи қандай метод?
2. Чоғиштириш методининг қиёсий-тарихий методдан фарқи нимада?
3. Чоғиштириш методининг тасвирий методдан фарқи нимада?

Асосий тушунчалар:

1. Чоғиштириш методи – икки ва ундан ортиқ қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни ўзаро қиёслаб, чоғиштириб ўрганади.

2. Таққосламоқ – ўзаро солиштирмоқ, таққос қилмоқ.

4. Тарихий - қиёсий метод

Тарихий - қиёсий метод қиёсий - тарихий метод каби лингвистик методлар гуруҳига тегишли бўлиб, унда тарихийлик принципи етакчилик қилади. Айнан

1 Н. Не'матов . Ўша асар, 124-бет.

¹⁷⁵ Н. Не'матов. Ўша асар, 125-бет.

мана шу хусусиятига, яъни тарихийлик жиҳатининг биринчи ўринда туришига - қиёслаш жараёнида етакчилик қилишига кўра мазкур метод қиёсий – тарихий методдан нисбатан фарқ қилади. Аслида ҳар икки метод ҳам тарихийлик ва қиёслаш принципига қатъий амал қилади, шу йўналишда тадқиқот ишларини олиб боради. Чунки ҳар икки методнинг мавжудлиги, фаолияти, ўзига хослиги, алоҳида методлар сифатида тан олиними ва бошқа ўнлаб методлардан фарқ қилиши, аҳамияти тил системасига (структурасига), лисоний ҳодисалар тадқиқига тарихийлик ва қиёсийлик (ёки қиёсийлик ва тарихийлик) нуқтаи назаридан ёндашиш, мурожаат қилиш билан ўлчанади. Шунга кўра айрим манбаларда ушбу методлар орасига чегара қўйилмайди, айнан бир метод сифатида тушунтирилади¹.

Тарихий - қиёсий метод қиёсий-тарихий метод асосида, унинг негизида пайдо бўлиб, у айрим, алоҳида тиллар ҳамда қариндош тиллар тарихини, уларнинг тарихан келиб чиқишини ўрганади, лисоний бирликларнинг ўтмиш шаклини, кўринишини, қиёфасини тиклайди.

Тарихий-қиёсий метод муайян тилнинг тарихий тараққиётини ўрганади, унинг ички ва ташқи қонуниятларини очиш мақсадида ишлатилади. Ушбу методнинг принципи-нуқтаи назари (бош мақсади) бир тил товушлари, сўз ва конструкциялари орасидаги тарихий умумийликни, ўхшашликни аниқлашдир, шунингдек, улар орасидаги тарихий фарқларни ҳам белгилашдир. Демак, ушбу жараёнда таҳлил ишлари тарихийлик асосида амалга ошади, лисоний бирликларга тарихан ёндашган ҳолда улар қиёсланади, натижада ўхшаш ва фарқли жиҳатлар маълум бўлади. Масалан, эски ўзбек тили тарихига оид озоқ, адақ, аёқ сўзларида з,д,ё товушларининг - харфларининг ўзаро тарихий муносабати, тарихий алоқаси кабилар.

Эслатамиз, тарихий-қиёсий метод бир тил ва бир неча тилларни қариндош тилларни ўрганса, қиёсий-тарихий метод эса бир нечта тилларни қариндош тилларни қиёсий ўрганади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тарихий-қиёсий метод қандай метод?
2. Тарихий-қиёсий методнинг қиёсий-тарихий методдан фарқи нимада?
3. Тарихий-қиёсий методнинг бош мақсади нима?

Асосий тушунчалар:

¹ Қар: О.С. Ахманова Ўша луғат, 186-,450-бетлар.

1.Тарихий-қиёсий метод – бир тилни ёки бир неча қариндош тилларни, уларга тегишли бирликларни, ходисаларни тарихийлик принципи асосида қиёслайди, улар орасидаги тарихий умумийликни, ўхшашликни ва фарқларни аниқлайди.

2.Тарихийлик – муайян предмет - ходисани муайян тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда текшириш принципи.

5. Типологик метод

Типологик метод турли қариндош (ўзаро генетик боғлиқ) ва қариндош бўлмаган (ўзаро генетик боғланмаган) тил оилаларига тегишли бўлган тилларни қиёслаш асосида ўрганади. Ушбу хусусиятига кўра мазкур метод фақат бир тил системасига, яъни қариндош тиллар оиласига кирувчи тилларни қиёсий тадқиқ қилувчи, «баҳолавчи» қиёсий-тарихий методдан фарқ қилади.

Типологик метод қиёсий-тарихий метод билан ҳамкорликда иш олиб боради, уни тўлдиради, чуқурлаштиради.

Типологик метод чет тилларни она тилига қиёслаб ўрганиш жараёнида ушбу тиллардаги фонетик, лексик-грамматик ва услубий (стилистик) хусусиятларини аниқлайди ва илмий хулосалар чиқаради.

Типологик методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда тиллар генетик жиҳатдан қайси тил оилаларига мансублигидан қатъий назар улар ўз структураларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларига кўра қиёсланади, яъни ўрганилаётган, қиёсга олинган тилларнинг структур – қурилиш хусусиятлари аниқланади, муайян хулосалар чиқарилади.

«Типологик методнинг пайдо бўлиш сабаби шундаки, барча тиллар ташқи жиҳатдан фарқли бўлсада, аммо ички тузилишига кўра ўхшашдир, яъни улар тузилиши (структураси) асосида айнан бир хил принцип ётади»¹ .

Тилларни типологик ўрганиш мақсадини белгилашда бир қанча ёндашувлар, қарашлар мавжуд. Булар қуйидагилар:

1. Классификацион (таснифий) ёндашув.
2. Характерологик ёндашув.
3. Белгили (признаковый) ёндашув.
4. Ички систем ёндашув.

Классификацион (таснифий) ёндашув.

Тилларни типологик ўрганиш жараёнидаги классификацион, яъни

¹ А. Т. Хроленко. Общее языкознание. М., 1981, 82-бет.

таснифий ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, бунда дунёдаги барча тиллар қайсидир жиҳатига, бирон белгисига кўра тил оилаларига (гурӯҳларига) ажралади. Натижада тилларнинг морфологик таснифи пайдо бўлади.

Морфологик тасниф, ўз номидан келиб чиққан ҳолда, тилларнинг морфологик хусусиятларини - ўзак ва қўшимчаларни ўзаро зид олган ҳолда қиёслаб ўрганади. Шунга кўра тил типлари ҳосил бўлади. Қиёсланг; агглютинатив тиллар (масалан, ўзбек тили – ҳар бир грамматик маъно алоҳида аффикс билан ифодаланади: *талаба-лар* (кўплик)-*га*(йўналиш), флектив тиллар (масалан, рус тили-бирдан ортиқ грамматик маъно бир аффикс билан ифодаланади: *Эти книги подарим* гапида э т и к н и г и сўзларидаги и аффикси икки грамматик маънони: тушум келишигини ва кўпликни англатади).

Характерологик ёндашув.

Тилларга характерологик ёндашув натижасида ҳар бир тилнинг ўзига хос, муҳим (характерли) хусусиятлари, жиҳатлари маълум бўлади. Ушбу хусусиятлари, томонлари орқали тилга баҳо берилади.

Белгили ёндашув.

Тилларга муайян белгиларига кўра ёндашув натижасида алоҳида тил ҳодисалари ва сатҳлари (яруслари)нинг типология-си яратилади. Масалан, фонетик типология, лексик типология, морфологик типология, синтактик типология ва бошқалар.

Ички систем ёндашув.

Тилларга ички систем ёндашув натижасида муайян тилдаги алоҳида ҳодисалар (масалан, фонетик, лексик, морфологик ва б.) орасидаги ўзаро муносабатлар, боғлиқликлар тадқиқ қилинади. Бунда муайян тилда қандай ҳодисалар, бирликлар, элементлар намоён бўладию қандай ҳодисалар воқеланмайди, қандай ҳодисаларнинг, элементларнинг мавжудлигини бошқаришни инкор қилади, юзага келтирмайди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Типологик метод қандай метод?
2. Типологик методнинг қиёсий-тарихий методдан фарқи нимада?
3. Тилларни типологик ўрганишда қандай ёндашувлар мавжуд?

Асосий тушунчалар:

1. Типологик метод – ўзаро қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар структур жихатдан қиёсий ўрганилиб, уларнинг тузилишига хос хусусиятлар – умумий ва фарқли томонлар аниқланади.

2. Классификацион ёндашув – тилларга таснифий ёндашув – морфологик тасниф сифатида ўзак ва қўшимчалар ўзаро зид ҳолда қиёслаб ўрганилади.

3. Характерологик ёндашув – бунда қиёсланаётган ҳар бир тилнинг ўзига – тузилишига хос муҳим, характерли хусусиятлар маълум бўлади, аниқланади.

4. Белгили ёндашув – тилларга муайян белги-хусусиятлар (масалан, фонетик, морфологик ва бошқалар) жихатидан ёндашув бўлиб, бунда тил сатҳлари типологияси (фонетик типология, лексик типология кабилар) ҳам кузатилади.

5. Ички систем ёндашув – бу ҳолда муайян тилдаги муайян ҳодисалар (фонетик, лексик ва бошқалар) орасидаги ўзаро муносабатлар, алоқалар ўрганилади.

II. Синхрон тадқиқот методлари

Синхрон тадқиқот методлари сифат жихатдан чуқур ва мураккаблиги билан, миқдор жихатдан эса кўплиги, турли-туманлиги, «ўсиб бораётганлиги» билан ажралиб туради. Улар замонавийлик хусусиятига кўра алоҳида аҳамият касб этади.

Синхрон тадқиқот методларининг кўпайиб, «ўсиб» бориши, замонавийлик хусусияти тилнинг жамиятга бевосита боғлиқлигидан, унинг жамият томонидан – табиий ва ижтимоий фан вакиллари томонидан кенг миқёсда, атрофлича ўрганилиб борилаётганлигидан келиб чиқади. Демак, замонавий тадқиқот методларининг кўпайиб бориши табиий, зарурий жараён сифатида мақсадга тўла мувофиқдир.

Эслатамиз, синхрон тадқиқот методлари диахрон тадқиқот методларига нисбатан олинганда, пайдо бўлишига, яратилишига кўра вақт жихатдан янгилиги билан, замонавий хусусиятлари билан ажралиб туради. Ушбу методлар диахрон тадқиқот методлари каби яратилишига кўра узок тарихга, узок даврлардан бери амалий қўлланишга эга эмаслиги билан шунга кўра синхрон тадқиқот методлари деб юритилиши жихатидан алоҳида катта гуруҳни ташкил қилади ва фанимизда алоҳида аҳамият касб этади.

Демак, синхрон тадқиқот методлари тилшуносликда вақт жиҳатдан кейинги даврларда, масалан, XX – XXI асрларда шакл-ланганлиги билан,

амалиётга фаол хизмат қилаётганлиги билан, давр нуқтаи назаридан фарқлиги, ўзига хослиги билан ажра-либ туради. Айтилганларга кўра биз уларни синхрон тадқиқот методлари деб номлаб, вақт тушунчаси мезонига кўра уларни диахрон- тарихий методлардан фарқладик, уларга зидладик.

Синхрон тадқиқот методлари қуйидагилар:

1. Дистрибутив таҳлил методи.
2. Статистик таҳлил методи.
3. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи.
4. Трансформацион таҳлил методи
5. Компонент таҳлил методи.
6. Валентлик таҳлил методи.
7. Экспериментал – фонетик таҳлил методи.
8. Автоматик таҳлил методи

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Синхрон тадқиқот методлари қандай методлар?
2. Синхрон тадқиқот методларининг диахрон тадқиқот методларидан фарқи нимада?
3. Қандай синхрон тадқиқот методларини биласиз?

Асосий тушунча:

Синхрон тадқиқот методлари – ҳозирги методлар бўлиб, вақт жиҳатидан юзага келишига (қўлланишига) кўра нисбатан янгилиги, замонга хослиги - замонавийлиги билан ажралиб туради. Ушбу методлар XX-XXI асрлар махсули сифатида амалиётга фаол хизмат қилмоқда.

1. Дистрибутив таҳлил методи

XX асрнинг 20 йилларида жаҳон тилшунослиги майдонида пайдо бўлган структурал лингвистика ҳозирги замон тилшунос-лигининг етакчи, муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у тил структурасини тил назариясининг асоси деб ҳисоблайди¹⁷⁶.

¹⁷⁶ Қар:Р.Расулов. Умумий тилшунослик, 1-қисм, 85-бет.

Бир қатор структурал оқимлар: Америка, Прага ва Копенгаген структурал мактаблари ичида Америка структурализми жаҳон тилшунослигида тан олинган бўлиб, у дескриптив, яъни тасвирий методига кўра дескриптив тилшунослик деб ҳам юритилади.

Дескриптив тилшунослик муайян тил бирликларининг ўзаро, бир-бирига нисбатан жойлашиш табиатини ёки уларнинг тарқалиш (дистрибуция) муносабатини тасвирловчи фандир. Мазкур усул билан тилни таҳлил қилиш дескриптив метод дейилади.

Дескриптив метод матнни энг ихчам ва тугал ифода қилишни талаб қиладиган тасвирлаш методидир. Дескриптив методнинг асосини дистрибуция-дистрибутив таҳлил ташкил қилади¹⁷⁷.

Дистрибутив таҳлил муайян тил бирликлари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошади. Ушбу жараёнда фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси ва гап каби лисоний бирлик-ларнинг дистрибуцияси-жойлашиш ўрни (позицияси), тартиби, олдинма – кейин келиши, қўлланиш имкониятлари аниқланади. Айни вақтда ушбу лисоний бирликларнинг ўзаро муайян алоқага – семантик – синтактик муносабатга киришуви, боғла-ниши-бирикиши ҳам ўрганилади. Бошқача айтганда, тил бир-ликларининг дистрибуцияси фонема учун маълум фонеманинг олдидан ва кетидан келадиган фонемалардир, морфема учун эса морфемадан олдин ва кейин келадиган морфемалардир¹⁷⁸.

Хуллас, дистрибутив таҳлил методи дистрибутив таҳлил орқали, биринчидан, нутқ оқимидаги муайян лисоний бирликлар чегараланади, аниқланади, иккинчидан, ушбу бирликларнинг жойлашиш ўрни, қайси позицияда келганлиги белгиланади, учинчидан, тил бирликларининг ўзаро боғланиш имкониятларига, бирикишига алоҳида эътибор берилади.

Дистрибутив таҳлил методи фонология, морфология ва синтаксисда кенг қўлланилади. Шунингдек, у лексик сатҳга нисбатан ҳам ишлатилмоқда. Демак, фонологияда фонемалар, морфологияда морфемалар, синтаксисда эса синтактик бирликлар: сўз бирикмалари ва гаплар аниқланади ва уларнинг (ҳар бирининг) бир-бирига ўзаро муносабати ўрганилади.

Маълум бўлдики, лисоний бирликларнинг дистрибуцияси муайян тил (ёки нутқ) бирлигининг бошқа бирликлар билан бирикиш усуллари, қўлланиш доираси, жойлашиш ўрни кабилардан иборатдир.

Дистрибутив таҳлил методининг асосий хусусияти шундаки, тилшунос

2 Қар:Р.Расулов.Ўша асар, 87-бет.

¹⁷⁸ С.Усмонов.Ўша асар, 103-бет.

тил элементларини (бирликларини), уларнинг дистрибуциясини аниқлашда тил элементларининг жойлашиш ўрнига, қўлланиш позициясига қараб иш олиб боради¹⁷⁹.

Дистрибуция ҳар бир лисоний бирлик учраши, қўлланиши мумкин бўлган барча қуршовларнинг (контекстларнинг) жами сифатида тушунилади¹⁸⁰.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Дистрибутив таҳлил методи қандай метод?
2. Дескриптив тилшунослик қандай тилшунослик?
3. Дескриптив метод қандай метод?
4. Дистрибуция нима?

Асосий тушунчалар:

1. Дистрибутив таҳлил методи – бунда нутқ фаолиятидаги муайян лисоний бирликлар (фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси ва бошқалар) аниқланиб, уларнинг жойлашиш ўрни, олдинма-кейин келиши белгиланади. Шунингдек, тил (нутқ) бирликларининг ўзаро боғланиши - семантик-синтактик муносабатга киришувига ҳам алоҳида эътибор берилади.

2. Дескриптив тилшунослик – лисоний бирликларнинг ўзаро, бир-бирига нисбатан жойлашишини, нутқда уларнинг қўлланиш, тарқалиш имкониятини ўрганувчи фандир. Қиёсланг: дистрибутив таҳлил методи.

3. Дистрибуция – лисоний бирликларнинг нутқда қўланиш доираси, жойлашиш ўрни, бошқа бирликлар билан ўзаро бирикиш имконияти – уларнинг учраши мумкин бўлган жамики қуршов.

2. Статистик таҳлил методи

Статистик таҳлил методи жаҳон тилшунослиги амалиётида энг фаол ишлатиладиган методлардан бири бўлиб, лисоний бирликларнинг-тил ва

¹⁷⁹ Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.С.Абдуазизов. Ўша асар, 124-бет.

¹⁸⁰ Қар: В. А. Лисицкий. Философские методы и лингвистические приёмы исследования. Воронеж. 1973. 54-бет.

нутқ бирликларининг такрор ва такрор қўлланилишини, тез-тез ишлатилиш даражасини, частотасини, тарқалиш доирасини белгилайди. Бошқача айтганда, ушбу метод лисоний бирликларнинг, масалан, товуш, бўғин, кўшим-ча, сўз, сўз бирикмаси, гап кабиларнинг ишлатилиш миқдори-ни, арифметик сонини аниқлаш учун хизмат қилади. Демак, лисоний ҳодисалар, бирликлар нафақат сифат белигисига, балки миқдорий белгига эгалиги билан ҳам ажралиб туради.

Маълум бўлдики, статистик таҳлил методи лисоний бирликларнинг нутқ фаолиятидаги, асосан, матндаги қўлланиш миқдорини, баъзан зарур ҳолларда эса фикр алмашиш жараёнидаги тарқалиш чегарасини ҳам тадқиқ қилади, ўрганади.

Хуллас, статистик таҳлил методи тил сатҳларининг деярли барчасига: фонетик-фонологик, лексик, морфологик ва синтактик ярусларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Статистик таҳлил методи, айниқса, лексикология соҳасида кенг ишлатилмоқда. Ушбу жараёнда статистик таҳлил натижасида қўлга киритилган статистик маълумотлар орқали у ёки бу тилдаги ишлатилишига кўра энг фаол ва энг нофаол сўзлар аниқланмоқда, сўзларнинг меъёрий ва меъёрий бўлмаган қўлланиши белгиланмоқда, узулал қўлланишнинг окказионал-нутқий қўлланишдан миқдорий фарқи кўрсатилмоқда.

Лексик бирликларни-муайян тил лексемасини статистик таҳлил методи асосида ўрганиш, айниқса, частотали луғатлар яратишда жуда қўл келмоқда. Бундай луғатлар назарий ва амалий тилшунослик учун қимматли маълумотлар беради, ушбу тилшуносликларнинг тадқиқот ишларини олиб боришида ишончли усул ҳисобланади.

Частотали луғатлар сўзларнинг нутқда қўлланиш миқдори, фоизи ҳақида маълумот беради (масалан, И.А.Киссеннинг «Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка» луғати. Т., 1972. Б. Бафоев ва С. Ризаевларнинг лексикага – сўзлар частотасига оид ишлари ва бошқалар).

Частотали луғатлар, айниқса, бирон тилни ўрганиш жараёнида, биринчи навбатда, энг зарур бўлган сўзларни – минимум сўзларни аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Статистик таҳлил методи муайян тилда унинг бирликлари: фонема, морфема, лексема, сўз формалари кабиларнинг қандай тақсимланишини, ушбу бирликларнинг ўзаро қандай боғланишини, бирикувини, энг фаол

қўлланишга эгаллигини ҳам аниқлайди, қайд этади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Статистик таҳлил методи қандай метод?
2. Лексикани статистик таҳлил методи орқали ўрганиш қандай луғатлар яратишда фаол хизмат қилмоқда?

Асосий тушунчалар:

1. Статистик таҳлил методи – лисоний бирликларнинг (товуш, бўғин, сўз, сўз бирикмаси, гап кабиларнинг) нутқда ишлатилиш миқдорини (сонини), қўлланиш частотасини ўрганади.

2. Частотали луғатлар – сўзларнинг қўлланиш миқдорини, фоизини аниқлайди. Бу жараёнда, айниқса, энг зарур бўлган сўзларни белгилашга алоҳида эътибор берилади.

3. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи

Структурал тилшуносликнинг тадқиқот методларидан бири бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш усулидир. Ушбу методнинг ўзига хослиги шундаки, у бевосита нутқ фаолияти-нутқ бирликлари билан боғлиқ ҳолда функционал аҳамиятга эгадир. Аниқроғи, мазкур метод сўз бирикмаси ва гап каби нутқ бирликлари фаолиятини, уларнинг ташкил топишини, ушбу жараёнда хизмат қилувчи лисоний ходисаларни, яъни сўз бирикмаси ва гап каби конструкцияларнинг қурилишида, шаклланишида бевосита хизмат қилувчи бирликларни, уларнинг моҳиятини, аҳамиятини ўрганади, таҳлил қилади. Демак, ушбу жараёнда нутқни (сўз бирикмаси, гап, матн кабиларни) ҳосил қилувчиларни аниқлаш, белгилаш, «топиш» фаолияти амалга ошади. Айтилганларга кўра мазкур метод бевосита ташкил этувчиларга ажратиш ёки ажратиб таҳлил қилиш методи номи билан юритилади. Демак, бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у бевосита синтактик сатҳ бирликлари билан шуғулланади ва шунга кўра дистрибутив таҳлил методидан фарқ қилади.

Айтиш мумкинки, бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи сўз бирикмаси ва гапларнинг синтактик тузилишини, уларнинг қандай қисмлардан таркиб топганини, улар орасидаги муносабатни аниқлайди ёки аниқлашда хизмат қилади, ёрдам беради.

Эслатамиз, мазкур метод гапни-гап бўлақларини нисбатан аниқ чегаралаш, ажратиш ва гап структурасидаги синтактик алоқа, муносабат турларини аниқлаштириш, ойдинлаштириш воситаси, методи сифатида тилшунослик назарияси ва амалиётига кириб келди.

Маълум бўлдики, бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи орқали гап таркибидаги birlikларнинг синтактик муносабати белгиланади. Бундай муносабат тилшунослик фанида – синтаксисда ҳоким-тобелик (ёки тобе - ҳокимлик) муносабати деб юритилади. Бунда сўз бирикмаси ёки гапни бевосита ташкил этувчилар, биринчидан, жуфтлик ҳолатида бўлади, иккинчидан, улар тобе-ҳоким позициясида келади, яъни жуфтлик аъзоларидан бири ҳоким, бири тобе ҳисобланади. Демак, сўз бирикмаси, гап, матн кабилар лисоний birlikларнинг ўзаро бир-бири билан семантик-синтактик муносабатга киришувидан, аниқроғи, айти бирликларнинг заруран ички боғланишидан-бири иккинчисига тобеланишидан, тобелик принциpidан юзага келади. Қиёсланг: *мустақиллик байрами, бунёдкорлик ишлари, муомала маданияти, китобни севмоқ; болалар тарбияси умумхалқ иши, инсон саломатлиги унинг ўз қўлида, Ватанимиз қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб бормоқда, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг виждонан бажарадиган ишимиздир.*

Маълум бўлдики, сўз бирикмаси ва гапни бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи гапнинг синтактик структурасини ва динамикасини ўрганишда катта ёрдам беради¹. Айти вақтда ушбу метод муайян камчиликларга ҳам эга бўлиб, бунда грамматик системалар-морфология ва синтаксис қориштирилади, ўзаро фарқланмайди, лексик ва семантик сатҳлар тадқиқотдан четда қолади².

Шунингдек, мазкур метод тилнинг энг содда синтактик бирлиги нима ва қандай қилиб содда birlikлардан мураккаб синтактик конструкциялар (сўз

¹ Қар: Б.И. Косовский. Ўша асар, 23-25-бетлар. Н.А.Баскаков, А.С. Содиков, А.А. Абдуазизов. Ўша асар, 125-бет.

² Қар: Б.И. Косовский. Ўша асар, ўша бет. Н.А.Баскаков. А.С. Содиков, А. А. Абдуазизов. Ўша асар, 127-бет.

бирикмаси, гап, матн кабилар) ҳосил бўлади, деган саволга ҳам жавоб бера олмайди.

Хуллас, айтилган камчиликларга кўра бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методини тўлдирувчи, уни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган усул сифатида трансформацион таҳлил методи юзага келди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи қандай метод?

2. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методининг дистрибутив таҳлил методидан фарқи нимада?

Асосий тушунчалар:

1. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи – сўз бирикмаси ва гап каби нутқ бирликларини, уларнинг тузилишини, яъни қандай қисмлардан ташкил топишини, улар орасидаги муносабатни, алоқани аниқлайди, ўрганади.

2. Синтактик бирликлар – сўз бирикмаси, гап, матн каби нутқ бирликлари.

4. Трансформацион таҳлил методи

Структурал тилшунослик методлари «оиласига» - гуруҳига тегишли бўлган трансформацион таҳлил методи, айниқса, синтактик конструкциялар – нутқ бирликлари тадқиқида фаол қўлланиши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Трансформацион таҳлил методига кўра синтактик конструкциялар (қурилмалар) муайян қоидалар асосида ўзгаради, яъни бошқача шаклга, кўринишга эга бўлади, трансформациялашади. Бундай трансформациялар орқали муайян синтактик конструкциянинг - қурилманинг бир нечта шакллари аниқланади, ўзаро фарқланади, уларнинг моҳиятига, таркибига чуқурроқ кирилади. Натижада трансформацияга (ўзгаришга) учраган ҳар бир синтактик конструкциянинг ўзига хос семантик жиҳатлари ҳам намоён

бўлади. Масалан, *талаба китоб олди* гапининг нутқий турлича кўринишлари, вариантлари-трансформацияси қуйидагилар:

1. *Талаба олган китоб.*
2. *Талаба томонидан олинган китоб.*
3. *Китоб олган талаба.*
4. *Талабанинг китоби.*

Демак, трансформацион таҳлил методи муайян асос (ядро) гаплардан (масалан, талаба китоб олди) тузилган-трансформациялашган гапларни, яъни муайян синтактик модель (масалан, от+феъл) асосида яратилган қатор гапларни ўрганиш, трансформацияланиш механизмини, трансформацияларнинг ҳосил бўлиш қоидаларини очишдир.

Айтиш мумкинки, трансформацион таҳлил методининг асосий мақсади нутқимизда воқе бўладиган турлича гапларнинг асосида ядро вазифасини бажарувчи асос гаплар мавжудлигини, ушбу гаплар эса мана шу ядро гаплардан келиб чиққанлигини, ташкил топганлигини, уларнинг ўзаро семантик-грамматик муносабатларини аниқлаш вазифасини бажаришдир. Демак, трансформацион таҳлилда фақат трансформациялашган (ўзгаришга учраган) гаплар эмас, балки ушбу гапларга асос бўлган ядро гаплар аниқланади, у ўз асосида келиб чиққан «янги» гаплар билан қиёсланади, умумий ва хусусий жиҳатлари белгиланади.

Хуллас, трансформацион таҳлил методи тил системаси синтактик сатҳининг, унинг қатор ички микросистемаларини тадқиқ қилади. Ушбу микросистемалардан бири асосий, ядро гаплар бўлиб, бошқалари эса мазкур гаплардан ҳосил бўлган трансформалар ҳисобланади. Мана шу трансформаларнинг ядро гаплардан ҳосил бўлишини ўрганиш жараёни трансформацион таҳлил дейилади. Трансформацион таҳлил методининг асосий вазифаси муайян тилда (рус, ўзбек, немис, инглиз ва б.) мавжуд бўлган ядро гапларни аниқлаш, унинг синтактик системадаги моҳияти, табиати, муайян мақсадга кўра турлича шаклларда намоён бўлиш имкониятларини очишдир¹⁸¹.

Маълум бўлдики, трансформацион таҳлил методида марказий, ядровий бирлик, синтактик қурилма аниқланиб (ёки танланиб), ушбу қурилмадан бошқа маъно (мазмун) ва вазифага эга қурилмаларнинг ҳосил бўлиш чизмалари (схемалари), масалан, кўчирма гапли қурилмалардан ўзлаштирма гапли қурилма ҳосил қилиш чизмаси аниқ белгиланади, кодлаштириб, моделлаштирилади. Бу таҳлил методи машина таржимасида, матнларни

¹⁸¹ Қар: Н. А. Баскаков, А. С. Содиков, А. А. Абдуазизов. Ўша асар, 129-130 бетлар.

автоматик таҳлил жараёнларида кенг қўлланилади, кўп ҳолда инженер (компьютер) лингвистикаси ва математик лингвистика билан қоришиб кетади.¹⁸²

Шундай қилиб, дистрибутив таҳлил методи муайян лисоний бирликлар: фонема, морфема, сўзларни, уларнинг қўлланишини, жойлашини, ўрнини ўрганса, бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи эса, асосан, муайян нутқ бирлигининг – гап конструкциясининг ички, жуфт ҳолдаги бирликларининг синтактик муносабатларини аниқлайди. Ўз навбатида трансформацион таҳлил методи эса дистрибутив ва бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методларидан фарқли ҳолда нафақат фонема, морфема, сўз, гап каби лисоний бирликларни, уларнинг жойлашини, балки синтактик конструкцияларнинг (структураларнинг, қурилма-ларнинг) бошқа синтактик бирликлар (структуралар, қурил-малар) билан формал – семантик алоқасини, муносабатини, ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини тадқиқ қилади¹⁸³. Шунга кўра трансформацион таҳлил методининг қўлланиши доираси, қўлланиш имкониятлари кенг, чуқур бўлиб, у дескриптив ва бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш структурал тилшуносликнинг – структурал методларнинг мантиқий ва зарурий давоми сифатида жаҳон тилшунослиги амалиётида кенг қўлланилади, мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Трансформацион таҳлил методи қандай метод?
2. Трансформацион таҳлил методининг энг муҳим жиҳати нимада?
3. Трансформацион таҳлил методи қайси жараёнларда кенг қўлланилади?

Асосий тушунчалар:

1. Трансформация – қайта тузиш, ўзгартириш.
2. Трансформацион таҳлил методи – муайян марказий (ядро) синтактик бирлик (масалан, гап) асосида яритилган, ҳосил қилинадиган қатор бошқа гапларни аниқлайди, уларнинг трансформацияланиш механизмини ўрганеди. Трансформацион таҳлил методи ядро гапларнива уларни

¹⁸² Қар: Н.Не'матов. Ўша асар, 134-бет.

¹⁸³ Қар:Н.А.Баскаков,А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизов.Ўша асар, 131-бет.

трансформациялаш на-тижасида юзага келган “ясама” ҳосила гапларни аниқлаб, ўзаро қиёслайди, улар орасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни белгилайди. Ушбу метод орқали дастлаб трансформацияга асос бўлган гаплар, сўнгра улар асосида ҳосил бўлган, қайта тузилган гаплар таҳлил қилинади, улар орасидаги формал - семантик, синтактик муносабатлар ўрганилади.

5. Компонент таҳлил методи

Тилшуносликда (масалан, туркий-ўзбек тилшунослигида) лисоний бирликларни тадқиқ қилишда фаол қўлланилаётган методлардан бири компонент таҳлил методидир. Компонент таҳлил методи тил бирликларини парадигматик бирлик сифатида, парадигматик муносабатда, алоқада олади, парадигматик қаторда ўрганади.

Ушбу методнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у, асосан, сўзга-сўз маъносига нисбатан қўлланилади, сўз маъносини мукамал таҳлил қилишда, уни таркибий қисмларга-компонентларга ажратишда кенг фойдаланилади. Демак, компонент таҳлил методи сўзнинг мазмун жиҳати бўлган маънони (семемани) муайян семантик система сифатида текширишда, айти системани ташкил қилувчи таркибий қисмларни, маъновий бўлақларни, яъни семаларни аниқлашда, уларнинг семантик системадаги – семемадаги моҳиятига, ўрнига, аҳамиятига, имкониятига, ўзига хосликларига алоҳида эътибор беради, уларни аниқлайди, қўлланиш доирасини белгилайди.

Сўз маъносини компонент таҳлил методи орқали ўрганишда сўз маъноси-семема мантиқан ва заруран муайян бўлақларга, компонентларга ажралади. Аниқи, сўз маъносини шу маънони – семемани ташкил қилган маъновий бўлақларга ажратиш жараёни, ажратилган бўлақларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш, уларнинг сўз маъноси таркибидаги «қувватини», нутқда қандай вазифани бажариши кабиларни ўрганиш жараёни компонент таҳлил методи асосида амалга ошади.

Эслатамиз, назарий тилшуносликда сўз маъносини ташкил қилувчиларга нисбатан сема термини фаол қўлланилади. Демак, компонент таҳлил методининг фаоллик кўрсатадиган асосий «қуроли» сифатида сема термини хизмат қилади. Сема семеманинг таркибий қисми, нутқдаги вакили, бутуннинг бўлагидир. Сема ва семема (ёки семалар ва семемалар) ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, бутун ва бўлақ категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади.

Семемани таҳлил қилиш, семаларни ўрганиш, демак, семалар моҳиятини ўрганиш, семемани ўрганишдир, семеманинг семалар таркибини белгилаш, аниқлашдир.

Шундай қилиб, сўз лексик маъноси - семема уни ташкил қилувчи компонентлардан – семалардан таркиб топади. Маълум бўлдики, сўзнинг семантик тузилиши (структураси) бевосита маъно (семема) билан боғланади. Чунки семантик компонентга эга бўлмаган маъно-семема йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сўзнинг маъноси, маъно таркиби муайян маъновий бўлақлардан, таркибий қисмлардан (семалардан) ташкил топади. Бу таркибий қисмлар сўз маъносини шакллантириб, ҳар бир маънонинг алоҳида тил «бирлиги» сифатида мавжудлигини таъминлайди. Сўз маъносининг таркибий қисмлари нутқда муайян хабар (дарак) ташийди. Демак, сўз маъносининг кичик таркибий қисмлари ўзаро барқарор бутунлик (система) муносабатида бўлиб, маънонинг нутқий «ифодаси», нутқ «бирлиги» сифатида хизмат қилади.

Хуллас, сўз маъносини таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш усули-компонент таҳлил методи сўз маъносини-унинг таркибини, тузилишини аниқлашда энг асосий ва энг қулай объектив усул ҳисобланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Компонент таҳлил методининг ўзига хослиги нимада?
2. Компонент таҳлил методи сўз маъносини қандай қисмларга ажратиб ўрганади ва нималарга эътибор беради?
3. Назарий тилшуносликда сўз маъносига ва унинг таркибий қисмларига нисбатан қандай терминлар ишлатилади?

Асосий тушунчалар:

1. Компонент таҳлил методи – сўз маъносига, унинг тузилишига нисбатан ишлатилиб, маънони таркибий қисмларга – компонентларга (семаларга) ажратади. Ҳар бир семанинг маъно (семема) таркибидаги аҳамиятини, ўрнини, имконини аниқлайди, ишлатилиш доирасини белгилайди.

2. Семема – маъно, сўзнинг мазмун жиҳати, ички томони.
3. Сема – семеманинг таркибий қисми, маъновий бўлаги, компоненти.

6. Валентлик таҳлил методи

Тил системаси муайян лисоний бирликлардан иборат бўлиб, ушбу бирликлар ҳам систем табиатга эгаллиги билан ажралиб туради. Аниқроғи, масалан, ҳар бир сўз ўз белги ва хусусиятларининг бирлигидан иборат муайян элемент, қирра, томон, имкониятларга эга ўзига хос системачадир¹.

Маълумки, микросистем характерга эга бўлган сўзнинг тил системасидаги аҳамияти катта, қўлланиш доираси ва имкониятлари жуда кенг бўлиб, у жаҳон тилшунослиги миқёсида доимо турли лингвистик йўналишларнинг тадқиқот объекти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Валентлик таҳлил методи ҳам, асосан, сўз муаммоси билан шуғулланади, сўзнинг нутқ фаолиятидаги-нутқ бирлиги сифатидаги семантик-синтактик, функционал фаоллигини ўрганади, текширади, унинг ички-мазмун жиҳати билан боғлиқ имкониятларини, хусусиятларини очиб беради. Аниқроғи, валентлик таҳлил методи орқали муайян сўзнинг ўз маъноси асосида бошқа сўзлар билан синтактик (семантик-синтактик) муносабатга киришуви аниқланади, яъни сўзнинг турли маънога эга қатор сўзларни ўзига бириктириш хусусиятлари ёритилади.

Валентлик таҳлил методининг объективлиги, илмий-амалий моҳияти, зарурлиги сўз билан – сўзнинг лексик – семантик кучи, мавқеи билан белгиланади. Демак, сўзнинг «руҳи», «жони» бўлган семантикаси унинг бошқа сўзлар билан бирикишини таъминлайди, бирикма, гап каби нутқ бирликлари сўзнинг фикр ифодалаш жараёнида бошқа сўзлар билан бирика олиш семантик имкониятининг, валентлик муносабатининг натижаси сифатида юзага келади.

Мураккаб тушунча ифодаловчи нутқ бирликларидан тортиб, фикр ифодаловчи нутқ бирликларининг ҳосил бўлиши бевосита сўз валентлиги билан боғлиқдир.

Валентлик таҳлил методи орқали сўзларнинг бирикиши-сўзлар орасидаги мантиқий алоқа даставвал уларнинг семантик имкониятига (субстанциал хусусиятига) кўра амалга ошиши, сўзларнинг семантик боғланиши асосида эса улар семемаларининг (семаларининг) семантик муносабати мавжудлиги аниқланади.

¹ В. М. Солнцев. Язык как системно-структурное образование, 16-бет.


Валентлик таҳлил методи орқали сўзлар орасидаги семантик муносабат бевосита синтактик муносабатни юзага келтириши, яъни семантик синтагмаларни, синтактик конструкцияларни (қурилмаларни) ҳосил қилиши маълум бўлади.

Ушбу метод орқали сўзлар орасидаги синтактик алоқа асосида сўзнинг валентлик имкони мавжудлиги, синтактик алоқа сўзнинг валентлик қобилиятига эгаллигини, валентлик умумий хусусиятининг нутқда, сўзлар орасидаги турлича боғланишларда – хусусийликларда намоён бўлишини кўрсатади.


Валентлик таҳлил методи орқали, масалан, сўз семантик валентлигининг муайян кўриниши бўлган феъл (ёки от, сифат ва б.) валентликларини, унинг нутқда қайси сўзлар билан бирика олишини, синтактик муносабатга киришишини аниқлаш мумкин.

Феъл валентлигининг ўзига хослиги шундаки, у валентлик семантик имкониятига кўра гапнинг кўринишини (тузилишини) белгилайди, унинг қандай сўзлардан таркиб топишини маълум қилади. Масалан, *ўқталмоқ* феълнинг семантик имконияти – валентлик қобилияти гапда қуйидаги актантлар (иштирокчилар, қатнашувчилар) орқали намоён бўлади. Қиёсланг:


Ўқталди: ким, нимани, кимга, нима сабабдан, қаерда.



Тўхтади: нима, қаерда, қачон, нима сабабдан.



Чимирди: ким, нима сабабдан, нимани .



Хуллас, валентлик таҳлил методи нутқ фаолиятини, унинг муайян лисоний бирликлардан, уларнинг ўзаро семантик-синтактик муносабатга киришувидан таркиб топишини, нутқнинг ҳосил бўлиш механизмини дифференциал – семантик метод-компонент таҳлил методи билан ҳамкорликда ёритиб беришига кўра муҳим аҳамияти эгадир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Валентлик таҳлил методи қандай метод?
2. Сўз валентлиги нима?
3. Феъл валентлиги нима?

Асосий тушунчалар:

1. Валентлик таҳлил методи – сўзнинг нутқ фаолиятидаги семантик-синтактик, функционал фаоллигини ўрганади, унинг маъно жиҳати билан боғлиқ имкониятларини ёритади. Ушбу метод сўзнинг маъноси асосида бошқа сўзлар билан семантик муносабатга киришувини, уларни ўзига бириктириш хусусиятларини текширади.

2. Сўз валентлиги – сўзнинг маъно имконияти – маъно талаби асосида бошқа – талаб қилинган сўзлар билан бирикиши.

3. Феъл валентлиги – феълнинг семантик имкониятига кўра гапнинг тузилишини, унинг қандай сўзлардан таркиб топишини белгилайди.

7. Экспериментал – фонетик таҳлил методи

Фонетик системанинг экспериментал фонетика соҳаси бўлиб, у нутқ товушларини махсус техник воситалар, асбоблар ёрдамида ўрганиши билан муҳимдир. Экспериментал фонетика нутқ товушларини тадқиқ қилишда экспериментал (ёки инструментал) фонетик методдан фойдаланади. Экспериментал фонетик метод нутқ товушларини, просодемик ҳодисаларни (масалан, интонация, пауза, ритм) ўрганишда товушларни ёзиб олувчи, уларни, моҳиятидан келиб чиқиб, таҳлил қилувчи махсус техник воситалардан, асбоблардан фойдаланади.

Ушбу метод тилнинг товуш системасини текширишда бир қатор махсус усулларни қўллайди. Мазкур усуллар нутқ товушларини тадқиқ қилиш мақсади ва вазифасидан, қўлланиладиган, фойдаланиладиган таҳлил воситаларининг характеридан келиб чиқиб, ўз ичида бир нечта турга бўлинади.

Экспериментал – фонетик метод ўз ичида соматик, пневматик ва электроакустик (ёки электрографик) турларга бўлинади.

1. Соматик усулнинг ўзига хослиги шундаки, у гапириш (сўзлаш) физиологик жараёнларининг соматик (жисмоний, тана билан боғлиқ) ифодасини текшириш орқали фонетик ҳодисалар ҳақида маълумот беради, хулоса чиқарди. Бу жараёнда артикуляция аъзоларини суратга олиш, нутқ аппарати-нинг рентген тасвирини тушириш, нутқ фаолияти давомида нафас олиш ва чиқариш ҳолатини ўлчаш каби жараёнлар соматик усулнинг фонетик ҳодисаларни - нутқ товушларини текшириш йўллари (приёмлари) сифатида хизмат қилади. Демак, соматик усул, умумийлик сифатида, қайд этилган йўллар, хусусийликлар орқали иш олиб боради.

2. Пневматик усуллар орқали эса нутқ аъзоларининг талаффуз жараёнидаги ҳаракати, ҳаво оқимининг оғиз, бурун ва бўғиз бўшлиғидаги ҳаракати натижасида ҳосил бўлувчи асосий овоз, товуш (тон) ва шовқинларнинг ўзгариши аниқланади.

3. Электроакустик усуллар эса нутқнинг товуш хусусиятларини электр тебранишига ўзгартиришга асосланади¹⁸⁴. Демак, электроакустик усуллар нутқ фаолиятидаги, фикр алмашиш жараёнидаги товушларни, уларга хос турлича хусусиятларни (масалан, чўзиқлик, қисқалик, баланд-пастлик, оҳангдорлик, шовқин кабиларни) электр тебранишларга ўзгартириб, ўтказиб ёки электр тебранишлари нуқтаи назаридан, унинг меъёрлари асосида таҳлил қилади ва мазкур ёндашувдан келиб чиқиб, улар асосида нутқ товушларини

¹⁸⁴ В.И. Кодухов. Ўша асар, 250-251 бетлар.

«бахолайди», тавсифлайди. Шунга кўра айни усул электроакустик усул номи билан юритилади.

Хуллас, экспериментал – фонетик ёки инструментал – фонетик метод нутқ товушларининг артикуляцион ва акустик жиҳатдан аниқ, ишончли ва объектив таърифини, талқинини беради.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Экспериментал – фонетик таҳлил методи қандай метод?
2. Экспериментал – фонетик таҳлил методининг қандай кўриниши мавжуд?
3. Соматик усул қандай усул?
4. Пневматик усул қандай усул?
5. Электроакустик усул қандай усул?

Асосий тушунчалар:

1. Экспериментал-фонетик таҳлил методи – нутқ товушларини, просодемик ҳодисаларни тадқиқ қилади, уларнинг артикуляцион, акустик ва бошқа жиҳатларини, хусусиятларини ўрганишда махсус техник воситалардан фойдаланади.

2. Соматик усул – нутқ (сўзлаш) жараёнида артикуляция аъзоларини ўрганади, уларнинг рентген тасвирини туширади, нафас олиш ва чиқариш ҳолатини ўлчайди.

3. Пневматик усул – нутқ аъзоларининг талаффуз жараёнидаги фаоллигини, ҳаво оқимининг ҳаракати натижасида ҳосил бўлувчи овоз, товуш ва шовқинларни, уларнинг ўзгариши кабиларни аниқлайди.

4. Электроакустик усул – нутқ фаолиятидаги товушларни, уларнинг чўзиқлик, қисқалик, баланд-пастилик, оҳангдорлик каби хусусиятларини электр тебранишларга қийслаб, уларга ўтказиб, электр тасвири сифатида ўрганади.

8. Автоматик таҳлил методи

Автоматик таҳлил методи давр талаби билан яратилган замонавий таҳлил методларидан биридир. Электрон - ҳисоблаш машиналарининг (ЭҲМ),

компьютерларнинг пайдо бўлиши тилшунослик фанида ҳам илмий - тадқиқот ишларининг амалиёти олдига янги вазифа ва муаммоларни қўйди. Тилшуносликда бундай муаммолар сифатида автоматик таржима, матнни электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида тузиш, қисқартириш кабиларни кўрсатиш мумкин. Демак, фаннинг тараққиёти, техникадаги янгиликлар, янги техник воситаларнинг- “компьютер” пайдо бўлиши кабилар автоматик таҳлил методининг «тузилишига», шаклланишига олиб келди, сабаб бўлди.

Автоматик таҳлил методининг ўзига хослиги шундаки, у тилни – лисоний бирликларни муайян бўлақларга, формал қисмларга ажратади. Ажратишдан ҳосил бўлган тилнинг ушбу қисмлари, яъни формал элементлари бошқа тилнинг шундай маънодаги бўлақларига-формал элементларига мувофиқ, мос келади, эквивалент бўлади. Демак, тиллараро муайян лисоний бирликларнинг (масалан, матннинг, гапларнинг, сўз бирикмаларининг) - формал қисмларнинг мазмуний – фикрий мослиги, мазмунан – фикран мувофиқлиги асосида ушбу тилларнинг биридан иккинчисига – бир тилдан бошқа тилга компьютер ёрдамида таржима қилиш имконини беради¹⁸⁵. Бошқача айтганда, бир тилдаги – лисоний бирликлардаги мазмун бошқа бир тилга – шу тил бирликлари, воситалари орқали компьютер ёрдамида таржима қилинади. Компьютер орқали матнни бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиш учун: 1. Махсус танланган сўзлар билан биргаликда матнни механик (механистик) равишда таржима қилиш имкониятини берадиган қоидалар системасини яратиш керак.

2. Бу қоидаларни ва сўзларни «машина тилида» ёзиш, яъни мазкур қоидаларни амалга оширувчи дастур (программа) тузиш керак. Программа ва луғат махсус шартли белгилар билан ёзилади ва машинага киритилади, натижада машина таржимага тайёр бўлади¹⁸⁶.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Автоматик таҳлил методи қандай метод?
2. Компьютер ёрдамида қандай лингвистик масалаларни ҳал қилиш мумкин?

¹⁸⁵ Қар.: С. Усмонов . Ўша асар, 202-бет.
2. С. Усмонов. Ўша асар, 203-бет.

Асосий тушунчалар:

1. Автоматик таҳлил методи – муайян тилдаги бирликларнинг (масалан, сўз бирикмаси, гап, матн кабиларнинг) бошқа бир тилнинг шундай бирликларига мазмуний-фикрий мослиги, мувофиқлиги асосида ушбу тилларнинг бирдан иккинчисига (бир тилдан бошқасига) шу (иккинчи) тил бирликлари орқали компьютер ёрдамида таржима қилиш жараёнини ўрганади.

2. ЭҲМ – электрон ҳисоблаш машинаси.

Адабиётлар:

1. О.С. Ахманова . Словарь лингвистических терминов.- М., 1966.
2. Б.И. Косовский . Общее языкознание. -Минск. 1969.
- 3.В.М.Солнцев. Язык как системно – структурное образование.- М.,1971.
4. С. Усмонов. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
5. Общее языкознание. Методы лингвистических исследований.- М., 1973.
6. В.И. Кодухов . Общее языкознание.- М., 1974.
7. Д.Э.Розенталь,М.А.Теленкова. Словарь - справочник лингвистических терминов.- М., 1976.
8. А.Т. Хроленко. Общее языкознание.- М., 1981.
- 9.Н.А. Баскаков , А.С. Содиқов, А.А.Абдуазизов. Умумий тилшунослик. -Т., 1979.
- 10.А. Шерматов, Б.Чориев . «Умумий тилшунослик» курсидан мустақил ишлар.- Т., 1989.
11. Основы лингвистических исследований (тексты лекций спецкурса). Составленной Х.Рахимов.- Т. 2000.
12. Н.Не’матов.Илмий tadqiq metodikasi,metodologiyasi va metodlari Buxoro, 2006.

ХУЛОСА

Тил табиатан, моҳиятан ўта мураккаб, ўзига хос зиддиятларга эга ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятга фикрларнинг мантикий алоқасини, моддий намоён бўлишини таъминловчи қудратли қурол сифатида хизмат қилиб келмоқда. Айтилишича, у, ушбу жараёнда, турли лисоний оқимлар, йўналишлар томонидан турли текшириш методлари, усуллари орқали ўрганиб борилмоқда, таҳлил қилинмоқда, унинг ўзига хослиги, ички «сир-синоати» - моҳияти очиб берилмоқда.

Тилни – унинг ҳодисаларини, тилнинг мавжудлигини, моддийлигини таъминловчи лисоний бирликларни – энг “оддий шакл” – фонема (товуш)дан тортиб, энг мураккаб – гап, матн қа-биларнинг табиатини ёритиш, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, топиш, мукамал билиш, шак-шуб-ҳасиз, муайян методлар, муайян ёндашувлар асосида амалга ошади. Шундай экан, айтилганлардан тилни бутун бир мураккаб система сифатида ўрганиш, айтилишича системанинг структурасини ёритиш учун қўлланиладиган турли-туман методларнинг бўлиши табиий ва зарурийдир. Ушбу фикрнинг ўзиёқ лисоний тадқиқот методлари муаммосининг мавжудлигини, мураккаб ва долзарб эканини кўрсатади. Негаки, системалар системаси бўлган тил ҳақида объектив, илмий-назарий, фалсафий ғоялар, умумлашма-лар, мукамал таълимотлар яратиш фақат муайян тадқиқот ме-тодлари орқали, уларни ўз ўрнида тўғри қўллаш ва улардан мо-хирона фойдаланиш орқали амалга ошади. Негаки, тадқиқот ме-тодлари фан учун, илмийлик учун, фан тараққиёти учун хизмат қилади.

Демак, у ёки бу фаннинг мавжудлиги, унинг фаол ҳаракати, хулосалари фақат тадқиқот объекти (манбаи), тадқиқот мақсади кабилар билангина белгиланмайди, балки унинг тадқиқот методлари билан ҳам белгиланади.

Тадқиқот методларисиз бирорта фан ҳам ўз мақсадига (стратегиясига), тадқиқот объектининг моҳиятини очишга эриша олмайди. Чунки у ёки бу фаннинг табиат ва жамият ҳодисаларини аниқлаши, уларга хос қонуниятларни топиши, улар ҳақида илмий-фалсафий ғоялар чиқариши, шак-шубҳасиз, муайян методлар орқали амалга ошади.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ
“УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК” фанидан
тест саволлари

1. “Умумий тилшунослик” фани қандай фан?

- а) сиёсий фан;
- б) амалий фан;
- в) фалсафий фан;
- г) илмий-назарий, фалсафий фан;
- д) ижтимоий фан.

2. “Умумий тилшунослик” фани қандай муаммоларни ўрганади?

- а) тилшунослик тарихини, тилшуносликнинг назарий масалаларини, тилшунослик методларини;
- б) грамматик қонуниятларни;
- в) тилларни илмий ўрганиш методларини;
- г) сўз ясалишини;
- д) синтагматик муносабатларни.

3. Жаҳон тилшунослиги тарихида қайси мактаблар тан олинади?

- а) ҳинд, юнон, хитой, рим, араб мактаблари;
- б) араб, Москва, Тошкент мактаблари;
- в) рум, хитой, япон мактаблари;
- г) ҳинд, Корея, Юнон, немис мактаблари;
- д) юнон, француз, Америка, Англия мактаблари.

4. Ҳинд тилшунослигида тил билан шуғулланиш қандай аҳамиятга эга бўлган?

- а) назарий аҳамиятга;
- б) амалий аҳамиятга;
- в) сиёсий аҳамиятга;
- г) илмий аҳамиятга;
- д) методик аҳамиятга.

5. Ҳинд Ведалари нечта китобдан иборат бўлган?

- а) ўн китобдан;
- б) йигирма китобдан;
- в) ўттиз китобдан;
- г) беш китобдан;
- д) тўрт китобдан.

6. Санскрит қайси тил?

- а) қадимги немис адабий тили;
- б) қадимги ҳинд адабий тили;
- в) қадимги ирланд адабий тили;
- г) қадимги инглиз адабий тили;
- д) қадимги рус адабий тили.

7. Ҳинд тилшунослигининг машҳур намояндаси ким?

- а) А.Востоков;
- б) Алишер Навоий;
- в) Панини;
- г) Замахшарий;
- д) В. Виноградов.

8. Ҳинд тилшунослигида сўзлар, асосан, нечта туркумга ажратилган?

- а) беш туркумга;
- б) тўрт туркумга;
- в) олти туркумга;
- г) икки туркумга;
- д) саккиз туркумга.

9. Ҳинд тилшунослигида нечта келишик қайд этил-ган?

- а) еттита;
- б) ўн битта;
- в) бешта;
- г) тўртта;
- д) саккизта.

10. Қадимги ҳинд тилшуноси Гуру морфологияни нечта бўлимдан иборат деб ҳисоблаган?

- а) беш бўлимдан;
- б) олти бўлимдан;
- в) етти бўлимдан;
- г) уч бўлимдан;
- д) икки бўлимдан.

11. Қадимги ҳинд тилшунослигида феълнинг қайси майллари ажратилган?

- а) аниқлик, истак, буйруқ ва шарт;
- б) истак, буйруқ ва шарт;
- в) аниқлик, истак, буйруқ;

- г) буйруқ ва шарт;
- д) аниқлик.

12. Қадимги ҳиндларда тилшуносликнинг қайси бўлими нисбатан кам тадқиқ қилинган?

- а) фонетика;
- б) морфология;
- в) лексикография;
- г) синтаксис;
- д) фонология.

13. Юнон тилшунослиги тараққиётини нечта даврга бўлиш мумкин?

- а) уч даврга;
- б) икки даврга;
- в) беш даврга;
- г) олти даврга;
- д) тўрт даврга.

14. Юнон олимлари тилни қайси жиҳатига кўра изоҳлаганлар?

- а) сиёсий жиҳатига кўра;
- б) фалсафий жиҳатига кўра;
- в) мантиқий жиҳатига кўра;
- г) илмий жиҳатига кўра;
- д) назарий жиҳатига кўра.

15. Юнон файласуфлари тилда қандай муносабатни белгиладилар?

- а) сўз ва жамият муносабатини;
- б) предмет ва шакл муносабатини;
- в) сўз ва предмет муносабатини;
- г) шакл ва мазмун муносабатини;
- д) умумийлик ва хусусийлик муносабатини.

16. Аналогия нима?

- а) ўхшашлик;
- б) ноўхшашлик;
- в) фарқлилик;
- г) умумийлик;
- д) яккалик.

17. Аномалия нима?

- а) умумийлик;

- б) ўхшашлик;
- в) фарқлилик;
- г) ноўхшашлик;
- д) хусусийлик.

18. Предмет ва унинг номи орасидаги муносабат қайси асарда баён қилинади?

- а) «Кратил»да;
- б) «Поэтика»да;
- в) «Брут»да;
- г) «Риторика»да;
- д) «Синтаксис ҳақида»да.

19. Юнон тилшунослиги фалсафий даврининг асосий вакиллари кимлар?

- а) Яски, Панини, Гуру;
- б) Гераклит, Демокрит, Платон, Аристарх, Кратес, Эпикур ва Продик;
- в) Зенодот, Дионисий, Аполлоний Дискол;
- г) Гераклит, Демокрит, Платон, Аристарх;
- д) Аристарх, Кратес, Эпикур ва Продик.

20. Аполлоний Дискол қайси асарни ёзган?

- а) «Кратил»ни;
- б) «Поэтика»ни;
- в) «Синтаксис ҳақида»ни;
- г) «Риторика»ни;
- д) «Брут»ни.

21. Аристарх нечта сўз туркумини ажратган?

- а) бешта сўз туркумини;
- б) олтига сўз туркумини;
- в) еттита сўз туркумини;
- г) саккизта сўз туркумини;
- д) ўнта сўз туркумини.

22. Дионисий ёзган асар қайси?

- а) «Грамматика санъати»;
- б) «Поэтика»;
- в) «Рус тили»;
- г) «Риторика»;
- д) «Синтаксис ҳақида».

23. Юнон тилшунослигида қайси бўлим нисбатан кам тадқиқ қилинган?

- а) фонетика;
- б) морфология;
- в) лексикография;
- г) синтаксис ва фонетика;
- д) лексикология.

24. Қадимги Рим тилшунослигининг вакиллари кимлар?

- а) Яски, Панини, Гуру;
- б) Гераклит, Демокрит, Платон, Аристотель, Аристарх, Кратес, Эпикур ва Продик;
- в) Зенодот, Дионисий, Аполлоний Дискол;
- г) Юлий Цезарь, Марк Теренций Варрон, Элия Доната, Веррий Флакк, Присциан;
- д) Веррий Флакк, Присциан, Эсхил.

25. Қадимги Рим тилшунослигида нечта сўз туркуми ажратилган?

- а) бешта сўз туркуми;
- б) олтита сўз туркуми;
- в) еттита сўз туркуми;
- г) саккизта сўз туркуми;
- д) ўнта сўз туркуми.

26. Юлий Цезарнинг грамматикага оид асари қайси?

- а) «Аналогия ҳақида»;
- б) «Поэтика»;
- в) «Брут»;
- г) «Риторика»;
- д) «Немис тили».

27. Рим грамматикаси қайси тилшунослик мактабининг шахобчаси сифатида пайдо бўлган?

- а) ҳинд тилшунослигининг;
- б) хитой тилшунослигининг;
- в) грек тилшунослигининг;
- г) рус тилшунослигининг;
- д) араб тилшунослигининг.

28. Хитой тилшунослигига тарихан катта ҳисса қўшган олимлар кимлар?

- а) Яски, Панини, Гуру;
- б) Гераклит, Демокрит, Платон, Аристарх, Кратес, Эпикур ва Продик;
- в) Зенодот, Дионисий, Аполлоний Дискол;
- г) Сюй Шень, Ван Нянь – Сунь, Ван Инь-Чжи ва бошқалар.
- д) Аристарх, Кратес, Эпикур ва Продик.

29. Хитой тилшунослигининг асосий соҳаси қайси?

- а) фонетика;
- б) морфология;
- в) лексикография;
- г) лексикология;
- д) синтаксис ва фонетика.

30. Сюй Шен қандай асар ёзган?

- а) «Элементлар ва мураккаб белгилар ҳақида»;
- б) «Поэтика»;
- в) «Брут»;
- г) «Риторика»;
- д) “Синтаксис ҳақида”.

31. Араб тилшунослиги мактаблари қайсилар?

- а) Куфа мактаби;
- б) Басра мактаби;
- в) Бағдод мактаби;
- г) Куфа ва Басра мактаби;
- д) Мадина мактаби.

32. Араб тилшунослигининг машҳур намояндаси ким?

- а) Абу Райҳон Беруний;
- б) Абу Али ибн Сино;
- в) Алишер Навоий;
- г) Амир бин Усмон Сибавайхий;
- д) Маҳмуд Кошғарий.

33. Амир бин Усмон Сибавайхий қандай асар ёзган?

- а) «Ал - китоб»;
- б) «Поэтика»;
- в) «Кратил»;
- г) “Риторика”;
- д) «Муҳокамат ул-луғатайн»;

34. Амир бин Усмон Сибавайҳий тилшуносликнинг қайси бўлимини ишлаб чиққан?

- а) фонетика;
- б) грамматика;
- в) лексикография;
- г) лексикология;
- д) синтаксис.

35. Араб тилшунослигида, айниқса, қайси соҳага катта ўрин ажратилган?

- а) фонетикага;
- б) морфологияга;
- в) лексикографияга;
- г) синтаксисга;
- д) лексикологияга.

36. Халил ал - Фароҳидийнинг биринчи араб тили луғати қандай номланади?

- а) «Ал - китоб»;
- б) «Китобул авомил»;
- в) «Тўлқинлар тошқини»;
- г) «Китобул айн»;
- д) «Синтаксис ҳақида».

37. Ферузободийнинг 60 томлик луғати қандай номланади?

- а) «Ал - китоб»;
- б) «Китобул авомил»;
- в) «Тўлқинлар тошқини»;
- г) «Қомус»;
- д) «Санглоҳ».

38. Сағанийнинг 20 томлик луғати қандай номланади?

- а) «Ал - китоб»;
- б) «Санглоҳ»;
- в) «Тўлқинлар тошқини»;
- г) «Риторика»;
- д) «Араб тили».

39. Араб лексикографиясида луғатлар мазмунан нечта турга бўлинган?

- а) беш турга;

- б) саккиз турга;
- в) етти турга;
- г) олти турга;
- д) уч турга.

40. Араб тилшунослигида сўз ўзаги, асосан, нечта ундошдан ташкил топади?

- а) олти ундошдан;
- б) уч ундошдан;
- в) тўрт ундошдан;
- г) икки ундошдан;
- д) беш ундошдан.

41. Араб тилшунослигида сўз туркумлари нечта?

- а) тўртта;
- б) учта;
- в) бешта;
- г) иккита;
- д) саккизта.

42. Наҳв термини араб тилшунослигининг қайси соҳасини англатади?

- а) морфологияни;
- б) синтаксисни;
- в) фонетикани;
- г) лексикологияни;
- д) топонимикани.

43. “Ат-туҳфатуз закияту филлуғатит туркия” асари нечта бўлимдан иборат?

- а) беш бўлимдан;
- б) саккиз бўлимдан ;
- в) етти бўлимдан;
- г) уч бўлимдан;
- д) тўрт бўлимдан.

44. Асируддин Абу Ҳайён ал-Андалусий турклар тили масалаларига бағишланган қандай асар ёзган ?

- а) «Ал - китоб»;
- б) «Китоб ал идроки лисонул атрок»;
- в) «Тўлқинлар тошқини»;

- г) «Қомус»;
- д) “Синтаксис ҳақида”.

45. Ўрта Осиёлик қайси олим араб тилида дастлабки асар яратган?

- а) Абу Райҳон Беруний;
- б) Абу Али ибн Сино;
- в) Абу Наср Форобий;
- г) Алишер Навоий;
- д) Маҳмуд Кошғарий.

46. Абу Наср Форобийнинг тилшуносликка бағишланган асари қайси?

- а) «Ал - китоб»;
- б) «Дийвон ут-тамоийил»;
- в) «Тўлқинлар тошқини»;
- г) «Фанлар таснифи ҳақида сўз»;
- д) “Китобул айн”.

47. «Китоб лисонул араб» асарини ким ёзган?

- а) Маҳмуд Кошғарий;
- б) Алишер Навоий;
- в) Абурайхон Беруний;
- г) Абу Али ибн Сино;
- д) Бобур.

48. Абу Али ибн Синонинг нутқ товушларига оид асари қайси?

- а) «Ҳамса»;
- б) «Санглоҳ»;
- в) «Асбоби ҳудут ал хуруф»;
- г) «Ал-кашшоф»;
- д) “Синтаксис ҳақида”.

49. Маҳмуд аз Замаҳшарий ким?

а) араб тилшунослиги ривожига улкан ҳисса қўшган хоразмлик буюк аллома.

- б) этнограф олим;
- в) машҳур ёзувчи;
- г) географ олим;
- д) йирик луғатшунос.

50. Маҳмуд аз Замаҳшарийнинг грамматикага оид асари қайси?

- а) “Асос ул - балоға”;
- б) «Навобиғ ул - калим»;
- в) «Ал – муфассал фи санъат ил-иъроб»;
- г) «Девону луғотит турк »;
- д) “Муҳокамат ул-луғатайн”.

51. Маҳмуд аз Замахшарийнинг қуръон тафсирига бағишлаган асари қайси?

- а) “Поэтика”;
- б) «Ал - кашшоф»;
- в) «Алфоиқ фи ғариб ил - ҳадис»;
- г) «Лисонут тайр»;
- д) “Муҳокамат ул-луғатайн”.

52. «Девону луғотит турк» асарини ким ёзган?

- а) Абу Али ибн Сино;
- б) Алишер Навоий;
- в) Маҳмуд Кошғарий;
- г) Маҳмуд аз Замахшарий;
- д) Бобур.

53. «Девону луғотит турк асари» нечта қисмдан иборат?

- а) уч қисмдан;
- б) беш қисмдан;
- в) икки қисмдан;
- г) олти қисмдан;
- д) ўн қисмдан.

54. Абу Райҳон Берунийнинг лисоний қарашлари қайси асарда акс этган?

- а) «Ал - китоб»;
- б) «Санглоҳ»;
- в) «Тўлқинлар тошқини»;
- г) «Сайдана»;
- д) “Муҳокамат ул-луғатайн”.

55. «Сайдана» асари нечта боб ва мақоладан иборат?

- а) беш боб ва 2000 мақоладан;
- б) саккиз боб ва 2500 мақоладан;
- в) етти боб ва 1000 мақоладан;
- г) йигирма тўққиз боб ва 1116 мақоладан;

д) ўн боб ва 100 мақоладан.

56. Мирзо Мехдихоннинг тилга оид асари қайси?

- а) «Ал-Муфассал»;
- б) «Китоб лисон-ул араб»;
- в) «Китоб ул айн»;
- г) «Санглоҳ»;
- д) “Муҳокамат ул-луғатайн”.

57. Алишер Навоийнинг тилшуносликка оид асари қайси?

- а) «Ҳамса»;
- б) «Маҳбуб ул қулуб»;
- в) «Муҳокамат ул - луғатайн»;
- г) «Хазойинул маоний»;
- д) “Насойим ул-муҳаббат”.

58. Алишер Навоий тилшуносликка оид асарида қайси тилни улуғлайди?

- а) араб тилини;
- б) туркий тилни;
- в) тожик тилини;
- г) форс тилини;
- д) юнон тилини.

59. Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул - луғатайн» асарида нечта феъл изоҳланган?

- а) бешта;
- б) саккизта;
- в) етмишта;
- г) юзта;
- д) саксонга.

60. Алишер Навоий қайси тадқиқот методининг асосчиси ҳисобланади?

- а) қиёсий – тарихий методнинг;
- б) компонент таҳлил методининг;
- в) дистрибутив таҳлил методининг;
- г) статистик таҳлил методининг;
- д) тасвирий методнинг.

61. Европада уйғониш даври тилшунослиги қайси асрларни ўз ичига олади?

- а) XII – XIV;
- б) XII – XV;
- в) X – XII;
- г) XV – XVIII;
- д) XI – XII.

62. Европа тилшунослигида, асосан, қайси соҳалар бўйича асарлар яратилган?

- а) фонетика;
- б) фонетика ва грамматика;
- в) лексика ва грамматика;
- г) лексикография;
- д) синтаксис.

63. Ж.Скалигер тилга оид қандай асар яратган?

- а) “Риторика”;
- б) “Лотин тили асослари”;
- в) “Синтаксис асослари”;
- г) “Рус грамматикаси”;
- д) “Рус тили”.

64. Европа тилшунослигида грамматик ҳодисалар қайси фан нуқтаи назаридан баҳоланган?

- а) фалсафа;
- б) адабиёт;
- в) мантиқ;
- г) психология;
- д) тарих.

65. “Пор-Рояль грамматикаси” да илк бор қайси фанларнинг алоқаси ҳақида фикр юритилади?

- а) грамматика билан адабиёт ;
- б) грамматика билан фалсафа ;
- в) грамматика билан мантиқ ;
- г) грамматика билан нотиклик ;
- д) грамматика билан этимология.

66. “Пор-Рояль грамматикаси” нечта қисмдан иборат?

- а) икки қисмдан;
- б) уч қисмдан;
- в) тўрт қисмдан;

- г) беш қисмдан;
- д) олти қисмдан.

67. Фалсафий грамматика тилга қандай ҳодиса сифатида қарайди?

- а) ўзгарадиган;
- б) ўзгармайдиган;
- в) ирсий;
- г) руҳий;
- д) ривожланувчи.

68. Қайси тил компаративистика вакилларининг фикрича боботил ҳисобланади?

- а) рус тили;
- б) қадимги славян тили;
- в) санскрит тили;
- г) қадимги яхудий тили;
- д) олтой тили.

69. Қиёсий – тарихий тилшунослик фанининг “туғилган” йили қайси йил ?

- а) 1880;
- б) 1799;
- в) 1816;
- г) 1890;
- д) 1888.

70. В. Гумбольдтнинг «Ява оролидаги кави тили ҳақида» номли асари қачон нашр қилинган?

- а) 1836-1840;
- б) 1890;
- в) 1766;
- г) 1888;
- д) 1913.

71. Ф. де Соссюрнинг машҳур асари қандай номланади?

- а) «Кратил»;
- б) «Риторика»;
- в) «Тўлқинлар тошқини»;
- г) «Умумий тилшунослик курси»;
- д) “Рус грамматикаси”.

72. Ф. де Соссюр тилда нечта аспекти фарқлайди?

- а) бешта аспектни;
- б) саккизта аспектни;
- в) етмишта аспектни;
- г) иккита аспектни;
- д) тўртта аспектни.

73.Ф. де Соссюрнинг фикрича тил нутқдан нечта белгисига кўра фарқланади?

- а) бешта белгисига;
- б) саккизта белгисига;
- в) еттита белгисига;
- г) учта белгисига;
- д) иккита белгисига.

74. Тил ва нутқ муаммоси ҳақида қайси олим мукаммал фикр юритган?

- а) М. В. Ломоносов;
- б) Аристотель;
- в) А. А. Потебня;
- г) Ф. де Соссюр;
- д) А. Шлейхер.

75. Прага лингвистик мактабининг вакиллари кимлар?

- а) Ф. Бопп, Р. Раск, Я. Гримм, А.Х. Востоков, В.Гумбольдт;
- б) Л.Ельмслев, В.Брэндаль, Х.Ульда;
- в) В.Матезиус, М.Вахек, Б.Гавранек, Н.С.Трубецкой, Р.О.Якобсон, С.И.Карцевский ;
- г) А.Шлейхер, Г.Штейнталь, А.А. Потебня;
- д) Ф. Боас, Э. Сэпир, Л. Блумфильд, Ч. Фриз.

76. Америка структурализмининг вакиллари кимлар?

- а) Ф. Боп, Р. Раск, Я. Гримм;
- б) Л.Ельмслев, В.Брэндаль, Х.Ульда;
- в) В.Матезиус, М.Вахек, Б.Гавранек;
- г) Ф.Боас, Э.Сэпир, Л.Блумфильд, Ч.Фриз;
- д) А. Шлейхер, Г. Штейнталь, А. А. Потебня.

77. Копенгаген структурализмининг вакиллари кимлар?

- а) Р. Раск, Я. Гримм, В.Гумбольдт;
- б) Л.Ельмслев, В.Брэндаль, Х.Ульда;

- в) В.Матезиус, М.Вахек, Б.Гавранек, Н.С.Трубецкой, Р.О.Якобсон ;
- г) А. Г.Штейнталь, А.А. Потебня;
- д) А. Шлейхер, Ф. Де Соссюр, В. Гумбольдт.

78. Рус тилшунослигида қайси асрдан бошлаб, рус миллий адабий тили меъёрларини яратишга киришилди?

- а) XVIII асрнинг 30 йилларидан;
- б) XVI асрнинг 20 йилларидан;
- в) XIX асрнинг 30 йилларидан;
- г) XX асрдан;
- д) XX асрнинг 50 йилларидан.

79.Рус тилшуносларидан қимлар 7 томли тўлиқ санскрит луғатини яратди?

- а) В.Р.Розен
- б) И. Рейхман;
- в) С. Паллас;
- г) Отто Бетлинг ва Рудольф Рот;
- д) В. Виноградов.

80. Қим биринчи бўлиб рус тили грамматикасини яратди?

- а) В.Виноградов;
- б) А.А.Потебня;
- в) Иван Бодуэн де Куртене;
- г) М.В.Ломоносов;
- д) А. Шахматов.

81. «Россия грамматикаси» асари нечта қисмдан иборат?

- а) олти қисмдан;
- б) саккиз қисмдан;
- в) тўрт қисмдан;
- г) беш қисмдан;
- д) уч қисмдан.

82. М. В. Ломоносов тилни қандай восита деб тушунди?

- а) алоқа воситаси;
- б) белгилар воситаси;
- в) моддий восита;
- г) семиотик восита;
- д) ижтимоий восита.

83. М.В. Ломоносов рус адабий тилида нечта услубни - стилни ажратди?

- а) тўрт услубни;
- б) беш услубни;
- в) уч услубни
- г) олти услубни;
- д) икки услубни.

84. Компаративистика нима?

- а) амалий тилшунослик;
- б) қиёсий тилшунослик;
- в) қиёсий – тарихий тилшунослик;
- г) назарий тилшунослик;
- д) этимологик тилшунослик.

85. Тилшунослик алоҳида фан сифатида қайси асрда шаклланди?

- а) XX аср охирида;
- б) XVIII аср охирида;
- в) XVII аср охирида;
- г) XIX асрнинг биринчи ярмида ;
- д) XII аср бошида.

86. В.Виноградовнинг энг буюк асари қайси?

- а) «Россия грамматикаси»;
- б) «Умумий тилшунослик»;
- в) «Тилшуносликка кириш»;
- г) «Рус тили»;
- д) «Рус тилининг этимологик луғати».

87. Умумий назарий тилшунослик асослари ким томонидан яратилди?

- а) А.А.Потебня;
- б) В.Ф. Гумбольдт;
- в) Я.Гримм;
- г) М.Мюллер;
- д) В. Виноградов.

88. В.Ф.Гумбольдт тилнинг қайси жиҳати ҳақида таълимот яратди?

- а) тилнинг «ташқи формаси» ҳақида;
- б) тилнинг «формаси» ҳақида;
- в) тилнинг «ички формаси» ҳақида;
- г) тилнинг товуши ҳақида;

д) тилнинг бирликлари ҳақида.

89. Тилнинг систем характерга эга эканлигига даставвал ким эътибор берди ?

- а) А.Шлейхер;
- б) Г.Курциус;
- в) А.Потт;
- г) В.Ф. Гумбольдт;
- д) Ф. де Соссюр.

90. Натурализм тилга қандай ҳодиса сифатида қаради?

- а) ижтимоий ҳодиса;
- б) руҳий ҳодиса;
- в) биологик ҳодиса;
- г) моддий ҳодиса;
- д) амалий ҳодиса.

91. Натурализм оқимининг машҳур вакили ким?

- а) А.Потт;
- б) А.А.Потебня;
- в) Корш;
- г) А.Шлейхер;
- д) Ф.де. Соссюр.

92. Психологизм тилга қандай ҳодиса сифатида қаради?

- а) биологик ҳодиса;
- б) моддий ҳодиса;
- в) ижтимоий ҳодиса;
- г) руҳий ҳодиса;
- д) амалий ҳодиса.

93. Психологизм оқимининг машҳур намояндаси ким?

- а) В.М.Ломоносов;
- б) В.В.Радлов;
- в) А.Шлейхер;
- г) Г.Штейнталь;
- д) В. Виноградов.

94. Психологизм оқими вакилларида ким тилни тафаккурдан ажратмади?

- а) А.А.Потебня;
- б) Г.Штейнталь;

- в) А.Шлейхер;
- г) Корш;
- д) Ф. де Соссюр.

95. Шўро даври тилшунослиги тилни материалига кўра қандай ҳодиса деб тушунтиради?

- а) руҳий ҳодиса;
- б) ижтимоий ҳодиса;
- в) моддий ҳодиса;
- г) тарихий ҳодиса;
- д) амалий ҳодиса.

96. Шўро даври тилшунослигида тил пайдо бўлишига кўра қандай ҳодиса деб тушунилди?

- а) биологик ҳодиса;
- б) моддий ҳодиса;
- в) руҳий ҳодиса;
- г) ижтимоий ҳодиса;
- д) сунъий ҳодиса.

97. Тил, асосан, қандай вазифани бажаради?

- а) эмотив вазифани;
- б) коммуникатив вазифани;
- в) информатив вазифани;
- г) номинатив вазифани;
- д) факультатив вазифани.

98. Фонема назарияси ким томонидан яратилган?

- а) Н.Я.Марр томонидан;
- б) И.И Мещанинов томонидан;
- в) Л.В.Щерба томонидан;
- г) В.В.Виноградов томонидан;
- д) А. А. Шахматов томонидан.

99. Лингвистиканинг қандай турлари мавжуд?

- а) ички, ташқи, динамик, статик, синхрон, диахрон, математик лингвистика ва бошқалар;
- б) этимологик лингвистика;
- в) этнографик лингвистика;
- г) топонимик лингвистика;
- д) тарихий лингвистика.

100. Тил бирлигининг икки жиҳати нимадан иборат?

- а) субстанция ва шаклдан;
- б) умумийлик ва хусусийликдан;
- в) шакл ва мазмундан;
- г) ички ва ташқидан;
- д) моддий ва номоддийдан.

101. Нутқ нима?

- а) тилдан фикр алмашув мақсадида фойдаланиш жараёни;
- б) тилдаги хотира;
- в) синтактик ифода тури;
- г) лингвистиканинг бир бўлими;
- д) ижтимоий-тарихий категория.

102. Система нима?

- а) қисмлардан иборат бутунлик;
- б) маъно;
- в) тузилиш;
- г) тилнинг ривожланиш қонуни;
- д) барқарор бутунлик.

103. Структура нима?

- а) моҳият;
- б) маъно;
- в) тузилиш, қурилиш;
- г) тилнинг ривожланиш қонуни;
- д) барқарор бутунлик.

104. Структурализм таълимоти тил назариясининг асоси деганда нимани тушунади?

- а) натурализмни;
- б) аналогияни;
- в) тил структурасини;
- г) социологияни;
- д) психологизмни.

105. Семиотика нима?

- а) турли-туман белгилар системасининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фан;
- б) тилшуносликнинг сўз ва морфемаларнинг келиб чиқиши ҳамда тарихини ўрганувчи бўлими;

в) омонимларнинг тилда пайдо бўлишини, келиб чиқиши ва тарқалишини ўрганувчи соҳа;

- г) лексикологиянинг жой номларини ўрганувчи бўлими;
- д) табиий тилларнинг математик моделини ўрганувчи фан.

106. Тилнинг семиотика фанига қандай алоқаси бор?

- а) мажбурий;
- б) тасодифий;
- в) бевосита;
- г) моддий;
- д) шаклий;

107. Тилнинг ички жиҳатига нима киради?

- а) шакл;
- б) ҳодиса;
- в) маъно, мазмун;
- г) умумийлик;
- д) сабаб.

108. Тил бирликлари қайсилар?

- а) сўз, сўз бирикмаси, гап;
- б) фонема, морфема, лексема, модель;
- в) жумла, микроматн, макроматн;
- г) фонема, мофема, лексема, сўз бирикмаси;
- д) фонетик бирлик, синтактик бирлик.

109. Нутқ бирликлари қайсилар?

- а) фонема, сўз, лексема, қолип ;
- б) жумла, микроматн ва макроматн;
- в) товуш, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн;
- г) сўз, сўз бирикмалари;
- д) лексема, синтактик қолиплар.

110. Ифодаловчи нима?

- а) ғоя;
- б) топономика;
- в) лисоний бирликларнинг ташқи - товуш томони;
- г) тил (нутқ) бирлигининг ички томони;
- д) тушунча.

111. Ифодаланувчи нима?

- а) ҳукм;
- б) модель;
- в) тил (нутқ) бирликларининг ички - маъно томони;
- г) коннотация;
- д) сўз бирикмаси.

112. Тилларни турига кўра тасниф қилиш қандай аталади?

- а) генеологик тасниф;
- б) типологик тасниф;
- в) семантик тасниф;
- г) синтактик тасниф;
- д) этимологик тасниф.

113. Тилларни келиб чиқишига кўра тасниф қилиш қандай аталади?

- а) генеологик тасниф;
- б) типологик тасниф;
- в) семантик тасниф;
- г) синтактик тасниф;
- д) этимологик тасниф.

114. Н.Я. Марр фаолиятининг икки қиррасини кўрсатинг.

- а) машҳур археолог ва филолог;
- б) сиёсатшунос ва филолог;
- в) этнограф ва филолог;
- г) врач ва филолог;
- д) тарихчи ва филолог.

115. Паралингвистика нимани ўрганади?

- а) тилларнинг келиб чиқиш тарихини;
- б) тил бирликларининг мазмун жиҳатини;
- в) эмоцияларнинг тилда ифодаланишини;
- г) тил ва нутқ бирликларининг шаклий томонини;
- д) тилшуносликнинг алоқа – аралашув жараёнидаги имо – ишора, мимика, нутқ вазияти каби омилларни.

116. Иерархик муносабат нима?

- а) тил бирликларининг ўхшашлик муносабати;
- б) тил бирликларининг мураккаблашиш (поғонавий) муносабати;
- в) бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати;
- г) тил бирликларининг ёнма – ён жойлашиш (қўшничилик) муносабати;
- д) нутқ бирликларининг ўзаро тобелик муносабати.

117. Парадигматик муносабат қандай муносабат?

- а) бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати;
- б) тил бирликларининг поғонавий (иерархик) муносабати;
- в) тил бирликларининг муайян изчилликда келиши;
- г) сўз таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси;
- д) нутқ бирликларининг ўзаро тобелик муносабати.

118. Синтагматик муносабат қандай муносабат?

- а) сўз бирикмаси ҳамда гап қисмларининг ўзаро боғланиши;
- б) отларнинг турланиши;
- в) тил бирликларининг кетма-кет (ёнма – ён) жойлашиши ;
- г) феълларнинг тусланиши;
- д) тил бирликларининг вертикал жойлашиши.

119. Компьютер лингвистикаси нимани ўрганади?

- а) лисоний бирликларнинг келиб чиқишини ;
- б) матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни ;
- в) лексикологиянинг жой номларини ;
- г) имо – ишора, мимика, нутқ вазияти кабиларни ;
- д) тилнинг ижтимоий тараққиётини .

120. Типология нимани ўрганади?

- а) нутқни;
- б) тилларни типологик тасниф қилиш принципи ва усул-ларини ;
- в) географик номларни;
- г) имо-ишораларни;
- д) луғат таркибини.

121. Фонема нима?

- а) маъно;
- б) тилнинг энг кичик моддий бирлиги - товуш;
- в) фикр ифодаловчи бирлик;
- г) омоним;
- д) тушунча.

122. Сўз шакллари деганда, қандай шакллар тушунилади?

- а) синтетик шакл;
- б) аналитик шакл;
- в) синтетик, аналитик, синтетик – аналитик шакл;
- г) морфологик – грамматик шакл;
- д) синтетик – аналитик шакл.

123. Морфема нима?

- а) тил бирлиги, тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган энг кичик қисми;
- б) сўз маъноси;
- в) тилнинг луғат таркибига хос бирлик;
- г) тилнинг моддий томони;
- д) тушунча.

124. Лисоний бирликларнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги боғланиш қандай боғланиш?

- а) сиёсий боғланиш;
- б) амалий боғланиш;
- в) ижтимоий боғланиш;
- г) шартли- ижтимоий боғланиш;
- д) фалсафий боғланиш.

125. Систем тилшуносликда лексеманинг шакл томони қандай номланади?

- а) морфема;
- б) семема;
- в) лексема;
- г) номема;
- д) синтагмема.

126. Систем тилшуносликда лексеманинг маъно томони қандай номланади?

- а) морфема;
- б) семема;
- в) лексема;
- г) номема;
- д) синтагмема.

127. Система ва структура қандай категория?

- а) сиёсий категория;
- б) амалий категория;
- в) ижтимоий категория;
- г) фалсафий категория;
- д) мантиқий категория.

128. Таниқли ўзбек тилшунослари кимлар?

- а) Замахшарий, Меҳдихон;

- б) А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, Ш.Рахматуллаев, А.Ҳожиев, Ҳ.Неъматов ва бошқалар;
- в) Корш, А.А.Потебня;
- г) А.Шлейхер, А.К.Боровков, Ғози Олим Юнусов;
- д) Ф. де. Соссюр.

129. Метод нима?

- а) фикрлашни ўрганиш усули;
- б) предметни ўрганиш усули;
- в) ҳодисани ўрганиш усули;
- г) предмет-ҳодисаларни илмий таҳлил қилиш, уларнинг моҳиятини, табиатини, таркиби кабиларни аниқлаш, улардан илмий хулосалар чиқариш усули;
- д) товушни ўрганиш усули.

130. Методика нима?

- а) фактларни йиғиш усули;
- б) фактларни таҳлил қилиш усули;
- в) олимнинг тадқиқ манбаини мукамал текшириш, индивидуал иш олиб бориш усули;
- г) умумлаштириш усули;
- д) ахборот бериш усули.

131. Методология нима?

- а) дунёқараш;
- б) тадқиқотчининг илмий дунёқарашини, унинг тадқиқ манбаини қандай тушуниши, унга қайси метод билан ёндашиши, у ҳақда назарий ёки амалий, тавсифий билимларни ҳосил қилиши;
- в) амалиёт;
- г) назария;
- д) ғоя.

132. Методнинг қандай кўринишлари мавжуд?

- а) илмий;
- б) фалсафий;
- в) назарий;
- г) формал;
- д) фалсафий (диалектик, умумий) ва фанга оид (хусусий).

133. Тилшуносликнинг тадқиқот методлари нечта?

- а) иккита;
- б) бешта;
- в) еттита;
- г) тўққизта;
- д) ўнта.

134. Диахрон тадқиқот методи қандай метод?

- а) тарихий метод;
- б) синхрон метод;
- в) янги метод;
- г) амалий метод;
- д) назарий метод.

135. Диахрон тадқиқот методига қайси методлар киради?

- а) структурал метод;
- б) автоматик таҳлил қилиш методи;
- в) типологик метод;
- г) экспериментал метод;
- д) тасвирий, қиёсий-тарихий, чоғиштириш, тарихий-қиёсий, типологик метод.

136. Тасвирий методнинг мақсади нимадан иборат?

- а) лисоний бирликларни тасвирлаш, тавсифлаш;
- б) лисоний бирликларни шаклан гуруҳлаш;
- в) лисоний бирликларни мазмунан гуруҳлаш;
- г) лисоний бирликларга фалсафий ёндашиш;
- д) лисоний бирликларга формал-семантик ёндашиш.

137. Қиёсий-тарихий методнинг мақсади нимадан иборат?

- а) тилларни шарҳлаш;
- б) қариндош тилларни қиёслаб, улар ўртасидаги ўхшашлик-умумийликни аниқлаш;
- в) тилларга тарихий ёндашиш;
- г) тилларни чоғиштириш;
- д) тилларни умумлаштириш.

138. Қиёсий-тарихий метод қайси тилшуносликнинг яратилишига хизмат қилди?

- а) структурал тилшуносликнинг;
- б) систем тилшуносликнинг;

- в) қиёсий-тарихий тилшуносликнинг;
- г) назарий тилшуносликнинг;
- д) синхрон тилшуносликнинг.

139. Қиёсий-тарихий методнинг асосчилари кимлар?

- а) В. Гумбольдт, А. А. Потебня;
- б) Ф. Бопп, Р. Раск, Я. Гримм, А. Востоков;
- в) А. Шлейхер, А. Марр, Ф. Фортунатов;
- г) Навоий, Курциус, М. Замахшарий;
- д) М. Меҳдихон, В. Виноградов.

140. Чоғиштириш методининг мақсади нимадан иборат?

- а) тилларни статистик текшириш;
- б) тилларни тарихий ўрганиш;
- в) тилларни эксперимент қилиш;
- г) қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни қиёслаш;
- д) қариндош тилларни таққослаш.

141. Тарихий-қиёсий методнинг мақсади нимадан иборат?

- а) тилларни компонент таҳлил қилиш;
- б) тилларни тасниф қилиш;
- в) тилларни синхрон ўрганиш;
- г) тилларни типологик ўрганиш;
- д) бир тилни ёки қариндош тилларни тарихий жиҳатдан қиёслаб, улардаги умумийликни ва фарқларни аниқлаш.

142. Типологик методнинг мақсади нимадан иборат?

- а) тилларни автоматик таҳлил қилиш;
- б) қариндош ва қариндош бўлмаган тилларни қиёсий ўрга-ниб, улар тузилишига хос умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш;
- в) тилларни морфологик тасниф қилиш;
- г) тилларни генеологик тасниф қилиш;
- д) тилларни тузилишига кўра ўрганиш.

143. Синхрон тадқиқот методи қандай метод?

- а) ҳозирги - вақт жиҳатидан юзага келишига, қўлланишига кўра янги, замонавий метод;
- б) тарихий метод;
- в) қиёсий-тарихий метод;
- г) статистик таҳлил методи;
- д) тавсифий метод.

144. Дистрибутив таҳлил методининг мақсади нимадан иборат?

- а) лисоний бирликларнинг нутқда жойлашган ўрнини, муайян тартибда келишини, ўзаро боғланишини ўрганиш;
- б) лисоний бирликларни фонетик таҳлил қилиш;
- в) лисоний бирликларни таржима қилиш;
- г) лисоний бирликларни этимологик таҳлил қилиш;
- д) лисоний бирликларни синтактик таҳлил қилиш.

145. Дистрибуция нима?

- а) лисоний бирликларни аниқлаш;
- б) лисоний бирликларни қиёслаш;
- в) лисоний бирликларнинг учраши, қўлланиши мумкин бўлган жамаки курашов;
- г) лисоний бирликларни ўзаро боғлаш;
- д) лисоний бирликларни фонетик таҳлил қилиш.

146. Статистик таҳлил методининг вазифаси нимадан иборат?

- а) лисоний бирликларни компонент таҳлил қилиш;
- б) лисоний бирликларнинг нутқда ишлатилиш миқдорини аниқлаш;
- в) лисоний бирликларни маъно жиҳатдан таҳлил қилиш;
- г) лисоний бирликларни автоматик таҳлил қилиш;
- д) лисоний бирликларни сўз туркимларига ажратиш.

147. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методининг вазифаси нимадан иборат?

- а) сўз бирикмаси ва гапнинг тузилишини аниқлаш;
- б) сўз бирикмаси ва гапни валентлик таҳлил қилиш;
- в) сўз бирикмаси ва гапни таржима қилиш;
- г) сўз бирикмаси ва гапни лексик таҳлил қилиш;
- д) сўз бирикмаси ва гапни тарихан ўрганиш.

148. Трансформацион таҳлил методининг вазифаси нимадан иборат?

- а) синтактик бирликни (гапни) қисмларга ажратиш;
- б) синтактик бирликни (гапни) мазмунига кўра таҳлил қилиш;
- в) синтактик бирликни (гапни) тузилишига кўра таҳлил қилиш;
- г) синтактик бирлик (гап) асосида ҳосил қилинган бошқа гапларни аниқлаш ва уларни ядро гап билан қиёслаш;
- д) синтактик бирликни (гапни) чет тилига таржима қилиш.

149. Компонент таҳлил методининг вазифаси нимадан иборат?

- а) сўз маъносини этимологик ўрганиш;

- б) сўз маъносини изоҳлаш;
- в) сўз маъносини таркибий қисмларга – компонентларга ажратиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш;
- г) сўз маъносини синхрон ўрганиш;
- д) сўз маъносини диахрон ўрганиш.

150. Семема нима?

- а) маъно;
- б) товуш;
- в) шакл;
- г) оҳанг;
- д) гап.

151. Сема нима?

- а) семема;
- б) мазмун;
- в) маънонинг таркибий қисми, маъновий бўлак;
- г) сигнификат;
- д) денотат.

152. Валентлик таҳлил методининг вазифаси нимадан иборат?

- а) сўзни формал таҳлил қилиш;
- б) сўз маъносини аниқлаш;
- в) сўзни тарихан ўрганиш;
- г) сўзни таржима қилиш;
- д) сўзнинг маъноси асосида бошқа сўзлар билан бирикувини, бирикишини аниқлаш.

153. Экспериментал-фонетик таҳлил методининг вазифаси нимадан иборат?

- а) фонетик бирликларнинг (масалан, товушларнинг) артикуляцион, акустик хусусиятларини техник воситалар ёрдамида ўрганиш;
- б) фонетик бирликларнинг талаффуз қилиниш хусусиятларини ўрганиш;
- в) фонетик бирликларнинг нутқда қўлланиш хусусиятларини ўрганиш;
- г) фонетик бирликларнинг нутқда ўзгариш хусусиятларини ўрганиш;
- д) фонетик бирликларнинг эшитилиш хусусиятларини ўрганиш.

154. Экспериментал - фонетик метод қандай усуллар билан иш олиб боради?

- а) соматик усул билан;
- б) соматик, пневматик ва электрокустик усуллар билан;

- в) электроакустик усул билан;
- г) пневматик усул билан;
- д) қиёслаш усули билан.

155. Автоматик таҳлил методининг вазифаси нимадан иборат?

а) бир тилдаги лисоний бирликларни мазмун мезони асосида бошқа бир тилдаги муқобилига компьютер орқали таржима қилиш;

б) бир тилдаги лисоний бирликларни бошқа бир тилдаги муқобили билан қиёслаш;

в) бир тилдаги лисоний бирликларни компонент таҳлил қилиш;

г) бир тилдаги лисоний бирликларни дистрибутив таҳлил қилиш;

д) бир тилдаги лисоний бирликларнинг нутқдаги позицион имкониятларини ўрганиш.

**Тест саволларининг жавоблари
(Калит)**

1-Г	45-В	88-В	131-Б
2-А	46-Г	89-Г	132-Д
3-А	47-Г	90-В	133-А
4-Б	48-В	91-Г	134-А
5-А	49-А	92-Г	135-Д
6-Б	50-В	93-Г	136-А
7-В	51-Б	94-А	137-Б
8-Б	52-В	95-В	138-В
9-А	53-В	96-Г	139-Б
10-Г	54-Г	97-Б	140-Г
11-А	55-Г	98-В	141-Д

12-Г	56-Г	99-А	142-Б
13-Б	57-В	100-В	143-А
14-Б	58-Б	101-А	144-А
15-В	59-Г	102-А	145-В
16-А	60-А	103-В	146-Б
17-Г	61-Г	104-В	147-А
18-А	62-В	105-А	148-Г
19-Б	63-Б	106-В	149-В
20-В	64-В	107-В	150-А
21-Г	65-В	108-Б	151-В
22-А	66-А	109-В	152-Д
23-Г	67-Д	110-В	153-А
24-Г	68-В	111-В	154-Б
25-Г	69-В	112-Б	155-А
26-А	70-А	113-А	
27-В	71-Г	114-А	
28-Г	72-Г	115-Д	
29-А	73-А	116-Б	
30-А	74-Г	117-А	
31-Г	75-В	118-В	
32-Г	76-Г	119-Б	
33-А			
34-Б	77-Б	120-Б	
35-В	78-А	121-Б	
36-Г	79-	122-В	
37-Г	80-Г	123-А	
38-В	81-А	124-Г	
39-Г	82-А	125-Г	
40-Б	83-В	126-Б	
41-Б	84-В	127-Г	
42-Б	85-Г	128-Б	
43-Г	86-Г	129-Г	
44-Б	87-Б	130-В	

М у н д а р и ж а

Мухаррирдан	3
Сўз боши	7
Биринчи қисм	9
Тилшунослик тарихи	9
I. Қадимги асрлар тилшунослиги	9
Қадимги Ҳинд тилшунослиги.....	9
Қадимги Юнон тилшунослиги.....	16
1. Тилшуносликнинг фалсафий даври.....	16
2. Тилшуносликнинг грамматик даври	22
Қадимги Рим тилшунослиги.....	26
Қадимги Хитой тилшунослиги.....	30
II. Ўрта асрлар тилшунослиги	33
Араб тилшунослиги	36
Ўрта Осиёда тилшунослик.....	46
Абу Наср Форобий.....	46
Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал – Беруний.....	47
Абу Али ибн Сино.....	48
Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад Кошғарий	50
Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий	54
Алишер Навоий	57
Мирзо Меҳдихон.....	62
III. Европада уйғониш давридаги тилшунослик	66
Пор – Рояль грамматикаси.....	68
Рус тилшунослиги.....	73
Михаил Васильевич Ломоносов.....	74
IV. Компаративистика	78
Франс Бопп.....	81
Расмус Раск.....	82
Якоб Гримм.....	83
Александр Христофорович Востоков.....	84
Вильгельм фон Гумбольдт ва умумий тилшунослик.....	87
Август Шлейхер. Натурализм.....	93
Гейман Штейнталь. Психологизм.....	98
Александр Афанасьевич Потебня.....	100
Фердинанд де Соссюр. Социологизм. Социологик тилшу- нослик.....	105
Структурализм.....	111
Прага структурализи.....	111
Америка структурализи.....	112
Копенгаген структурализи.....	115

V. Шўро даври тилшунослиги.....	119
Иван Иванович Мещанинов.....	120
Лев Владимирович Щерба.....	121
Виктор Владимирович Виноградов.....	124
Евгений Дмитриевич Поливанов.....	126
Александр Иванович Смирницкий.....	128
Вадим Михайлович Солнцев.....	129
VI. Ўзбек тилшунослиги.....	132
Аюб Ғуломов.....	133
Саид Усмонов.....	135
Шоназар Шоабдурахмонов.....	138
Мазлума Асқарова.....	139
Ғанижон Абдурахмонов.....	140
Шавкат Раҳматуллаев.....	142
Миразиз Миртожиев.....	144
Азим Ҳожиёв.....	145
Раҳматулла Қўнғуров.....	147
Эрнст Бегматов.....	148
Бозор Ўринбоев.....	149
Ҳамид Неъматов.....	151
Абдуҳамид Нурмонов.....	153
Равшанхўжа Расулов.....	155
Ибодулла Мирзаев.....	157
Абдимурод Маматов.....	158
Низомиддин Маҳмудов	160
Хулоса	163
Иккинчи қисм.....	164
Тилшуносликнинг назарий масалалари	164
Лингвистика ва унинг турлари.....	164
Тилнинг таърифлари.....	171
Тил ва нутқ.....	180
Субстанция ва форма.....	191
Система ва структура.....	196
Тилни информация назариясига кўра код билан тенглашти- риш.....	204
Семиотика.....	205
Тилнинг икки жиҳати: ифода ва мазмун жиҳатлари.....	211
Тил ва нутқ бирликлари.....	217
Тил системаси.Парадигматика ва синтагматика.....	238
Типология.....	246
Хулоса.....	249
Учинчи қисм.....	250
Тилшуносликнинг тадқиқот методлари.....	250
Кириш. Метод ҳақида.....	250

I . Диахрон тадқиқот методлари.....	256
1.Тасвирий метод.....	256
2.Қиёсий - тарихий метод.....	259
3.Чоғиштириш методи.....	263
4.Тарихий - қиёсий метод.....	266
5. Типологик метод.....	267
II . Синхрон тадқиқот методлари.....	270
1.Дистрибутив таҳлил методи.....	271
2.Статистик таҳлил методи.....	273
3.Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи.....	275
4.Трансформацион таҳлил методи.....	278
5.Компонент таҳлил методи.....	281
6.Валентлик таҳлил методи.....	283
7.Экспериментал –фонетик таҳлил методи.....	286
8.Автоматик таҳлил методи.....	288
Хулоса.....	291
Тўртинчи қисм.....	292
“Умумий тилшунослик” фанидан тест саволлари... 	292
Тест саволларининг жавоблари (калит).....	322

6



Rasulov Ravshanxo'ja

O'zbekiston xalq ta'limi a'lochisi, O'zbekiston jurnalistlar uyushmasi a'zosi, O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 10 va 15 yilligi nishonlari sohibi, Nizomiy nomidagi TDPU «Umumiy tilshunoslik» kafedrasining mudiri, filologiya fanlari doktori, universitetda xizmat ko'rsatgan professor.

R.Rasulov o'zbek tilshunosligining leksikologiya, semasiologiya, leksikografiya, sintaksis, nutq madaniyati, umumiy tilshunoslik va rusiyzabon talabalarga o'zbek tilini o'qitish sohalari bo'yicha barakali mehnat qilib kelayotgan, qator ilmiy-nazariy va ilmiy-metodik asarlar yaratgan nazariyotchi olim.

